

81,633.1

Н 87

А.НУРМОНОВ, А.СОБИРОВ, Ш.ЮСУПОВА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ



СН0000036066

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**А. НУРМОНОВ, А. СОБИРОВ,
Ш. ЮСУПОВА**

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

*Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари
учун дарслик*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАЎБЛА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2002

Нурмонов А. ва бошқ.

Ҳозирги ўзбек адабий тили: Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик /А. Нурмонов, А. Собиров, Ш. Юсупова. — Т.: «Шарқ», 2002. — 352 б.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази.

1. 1,2 Муаллифдош.

ББК 81.2Ўз-922

К И Р И Ш

Сиз ўтган ўқув йилида «Ҳозирги ўзбек тили» предмети, ҳозирги ўзбек тилининг товуш тизими, морфемикаси ҳамда тиниш белгиларининг ишлатилиши юзасидан ўрта умумий таълимда олган билимларингизни чуқурлаштирдингиз. Фонема ва морфеманинг нутқ жараёнида хилма-хил кўринишларда намоён бўлишининг гувоҳи бўлдингиз.

Сизда тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари ҳақида муайян билим ва кўникмалар ҳосил қилинди.

2-босқичда ҳозирги ўзбек тилининг лексик тизими, сўзларнинг мазмуний тузилиши, уларнинг бир маънолилиги ва кўп маънолилиги, кўчма маънолар ва уларнинг пайдо бўлиш йўллари билан танишасиз.

Маълумки, тил ҳодисалари нутқда воқе бўлади. Ҳар бир халқ асрлар давомида ўз тили устида ишлаб, сайқаллаштириб, уни гўзаллаштириб боради. Халқнинг ижтимоий ҳаётида рўй берган барча ўзгаришлар унинг тилида, биринчи галда, луғат жамғармасида ўз аксини топиб боради. Шу маънода сўз ва унинг хусусиятлари ҳақида маълум бир тушунчаларга эга бўлиш, нутқда сўзлардан ўринли фойдалана олиш жонажон Ўзбекистонимизнинг келажаги саналган Сиз — ёшлар учун ниҳоятда муҳим саналади. «Таълим тўғрисида Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг ўз фикрларини ёзма ва оғзаки равишда эмин-эркин баён қила олишлари лозимлиги қайта-қайта таъкидланган.

Шунга асосланган ҳолда 2-босқичда ўзбек тили лексикологияси, луғатшунослиги, тил услублари, сўз туркумлари ва уларнинг хусусиятлари билан танишасиз.

Асосий мақсад Сизларни нуктадон, ҳозиржавоб, сўзга чечан авлод қилиб тарбиялашга қаратилган.

Тил оламига хуш келибсиз, азиз талаба ёшлар!

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



— жавоб беринг



— диққат қилинг



— эсда сақланг



— эътибор беринг



— ўйланг



— топинг



— ўқинг



— баҳс юритинг



— кўчиринг



1-д а р с

ЎТИЛГАНЛАРНИ ТАКРОРЛАШ

1-машқ. Шеърни бадий ўқиш санъатига риоя қилган ҳолда ўқинг ва ёд олинг. Унли ва ундош товушларни аниқлаб, уларга тавсиф беринг.

Ў З Б Е К И С Т О Н

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Н а қ о р а т

Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Қалқонингмиз қасд қилса ким гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Гулдай ўпиб асрагаймиз остонангни,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўргонингга.

Н а қ о р а т

Тузинг тотиб унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Тинч кунингни кўролмаган юртфурушлар
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.

Н а қ о р а т

Муҳаммад Юсуф

1.1. ФОНЕТИКА



Савол ва топшириқлар

1. «Фонетика» деганда нимани тушунаси?
2. Фонема ва товуш муносабати қандай?
3. Ҳарф ва фонема муносабати ҳақида гапиринг?
4. Унли товуш деб қандай товушларга айтилади?
5. Ундош товушларни қайси жиҳатларига кўра тавсиф қилиш мумкин?



2-машқ. Фонетик усул билан сўзлар ҳосил қилинишини аниқланг, бунга сиз ҳам мисоллар ёзинг (товуш ўзгариши, товушларнинг иккиланиши, товуш тушиб қолиши, товушларнинг ўрин алмашиши каби ҳодисаларга эътибор беринг).

Кўз-кўр, тун-кун, ака-ука, сиқ-суқ; силамоқ-сийламоқ, қатиқ-қаттиқ; тақа-тоққа, тоға-тақа, тошмоқ-шошмоқ.

3-машқ. Куйидаги сўзларни нутқ товушларининг ўзгариш қонуниятларига кўра изоҳланг.

Авҳол, дайра, турпоқ, истадион, устол, гиш, гўш, тралебус, тирактр, директир, парйот, айланайин, дамаз, кампютер.

4-машқ. Куйидаги талаффузи яқин сўзлар (паронимлар) орқали ифодаланган маъноларни тушунтиринг.

ЖАЙРОН-ЖИЙРОН

Жайрон нега кўзинг тўла ёш. (*Абдулла Орипов*).

Жийрон тогдан тоққа ўтиб, қаерга боришини билмасди.

СОДА-СОДДА

Сода табобат ва кулинарияда ишлатиладиган бикорбанатдир.

Сувга сода қўшиб, чайиб юборишни унутманг.

Содда-софдил, жўн, оддий.

Содда, ёқимли либослар ўзига ярашиб турган қизлар табассум билан қараб турарди. (Газетадан)

5-машқ. Сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қилаётган фонемаларни аниқлаб, шу сўзларнинг маъносини изоҳланг ва мисоллар келтиринг.

Сиқим — сиғим, сироп — сероб, судхўр — сутхўр, солиқ — солиҳ, сўқмоқ — суқмоқ, танг — тонг, узук — узик, уриш — уруш, ундаш — ундош, ана — она

6-машқ. Саволларга жавоб беринг.



1. Тил ва нутқнинг фарқини айтинг?
2. Товуш ва овознинг ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтириб беринг.
3. Ҳар бир нутқ органи қандай вазифа бажаради, таъриф беринг.
4. Нима учун нутқ органлари фаол ва пассив деб аталади.
5. Ундошларнинг ҳосил бўлиш ўрни деганда нималарни тушунасиз.
6. Фонема нима?
7. Сиз ўрганаётган тилларда унлилар миқдори қандай, ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.
8. «Ёшларга берилган имкониятлар» мавзусида матн тузинг, матнда ишлатилган айрим унли ва ундошларга тавсиф беринг.



7-машқ. Матнни ўқинг, ундош товушларни аниқлаб, уларни қуйида берилган гуруҳлар бўйича ажратинг.



1. Болаликда қуёш секин чиқаётгандек бўлаверади.
Кексаликда қуёш тез ботаётгандек бўлаверади.
2. Ит тумшугини суққани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди.
Номард тош отгани билан тоғ қулаб тушмайди.
3. Виждонли инсон учун «Шу менинг мушқулимни осон қилармикин» деб бировнинг кўзига термулишдан ортиқ азоб йўқ.

Ў. Ҳошимов

1. Пайдо бўлиш ўрнига кўра
 - а) лаб ундошлари;
 - б) тил ёки тил-тиш ундошлари;
 - в) бўғиз ундошлари.

2. Айтилиш усулига кўра

- а) портловчилар;
- б) сиргалувчилар.

3. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра

- а) жарангли ундошлар;
- б) жарангсиз ундошлар.

4. Овознинг иштирокига кўра

- а) сонорлар;
- б) шовқинлилар.

5. Таркибига кўра

- а) соф ундошлар,
- б) қоришиқ ундошлар:



8-машқ. «Мафкура — миллат туғи», «Ал-Хоразмий», «Абу Али ибн Сино» ёки шунга ўхшаш миллатимиз даҳолари ҳақида матн тузинг. Унда ишлатилган сўзларни тубандаги жадвалга кўчириб ёзинг. Ўзбек алломалари ҳақида савол-жавоб уюштиринг.

Қўш ундошли сўзлар	Такрор ундошли сўзлар	Қатор келадиган ундошли сўзлар



9-машқ. Берилган матни қуйидагича таҳлил қилинг.

а) орфоэпик меъёр асосида ўқиб, магнитофон лентасига ёзиб олинг ва эшитинг. Матндаги адабий талаффуздан чекинишга йўл қўйилган ўринларни аниқланг, дафтарингизга кўчиринг ва изоҳланг;

б) ёндош ундошларни аниқлаб, талаффузини изоҳланг;

в) матндаги айрим сўзларнинг умумий талаффузида ҳозирги адабий тил меъёридан чекинишлар борлигини аниқланг.

Ёши элликдан ошибди. Қанчадан-қанча нарсаларни кўрибди. Қизиқ. Нималарни кўрди? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани кўрмаганга ўхшайди. Рўпарасида зулмат, ортига ўтирилиб қараса, қоронғу — бўшлиқ. Фақат уқубат учун

туғилган одам ҳам у каби укубат чекмаса керак. Қоқ суяк топган ит ҳам ўзини бахтли ҳис қилар балки. Шунча бойлиги бўла туриб нима учун Асадбек бахтсиз?..

Ҳар бир одамнинг бахт дарахти ўзига алоҳида бўлади. Бу бахт дарахтини бойлик булоғи суви билан суғориб мева олмоқчи бўлганлар янглишадилар.

Асадбек ана шу адашувчилардан бири эди.

Фақат иймон булоғидан сув ичган бахт дарахтигина ширин мева беришини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

Асадбек ана шу англамаганлардан бири эди.

Зулм булоғидан сув ичган бахт дарахти қиёматда заққум дарахтига айланажагидан барча хабардорми?

(Тоҳир Малик)



10-машқ. Гапларни кўчириб ёзинг, сўнгра уларни нутқнинг фонетик бўлиниши бўйича таҳлил қилинг, ҳар бир гап таркибида нечта синтагма (такт), сўз, бўғин ва товушларнинг борлигини аниқланг.

Н а м у н а: Энг буюк жиҳод: инсоннинг нафси билан: шайтон билан қилган: жиҳодидир: Сен ҳам:доим: уларга қарши кураш.

И з о ҳ: Синтагмалардан сўнг икки нуқта қўйилган.

Бу гап 7 та синтагма (такт) дан иборат бўлиб 16 та сўзга, сўзлар эса 33 та бўғин ва 82 та товушга бўлинади.

1. Ёлғиз қолишинг ёмон одамлар билан бирга бўлишингдан яхшироқдир. Буни уқиб ол. Ёмон одамлардан ҳамиша узоқ юр.

2. Ҳақ дўстларинг кўнгилларини асло ранжитма. Хафа қилсанг, душманларингнинг орзуларини бажарган бўласан. Натижада азобларга қоласан.

3. Ёмонликлардан йироқ юрмоқчи бўлсанг, тилингга эҳтиёт бўл. Ё яхши гаплардан гапир ёхуд сукут сақла.

4. Эй инсон, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир: тилинг сени ё саодатманд этади, ёхуд ҳалокатга бошлайди.

5. Эй инсон, билмаганингни ҳамиша сўра. Олимнинг ёнидан айрилма. Ундан олган файз ила атрофни мунавар айла.

(М. Камол)



11-машқ. Шеърин матнни дафтарингизга кўчиринг, бўғинларнинг турларини аниқлаб, очиқ бўғиннинг остига бир, ёпиқ бўғиннинг тагига икки чизик чизинг. Урғуларини ҳам аниқланг.

Айтилмаган бир қўшиқсан,
Жайхундирсан, Сайхундирсан,
Сен-да Суғдсан, Сенда Шошсан,
Кўҳна Турон — она тилим.
Жалолиддин Мангуберди,
«Юртим» деди, «тилим» деди
Чингизхон ҳам минг ҳавасда:
«Шундай бўлса ўғлим», — деди!
Суғд ёзуви, ўз ёзувим,
Туркий тилим, ўзбек тилим.



12-машқ. «Амир Темури ўғитлари» мавзусида ҳикояча тузинг. Унда сўзлар таркибида келаётган ундош товушларга диққат қилинг.



13-машқ. Дарсга бир дона майса олиб келинг. Уни таъриф у тавсиф этиб матн тузинг. Матн ичида келаётган унли ва ундош товушларга, уларнинг ишлатилиш ўринларига диққат қилинг. Матн мазмунини ёритишда сизга қуйидаги парча ёрдам беради.

Зилдай замин дарз кетибди,
Қилдай майса дастидан...

(Т. Содиқова)

Таянч тушунчалар:

Фонетика, товуш, унли товуш, ундош товуш, жарангли ундош товуш, жарангсиз ундош товуш, сирғалувчи товуш, портловчи товуш, сонор товуш, ён товуш, титроқ товуш.

1.2. МОРФЕМИКА



14-машқ. Қуйидаги қўшимчаларни дафтарингизга кўчириб ёзинг, уларни сўзларга қўшинг. Қўшимчаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги вариантларини ҳам айтинг.

— кўр, — гил, — гил, — қил, — инг, — унг, — йин,
— айин, — ай, — й, — мак.

Н а м у н а: қилгил (қилгил)

Бори элға яхшилиғ қилғилки мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

(Бобур)

15-машқ. Берилган сўзларни морфемаларга ажратиб таҳлил қилинг.

Фазилатлари, ўқиганимда, барқарорлик, ватандошимиз, фахрланишга, қиёфасини, соғинчнинг, ғурурланишди, авайлайлик, асранди, доғлаб, кучайтирди.

Н а м у н а: *баракасини барака — ўзак, — си, — эгалик қўшимчаси. III шахс, бирликни ифодаловчи қўшимча, -ни — тушум келишиги қўшимчаси.*



16-машқ. «Бугунги ҳаракат — эртанги баракат» мавзусида ижодий иншо ёзинг.

17-машқ. Гапларни ёзинг ва қора ҳарфлар билан ёзилган сўзларни таркибга ажратинг.

1. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, агар **баҳамжиҳат** бўлиб, **ақл-заковатимизни** тўла ишга солиб меҳнат қилсак, албатта, энг тараққий этган мамлакатларга етиб оламиз.

2. Тарихга «Компьютер асри» номи билан кирган ушбу аср нафақат **бизнинг Ўзбекистонда**, балки бутун жаҳонда ўчмас из қолдиради.

3. Эй одам фарзандлари, **умрларингизни** тавба ва яхши амал билан безанглар, бошқаларга ёмонлик қилишдан ўзингизни сақланглар.

4. Дунё **яралибдики**, энг эзгу қадриятлар, урф-одатлар, миллий ифтихор туйғулари миллатларни асрлар давомида маънавий камол топтириб, **ақлий салоҳиятини** уйғотиб келади. (М. Мирзо).

5. Илмга ташналик, тил билиш, билим олишга иштиёқ, ҳаётни **яхшилашга** жадду жаҳд мени хурсанд қилади.

6. Истиқлол берган энг буюк неъмат ўзликни англаш, миллий ғурур ва ориятни тиклаш бўлди. (*Газетадан*)



18-машқ. Кўчиринг, ўзак ва сўз ясовчи қўшимчаларни аниқланг.

Миллатларнинг ўз миллий қадриятларига эъзози, ҳурмати ва садоқати қанчалар улуғ бўлса, уларнинг

жаҳонда тутган ўрни, нуфузи ҳам шунчалар юксак бўлиб борар экан.

Шуниси қувончлики, дунёга ўз эзгу-қадриятлари билан машҳур бўлган халқлар ичида биз Ватан деб эъзозлаётган шу қадим юртнинг, аجدодларимизнинг ҳам ўз ўрни бор. Айни пайтда ўз қадриятларимизнинг умуминсоний жиҳатларидан фахрланиш билан бирга ўзга миллатларнинг бетакрор урф-одатларига ҳурмат билан қараймиз.

Мен ёшлигимдан ҳиндларнинг меҳмони келганда, никоҳ ва бошқа маросимларда қадрдонлари бўйнига гулчамбар тақишларидан таъсирланаман. Яна ҳиндларнинг ота-онаси билан кўришаётганда эгилиб хоки-пойини кўзга суртишлари, ҳатто ҳинд аёлларининг турмуш ўртоғига нисбатан шундай ҳурмати ҳам мен учун ниҳоятда гўзал ва бетакрор бўлиб туюлади. Японлар-чи, раҳбарми, оддий ишчими, аёлми ёки эркакми, бир-бирлари билан дуч келганда ним табассумда эгилиб саломлашади.

Бутун дунёдаги жуда кўп халқлар биз — ўзбекларнинг ота-онага, устозга бўлган ҳурматимиз, нонга нисбатан эъзозимиз, марҳумлар руҳига бўлган эътиборимиз, туғилиб ўсган макон — Она юртга меҳр-муҳаббатимиз, дуони қадрлашимиз, маҳалла-қўйдаги оқибатимиз, ибо, ҳаё, садоқат, ор-номусни жойига қўйишимизга ҳавас билан қарашади, тан беришади.

(М. Мирзо)



19-машқ. Матнни ўқинг, ўзбек тилининг ривожига муносиб ҳисса қўшган қандай тилшунос олимларни биласиз, улар ҳақида сўзлаб беринг.

АЛИБЕК РУСТАМОВ
(1931)

Филология фанлари доктори (1968), профессор (1968), Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Алибек Рустамов (1995), ўзбек тили тарихи, тилнинг бадиий-эстетик вазифаси, тилшуносликнинг умумий масалалари бўйича бир қанча асарлар яратди. Хусусан, «Навоийнинг бадиий маҳорати» (1979), «Қофия нима?» (1975), «Маҳмуд Замаҳшарий» (1971), академик Фанижон Абдураҳмонов билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий асарларининг грамматик хусусиятлари» асарлари алоҳида қимматга эга.

Академик Алибек Рустамов олий ўқув юртларида филология таълимини юксалтириш соҳасида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Жумладан, Ғанижон Абдурахмонов билан ҳамкорликда ёзган «Қадимги туркий тил» (1982) ўқув қўлланмаси қадимги туркий манбаларни ўқиш ва уларни таҳлил этиш бўйича талабаларнинг доимий ҳамроҳига айланиб қолди.

Уйга топшириқ. Она тили фанининг фонетика, морфемика, морфология бўлими бўйича бошқотирма тайёрланг.



20-машқ. «Дилхирож», «Шошмақом», «Лазги», «Ушшоқ» каби мумтоз куйлардан намуналар эшитиб, улар асосида гаплар тузинг. Тузган матнингиз ичида энг кўп қўлланган фаол сўз ясовчи қўшимчаларни ажратиб, уларни изоҳланг.

21-машқ. Сўзларнинг қандай ясалганлигини аниқланг.

Соғломлаштириш, замондош, ишбилармон, кўкарди, ҳамфикр, олтингугурт, салмоқдор, Оққўргон, Сойгузар, машаққатли, таржимон, етимпарварлик, хўранда, хурфикр, мухторият, ақллилик, зардўзлик, инсонийлик, саховатпеша, фойдаланмоқда, текислаш, тетапоя, жиловкорлар, суғурталаш, технология, долзарб, оқилона, оромижон.

Таянч тушунчалар:



ўзак, қўшимча, сўз ясовчи қўшимча, сўз шакли ясовчи қўшимча, сўз ўзгартирувчи қўшимча, олд қўшимча.

1.3. СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИ ТАКРОРЛАШ, ЭСГА ОЛИШ

22-машқ. Қўшимчалар қўшиш йўли билан сифат яшаш маҳсулдор усул саналади. Шунга асосланган ҳолда куйидаги қўшимчалар ёрдамида сўзлар ҳосил қилинг.

— ма, — дор, сер — , ба — , бе — , — манд, — кор, — сиз, — чак, — чан, — чоқ, — чиқ, — қоқ, — ағон, — ман, — илдоқ, — намо, бад — , — дон, — боп, — чил, хуш — , — каш...



23-машқ. Уйга топшириқ. Кўчиринг. Матндаги сўзларни бир-биридан вертикал чизиқ билан ажратиб, устига қайси сўз туркумига оидлигини ёзиб қўйинг.

Болаларимга, невараларимга разм соламан. Улар бош-қача фикрлайдиган кишилар бўлиб ўсмоқдалар. Мен янги асрда ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг хонадо-ни обод ва фаровон бўлишини, ҳар бир киши ўз иши, умридан рози бўлиб яшашини истайман.

Олимларимиз, адибларимиз энг нуфузли халқаро мукофотлар соҳиби бўлсалар, спортчиларимиз шода-шода медаллар олсалар, Осиё ўйинлари, олимпиада ўйинлари бизнинг ватанимизда ўтса — бу менинг орзум. Иншооллоҳ, шундай бўлади ҳам. Янги аср чин маънода ҳамкорлик, ўзаро рақобат ва айнаи вақтда ўзаро кели-шувлар асри бўлажак.

Бунда нафақат ишбилармонлик, ақлий салоҳият ку-чини кўрсатади, балки маънавий комиллик ҳам зарур бўлади. Тараққиёт инсон қўли билан бўлар экан, жами-ят соғломлиги тараққиёт кафолати экан, меҳр-оқибат, мурувват ва саховатнинг кўпроқ қалблардан жой оли-шини, «Менинг яхши яшашим бошқаларнинг ҳам яхши яшашига халақит бермасин, аксинча, ёрдам берсин» деган тамойилнинг тантана қилишини, дунё халқлари ўзбекларни кўрганда: «Булардан кўра аҳил халқ йўқ!» деган баҳони беришини, ишимизга, яшашимизга хала-қит бераётган ҳасад, ҳирс, кўра олмаслик иллатлари-нинг тобора камайиб боришини хоҳлардим.

Иншооллоҳ, шундай бўлажак...

(Н. Комилов)



24-машқ. Гапларни ўқинг, сўнгра ундаги олмош сўз туркумига оид сўзларни топиб кўчиринг ва уларга тасниф беринг.

Инсон — бутун бир олам, фақат унда асосий туйғу олижаноблик бўлса бас (*Ф. М. Достоевский*). Эзгулик инсоннинг маънавий оламидаги қуёшдир (*Г. Торо*). Ҳар нарсага қарши туриш мумкин, лекин саховатга қарши туриб бўлмайди (*Ж. Ж. Руссо*). Мен эзгуликдан бошқа бирон бир афзалликни билмайман (*Л. Бетховен*).

Бир ғарибнинг кўнглини шод айласанг,
Йўл босиб Каъба сари бормоқ абас.

(Хувайдо)

25-машқ. Гапларни фонетик, морфологик ва сўз таркиби бўйича оғзаки таҳлил қилинг.

Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанни севмоқ бу муқаддас бурчдир (М. А. Шолохов). Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин (И. С. Тургенев). Бизга ота-оналар, болалар, хешу ақраболар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз «Ватан» отли сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан (Цицерон).



26-машқ. Уқинг. Сўзларни туркумларга гуруҳлаб дафтарингизга кўчиринг.

1. Бир нарсага сўз бердингми, уни, албатта, бажар. Сўзда туриш имон аломатидир. Буни яхши билиб ол. 2. Ёлғончининг муруввати бўлмайди. У ҳар инсонга заҳар сочади. Ёлғончига ишонма, сўзига алданма. 3. Бирор нарса ҳақида фақат иймонлилар билан маслаҳатлаш. Бу маслаҳат сени фақат яхшиликка эриштиради. 4. Интиқом олган яхши одам эмас. Яхши одам интиқом олмайди. 5. Қадрингни билганинг сайин иймонли бўласан, қадрингни билмасанг, шарманда бўласан. 6. Дунёда вақт жуда қимматлидир. Вақтнинг қадрини бил. Не ёзиқки, кўп одамлар бунинг қадрига етмайдилар. 7. Ишлаган киши вақт қийматини, дангасалар эса вақтларининг қийматини билмайдилар, ўзларини ёмонликлардан қутқара олмайдилар. 8. Хайрли ишни ният қилган вақтингда унинг мевасига шошилма, токи ҳою ҳаваснинг шайтони сени енгмасин.

(М. Камол)

От	Сифат	Олмош	Феъл	Равиш

КИБРДАН САҚЛАНИНГ

Мутакаббирлик қилиш ҳеч бир мўмин бандага ҳаргиз дуруст ҳам, жоиз ҳам эрмас. «Мен фалончидан камманми? У ким бўлиб қолибди?» дегувчилар элсинларки, Иблис Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортиб: «Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?» деди (**«Исро» сураси, 61-оят**).

Яна айтди: «Мен ундан яхшироқдурман» (**«Сод» сураси, 76-оят**). Энди агар суратда тавозелик қилиб юрганлар бўлса, ўз ибодатларидан ғурурланиб, кўнгилларида ўзларини бошқа гуноҳкор бандалардан юқори қўймасун. Ўзининг гуноҳларини эсласун. Ҳар бир одамни кўрганда шу одам авлиёмикин деб ўйлаш лозимлигини айтганлар ўтмиш аждодларимиз. «Нега Худойим фалончини қилган гуноҳлари учун азобламас экан?» дегувчилар ва бошқаларни паст кўргувчиларга ушбу ҳикоят ибрат бўлсин. Шайх Ҳасан Басрий раҳматуллоҳу алайҳи дарё бўйлаб келаётгир эрдилар. Соҳилда бир эркак бир хотун бирла шароб ичиб ўлтурғонини кўрдилар. Шайхнинг кўзига бул иш макруҳ, яъни хунук бўлиб кўринди: «Булар нечук бандаларки, эркак бирла хотун киши шароб ичиб ўлтирғай?» деб ўзини алардин баланд кўрди. Шу пайтда дарёда бир кема ғарқ бўлди. Кемадагилар: «Эй, Худонинг бандаси!» деб нидо қилдилар, яъники мадад сўрадилар. Шароб ичгувчи киши ўзини дарёга ташлаб кемадагиларни моллари бирла олиб чиқди, магар бир киши қолиб кетди. Шароб ичғон киши Ҳасан Басрийнинг қошига келиб «Ул киши сенга қолди» деди. Шайх дарёга қадам қўйди эрса сувга ботуб кетди, ҳоло илгари сувнинг устида худди қуруқликдаги каби юриб, ҳатто намоз ҳам ўқиғон эрди. Кўрқиб дарёдан чиқди. Бояги киши яна дарёга тушиб қолган одамни ҳам қутқарди.

Сўнгра шайхга келиб айтди: «Эй Ҳасан Басрий, бир мартаба ўзини бировдан баланд тутганинг сабабли дарёга ботдинг, бундан сўнг ҳаргиз бундоғ иш қилмағил. Ул аёл менинг онам бўлади. Сени синамоқ учун онамни номаҳрам кўрсатиб қўйдим. Ичғонимиз сут эрдик, сенинг кўзингга шароб қилиб кўрсатдим».

28-машқ. Шеърни бадийй ўқиш санъатига риоя қилган ҳолда ўқинг, сўнгра сифат туркумига оид сўзларни топиб, алоҳида ёзиб чиқинг.

СЕН МИЛЛАТНИНГ МУЛКИСАН

Сўзи қудратли, сирли,
Ҳам гўзал, ҳам сеҳрли,
Гўёки тирик жондек,
Муҳаббатли, меҳрли,
Гўзал, жанона тилим,
Асл, дурдона тилим.
Дилимиз таржимони,
Фикримиз жисму жони
Сўзлар бўлсак сўзимиз,
Халоскори, посбони,
Она тил, она тилим,
Асл, дурдона тилим.
Сен миллатнинг мулкисан,
Чиройисан, кўркисан,
Феъл-атвори, руҳини,

Акс эттирган кўзгусан,
Донишманд, доно тилим,
Асл дурдона тилим.
Сенсиз на илм бўлар.
На фикр, билим бўлар.
Сен бўлмасанг сўзларинг,
Бағри минг тилим бўлар,
Онажон, она тилим,
Менинг шоҳона тилим.
Қуйлар бўлсак куйимиз,
Ўйлар бўлсак ўйимиз,
Фикр бўлсак бўйимиз,
Бўйлар бўлсак бўйимиз,
Сен ўзинг она тилим,
Якка-ягона тилим.

(Барот Яраш)

Ўйга топшириқ: Тилхат ва маълумотномага намуна ёзиб келиш.

Таянч тушунчалар:

сўз туркумлари, мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, боғловчи, кўмакчи, юклама, тақлид сўз, модал сўз, ундов сўз.



ТАКРОРЛАШ ЮЗАСИДАН ТЕСТЛАР

1. Қайси жарангли жуфтга эга бўлган жарангсиз ундовш товушларнинг миқдори тўғри кўрсатилган?

- A. 8 та
- B. 10 та
- C. 11 та
- D. 14 та
- E. 23 та

2. Фақат жарангсиз ундовш товушлардан таркиб топган сўзлар берилган қаторни топинг.

- A. ўрикзор, талабалик, реклама
- B. тақ-туқ, какку, сочиқ

929607

- С. тандир, маъруза, сарлавҳа
- Д. чиройли, мустақил, давлат
- Е. тентак, теракзор, олмахон

3. Қайси қатордаги фикр нотўғри?

- А. унли товушлар овоз ва шовқиндан ҳосил бўлади
- В. унли товушларни ҳосил қилишда шовқин фаол иштирок этади
- С. унли товушлар сўз ўртасида қўш келиши мумкин
- Д. А ва В жавоблар тўғри.
- Е. барча қатордаги фикрлар тўғри берилган

4. Қайси қатордаги сўзлар имло қоидаларига номувофиқ тарзда ёзилган?

- А. таассурот, таажжуб, тамагир
- В. хоҳламоқ, матбаа, маориф
- С. хаёл, саховат, тақсин
- Д. тақиқламоқ, саодат, ижтимоий
- Е. Барча қаторлардаги сўзлар имло қоидаларига мос равишда ёзилган

5. Сўз таркиби деб нимага айтилади?

- А. сўзнинг туб маъноли қисмига
- В. қўшимчалар қўшилган қисмга
- С. ўзак ва қўшимчаларга
- Д. сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи, сўз шакли ҳосил қилувчи қўшимчаларга
- Е. тўғри жавоб йўқ

6. Қайси қаторда ясама отлар берилган?

- А. замондош, йиғин, севинч
- В. ғулдон, қадрдон, хумдон
- С. газетхон, Гулзодаҳон, бедилхон
- Д. тўплам, қалам, дугонам
- Е. барча қаторларда

7. Сўзнинг лексик маъносига таъсир қилмасдан синтактик вазифа бажарадиган қўшимчаларга қандай қўшимчалар дейилади?

- А. сўз ясовчи қўшимчалар
- В. сўз шакли ясовчи қўшимчалар
- С. турловчи қўшимчалар
- Д. сўз ўзгартирувчи қўшимчалар
- Е. тусловчи қўшимчалар

8. Мустақил сўз туркумларига берилган таърифлар ичидан қайси бири нотўғри?

- A. грамматик маънога эга бўлмайди
- B. грамматик шаклга эга бўлади
- C. лексик маъно билдиради
- D. грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади
- E. синтактик вазифа бажаради

9. Ёрдамчи сўзлар тулиқ берилган қаторни топинг.

- A. булбул, кошоно, сингари
- B. қадар, фақат, наҳотки
- C. тўғрисида, остида, баланд
- D. эрталаб, бирдан, ёппасига
- E. шикоят, ҳам, ёхуд

10. — ма қўшимчасига қайси қаторда тўғри таъриф берилган?

- A. от ясайди
- B. сифат ясайди
- C. феълнинг бўлишсизлик шаклини ясайди
- D. A ва B жавоблар тўғри
- E. барча жавоблар тўғри

2-д а р с

АДАБИЙ ТИЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ. АДАБИЙ ТИЛ ШАКЛЛАРИ

2.1.АДАБИЙ ТИЛ

Д а р с м а қ с а д и: Ўқувчиларга адабий тил ва унинг шакллари ҳақида маълумотлар бериш, уларни тўғри ва ёқимли сўзлашга ўргатиш

Р е ж а: * Адабий тил ҳақида маълумот
* Халқ шевалари
* Адабий тилнинг халқ шеваларидан фарқи



1-топшириқ: Ҳар миллатнинг тараққийси илм ила, нодон халқнинг кўз ёши маржон эмиш.

(А. Авлоний)

Гапдаги сўзларни изоҳлаб, адабий тил ҳақида фикр юритинг.

Ҳар куни радио ва телевидение орқали турли ахборотларни эшитганингизда, газета ва журналлар ўқиганингизда, сиз мансуб бўлган қишлоқ ёки шаҳар аҳолиси гаплашаётган тилнинг радио, телевидение, матбуот тилидан маълум фарқ қиладиган томонларини пайқайсиз.

Бундан кўринадикки, ҳозирги ўзбек тилимиз адабий тил ва маҳаллий халқ шеваларини ўз ичига олади.



Тарихан таркиб топган, қатъий меъёрларга бўйсунувчи, сўзлашувчиларнинг қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар барчаси учун умумий бўлган тил адабий тил саналади.

Адабий тил ҳар қандай тилнинг олий шакли саналади ва луғат таркибининг бойлиги, грамматик қурилишининг тартибга солинганлиги, қатъий меъёрларга амал қилиши, услубнинг ривожланганлиги билан характерланади.

Бу жиҳатдан адабий тил халқ шеваларига қарама-қарши қўйилади.



Фақат муайян бир ҳудудга хос айрим белгиларни ўзида намоён қилган тил шакли маҳаллий шевалар ҳисобланади.

Шевалар шу хусусиятлари билан бошқа ҳудудга мансуб шевалардан ва айни пайтда адабий тилдан фарқ қилади.

Адабий тил халқ шеваларидан озиқланган ҳолда мутасил ривожланиб боради. Демак, адабий тил халқ шеваларидан узилган тил эмас.

Адабий тил халқ шевалари негизида сўз усталари томонидан умумлаштириш, қатъий меъёрларни ишлаб чиқиш йўли билан ҳосил қилинади. Ҳозирги ўзбек адабий тили кўпроқ қарлуқ қисман қипчоқ ва ўғуз шевалари негизида вужудга келган. Қарлуқ шеваси вакиллари кўпроқ Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарлари ва уларнинг атрофларидаги ҳудудларда истиқомат қилишади. Шунингдек, бу шева вакиллари Марказий Осиёнинг бир қанча жойларида, хорижий мамлакатларда ҳам учратиш мумкин. Ҳар бир зиёли ўзи мансуб бўлган ҳудуд тили хусусиятларидан қутулиб адабий тилда гапириш кўникмасига эга бўлмоғи лозим.

Масалан, аши, кевотти, келутти, келопти, ока, ақа-бақа сингари шаклларни нутқда қўлаш сўзловчида нутқ маданиятининг шаклланмаганлигидан далолат беради.



Савол ва топшириқлар

1. Адабий тил нима ва у халқ шеваларидан нимаси билан фарқ қилади?
2. Халқ шевалари деганда нимани тушунасиз ва унинг адабий тил билан алоқаси қандай?
3. Сиз мансуб бўлган шеванинг адабий тилдан фарқ қиладиган томонларини айтинг.

29-машқ. Ўз шевангизга хос сўзлашув услубининг белгиларини адабий тил меъёрлари билан қиёсланг ва фарқларини тушунтиринг.



30-машқ. Қуйидаги чизмани кўчиринг. Илова қилинган сўзларни ўқиб, уларни орфография қоидаларига риоя қилган ҳолда намунада кўрсатилганидек чизмани тўлдиринг.

Н а м у н а

Сўзлар	Ўзак	Қўшим-ча	Айти-лиши	Ёзи-лиши	Ёзув тамойили
Боққа Учинчи Стакан	боғ уч стакан	— га — инчи —	боққа учунчи истакан	боққа учинчи стакан	фонетик морфолог шаклий

Ишга, тоққа, тиккан, кетгач, аэропорт, тушунмоқ, компания, фикр, монолог, қутилди, кўм-кўк, ўқибди, сўроқ, сана, англа, теракка.

31-машқ. Эски адабий тилда ёзилган байтларни ҳозирги адабий тилга айлантиринг.

Сўз гуҳариға эрур анга шараф
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дуруридин бўлубон жоласи.

Сўздин ўликнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Тургузуб ўлгани каломи фасиҳ,
Ўзига «жонбахш» лақаб деб Масиҳ.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Фунча оғизлиқ, санами нўшлаб,
Сўздин агар айласа, хомуш лаб.

Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон бағрида дурдона бил.



(«Хайратул-аброр»дан)

32-машқ. Матнлардан келтирилган парчаларни ўқинг. Шевага хос сўзларда, адабий тилдан чекиниш бўлган ҳолатни топиб, уларнинг ўрнига адабий тилдаги муқобилини қўйинг. Шевага хос сўзларнинг қайси жиҳатдан фарқланишини изоҳланг.

1. — Хўп, — деди Саидий бир кеча Йўлчибойга, — ерни олдингиз, пешонангиздан чоракорчиликни ўчирдингиз, борди-ю, замон тескари бўлиб кетса нима бўлади?

— Оқ пошшо келса дейсизми?

— Бари бир-да... Бойни ёмон кўрадиган ҳукумат билан, албатта, бойни яхши кўрадиган пошшо уришадди. 2. Меникини ҳам олармишсизлар, деб эшитдим. Агар оладиган бўлсанглар, жавур, укалар... Ҳукумат камбағалпарвар бўлса, мен бой эмас... 3. Саидий ҳовлининг саҳнига бурилди, димоғига зирбак ҳиди келди. 4. Домла қизини Саидий томон йўллади.

— Сўраш, ўрисча, знаком бўлинглар... 5. Неча кундан бери кириб, кўр дейман, бу бевош уяламан, деб ҳеч қирмайди. 6. Ёқубжон жавоб бермай, қўлидаги ўзи терган бир неча сатрни набордан оттиск олиш учун пресс ёнига келди. У қайтиб келиб изоҳ бермоқчи эди, аммо метрэнпаж рухсатсиз ҳарф териш мумкин эмаслигини айтиб, оттиск олгани қўймаганидан кейин, вёрстка тамом бўлгунча индамай, терган наборини тарқатиш билан овора бўлди. 7. Бу яшшамай ўлгурнинг ўзи ёмон, — деди опаси, муштини ерга қадаб, — сен билан орани бузишга бузиб бошига иш тушгандан кейин бирам ўтиргани жой тополмай юридики... (А. Қаҳҳор)



33-машқ. Жонли сўзлашув нутқиға хос сўзларни ёзма адабий тилда ёзинг.

Н а м у н а: *севинди — суюнди.*

Анжон — Андижон, Самарқан — Самарқанд, асма — астма, дўслик — дўстлик, ишлеман — ишлайман, телевизор — телевизор, кўйни — кўнгли, обкетаман — олиб кетаман, тўр — тўрт, ишқа — ишга, силар — сизлар, бўмайди — бўлмайди, истудент — студент, абзал — афзал, кехса — кекса, март — мард, дасрўмол — дастрўмол.

Юқоридаги сўзлар иштирокида оғзаки матн тузинг.



34-машқ. Ҳамзанинг ҳажвий шеърини «нутқ тони» (юқори тантанаворлик, жўшқинлик)га эътибор берган ҳолда ўқинг.

МЕВАЛАР МАЖОРОСИ

Гилос ҳаддан ошиқиб,
 Хафаликдан тошиқиб,
 Келди ўрик бошига,
 Мушт кўтариб шошиқиб:
 «Эй ўрик, сан сўзлама, —
 Мақтанмоқни кўзлама!
 Ёнбошингга бир тепай,
 Боққа ҳаргиз юзлама
 Ғўранг қурсин, кеч битар,
 Еган киши тиш синар...

Юқоридаги шеърдан хулоса қилиб, эски адабий тилнинг халқ тилига қандай мослашганини тушунтиринг.

35-машқ. Оғзаки ва ёзма адабий тилнинг ривожланишида нутқ турлари (монолог, диалоглар)нинг аҳамияти борми? Қуйидаги монологик нутқ фикрларингизни исботлаш учун асос бўлсин.

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романидаги Икромжоннинг нутқидан намуналар:

— Йўқ, ҳали билагимда кучим бор. Юрагимда ўт сўнгани йўқ. Бу аламларни, бу хўрликларни оёқ остига олиб топтамагунумча яшашим шарт. Яшайман! Бошимга тугамас савдолар солган уруш олови ўчганини ўз кўзим билан кўришим шарт. Шу ерда туриб немисга ўқ отаман. Ўқим қолмаса, қўлтиқ таёғим билан бошини янчаман. Ўлиш йўқ. Ўлиш — номардлик. Номард бўлиб ўлишни истамайман, истамайман...

— Йўқ, болам, мен дардга чалинмайман. Мен ўлмайман. Тик бўлсам юриб, йиқилсам эмаклаб, ётиб қолсам сурилиб ху ўша уфққа бораман. Уфқдан туриб Ёзёвонимга бир қайрилиб қарайман. Уфққа бормай ўлишим мумкин эмас...



36-машқ. Э. Воҳидовнинг «Нутқ ҳақида»ги шеърини ёд олинг. Оддий сўзлашувда ишлатиладиган сўзларга эътибор беринг.



37-машқ. Бадиий асарларда адабий тил билан биргаликда оғзаки сўзлашув тилининг унсурларидан ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу матндан ана шундай ўринларни топинг.

ТАБИБ

«Носир бува ўриқдан йиқилиб тушибди», — деган хабар жуда тез тарқалди. Ўғиллари қизлари, борингки, жамики қариндош-уруғлари тўпланди. Носир бува етмишга кирганди. Шундай экан, бу ёғи маълум-да! Эркаклар бир-бирлари билан маъноли бош чайқашар, хотинлар бурчак-бурчакларда «отамў-ў-»лаб йиғлаш машқини бошлашди. Бусиз мумкин эмас-да! Ахир, етмишга кирган ота ўриқдан йиқилиб сўрида ётганча инқиллашни ҳам жа ўрнига қўймоқда. Фақат кампир — Чаман хола бепарво. Қариб мияси суюлиб қолганда, шу паллада сигирининг канасини териш билан банд. Эшикдан ўртанча ўғли Акрамжон кирганидагина у сал сергакланди. Акрамжон онасига бош ирғаб қўйди-ю, бошқаларга қарамадиям.

— Ота, тузукмисиз? — беморни туртиб сўради у.

— Ихи, ихи, ихи! А-а-акрам, с-с-сенмисан? — ота кўзини хиёл очди.

— Менман, отам, менман.

— Рози бўласан энди, — деб видолашгандай кўзини юмди.

— Э, қаёқдаги гаплар билан одамни кўрқитманг! — Акрам қўл силтади. — Урикдан йиқилганларнинг ҳаммаси ўлаверса — саноқли одамлар қоларди бу дунёда!

— Сен олдин мен йиқилган жойни кўргин! — беморнинг овози дадилроқ янгради. Ҳатто қўлини кўтариб ўриikka имлади. — Ҳов анови айридан йиқилдим!

— Э, бу айри нима бўлибди! — Акрам ўрик томон юриб, шарт шохга чиқди. — Шу ердан йиқилдингизми? — сўради яна у.

— Ҳа, ҳа...

— Бу ердан йиқилган одам ўлмайди.

— Ўлади!

— Ўладими? Бўлмаса менам ташлайман, ўламан, биргалашиб кетамиз. Мана қараб туринг! — деб Акрам ташламоқчи бўлди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — Носир бува қайдан ғайрат топди ўмганини кўтариб қўл силтай кетди. — Ўлмайдиқан, ўлмайдиқан! Ташлама, мана, мен, ўлмадим-ку!?

— Ўлмаса ҳам эт-бети лат ейди, ўн-ўн беш кун оҳ-воҳ деб кўргани келганларнинг овқатини еб мазза қилиб ётади! Менам бекорчиман, ота, ҳасратлашиб ётамиз-да. Қараб туринг!

— Йў-йў-йўқ! Лат ҳам емас экан, мана! — бемор ўрнидан даст туриб кетди. — Қара, ҳамма ёғим соғу саломат! Туш!

Акрамжон ўрикдан тушди. Ўғил-қизлар, қариндошлар қўл силташиб жўнаб қолишди. Чаман хола қўли билан Акрамжоннинг елкасига қоқди:

— Акрам, яхшиям сен борсан, болам. Билардим отанг, ўлмасди, аммо «оҳ-воҳ» қилиб ётиб оларди. Уч ой касал боқардик.

(Саид Анвар)

38-машқ. Сўзлашув нутқига хос қисқарган сўз шаклларини орфо-эпик меъёрларга мувофиқ талаффуз қилинг, сўнгра улар иштирокида гаплар тузинг.

Олволинг, кетворди, кемаяпти, камайипти, дарахти, ишламеди, борийлар, турмайлади, исроп қимейлик, таярланди, ардолади, кетомади, гийват

Таянч тушунчалар:

адабий тил, шева, лаҳжа

2.2. АДАБИЙ ТИЛ ШАКЛЛАРИ

Дарс мақсади: Ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш, уларда шундай кўникмалар ҳосил қилиш

Р е ж а: * Адабий тил шакллари
* Ёзма адабий тил ва унинг турлари
* Оғзаки адабий тил ва унинг турлари

Адабий тил ёзма ва оғзаки шаклларга эга бўлади.



Харфлар воситасида ёзма равишда баён қилинувчи адабий тил ёзма адабий тил саналади.

Масалан, газета-журналлар тили, иш қоғозлари тили ва бошқалар.



Товушлар воситасида оғзаки равишда баён қилинувчи адабий тил шаклига оғзаки адабий тил дейилади.

Масалан, радио, телевидение орқали узатилувчи суҳандон ёки журналист нутқи ва ҳоказолар.

Адабий тилнинг ривожланишида бадиий асарларнинг хизмати катта, чунки адабий тил меъёрларининг шаклланишида адабиётнинг таъсири кучли бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан адабий тил билан бадиий тил бир нарса эмас. Бадиий тилда адабий тил билан биргаликда турли шеваларга ёки касб-хунарга мансуб персонажлар нутқи ҳам иштирок этади.

Масалан,

Одамлар ақлининг чироғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим.

(Рудакий)

Бадиий тил (бадиий нутқ), адабий тилнинг оғзаки сўзлашув услуби, публицистик услуб, расмий услуб сингари услублардан бири, яъни бадиий услуб саналади. Кўринадики, адабий тил бадиий тилдан кенгроқ тушунча бўлиб, бадиий тилни ҳам ўз ичига олади.



Савол ва топшириқлар

1. Ёзма адабий тил нима?
2. Оғзаки адабий тил деганда нимани тушунасан?
3. Бадиий тил билан адабий тил бир нарсами?
4. Адабий тилнинг қандай услубларини биласан?

39-машқ. Юқоридаги фикрларга асосланиб сиз ҳам «Сухандонлик дақиқалар»ини ўтказинг.



40-машқ. Келтирилган мисоллардан шеваларга ва касб-хунарга хос сўзлар ишлатилган ўринларни аниқланг ва тушинтиринг.

1. Дукчи эшон ҳамма вақт бўз кўйнак ва иштон билан малла тўн кияр эди. Бошига кичик салла ва кулоҳ кийиб, бўзи маҳси — кафш кияр эди, ҳеч вақт янги ва яхши ипакли тўн киймас эди. (Ф. Отабеков)

2. Зебининг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушкан: энди, устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди.

3. Сўфи уйга кирганлардан кейин салласини Қурбон бибига узатиб устидаги малла яхтагини олисдан туриб картга иргитди.

4. Қизларнинг бу «иттик» (ўткир зўр) пайлоқчисини кўплашиб уйғотдилар, аравадан кўплашиб туширдилар.

5. Мен бувиздан берухсат меҳмон чақирмайман.

6. Кеч пайт мен ўзим кириб, Энахонга айтиб қўяман.

7. Худовандикарим, бу эркакларни мунча яхши кўрар экан, а..?

8. Одми кийимда кўрганлар ё оддий бир қишлоқ бойи, ё Еттисув билан алоқаси бор кўйчи, туячи деб ўйлайдилар.

9. «Узиқарароқ» хотин учраб бир чанг солса, ҳеч нарсa қолмайди.

10. Шундай азиз чўққат «хизмат ҳақи» беш минг сўмларга етиб борадиган бир «иш» топиб келди.

(А. Чўлпон)

41-машқ. «Зумрад баҳор» мавзусида халқ шеваларига ҳамда адабий тилга асосланган иккита матн тузинг. Иккала матннинг фарқини тушунтиринг.

42-машқ. Адабий тил меъёрларига риоя қилинмаган сўзларни топинг. Муаллиф нима учун адабий тил меъёрларига риоя қилмаган. Бунинг матн учун қандай аҳамияти бор?

Отабек бояги ярим вазиятини бузмай сўради:

— Зайнабнинг сўзига Сиз ишондингизми?

— Ишонмайдирғон гапми?

— Яхши, мен унга шундай деб айтган ҳам бўлайин, лекин шунда ҳам Сизнинг хафаланишингиз менга қизиқ туюладир. Айниқса, сиздан гап... Кумуш ишонмади. Отабек унинг орқа сочидан тутиб:

— Қани, гапиринг-чи менга, орангиздан бир гап ўтдими, — деб сўради.

— Ҳа, ўтди, — деди Кумуш ва четга қараб кулимсиради.

— Ўн беш кун бўлмасдан?

— Мендан бошқа хотин бўлса Зайнабингиз билан биринчи кунданоқ аразлашар эди...

— Худо хайрингизни берсин...

— Кесатманг.

— Кесатмасам гапиринг.

Кумушнинг рақобати бир оз тушган эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшигина ҳасрат очилди. Отабек ҳасратни ярим жиддий тинглаб борди. Зайнабнинг кейинги сўзи ва сўнғи елпитиш фожиалари ҳам ҳасрат қолипига бирма-бир кириб чиқди. Ҳасрат туғилгондан сўнг Отабекнинг юзидаги бояги ярим жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди. Ул шу ҳолатда анчагина сўзсиз қолди ва охирида ўзидан натижа кутиб ўлтирғувчи Кумушга қараб кулиб қўйди.

— Нега куласиз?

— Чунки йиғламоққа арзимади. Кумушнинг қошлари чимирилди:

— Зайнабингизнинг бу қилиғига мен чидолмайман.

— Чидаш ва чидамасни ҳозирча бир тарафга қўйиб турайлиқ, — деди Отабек. — Аммо ҳаммадан илгари Сиздан сўрайман: Менга ишончингиз борми?

— Бор, ҳам йўқ, — деди Кумуш.

...Кумуш уялганнома юзини четга бурди. Отабек товушини секинлатиб давом этди:

— Ўтган кун Сиздан «Тошкентда қоласизми, йўқми?» деб сўрагоним ҳам фақат шунга ўхшаш гаплар билан Сиз хафа бўлманг, деб айтилган эди.

(А. Қодирий)

43-машқ. Қуйидаги фикрларнинг маъзини чақинг. Уни мисоллар билан тушунтиринг.

Халқ тили адабий тилимизнинг ички озиқлантирувчи ҳаётбахш манбаидир. Халқ тилига асосланган адабий тил қотиб қолган эмас, у ўзгаради, бойиб боради ва такомиллашади.



44-машқ. Матнни кўчиринг. Бадий тил халқ тилидан қандай фарқланишини билиб олинг.

Манзура толиққан бўлишига қарамай тунда ухлай олмади. Юмшоқ ўрин унга тиконзор каби туюлди. Оиладан илк карра узоқроқ кетгани учун қалби нотинч эди. Беговта юрак юртидаги нохушликларни сезиб, вужудини беҳолгина титратиб турарди. Шу азобдан қийналган Манзурага бу шаҳарнинг туни беҳад узундай туйилди. Уй исиб кетиб, нафас олишга арзир ҳаво қолмагандай бўлди. Ўрнидан туриб, пешайвонга чиқадиган эшикни очди. Юзига салқин шабада урилди, ором олди. Ташқарида майдалаб ёмғир ёға бошлаган, саноксиз чироқлар ёруғида боғ тўлин ой нурига чўмилгандай сўлимлик кашф этган эди, аммо бу сўлимлик унинг кайфиятини яхшилашга қодир эмас эди. Бу олам аро тунни бедор ўтказган фақатгина Манзура эмас. Неча минг, балки неча юз минг, балки ундан-да кўп одам — хаста ҳам, тани соғ ҳам, подшо ҳам, қайғули ҳам, қайғусиз ҳам... тунни бедор ўтказди. Ҳеч ким ўша туннинг ўзида қаердадир жигарбанди ҳам қалб титроғида эканини билмайди. Аҳмоқ Манзура ҳам ортида эри билан қизининг тунни уйқусиз ўтказишганидан беҳабар эди.

(Т. Малик)

45-машқ. Берилган сўзларни сиз ҳам давом эттиринг. (20—30 тага етказинг.)

Халқ тилида талаффуз қилинади	Адабий тилда талаффуз қилиниши керак
қошизи тепаси ашинда майлис қаҳлама сийним бўлади	қошингизнинг тепаси ана шунда мажлис қатлама синглим бўлади



46-машқ. Латифаларни кўчиринг, уларнинг адабий тилга ёки халқ шевалари тилига мансуб эканини изоҳланг.

ВАЖ

Афанди хуфя дорифурушлик қилаётган экан, харидор ёрлиққа разм солиб норози оҳангда дебди:

— Вой — бу, дорингиз роппа роса уч йил бурун чиққан экан-ку? Афанди пинагини бузмай дебди:

— Майли, сиз ҳам менга уч йил аввал чиққан пулдан бера қолинг.

ШИШАНИНГ ПУЛИ

Афанди ичкиликка ружу қўйганидан хотини билан жиққамуш бўлар экан. Бир куни у алланималарнинг шарақ-шуруғидан уйғониб, эринибгина кўзини очса, хотини бир тўрхалта шишаларни кўтарганча қаергадир кетаяпти.

— Ҳа, хотин, саҳармардонда йўл бўлсин? — дебди Афанди.

— Ичишингизнинг касридан совунга пул қолмабди, ордона қолсин.

— Раҳмат демайсанми, номард хотин. Мен ичиб шишаларни бўшатмаганимда совунга пулни қаердан топар эдинг.

МАҲЛУҚО

Дўстлари Афандидан сўрашибди:

— Мулла Насриддин, янгамни нима деб чақирасиз?

— Маҳлуқо, деб, — керилибди Афанди.

— Қойил! — хитоб қилишибди суҳбатдошлари.

Шунда Афанди секингина қўшиб қўйибди:

— Жаҳлим чиққанда, охирги ҳарфини ташлаб чақираман.

Таянч тушунчалар:

ёзма адабий тил, оғзаки адабий тил.

3-д а р с

ЛЕКСИКОЛОГИЯ. СЌЗ ВА ЛЕКСЕМА

3.1 ЛЕКСИКОЛОГИЯ.

Д а р е м а қ с а д и: ўқувчиларда сўз ва унинг хусусиятлари ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни сўздан унумли ва самарали фойдаланишга ўргатиш

Р е ж а: * Лексика ҳақида
* Лексикология ҳақида маълумот



1-топириқ: Сўз ҳақида қандай мақолларни биласиз? Улардан намуналар келтиринг.

2-топириқ: Сўз қиличдан ўтқир мақолининг маъносини изоҳланг.

Ҳар қандай тилни ўрганаётган пайтингизда, энг аввало, сизни қуршаб турган нарса ва ҳодисаларнинг амалий ҳаётингиз билан боғлиқ бўлган турли хил ҳаракати, ҳолатлари, белги ва хусусиятларининг шу тилда қандай ифодаланишини, номланишини билишдан бошлаймиз.

Маълум бир тилдаги ана шундай сўзлар йиғиндиси шу тилнинг луғат таркибини ташкил қилади.

Лексика атамаси икки маънода қўлланилади:
а) тилнинг луғат таркиби, сўзлар йиғиндиси;
б) луғат таркибини ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими.

Лексика атамасининг иккинчи маъноси учун лексикология атамаси ҳам қўлланилади.



Лексикология грекча *lexikos* «сўз, сўзга доир» ва *logos* «таълимот» сўзларининг бирикувидан олинган бўлиб, лексика (сўз) ҳақидаги таълимот демакдир. Демак, сўз ва унинг маъноларини ўрганувчи тилшунослик бўлимига лексикология (баъзан лексика) дейилади.



Саволларга жавоб беринг

1. Лексика нима?
2. Лексикология нимани ўрганади?



47-машқ. Сўзнинг қудрати ҳақидаги қуйидаги ривоятни ўқинг. Сўз тўғрисида сиз ҳам фикр юритинг.

Ўтмишда ови юрса ҳам дави юрмай, тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйла-ниб турса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:

— Эй донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман? — деб маслаҳат сўрабди.

Йўловчи унга пиёз экишни тавсия этибди. Қарангки, нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босартусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

— Эй гадо, нима эксам, мен янада бойиб кетаман? — деб иккинчи маротаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди. Фалакнинг гардишини қарангки, кейинги йили деҳқоннинг омади чопмай, илгаригидан ҳам камбағаллашиб кетибди.

Бундан гоётада ғазабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у таниш йўловчи билан дуч келибди ва:

— Эй, нотовон йўловчи, нега мени алдадинг? Сенинг гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку! — деб ғазаб қилибди.

— Ўзингни бос, — дебди йўловчи, — биринчи йили сен менга «донишманд» деб мурожаат қилдинг. Мен сенга донишманднинг жавобини бердим. Натижада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар эса менга «гадо» сўзини муносиб кўрдиг ва мен сенга гадонинг жавобини бердим, — деган экан...

48-машқ. Ўқинг. Алишер Навоий гулни қандай ифодалаганига эътибор беринг. Гул ва гиёҳларнинг лексик маъносини изоҳланг.

ГУЛ ВА НАВОИЙ НАВОСИ

Алишер Навоий ўз асарларида гул, унинг вазифасини ўтайдиган гиёҳ ва ўсимликлар, гулга алоқадор ашё-

лар, шунингдек мавжудотларнинг жуда кўпидан ва хил-ма-хилларидан кенг фойдаланади. Шу билан бир вақтда улуғ шоир ўз мақсадларини ифодалашда гул ва гулистонлардан айрим ғазалларининг баъзи байтларидагина фойдаланиб қўя қолмай, балки ўнлаб ғазалларини бутун-бутунлигича ана шундай ифодалашга бағишлайди. Уларда ўнлаб хилдаги гуллар: насрин, настарин, нар-гис, нилуфар, савсан, райҳон, хино, занбоқ гули, лола, садбарг, раъно, ҳазорғунча, зағфар, суманпар; ёқимли ҳиди ва гузал кўриниши билан гулни эслатувчи гиёҳлар: сунбул, ишқи печан; манзарали дарахтлар: сарв, ар-ар, арғувон, шамшод кабилар ҳақида маълумот беради. Яъни: гулорой — гул билан безанган, гулрез — гул тўкувчи, гулпўш — гул ёпинган, қип-қизил гулдай кийинган, гулбанг — ёқимли овоз, булбул овози, гулдастабанд — мажозан кўёш нурлари каби иборалар Навоий асарларининг мазмунини очиб беришда мислсиз зўр хизмат қилади.

Шунингдек, юқорида айтиб ўтилган ибораларнинг аксариятини улуғ Навоий синонимия воситасида турли вариантларда ишлатган: гул, чечак, вард, шугуфа каби. Шу билан бирга гулга оид кўпчилик иборалардан омонимия ёрдамида турли маънолар ҳосил қилган: гул (чечак), гул (безак), гул (яшнамоқ), гул (маҳбуба), гул (ғўдак), гул (умуман инсон), гул (қизамиқ) сингари.

Буюк шоирнинг асарларида гул тушунчасидан фойдаланиш кўлами катта ва кенг...

(О. Валихонов)



49-машқ. Ўқинг, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг лексик маъносини айтинг, қўшимча маъноларини ҳам тушунтириб беринг.

Еттита гуноҳдан сақланинг доим,
Сизни кечирмагай кейин худойим
Солиб бошингизга фитна-фалокат,
Охири келтирар сизга ҳалокат.
Бўлсангиз агарда сиз юраги чирк,
Оллоҳ Таолога келтирсангиз ширк,
Сеҳрли иш билан бўлсангиз машғул,
Билингки, Оллоҳга келмагай маъқул.
Ҳам ноҳақ бировнинг қадрига етмоқ,
Билингки, дўзахнинг тубига кетмоқ,
Қилмасдан бировга зуғуму зўрлик,
Ёмондир қилсангиз лекин судхўрлик.
Ҳамда етимларнинг молини емоқ,

Лозим бу ишлардан «алҳазар» демоқ.
 Жанг чоғи душмандан бўлсангиз «қуён»,
 Бунинг оқибати билинг кўп ёмон.
 Хоин деб номингиз чиқиб эл аро,
 Шарманда бўласиз ҳар икки дунё.
 Эри бор, мўмина, ифбатли аёл
 Ҳақида қилмасангиз ҳеч ёмон хаёл,
 Ким сўкиб, тухмат-ла деса уни фар,
 Билсинки, дўзахга тушар муқаррар.
 Бу етти гуноҳдан сақлан, эй муслим,
 Йўлдан оздирмасин сени сўнг ҳеч ким.
 Гарчи бу оламда кўп эрур шайтон,
 Гоҳ одам шаклида бўлар намоён.
 Дилингизда бўлса Худойи карим?
 Шайтон қочар сиздан етти чақирим!

Таянч тушунчалар:

лексика, лексикология, луғат таркиби

3.2. СЎЗ ВА ЛЕКСЕМА

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда сўзнинг товуш ҳамда маъно томони ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

- Р е ж а:**
- * Сўз ҳақида тушунча
 - * Лексема
 - * Лексик маъно
 - * Грамматик маъно



1-топшириқ: Ватан ҳақида битта шеърни дафтарингизга ёзинг ва бу шеър таркибида нечта сўз иштирок этаётганини аниқланг.

2-топшириқ. Сўз деганда нимани тушунишингизни баён қилинг.

Нутқимиз сўзларнинг қўшилиувидан ҳосил бўлади. Сўзни талаффуз қилганимизда ва қулоғимиз билан эшитганимизда гўё у фақат товушлар кетма-кетлигидан ташкил топган бутунликдек туюлади. Сўзни бундай тасаввур қилиш бир ёқламадир, чунки ҳар қандай товушлар бирикмаси сўзни ҳосил қилавермайди. Масалан, **сў**, **кўс** сингари товуш бирикмаларини сўз деб бўладими? Йўқ. Сўз бўлиш учун товушлар бирикмасининг ўзигина ки-

фоя қилмайди. Маълум товуш ва товушлар бирикмаси маъно билан боғлангандагина сўзга айланади. Юқоридаги товуш бирикмаларининг тартибини ўзгартирсак, улар маълум маъно билан боғланади. Масалан, *ўс*, *сўк* каби.

Демак, сўзнинг икки томони: моддий томони (товуш ёки ҳарфлар кетма-кетлиги) ва маъно томони мавжуд.



Маълум маъно билан боғланган ва морфологик шаклланган товуш ёки товушлар бирикмаси сўз саналади.

Сўз икки хил маъно билдиради. Бу икки хил маънони *она* сўзи мисолида кўриб чиқайлик.

Она сўзи *ака*, *ука*, *сингил* сингари сўзлар билан қариндошлик маъноси билан бир гуруҳга бирлашади. Айни пайтда бир гуруҳга мансуб бўлган юқоридаги сўзлар бир-бирига зидланганда, маълум маънолари билан ўзаро фарқланади.

Хусусан, *она* сўзи *ўғай онага* зидланганда, қон-қориндошлик (ўғай эмаслик) маъносини билдириши билан; *она* сўзига зидланганда, мен билан бир бўғинга мансублик маъносини билдириши билан; *ака*, *ука* сўзларига зидланганда, аёл жинсига мансублик маъноси билан; *сингил* сўзига зидланганда эса *опанинг* мендан катталик, сингилнинг эса кичиклик маъносига эгаллиги билан фарқ қилади.



***Она* сўзининг бошқа қариндошлик билдирувчи сўзлар билан бирлаштириб турадиган ва айни пайтда, уларни бир-биридан фарқлайдиган маъноларининг жами унинг аташ маъноси ёки лексик маъноси дейилади.**

Она сўзи юқоридаги маънодан ташқари предметлик, бош келишик, бирлик маъноларига ҳам эга. Бу маънолар унинг грамматик маъноси саналади.

Кўринадики, нутқ жараёнида ҳар бир сўз лексик ва грамматик маънолар уйғунлигидан ташкил топади.

Одатда, лексик ва грамматик маъноларнинг муайян товуш ёки товушлар бирикмаси билан барқарор муносабатидан ташкил топган бутунликка нисбатан сўз атамаси қўлланилади.

Грамматик маъносиз, фақат лексик маъно билдирувчи сўзнинг қисми учун **лексема** атамаси қўлланилади.

Бундай вақтда сўз морфология бирлиги сифатида, **лексема** эса лексикология бирлиги сифатида бир-биридан фарқланади.



Демак, гап таркибидан сўзларни ажратамиз. Сўзлар эса лексема ва грамматик қўшимчаларга бўлинади. **Сўзнинг грамматик маъно билдирувчи қўшимчаларсиз қисми лексема саналади.** Луғатларда бош сўз сифатида лексемалар берилади.



Савол ва топшириқлар

1. Сўз товуш томонидан ташқари яна нимага эга бўлиши керак?
2. Сўзнинг лексик маъноси деганда нимани тушунаси?
3. Сўзнинг грамматик маъноси нима?
4. Лексема ва сўз нимаси билан бир-биридан фарқ қилади?
5. Битта гап келтириб, уни сўзларга ажратинг, сўзларнинг лексема қисмини аниқланг.

50-машқ. Сўзлардаги ички маъновий фарқларни изоҳлаб беринг.

Бошқача — ўзгача — ажиб — ажойиб — ғалати — фаройиб — аломат — антиқа.

Тузук — дуруст — бир нави — яхши — зўр — аъло — гап йўқ — миҳдек.



51-машқ. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг лексик маъноларини айтинг. Уларнинг қайси сўз туркумига киришини изоҳланг. Лексик маъно билдирмайдиган сўзларга ҳам мисоллар келтиринг.

СУВНИНГ ТОМЧИСИ ҲАМ СУВ

Биз ҳамма вақт, ҳамма жойда: «Нонни увол қилманг. Нон азиз, ноннинг ушоги ҳам нон», — деймиз. Тўйларда, йиғинларда, ҳатто уйда дастурхон атрофида нонуштага ўтирганимизда ҳам керагидан ортиқча нон синдирилса: «Кўйинг, ушатманг, ноннинг ортиқчасини увол қилманг», — деймиз.

Аммо сувни бемалол исроф қилиш — оқизиш мумкинми? Сув ўтказгич жўмакларидан сув тўхтамай оқиб ётса ҳам: «Ҳой, сувни бекордан-бекорга сарфлама. Увол қилма, тўхтатиб, қўй!» — деб айтмаймиз. Ваҳоланки, ана шу сув бўлмаса буғдой қайда, ун қайда, нон қайда?! Тежашни сувдан, сув қатрасидан бошламоқ керак. Уволни, савобни изламоқ керак. «Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» ёки «Тома-тома кўл бўлур», — деб она халқимиз бежиз айтмаган. Ноннинг увоғи ҳам нон бўлганидек,

сувнинг томчиси ҳам сувдир. Гоҳида сув уволини ўйлаб ҳайрон қоламан. Агар бизни уволи тутса, фақат сувнинг уволи тутади.

Кўпинча кўча-кўйни тўлдириб ибодат учун масжидга ўтиб кетаётган маҳалладошларимизни кўриб хаёлга чўмаман. Ҳа, улар савоб учун намоз ўқиши ибодат. Закот бериш ибодат. Одамларнинг жонига оро кириб оғир юмушини енгил қилиш ҳам ибодат, савоб, лекин ибодатнинг катгаси, савобларнинг улуғи ҳам бор. Сувни тежаш, поклигини, софлигини, тозаллигини, сифатини сақлаш, увол қилмаслик савобларнинг энг каттасидир, ибодатларнинг энг улуғидир, амалларнинг энг чиройлисидир.

Фахриддин Тургоний ўз давридаёқ сувларни ифлос қилмаслик ҳақида ўта таъсирли, фойдали фикрлар билдириб, шундай шеърларни ёзиб қолдирган эди:

Бугун чашма сувин қилсанг агар хор,
Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор

Болалар! Она-Ватанга, ўзимизга, авлодларимизга зарар келтираётганимизни, истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларга оғу заҳар солаётганимизни, қолаверса, ўзимизни ўзимиз заҳарлаётганимизни билияпмизми? Сезяпмизми? Ўз ризқ-рўзимизни қисмайлик, ўз умримизга, бола-чақаларимиз умрига ўзимиз зомин бўлмайлик.

Охир-оқибатда биз оқар сувларга ташлаб юборган оқовалар, ахлат ва кимёвий чиқиндилар Орол денгизига етиб боргунча ачиб-сасиб, қуриб, заҳар-заққумга айланиб, ҳавога кўтарилиб, шамоллар билан қайтиб яна бошимизга ёғиляпти. «Қайтар дунё», деб шуни айтсалар керак.

(А. Абдурахмонов ўғли)



52-машқ. Кўчиринг, ажратиб кўрсатилган сўз ва сўз бирикмаларининг лексик маънолари ва қўшимча маъноларини тушунтириб беринг.

ҲАЛОЛЛИК ГИГИЕНАСИ

Дастурхонимизга тортиладиган таом масаллиқларини харид қилишдан то уни тайёрлаб, пишириб, сузиб келтиргунча уларнинг озодалигига эътибор қиламиз. Музхонада сақлаймиз, чанг-ғубордан муҳофазалаш учун

дока-сочиклар ёпиб қўямиз. Ниҳоят, овқатланишга ўтиришдан аввал қўлларимизни ювамиз; қошиқ ва санчқиларни қайта-қайта артишдан эринмаймиз.

Унча-бунча озодалик гигиенасига одатланганимиз боис, микробдан қўрқамиз, бироқ озодалик гигиенасидан илгарироқ келадиган, эҳтимол микробдан даҳшатлироқ бўлган ҳалоллик гигиенасини ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Дастурхонимизга тортилаётган масаллиқларни, тановул қилаётган ноз-неъматларни ҳалоллаб топдикми? Қаердан келди улар рўзгоримизга? Қайси меҳнатларимиз эвазига қозонимизга соляпмиз уларни? Бировларнинг ҳақидан уриб қолганимиз ҳисобига эмасми? Кимларнидир қон қақшатиш ҳисобига орттирмаган эдикми уларни? Бошига оғир мусибат тушган бечорадан тама йўли билан ундириб олган пораларимиз ҳисобига эмасми?..

Нопок ва ҳаром йўллар билан топилган таомни жигилдонга тикиштираётиб озодалик гигиенасига ҳар қанча риоя қилмайлик, бу билан луқмамиз покланиб қоладими?

Бозор муносабатларининг тинимсиз тобланиши, ўтиш даврининг шиддати ва беҳаловат турмуш тарзи одамларни шу қадар комига тортиб кетдики, бундай нозик саволлар ҳақида ўйлашга, мулоҳаза юритишга фурсат етмаяпти. Энг даҳшатлиси шундаки, мана шундай тақчилликка кўника борганимиз сайин ўзимизни саволга тутиш, ўзимизни ўзимиз тергаш одати ҳам унутилиб кетмоқда.

Эҳтимол, бандасининг табиатида, феъл-атворида мана шундай босар-тусарини билмай қолиш одати мавжудлиги учун ҳам Аллоҳ таоло ҳикматларга бой рамазон ойини яратган чиқар! Кундалик беҳаловатликлар орасида маънавий покланмоқлик учун намоз фурсатлари жорий этилди, йиллик беҳаловатликлар ичра нафас ростламоқлик учун эса рўза ойи белгиланди.

Нафасни ростлашни нафсни ростлаш дея талқин қилсак ҳам янглишмасмиз.

Тирик жон бор экан, нафсига қулоқ осмай иложи йўқ, зеро, ҳеч бир банда Пайгамбаримиз алайҳиссалом сингари гўдаклик кезлари нафс пардасидан халос этилган эмас. Бу ёруғ оламнинг боқий жумбоқларидан бири шуки, нафс бандаларининг инсонийлик мартабаси, ҳалоллиги, диёнат ва иймон мақоми нафсини тия олиш-олмаслик билан белгиланади.

Яхшиям, жамиятимизда ижтимоий муҳофаза сиёсати барқарор, акс ҳолда шаталоқ отаётган, иймоний нафсини бозорий нафсга икки қўллаб алмашлаб юбораётганлар яна қанақанги «кароматлар» кўрсатмас эди! Шунинг учун ҳам барчамиз «Ҳалоллик гигиенаси»га риоя қилайлик!

Таянч тушунчалар:

сўз, лексема, лексик маъно, грамматик маъно

4-д а р с

БИР МАЪНОЛИ ВА КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР. КЎЧМА МАЪНОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

4.1. БИР МАЪНОЛИ ВА КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни ўз нутқларида сўз маъноларидан тўғри фойдалана олишга ўргатиш.

Р е ж а: * Кўп маъноли сўзлар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари.

* Бир маъноли сўзлар.

* Кўп маъноли сўзларда маънонинг даражаланиши: тўғри маъно ва кўчма маънолар.



1-топшириқ: «Навоий» драмасида Мансур Навоийга: «Пирим, кечиринг, итлик қилдим» деб ёлворади. Шу иборанинг маъносини тушунтиринг. Ит сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг.

2-топшириқ: Булбул сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг. Кўчма маъноси асосида гап тузинг.

Тилимиздаги сўзларнинг жуда катта қисми кўп маънолидир, чунки кишилар ўзининг кундалик ҳаётида янги пайдо бўлган тушунчаларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сўзлар қўллайверадиган бўлса, сўзларнинг сони ўта кўпайиб кетиб, уларни хотирада сақлаш мумкин бўлмай қоларди. Натижада тилдан фойдаланиш ҳам қийинлашиб, у секин-аста яроқсиз ҳолга келиб қолган бўларди.

Шунинг учун ҳам ҳар қайси тилда санокли тил бирликларнинг турли хил комбинацияларидан чексиз тушунча ва фикрларни ифодалашга ҳаракат қилинади. Ана шундай ҳаракат туфайли тилда илгари мавжуд бўлган

сўзларга янги-янги маънолар юкланади. Натижада кўп маъноли сўзлар майдонга келади. Масалан, *тош* сўзи дастлаб «қаттиқ», «совуқ жисм» маъносида қўлланган: «*Йўлда тош ётибди*. Кейинчалик «қаттиқлик» маъносини фаоллаштириб, *тош бағир*, *бағри тош* бирикмаларида бағирнинг сифатловчиси вазифасида кўчма маънода қўлланила бошланган. Ёки кўз сўзи дастлаб фақат «тирик организмнинг қобариқ шаклга эга бўлган кўриш аъзоси» маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик «қабариклик» маъносини фаоллаштириш асосида «дарахтнинг кўзи», «ёруғлик билан таъминлаш» маъносини фаоллаштириш орқали «деразанинг кўзи» маъноларида қўлланила бошланди.



Нутқ жараёнида икки ва ундан ортиқ маънода қўлланилувчи сўзларга кўп маъноли сўзлар ёки полисемия дейилади.

Полисемия грекча *poli* «кўп», *semia* «маъно», сўзларидан олинган бўлиб, кўп маъноли демакдир. Полисемия моносемия (грекча *mono* **бир**, *semia* **маъно**)га зидланади.

Кўп маъноли сўзларда маъно қанчалик кўп бўлса ҳам, лекин у бир сўз ҳисобланаверади. Шунинг учун ҳам кўп маъноли сўзларда маънолардан бири тўғри маъно (ёки ўз маъно), қолганлари эса кўчма маъно бўлади. Кўчма маънолар нутқ таркибида бошқа сўзлар билан боғланганда намоён бўлади, нутқ таркибидан ажратилганда эса тўғри маъноси асосий маъно бўлиб қолади. Масалан, *тош* сўзи нутқ қуршовидан ажратиб олинса, «қаттиқ жисм» маъносини англатади.

Бир маъноли сўзлар тилимизда кам сонни ташкил қилади ва илмий, касб-ҳунарга доир атамаларни, шунингдек, янги пайдо бўлган сўзларни ўз ичига олади. Янги сўзлар (неологизмлар) ҳам даврлар ўтиши билан қўшимча маъноларни англатади.

Кўп маъноли сўзларнинг маъносини билиш ва ундан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш нутқнинг таъсирчан, ифодали бўлишига ёрдам беради.



Савол ва топшириқлар

1. Кўп маъноли сўзлар нима?
2. Кўп маъноли сўзлар нима учун пайдо бўлади?
3. Кўчма маъно қандай аниқланади?
4. Тўғри маъно-чи?



53-машқ. Кучиринг. Кучма маънода қўлланган феълларни топинг.

1. Тожихон Саиданинг келганидан хурсанд бўлди, миннатдорчилик билдиргани сўз, ўтқазгани жой тополмай қолди. (А. Қаҳҳор). 2. Туширилган молнинг исини чиқармади. 3. Шундан сўнг иккови шунча қалинлашдики, ҳатто бир жума куни Муродхўжа домланинг меҳмонхонасида бир ҳафталик сўз бойлигини айтиб тамом қилди. (А. Қаҳҳор). Мамлакатнинг истиқболи ҳам, келажаги ҳам ёшлар, соғлом инсонлар қўлида бўлиши табиий ҳолдир.

Намуна: Пок ниятли (софдил, диёнатли, юраги тоза) кишиларга, олимлар ва фозилларга даргоҳим доимо очик эди.



54-машқ. А. Навоийнинг «Сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгилдир» деган фикрларининг мазмунини айтинг ва уни мунозарага айлантиринг. Сўнг қуйидаги матнни ўқинг. Ўзбек тили лексикасининг тақомилиятига муносиб ҳисса қўшган олимларнинг ишлари ҳақида сўзлаб беринг.

ИРИСТОЙ ҚЎЧҚОРТОВ (1936—2001)

Филология фанлари доктори (1979), профессор (1982), Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (2000) Иристой Қўчқортөв ўзбек тилининг лексикологияси, услубиёти, тилнинг умумий-назарий масалалари билан боғлиқ бир қатор асарларнинг муаллифи. Улар орасида «Фердинанд де Соссюрнинг лингвистик концепцияси» (1976), «Сўз маъноси ва унинг валентлиги» (1977) каби китоблари тилшуносликнинг назарий муаммоларини ёритишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, у олий мактабларда тил билимини ўқитишни такомиллаштириш бўйича ҳам улкан ишларни амалга оширди. Хусусан, олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун ёзилган «Бадий нутқ стилистикаси» (1975), «Туркий филологияга кириш» (1976), «Тилшуносликка кириш» (1976), «Умумий тилшунослик», «Лингвистик таълимот тарихи» (1980) каби ўқув қўлланмалари тилшунослик назарияси ва туркийшуносликни юқори поғонага кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлди.

55-машқ. Ушбу гаплардаги маъно кўчишини изоҳланг.

Беш кўлини оғзига тикмоқ, беш кўл баробар эмас, юзлар, кўзлар боқар эди биз томон, эшикка кирайлик.

Ўзингиз ҳам юқоридагига ўхшаш маъно кўчишга мисоллар ёзинг.

Таянч тушунчалар:

бир маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар, полисемия, тўғри маъно, кўчма маъно

4.2. КЎЧМА МАЪНОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик асосида маъно кўчирилиши ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш

Р е ж а: * Кўчма маъно ва унинг пайдо бўлиш усуллари.
* Метафора ва унинг хусусиятлари.
* Метонимия ва унинг услубий хусусиятлари.
* Синекдоха ва унинг услубий хусусиятлари.
* Функциядошлик ва унинг услубий хусусиятлари.



1-топшириқ: Асал сўзининг тўғри (ўз) ва кўчма маъносини аниқланг. Кўчма маъно билан тўғри маъно ўртасида қандай боғлиқлик борлигини айтинг.

2-топшириқ: Хом сўзининг тўғри ва кўчма маъносини аниқланг. Бу икки маъно ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг.

Кўп маъноли сўзлар ва маъноларнинг тўғри ва кўчма маъноларга бўлинишини юқорида кўриб ўтдик.

Борлиқдаги нарса — ҳодиса, белги — хусусият, ҳаракат — ҳолат номлари маълум бир асосга кўра бошқа нарса — ҳодиса, белги — хусусият, ҳаракат — ҳолат номи сифатида ҳам қўлланилади. Бундай вақтда битта ном бир неча нарса — ҳодиса, белги — хусусият, ҳаракат — ҳолатларнинг номи сифатида хизмат қилади. Масалан, *бурун* сўзи «тирик организмнинг юз қисмидан бўртиб чиққан нафас олиш органи» маъносини ифодалаш билан биргаликда «ернинг сувликка томон бўртиб чиққан қисми» маъносини ҳам ифодалайди. Предметлар ўртасидаги ташқи ўхшашлик (юз қисмдан бўртиб

чиққан бурун билан ер қирғоғининг денгиз ёки океанга қараб бўртиб чиқиши ўртасидаги ўхшашлик) бирининг номини иккинчиси ўрнида қўллашга асос бўлган.



Маъно кўчишининг нима асосда рўёбга чиқишига кўра метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик сингари турлари мавжуд.

56-машқ. Берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Омоним ёки полисемантик сўз эканлигини аниқланг.

Дўст, ёш, юз, нафис, мол, оёқ, бел, тут, енгил, гул, шер, сана, уч, ўч, қулоқ...

Намуна:

1. Олти нарса роҳатда яшашга ёрдам беради, шулардан бири ҳақиқий дўстинг бўлмоқлигидир. 2. Бугунги кечамизга шоир Дўст Ҳамдам ҳам ташриф буюрган. 3. Дўст!!! Яна бир жуфт қўшиқ бўлсин!

57-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ҳар бири билан иккитадан гаплар тузинг. Уларнинг бирида шу сўз ўз асл маъносида иккинчисида кўчма маънода қўллансин.

Шайтон, тулки, ола, тор, юмшоқ, дим, аждаҳо, илон, тамоқ, луқма, дунё, оғирлик, шиша, тош, карам...



58-машқ. Гапларни кўчиринг. Кўчма маънода қўлланган сўзларни ажратиб, маъно кўчишининг турини ёзинг.

1. «Семурғ» «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, рақиблар дарвозасига кетма-кет бешта тўп киритишга муваффақ бўлди. 2. Қўшнимизнинг ўғли дадаси билан тортишаётганининг устидан чиқиб қолдим. 3. Янги бинолар қурилиши асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда. 4. Беодоб қизнинг гапини онаси текислаб турди. 5. Президентимиз адашганлар учун тўғри йўлни кўрсатиб берди. 6. Болам, ҳўлу қуруққа қаноат қил, ана ўшанда сен, кайвоний одам бўласан. 7. Муаллиф дутор ҳақида ёзади ва бу билан ўзбек чолғу асбобини биринчи бўлиб тилга олади. 8. Ўғлининг дардида сарғайган онанинг оҳ-воҳларига чидаб бўлмасди. 8. Тун ўз ўрнини тонгга бўшатиб берди. 9. Навоий кўҳна Шарқнинг улуғ мутафаккири сифатида ўз асарлари билан ўша давр ижтимоий масалаларини ҳам кўтариб чиқди. 10. Гузал бу гапларнинг ҳаммасини юрагининг тубига жойлаган эди, уни ҳеч кимга ошкор айта олмасди. 11. Йигитнинг уйланаётганини эшитган қизнинг қалби яраланди.



59-машқ. Қуйида берилган сўзлар қавс ичидаги сўзлар билан бирга қандай маънога эга бўлганлигини тушунти-
ринг.

Маслаҳат (олди, қилди, солди), дили (қора, сиёҳ, пок), тошмоқ (сув, ичи, тўлиб), майл(и) (қўшимчаси, бўлди, билдирди), зарар (етказди, қилди, кўрди), илиқ (гап, суҳбат, сув), дарс (ҳаёт, математика), очмоқ (кўнгил, эшик, йўл).



60-машқ. Берилган сўзларни икки устунга бўлиб кўчи-
ринг.

Кўп маъноли
(полисемантик)

Бир маъноли
(моносемантик)

Атлас, хосият, компьютер, хурмо, хунук, парча, хореография, патир, паста, патнис, филдирак, фишт, ғоз, ғунча, газета, грамматика, урғу, дунё, тилхат, пахта, соя, шахс, олмош, доя, қошиқ, қоя, хат, қуй, давлат, қўшни, маркетинг, вертолёт, тирноқ, мақол, уй, том, кириш сўз, ундалма, ювғич, дарс, ҳайкал, топишмоқ, аруз, тиш, тил...

61-машқ. Уйга топшириқ. Маъно кўчишнинг метафора, метони-
мия, синекдоха, вазифадошлик усуллариға Абдулла Қодирий, Тоҳир
Малик, Саид Аҳмад асарларидан мисоллар ёзинг.

5-д а р с

МЕТАФОРА ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИ. МЕТОНИМИЯ ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. МЕТАФОРА ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИ



1-топшириқ: Қозоннинг қулоғи, одамнинг қулоғи бирикмаларидаги қулоқ сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг. Кўчма маъно билан тўғри маъно ўртасидаги алоқани тушунтиринг.

Нутқимизда энг кенг тарқалган маъно кўчиш усули метафорадир.



Метафора (грекча *metaphora* «кўчириш») бир предмет номининг бошқа предмет номига улар ўртасидаги маълум ўхшашлик асосида кўчишидир. Масалан, *тандирнинг оғзи* бирикмасида *оғиз* сўзининг маъноси одам ёки ҳайвон оғзига ташқи ўхшашлиги асосида вужудга келган. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик турли асосда бўлиши мумкин:

1. Икки предмет ўртасидаги шаклий ўхшашлик. Масалан, *одам қулоғи* ва *қозон қулоғи*;

2. Икки предмет қаерда жойлашиши бўйича ўхшашлик.

Масалан, *итнинг думи*, *самолёт думи* ва бошқалар.

Нутқ жараёнида метафоралардан ўринли фойдаланиш нутқимизни таъсирчан, жозибали қилади. Сўзловчининг бадиий-эстетик қобилиятини намоён этади.



Савол ва топшириқлар

1. Метафора деганда нимани тушунасиз?
2. Метафора йўли билан маъно кўчишига ўзингиз бешта мисол келтириб, маъно кўчиш асосини тушунтириб беринг.



62-машқ. Гапларни ўқинг, кўча маънода ишлатилган сўзларни топинг ва изоҳланг.

1. Бола онасининг олдига тушиб, пилдираб кетди. (Ойбек). 2. Отам етимларнинг бошини силади. 3. Мунгли куй юракни тирнар эди. 4. Сорахон қўл силтаб, — онамнинг ўзлари ҳам уришқоқлар, — деди. (А.Қаҳҳор) 5. Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади. (Ойбек). 6. Болалар ёпишавергач, халтани очишга мажбур бўлди-да, лабини буриб вайсай бошлади. (Ойбек). 7. Куёв қўлини кўксига қўйиб: «...ишонинг, дада, Кароматни бошимга кўтараман», — деди. (С. Аҳмад). 8. Ўшанда ҳам Юсуф амаки дадамни ёлғизлатмай, ҳолидан хабар олиб турган. (Ҳ. Назир.). 9. Куёв бўлмай қаро ер бўлгур на ўлигини кўрсатади, на тиригини. (А. Қаҳҳор).



63-машқ. Шеърни ўқинг, кўча маънода ишлатилган сўзларни топиб уларни изоҳланг.

Барча ҳақ ишида бўлинг саломат,
Ёғса ҳам ҳар ёндан тавқи-маломат,
Эзгу ишингизни эттиринг давом,
Яратган қўллагай сизларни мудом,
Ким шерик бор деса агар Оллоҳга,
Шубҳасиз ботгайдир катта гуноҳга.
Ноҳақдан бир инсон қонини тўкмоқ,
Гуноҳ денгизига баайни чўкмоқ.
Ота-онасига кимки бўлса оқ,
Бу ҳам оғир гуноҳ саналгай мутлоқ.
Агарда ёлғондан берса гувоҳлик,
Унинг ҳам гуноҳин кечирмас Ҳолиқ.
Шу тўртта гуноҳдан бўлса ким фориғ,
Билингки, уларнинг манглайи ёруғ.

(О. Бўриев)



64-машқ. Кўчиринг. «Палак» сўзининг бир неча хил маънолари борлигини билиб олинг. Сиз ҳам уйингизда тил, тер каби сўзларнинг маъноларини ана шундай изоҳлаб келинг.

1. Палак. Маълум бир уруғдан кўкариб чиқиб, ер юзалаб ўсиб, гуллаб ҳосил берадиган полиз ўсимлигининг танасини билдиради: қовун палак, тарвуз палак, бодринг палак.

... Сўлғин палакларда ўсмай қолиб кетган хомаклар
йилтиллаб қолар, гоҳ сурмадай қорайиб кўринар эди.

(А. Мухтор)

2. Палак. Полизчилар нутқида баъзан қовун ёки ҳандалак уруғи тушунчасида ҳам қўлланади. Масалан: Тўрт эгат палак экдим.

3. Палак. Халқимиз урф-одатига кўра, қизларни куёвга узатиш учун гул (кашта) ипакли матолар тайёрланади.

Иблисни раҳбар деб қарши олдилар,
Балки, сайладилар ундан ҳам ортиқ.
Пойига ипакдан палак солдилар,
Сўнг юксак бир тахтни этдилар тортиқ.

(А. Орипов)

4. Палак. «Парвойи палак» иборасида ўз ишига масъулиятсизлик, эътиборсизлик билан қараш, беғамлик маънолари тушунилади.

Атрофда бўлаётган воқеаларга Мўйдиннинг парвойи палак эди.

5. Ўхшатиш маъносида ҳам қўлланилади. «Бир палакдан ҳар хил хамак чиқади деганлари рост экан-да», — деди сўфи ёнидагиларга қараб.

65-машқ. Келтирилган мисоллардан метафора усули билан сўз маъносини кўчишининг йўлларини аниқланг, уларга изоҳлар беринг.

Раҳми келиб булутнинг
Йиғлаб тўкар ёшини.
Кушлар қочар, мажнунтол
Кўтаради бошини.
Булутнинг орасидан
Куёш кулиб қарайди,
Мажнунтолнинг ювилган
Сочларини тарайди.

(Э. Воҳидов)

Қалам ушладимми демак — ўйин бас,
Яйраб очолмайди гул дудоғини
Шундоқ юрак ютиб сўраша олмас,
Хонамда қолдирган қўғирчоғини.

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам қандай ўйу хаёл ичида.
Тузсиз шеърларим деб шириндан-ширин,
Болаларим юрар оёқ учида...

(М. Юсуф)



66-машқ. Қуйидаги исмларнинг қайси предметларга нисбатан қўйилганини аниқланг. Сўнг синфдошларингизнинг исмларидаги метафора усули билан қўйилган номларни топинг ва уларни изоҳланг.

Йўлбарс, Бўрибой, Қоплонбек, Бургутбек, Лочиной, Гулнора, Гулчеҳра, Феруза, Ёқутой, Асалхон, Ойхон, Арслон, Бобур, Гилосхон, Чарос, Озода



67-машқ. «Қовунлар пайрови»ни ўқинг. Кўчма маънода келган сўзларни аниқлаб, уларга тавсиф беринг.

Одилжон: — Қовун танлашда ташқи кўринишига қараб танламаслик керак экан. Яхши қовун деб олсам, **пирсиқдоқ** чиқиб қолди.

Муҳаммаджон: — Янги қовун навларини яратаётган миришкор деҳқонларимизга раҳмат, ошқовоққа ўхшаганини олувдим, **обиноввот** экан.

Одилжон: — Бу сафар қовун танлашда адашмаган эканман, оқ қовун деб олсам, **эски чопон** чиқиб қолди.

Муҳаммаджон: — Ўзи кичкина-ю, нимага тош бос-япти десам, **бўрикаллага** ўхшайди.

Одилжон: — Раҳмат, қовун баҳонасида озгина кулишиб ҳам олдик. Халқимизнинг дастурхонига ширин-шакар қовунларни етказиб бераётган деҳқонларимизнинг **умри боқий** бўлсин.

5.2. МЕТОНИМИЯ ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Топшириқ: «Ҳамза»га бордик бирикмасидаги «Ҳамза» сўзининг тўғри ва кўчма маъносини аниқланг. Тўғри ва кўчма маъно ўртасида қандай боғланиш борлигини айтинг.

Навоийни олдим қўлимга дейдилар. Навоийни қўлга олиб бўладими? У буюм эмас-ку қўлда кўтарадиган!? Бедилни ўқир эдим дейдилар. Бедил китоб эмас-ку!? Са-

моварда ош едик деймиз. Самовар устига ўтириб ош еб кўринг-чи, куйиб қоласиз...

Ҳожибой Тожибоевнинг «Ўзбекнинг гапи қизиқ» рукнидаги бундай ичак узди ҳангомаларини кўп эшитгансиз ва ҳузур қилиб кулгансиз, лекин бу ҳангомалардан нима учун кулишимиз сабабини биласизми? Ҳожибой Тожибоевнинг маҳорати шундаки, у сўзнинг тўғри ва кўчма маъноларини англаган ҳолда кўчма маъноларда қўлланган сўзларнинг тўғри маъносини изоҳлаб, ундан одамларни кулдира олади.

Юқорида келтирилган гаплар таркибида кулги кўзғатиш учун асос бўлган сўзларнинг барчаси кўчма маънонинг бир тури — метонимияга асосланган.



Метонимия грекча *metonymia* «қайта номлаш» демакдир.

Нарса ва ҳодисалар ўртасида макон ва замондаги ўзаро алоқадорлик асосида бирининг номи иккинчисига кўчиши метонимия ҳисобланади.

Юқоридаги мисолларда шоир билан унинг асарлари (чунки шоир ва унинг асари ўртасида онгимизда доимий боғланиш бор), чой ичиладиган жой билан чой қайнатиладиган буюм ўртасидаги алоқадорлик асосида бирининг номи иккинчиси учун кўчган:

Навоийни қўлга олдим деганда Навоий асарларини, *Бедилни ўқир эдим* деганда ҳам унинг асарларини тушунамиз.

Метонимия асосида кўчма маъно ҳосил қилиш фикримизни лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилишнинг бир йўли саналади.



Савол ва топшириқлар

1. Метонимияда кўчма маъно қандай асосда вужудга келади?
2. Метонимиянинг метафорадан фарқини тушунтириб беринг.
3. Метонимия йўли билан маъно кўчишга иккита мисол келтириб, маъно кўчиш сабабини изоҳланг.



68-машқ. Гапларни ўқинг, алоқадорлик асосида сўз маъносининг кўчиш ўринларини изоҳланг.

«Россия»га қандай борсам бўлади? (Бекатдаги йўловчининг мурожаати)

Ичак-чавоғим тугади, энди калла сотаман. (Қассобнинг гапидан)

«Мабодо «Беш болали йигитча» келмадими? (Китобхоннинг сотувчига берган саволидан)

«Навбатим сумка кўтарган «жинси»дан кейин. (Харидорнинг жавоби)

«Навоийни кечадан бери кўтариб юрибман». (Ўқувчининг нутқидан)



69-машқ. Гапларни ўқинг, алоқадорлик асосида янги маъно ҳосил қилинган ўринларни топиб уларга изоҳ беринг.

«Олтин водий» поезди, олманинг афросиёби нави, «Зарафшон» футбол командаси, амарфузин малҳами, Хожиматов дамламаси, Саримсоқовнинг ярим майдони, рентген аппарати, «Чорсу» меҳмонхонаси, «Форд» автомобили, «Тошкент» қаҳвахонаси, вольт, ампер каби сўз ва сўз бирикмаларидаги сўз маъносининг кўчишида нималарга эътибор берилганини аниқланг.

6-д а р с

СИНЕКДОХА ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. ВАЗИФАДОШЛИК ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИ

6.1. СИНЕКДОХА ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Топшириқ: Уйимизда учта туёқ бор деганда нимани тушунасиз? Туёқ сўзининг тўғри ва қўчма маъносини айтинг ва улар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини изоҳланг.

— *Фарзанди борми?*

— *Тирноққа зор.*

Юқоридаги диалогда тингловчи сўзловчининг саволига «Йўқ!» деб жавоб бериши ҳам мумкин эди, лекин у «*тирноққа зор*» иборасини ишлатишни маъқул кўрди. Бу билан суҳбат мавзусига айланган шахснинг фарзанди йўқлигини баён қилиш билангина чекланиб қолмасдан, унинг фарзанд кўришга ташналигини ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Нима учун *фарзанд* ёки *бола* ўрнига *тирноқ* сўзи ишлатиляпти? Тирноқ боланинг бир кичкинагина аъзоси. Шу аъзога ҳам зорлиги, ташна эканлигини билдириш билан болага зор эканлиги бўрттириб кўрсатиляпти.

Бу ўринда бутун бир нарса, яъни бола унинг қисми — тирноғи орқали ифодаланяпти. Ана шундай маъно кўчиш усули синекдоха ҳисобланади.



Синекдоха грекча *synekdoche* «биргаликда англаш» сўзидан олинган бўлиб, бўлак орқали бутунни ёки бутун орқали бўлакни ифодалашни билдиради.

Маъно кўчишнинг бу тури ҳам нутқимизнинг таъсирчанлигини оширишда, ифодали, жозибали бўлишда катта аҳамиятга эга.



Савол ва топшириқлар

1. Синекдоха кўчма маъно ҳосил қилишнинг қандай усули?
2. Синекдоханинг метафора ва метонимиядан фарқи нимада?
3. Синекдохага учта мисол топиб, кўчма маъно ҳосил бўлиш сабабини тушунтиринг.

70-машқ. Қуйидаги ҳодисанинг синекдоха эканлигини исботлаб беринг.

Қўл, оёқ, бош, тиш, бурун, чакка сўзлари орқали синекдоха усули билан қандай маъно ҳосил бўлаётганини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

Намуна:

Олма гули — гул эмас, тақсам чаккамда турмас.
(«Қўшиқ»дан).

71-машқ. Олма арчаётиб қўлини кесиб олмоқ, йиғилишга мўйловни чақириб келмоқ, филдиракни юргизмоқ, чўлоққа ачиниш билан қарамоқ бирикмаларидаги маъно кўчиш усулини изоҳланг. Ўзингиз ҳам синекдоха усули билан маъно кўчишига мисоллар келтиринг.



72-машқ. Бобораҳим Машрабнинг «Сажда айлар зоҳид ул меҳроб аро, Мен қилурман сажда эгма қошима» байтида келтирилган «эгма қош» иборасининг нима учун синекдохага мисол бўла олишини исботланг. Сўнг мумтоз шеърятда ой юз, қорақўз, оқ биллак, сарв қад каби атамаларнинг ёр, дилдор маъноларида ишлатилганлигига мисоллар келтириб, уларнинг маънолари устида фикр юритинг.

6.2. ВАЗИФАДОШЛИК ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИ



1-топшириқ: Столнинг оёғи бирикмасидаги оёқ сўзининг маъносини тушунтиринг. Сўзнинг тўғри ва кўчма маъносини айтинг. Тўғри ва кўчма маънолар ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.

Кўчаларни чироқлар ёп-ёруғ қилиб турибди. Чироқ пилигини насайтирди.

Юқоридаги икки гапда қўлланилган чироқ сўзининг маъносига эътибор берсангиз, у бир хил вазифа бажарувчи иккита бир-бирига ўхшамайдиган нарсаларни ифодаляётганининг гувоҳи бўласиз. Биринчисида «электр токи орқали ёритувчи ноксимон (лампочка) ёки таёқсимон асбоб»ни, иккинчисида эса «керосинга пилик

солиш воситаси билан ёритувчи, асос ва шиша қисмлардан ташкил топган асбоб»ни билдиради.

Бу асбоблар шаклига кўра бир-бирига ўхшамайди, макон ва замонда уларнинг алоқадорлиги ҳам йўқ, лекин ҳар иккиси ёритиш вазифасини бажаради. Ана шу вазифавий бир хилликка кўра илгари ёққа пилик теккизиш орқали ёритиладиган шишасиз, очиқ асбоб номи кейинчалик асос қисмга шиша ўрнатилган ёритгич асбобни, кейинроқ эса электр токидан фойдаланишга ўтилгандан сўнг лампочкаларни ҳам ифодалаш учун қўлланилади. Натижада чироқ сўзи бир-бирига ўхшамайдиган хилма-хил ёритувчи воситаларга нисбатан қўлланила бошланди.



Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги вазифавий бирхиллик асосида бирининг номи орқали иккинчисининг ифодаланиши вазифадошлик асосида маъно кўчиш дейилади.

Вазифадошлик асосида вужудга келган сўзларни билиш, уларнинг илгари қандай шаклдаги нарсаларни ифодалаганлигини англаш тилимиз имкониятларининг нақадар бой эканлигини ҳис қилишимизга ёрдам беради.



1. Вазифадошлик асосида маъно кўчиши деганда нимани тушуна-сиз?

2. Вазифадошлик асосида кўчма маъно ифодалашнинг метафора, метонимия, синекдоха асосида кўчма маъно ифодалашдан қандай фарқи борлигини тушунтиринг.

3. Вазифадошлик асосида кўчма маънонинг ифодаланишга учта мисол келтиринг ва кўчма маъно ифодалаш сабабини изоҳлаб беринг.



73-машқ. Ҳикоятни ўқинг, сўз маъноси кўчирилган ўрин-ни топиб, унга тавсиф беринг.

Икки киши поездда ҳамроҳ бўлиб кетишаётган эди. Улардан бирининг кўзи ташқарида ўтлаб юрган қўй-кўзиларга тушди ва деди:

— Қизиқ, бу ердаги туёқлар сони нечта экан-а?

Иккинчиси уларга бироз қараб турди-да, шундай деб жавоб берди:

— Ўтлоқда бир минг қирқ учта қўй бор.

— Ўлай агар, — деди биринчиси, — шу қўйларнинг эгаси бўлмаганимда, бу гапингизга сира ишонмаган бўлардим. Қандай топдингиз?

— Бунинг ҳеч ҳам қийин жойи йўқ, — деди ҳозир-жавоблик билан униси. — Барча туёқларни ҳисоблаб чиқиб, тўртга бўлдим-қўйдим...



74-машқ. Қанот, юрак, оёқ, кўз, бош сўзларини вазифадорлик асосида кўчма маъноларда ишлатинг. Маъно кўчишнинг нимага асосланаётганига диққат қилинг.

75-машқ. Гапларни ўқинг, синекдоха ёки вазифадорлик усули билан сўз маъноси кўчирилган ўринларни топиб, изоҳланг.

1. Секинроқ гапиринг, айланай, деворнинг ҳам қулоғи бор. 2. Ҳозирги ёшларимизга кўз тегмасин, улар биздан кўра ақлироқ, билимдонроқ бўлиб ўсишяпти. 3. Гуруҳимизнинг бирлашиши учун унга бир бош керак бўлиб қолди. 4. Самолётнинг қаноти ўта пишиқ материалдан ишланган. 5. Кечаги футбол баҳсида Ўзбекистоннинг қўли баланд келди. 6. Олимпиадада биринчилиكنи бу гал Бухоро олиб кетди. 7. Автомобилнинг эшигини очиб дўстини чиқариб олди. 8. Аскарларимиз Ватан сарҳадларини кўз бўлиб, қулоқ бўлиб туну кун сергаклик билан кўриқламоқдалар. 9. Бу хушхабарни дўстларимга етказиш учун оёқ бўлиб югурдим.

Таянч тушунчалар:

метафора, метонимия, синекдоха, вазифадорлик асосида маъно кўчириш



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Адабий тилда қуйидаги ҳолатлардан қайси бири кузатилмайди?

А. Адабий тил меъёрлаштирилган, қолипга солинган, ҳамма бўйинсуниши мажбурий бўлган тил шакли саналади.

В. Атамалардан кенг фойдаланилади.

С. Шевага хос сўзлар фаол қўлланилади.

Д. Нейтрал сўзлар кенг ишлатилади.

Е. Барча жавоблар тўғри.

2. Метафора усули билан сўз маъноси кўчирилган қаторни топинг.

А. Аввал уйла, кейин сўйла.

В. Олтин ўтда билинади, одам — меҳнатда.

- С. Ям-яшил дарахтлар шаббодада майин силкинади.
- Д. Талабалик — олтин даврим.
- Е. Асал минг дардга даво.

3. Нарсалар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик асосидаги маъно кўчирилишига нима дейилади?

- А. Метонимия
- В. Метафора
- С. Синекдоха
- Д. Вазифадошлик
- Е. Кўп маънолилик

4. Синекдоха деб нимага айтилади?

- А. Нарсаларнинг вазифаси асосидаги маъно кўчирилишига
- В. Ўхшашлик асосидаги маъно кўчирилишига
- С. Бутун орқали қисмни, қисм орқали бутунни ифодалашга
- Д. Алоқадорлик асосидаги маъно кўчирилишига
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

5. Тўй эрта кузади гапида маъно кўчишининг қайси усули мавжуд?

- А. Синекдоха
- В. Метафора
- С. Метонимия
- Д. Вазифадошлик
- Е. Маъно кўчиш ҳолати йўқ

6. Лексема нима?

- А. Сўзнинг грамматик маъносиз фақат лексик маъно билдирадиган қисми
- В. Сўзнинг товуш томони
- С. Сўзнинг маъно томони
- Д. Сўзнинг узак қисми
- Е. Сўз таркиби

7. Лексикология нимани ўргатади?

- А. Луғат ва унинг тузилишини
- В. Тилдаги сўзларнинг келиб чиқиш тарихини
- С. Сўз ва унинг хусусиятларини
- Д. Сўзнинг грамматик шакллари
- Е. Сўзнинг услубий хоссаларини

8. Ёзув адабий тилнинг қайси шакли учун хос?

- A. Оғзаки адабий тил учун
- B. Ёзма адабий тил учун
- C. Фақат расмий услуб учун
- D. Ёзув илмий услуб учунгина керак
- E. Адабий тил учун ёзувнинг аҳамияти йўқ

9. Адабий тилнинг ривожда шевалар қандай аҳамиятга эга?

- A. Улар адабий тил учун зарарли ҳодиса саналади
- B. Шевалар адабий тил учун ички манба саналади
- C. Адабий тил шевалардан куч-қудрат олиб ривожланади
- D. Адабий тил ривожини учун шеваларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ
- E. B ва C жавоблар тўғри

10. Темир қонун, кумуш қиш, заъфарон юз бирикмаларида сўз маъноси кўчишининг қайси усули мавжуд?

- A. Метафора
- B. Метонимия
- C. Синекдоха
- D. Вазифадошлик
- E. Сўз маъноси кўчирилмаган

7-д а р с

АТАМА ВА АТАМАШУНОСЛИК. АТАМАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

7.1. АТАМА ВА АТАМАШУНОСЛИК

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда истеъмом доираси чегараланган лексика ва унда атамаларнинг тутган ўрни ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш, уларга атамаларнинг тилдаги ўрнини кўрсатиб бериш

- Р е ж а:**
- * Атама ҳақида маълумот
 - * Атама билан умумхалқ сўзларининг муносабати
 - * Атамаларнинг тилдаги аҳамияти
 - * Атамашунослик ҳақида



1-топшириқ: Сув сўзининг каштачиликдаги ва кимё фанидаги маъноларини тушунтиринг. Уларнинг умумхалқ тилидаги сув сўзи маъноси билан солиштириб, фарқини айтинг.

2-топшириқ: Аудит, кредит сўзларининг маъносини айтинг ва уларнинг қайси соҳада қўлланилишини тушунтиринг.

Шу кунга қадар бир нечта фанларни ўқидингиз. Ҳар қайси фанда маълум илмий тушунчаларни ифодаловчи ўзига хос сўзларга дуч келдингиз. Масалан, кимё фанидаги сув сўзининг маъноси умумхалқ тилида қўлланиладиган сув сўзининг маъносидан фарқ қилади. Худди шундай ҳолатни *темир, олтингугурт, олтин* сингари сўзларда ҳам кузатиш мумкин.

Бундан ташқари турли касб-ҳунар тармоқларида ҳам умумхалқ тилидан маъноси чегаралаб олинган сўзлар қўлланилади. Масалан, чеварчилик соҳасидаги сув сўзининг маъноси умумхалқ тилидаги сув сўзининг маъносидан тамомила фарқ қилади. Шунингдек, дурадгорлик

соҳасида ишлатиладиган *қош* сўзининг маъноси умум-халқ тилидаги *қош* сўзининг маъносидан янада бошқа-чароқ.

Атамалар ўзбек тилининг ички имкониятлари неғи-зида ҳосил қилиниши билан бирга, бошқа тиллардан ҳам тайёр ҳолда олинади. Масалан, *менежмент*, *консал-тинг* каби.



Атамаларни тартибга солиш ҳар бир тилда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун атамалар-ни яратиш тамойиллари ва уларни тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи тилшу-носликнинг махсус бўлими борки, бундай бўлим *атамашунослик (терминология)* деб юритила-ди.

Атамашуносликнинг ўрганиш бирлиги **атамалар** (тер-минлар)дир.

Ҳар бир фан, касб-хунар тармоғи атамаларсиз иш кўра олмайди. Шунинг учун атамашунослик муаммо-лари фақат тилшуносликнинггина муаммоси бўлиб қолмай, у барча фан ва касб-хунарнинг ҳам асосий масалаларидандир. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳ-камаси қошида барча фан, касб-хунар соҳаларида атамаларни тартибга солиш муаммоси билан шуғул-ланувчи атамашунослик қўмитаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Атамаларни мумкин қадар миллийлаштириш, тили-мизнинг ички имкониятларидан атамалар яратишда унумли фойдаланиш (кичик корхона, жамоа хўжалиги, тадбиркор, қўшма корхона каби), шу билан бирга иқти-содий-сиёсий, илмий-техник тараққиётимизга доир янги тушунчаларни ифодаловчи чет тилидан кириб келган атамаларни ҳам зарур ҳолларда қабул қилиш (компью-тер, фермер, дизайн) ҳозирги атамашунослигимизнинг бош тамойили саналади. Шунинг учун ҳам халқ ўртаси-да кенг истеъмолда бўлган радио (овознигор эмас), аэропорт (тайёрагоҳ эмас), институт (олийгоҳ эмас), автобус (кўпкўрси эмас), телефон (дуровоз эмас), са-молёт (учоқ эмас) каби атамалар тилимизда сақлаб қолинди.

Шунингдек, иқтисодий ҳаётимизда мустақиллик шароитида буюк бурилишлар бўлганлиги сабабли, ана шу реалликни ифодаловчи қатор чет тилидан кирган атамалар тайёр ҳолда қабул қилинди: *биржа*, *дилер*,

акция, аудит, аудитор каби. Ана шу йўллар билан атамалар изга солинмоқда.

Истаган ўзбек тилида сўзлашувчилардан *илдиз* нима деб сўрасангиз, ўсимликнинг озуқа билан таъминлаб турадиган қисми деб жавоб беради.

Лекин математикага дахлдор кишилар бу саволга $\sqrt{\quad}$ ишораси, математик амаллардан бири эканлигини айтади.

Кўринадики, бир сўз умумхалқ тилида бир маънони, маълум ихтисослик соҳасида эса бошқа маънони ифодалайди ёки *қош* сўзи умумхалқ тилида «одамнинг юз қисмида кўз косасидан тепада ёйсимон шаклда ўсиб чиққан юнг» ҳамда «ён» (қошимда ўтирибди) маъноларини билдирса, дурадгорликда бошқа маънони ифодалайди.

Муайян фан тармоқлари, касб-хунар соҳаларида маълум тушунчаларни аниқ ифодалаш учун умумхалқ тилида ишлатилаётган сўзлардан маъносини махсуслаштириш йўли билан фойдаланилади. Масалан, юқорида келтирилган мисолда математик тушунча учун умумхалқ тилидан *илдиз* сўзининг маъносини махсуслаштириш йўли билан олинган. Агар умумхалқ тилида ана шундай сўзларни топиш имконияти бўлмаса, у вақтда бошқа тиллардан тайёр ҳолда олинади. Масалан, *фонема, валентлик, элемент, синус, косинус* ва бошқалар.



Маълум фан ёки касб-хунар соҳасидаги муайян бир тушунчани аниқ ифодалаш учун маъноси махсуслаштирилган сўз ёки сўз бирикмаларига атама (термин) дейилади.



Савол ва топшириқлар

1. Атама деганда нимани тушунаси?
2. Атама қандай ҳосил қилинади?
3. Атаманинг умумхалқ сўзидан қандай фарқи бор?
4. Атамаларни яшаш ва уларни тартибга солиш муаммолари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?



76-машқ. География фанига оид атамаларни изоҳи билан кўчиринг. Намуна: гармсел — иссиқ (қуруқ) шамол.

Дурбин, вулқон, атлас, гербарий, гипотеза, материклар, канал, контур карта, магнит, минерал, метеоро-

рология, радиация, топоним, экватор, юпитер, қўлтиқ, баланс, биосфера.

77-машқ. «Амир Темур даврида давлат бошқарувида аёллар» мавзусида матн тузинг. Матн ичида қуйидаги атамаларни ҳам қўлланг.

Сарой, манбашунослик, элчи, этнограф, шарқшунос, моҳир сиёсатчи, сулола, муסיқачи, давлат, ме-рос, тиллақош, балдоқ, чопон, қилич, камар, музей.



78-машқ. 3 та гуруҳга бўлининг. Белгиланган қисқа муддат ичида 1-қатор илм-фанга оид, 2-қатор санъат ва маданиятта, 3-қатор техникага оид атамаларни навбат билан ёзув тахтасига ёзинг. Қайси гуруҳ атамаларни кўп ва тўғри топа олса, ўша гуруҳ ғолиб деб топилади.

79-машқ. Кўчиринг, берилган матндан атамаларни топинг ва уни алоҳида белгиланг.

ТАРИХ — ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

Тарих — ҳақиқат мезони, жарчиси. У алдай олмайди, алданмайди ҳам. Тарихий жараёнларни ёшларимиз, бутун мамлакат аҳли янги онг ҳисси билан қабул қилмоқда. Амир Темур ҳам ҳақли равишда ота юрти Шаҳ-рисабзда қурдирган Оқсарой пештоқига «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг», деб ёздириб қўйган эди. Бу буюк саркардалик, ўз куч-қудрати, мустақиллигига ишонч, қатъият рамзи эди. Демак, Туронзамин ёшлари, аҳли омма учун ибратли иборалар бу! «Тузуклар»да ўқиймиз: «Дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмагай, тилимиз унутилмагай. Эътиқод сусайса, тил эмас, иймон ҳам унутилгай. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демакдир. Куч адолатдадир». Йўлбошчимиз ёшларнинг янада баркамол ва соғлом, жисмонан бақувват, маънавияти етук бўлишига алоҳида аҳамият беради. Бу борада бобомиз Амир Темурнинг олиб борган маънавий-маърифий ишлари ибратлидир. Чунончи, Соҳибқирон оила, никоҳ, миллат тозалиги ва софлигига катта эътибор берган. Чунки мамлакатнинг истиқболи, келажаги ҳам ёшлар, соғлом инсонлар қўлида бўлиши табиий ҳолдир. Миллат, қавму қариндош, уруғ-наслнинг тозалиги инсоний хислатлар — онгнинг шаклланиши, ўз Ватанига садоқат, миллатпарварлик, тенглик, дўсту ҳамкорликни барпо қилишга боғлиқ.

(К. Норматов)



80-машқ. Ўқинг. Президентимиз айтган фикрларни қайта ҳикоя қилинг. Матндаги атамаларни топинг.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тузуми шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилғи ва минерал-хом ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидроэнергетика лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини (БАМ, Турксиб каби темир йўлларни, автомобиль, нефт-газ магистралларини ва ирригация тармоқларини) бунёд этиш нафақат табиий захираларни қашшоқлаштирди, балки бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди.

...Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш биринчи даражали вазифадир.

7.2. АТАМАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Ҳар қандай фан соҳаларининг ривожига шу фанга доир атамаларни изга солиш катта аҳамиятга эга.

Истиқдолга эришгунга қадар ўзбек илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги атамаларнинг ривожига эътибор берилмади. Натижада атамаларнинг кўпчилиги рус

тилида қандай бўлса, шундайлигича олинди. Масалан, *справка, доклад, канцелярия* ва бошқалар.

Мустақиллик шароитида атамаларни изга солиш энг долзарб вазифалардандир.

Атамаларни тартибга солиш ҳаракати мустақилликнинг илк даврларида турли йўсинда олиб борилди: а) рус тилидан ва бу тил орқали Европа тилларидан кириб келган атамаларнинг ўрнига араб-форс тилидан атамалар танлаш: *аэропорт* ўрнига *тайёрагоҳ*; *самолёт* ўрнига *тайёра*; *институт* ўрнига *олийгоҳ*, *район* ўрнига *ноҳия*, *радио* ўрнига *овознигор*, *телефон* ўрнига *дуровоз* кабилар: б) рус тилидан ва бу тил орқали Европа тилларидан кириб келган атамаларнинг ўзбек тилининг ички имкониятларини қидириб, ўзбекча муқобилларини топиш. Агар муқобили бўлмаса, бошқа тиллардан олинган атамаларни ўзбек тили фонетик қонуниятига мослаштириб қўллаш. Масалан, *акция* — *ҳисса*, *акционер* — *ҳиссадор*, *канцелярия* — *девонхона*, *печать* — *муҳр*, *гимн* — *мадҳия*, *таможня* — *божхона*, *банк* — *банка*, *самолёт* — *самолёт*, *вертолёт* — *вертолёт*, *ракета* — *ракета*, *танк* — *танк*, *телефон* — *телефон*, *компьютер* — *компьютер* каби. Атамаларни изга солишнинг кейинги йўли истиқболли йўл эканлиги ҳаммага аён бўлди, чунки бошқа тиллардан атама қабул қилмайдиган бирорта ҳам тил йўқ. Масалан, *телефон*, *компьютер* атамалари дунёнинг ҳамма тилларига кириб борган.

Ҳозирги кунимизда ўзбек тили *биржа, дизайн, линзинг, маркетинг, менежмент, мониторинг, аудит* сингари юзлаб бошқа тиллардан олинган атамалар ҳисобига бойиб бормоқда.



Савол ва топшириқлар

1. Атамаларни тартибга солишга қандай зарурият туғилди?
2. Атамаларни тартибга солишнинг қайси йўллари биласиз ва қайсиси сизга маъқулроқ?
3. Иқтисодиёт соҳасида қабул қилинган бешта янги атама топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

81-машқ. Уйга топшириқ. «Ўлмас наволар» мавзусида иншо ёзинг. Санъатшуносликка оид атамалардан фойдаланинг. Иншоингизга қуйидаги тўртликни эпиграф қилиб олинг.

Санъатга бахш умрнинг сўнгсиз мўъжизаси бор,
У дунёни тарк этса, ундан дунё қолади.
Инсон умри сарҳадли, қўшиқ умри пойиндор,
Навосиз юраклардан ўлмас наво қолади.

82-машқ. Семантика, полисемия, моносемия, лексикография каби атамаларнинг луғавий маъноларини изоҳланг.



83-машқ. Грамматик ўйин — топшириқ. Икки гуруҳга бўлининг. Тилшуносликка оид атамалардан фойдаланиб тез айтиш бўйича сўз занжири тузинг.

Бунда сўзнинг охиридаги товушга қараб 2 гуруҳ шу товушдан бошланувчи сўз айтади.

I гуруҳ

кўмакчи
олмош
абадий тил
ясовчи

II гуруҳ

имло
шева
лексикология
ибора



84-машқ. 1798 йилда яратилган Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтаҳоб-ул-луғат» асарида астрономия, математика, муסיқашунослик, адабиёт фанига оид атамалар берилган. Уларни дафтарингизга кўчиринг, маъноларини изоҳланг.

Сатҳ, ватар, минтақа, хатти устуво (экватор); ағони, нағма, суруд, «Ҳижоз», «Ажам», «Ироқ», нағамот, муסיқа, наво, оҳанг, бадъе, ташбеҳ, рамз, радиф, фасоҳат, мажоз, назм, ҳижо, шеър.



85-машқ. Ҳуқуқшуносликка оид атамаларни изоҳи билан кўчиринг, ёзилишига диққат қилинг.

Амнистия, арбитраж, архив, аудит, банкрот, брифинг, ваучер, виза (рухсатнома), грант, декларация, демократия, дивиденд, дотация, инвестиция, интерпол, кадастр, кворум, квота, конгресс, конституция, лизинг, магистр, округ, патент, регламент, санация, санкция, тендер, террор, экстремизм.



86-машқ. Матнни ўқинг, атамаларни топиб, уларни изоҳланг.

Водороднинг ишлатилиши унинг кимёвий хоссаларига асосланган. Ундан кислород билан бириккан пайтида қўп иссиқлик чиқади. Шу боис водороддан мотор ёқилғиси сифатида фойдаланилади. Металларни қир-

қиш ва пайвандлаш ишларида ҳам у фаол қўлланилади. Водороднинг металмас моддалар: хлор ва азот билан бирикиши реакцияси асосида саноатда хлорид кислота ва аммиак ишлаб чиқарилади. Аммиакдан ўз навбатида нитрат кислота олинади.

Таянч тушунчалар:

атама, атамашунослик, истеъмол доираси чегараланган лексика

8-д а р с

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИ

8.1. ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда ўзбек тили лексикасининг такомил топиб бориш йўллари, тилдаги сўзларнинг эскириб бориши ва уларнинг ўрнига янгиларининг кириб келиши ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

- Р е ж а:** * Лексика таркибидаги ўзгаришларнинг сабаблари.
* Айрим лексемаларнинг эскириши ва унинг сабаблари: архаизмлар ва историзмлар (тарихий сўзлар).
* Янги сўзларнинг пайдо бўлиш сабаблари. Неологизмлар.



1-топшириқ: Навоийнинг қуйидаги байтидан ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайдиган сўзларни аниқланг: «Жамъ бўлиб бир кун гулистон қушлари, Бошоқ баҳру биёбон қушлари. Барча бир манзилда мажмаъ туздилар, Ҳар бир ўз ҳайлу сафни кўргуздилар.

2-топшириқ: Ваучер, тендер сўзларининг маъносини тушунтиринг ва уларнинг ўзбек тилида қачондан бошлаб қўлланганини айтинг.

Бизни қуршаб турган оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар узлуксиз ўсишда-ривожланишдадир. Масалан, ҳовлингизга кўчат экдингиз. У кўкариб, аста-секин ривожлана бошлайди, лекин унинг ривожланиш жараёнини оддий кўз билан кузата олмайсиз. Кўчат экилган ҳолат билан унинг бир неча ой ёки йил ўтгандан кейинги ҳолатини солиштирсангиз, ундаги рўй берган ўзгаришларни пайқайсиз.

Худди шунингдек, сиз билан биз гаплашиб турган тил ҳам муттасил ривожланишда, ўзгаришдадир. Бу ўзгаришларни шу тилнинг икки давр оралиғидаги ҳолатига қараб билиб оламиз. Масалан, Навоий тили билан ҳозирги даврдаги ўзбек тили ёки Фитрат, Чўлпонлар даври билан бугунги ўзбек тилини солиштирсак, бу икки давр оралиғида рўй берган ўзгаришлар лексикада кўпроқ акс этганини сезишимиз мумкин.

Кўринадики, бундай ўзгаришлар тилнинг луғат жамғармасида кўпроқ намоён бўлади, чунки халқимиз тарихида рўй берган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар туфайли янги сўзлар кириб келади, айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади. Масалан, эски ўзбек тилига хос *черик* (аскар), *ўкўш* (кўп), *талим* (бир қанча) сингари сўзлар бугунги кунда қўлланилмайди.



Улар ўзбек тили лексикасининг эскирган қатламини ташкил қилади. Уларга нисбатан эскирган сўзлар ёки архаизмлар ва историзмлар атамаси ишлатилади.

Бунга зид ўлароқ *консалтинг*, *аудит*, *саммит* сингари сўзлар эса тилимизга эндигина кириб келяпти. Улар янги пайдо бўлган сўзлар, яъни неологизмлар саналади.

Собиқ шўролар даврида *сиёсий бюро*, *пионер*, *комсомол*, *октябрат* сингари сўз ва бирикмалари фаол қўлланилган бўлса, мустақиллик шароитида бундай сўзларни ифодалайдиган тушунчаларга ҳаётда ўрин қолмади. Шунинг учун улар истеъмолдан чиқиб кетди. Ҳозирги кунда янгича давлат ва хўжалик бошқарувига, бозор иқтисодиётига доир бир қатор янги сўзлар пайдо бўлди. Айрим эски ўзбек тилида қўлланилган сўзлар янгитдан олиб кирилди. Масалан, *ҳокимият*, *ҳокимлик*, *вазир*, *вазирлик*, *девоҳона* ва бошқалар.

Шундай қилиб, ўзбек тили лексикаси турмушимиз учун кераксиз бўлиб қолган тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг истеъмолдан чиқиб кетиши, янги пайдо бўлган тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг эса кириб келиши ҳисобига доимо ўзгариб, ривожланиб, бойиб боради.



Савол ва топшириқлар

1. Тилнинг ривожланиши деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбек тили лексикасидаги ўзгаришлар ҳақида гапиринг.
3. Мустақиллик шароитида янги пайдо бўлган сўзларни айтинг.

87-машқ. Қуйидаги сўзларни фаол ва пассив сўзларга ажратинг.

Ер, қуёш, одам, башар, чақмоқ, уй, йўл, динозавр, узоқ, имло, ғазал, коинот, аёл, одоб, дарё, режалаштириш, табиб, жадаллаштириш, эқмоқ, олим, магистратура, бакалавр, зилзила, тошқин, кулди, сунъий, агротехника, истеъмол, йиғламоқ, йилнома, ёқилғи, ҳафта, сут, қатик, товар.

88-машқ. Архаик сўзларга маъно жиҳатидан муқобил замонавий сўзлар топинг.

Ёгий, дубулга, битик, черик, фирқа, ёвуқ, пуд, қадоқ, этмак, ҳандаса.

89-машқ. Бирор газетани кузатиб, уларда қўлланган 15—20 та эскирган, шунингдек, янги пайдо бўлган сўзларни аниқланг, сўнг гап шаклида кўчириб ёзиб, уларнинг қандай нутқий эҳтиёж учун қўлланганини изоҳланг.

90-машқ. Матнни кўчиринг. Тарихий сўзларга бир чизик, архаик сўзларга икки чизик чизинг. Уларга услуб жиҳатидан мос тушадиган муқобил замонавий сўзлар топинг.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мироншоҳ кейинги пайтда айшу ишратга берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай қўяди. Соҳибқирон келинидан бу хабарни эшитгач, эртаси куни ҳазрат энг нуфузли кишиларини кенгашга тўплаб, Мироншоҳ масаласини ўртага қўяди. Амир Темурнинг ўзи Мироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазоси берилишини айтиди. Темурнинг пири Саййид Барака ва айрим амалдорлар бу ҳукмга қатъиян қарши чиқадилар, лекин Темур ўз сўзида маҳкам туриб олгач, Амир Шоҳ Малик ўрнидан туриб: «Ўғлингиз-ку, давлатпаноҳ», дейди. Амир Шоҳ Маликка ғазаб билан тикилади. Шоҳ Малик эса яна: «Шаҳзода сизнинг фарзанди аржумандингиз эрур, давлатпаноҳ, қатл қилдирсангиз, ислом қиличига фарзандкушлик исноди доғ бўлиб тушмоғи муқаррардур», — дейди. Амир Темурнинг янада ғазаби авжга чиқиб: «Мен аҳкоми шариатда эмас, ўз салтанатимда тартиб ўрнатмоғим лозим!» — дейди.

Шунда Саййид Барака ўрнидан туриб: «Барибир, ҳар бир ишдан Оллоҳ таоло воқифдур, ҳукмдор!», — дея огоҳлантиради. Шундан сўнг Темур ўзича бир қарорга келади-да, ғазабдан тушиб кенгаш тутаганлигини маълум қилади.

Эртаси шаҳар халқини катта майдонга йиғиб, Мироншоҳ бошлиқ унинг барча амир ва амалдорларини қўллари боғлиқ ҳолда зиндондан олиб чиқиб, шаҳар майдонига олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод ҳазрат Соҳибқироннинг сўнгги буйруғини кутарди.

Барака бошлиқ барча амирлар, беклар ва шахзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Соҳибқирондан илтижо қилиб ёлборадилар. Шундан сўнггина Мироншоҳ банддан озод этилиб, ҳарамидаги хотинлари ва канизакларидан фақат фарзанди борларигина унга қолдирилади.

(Т. Файзиев «Амир Темур сабоқлари»)

91-машқ. Сўзларнинг тарихийлик жиҳатидан қайси қатламга ҳослигини аниқланг.

Карол, феодал, режиссёр, юлдуз, ташаббус, Туркистон, расадхона, очилгон, телескоп, куёв, театр, малай, санъат, дизайн, арбоб, эпизод, рутба, мусофирхона, миршабхона, девон, миллий хавфсизлик, дипломатия, авиасозлик, жумҳурият, дукчи, чарх, муганний, ашула, фермер, компьютер, чўпчак, мусаллас, нота, профессор, студия, санация, асов, тақа, тарбия, эрк, маърифат, аравакаш, маҳлиқо, қаландарлар, рафиқа, мушку анбар, файтун, меҳмон, ғойибона, ғаним.

92-машқ. Газеталарнинг биридан касб-ҳунарга оид 10—15 та сўзларни топинг, сўнг гап шаклида кўчириб ёзиб, қайси касбга оид сўз эканини аниқлаб, маъносини изоҳланг.

93-машқ. Қуйидаги архаик сўзларга маъно жиҳатдан муқобил замонавий сўзлар топинг.

Битик, черик, этмак, ёғий, дубулға, фирқа, ёвуқ, ҳандаса, фасоҳат, фикҳ.



94-машқ. А. Қаҳҳорнинг «Жонфигон» ҳикоясидан олинган парчани ўқиб, эскирган ва замонавий сўзларни топинг ва изоҳланг.

Малоҳатхон Жонфигон извошчиликдан ҳайдалган йили, маҳалладаги актив аёлларнинг ҳимояси остида, эрининг қаршилигига қарамай, район Советига фаррош бўлиб ишга кирган экан, ўқибди, ҳадемай

саводи чиқиоди, бир йил-бир ярим йилдан кейин ҳатто мажлисларда докладчига: «Ўртоқ, Сизга саволим бор», дейдиган бўлибди. Район Советининг шофёри Тимченко деган аёл унинг соғломлигига, кучига, абжирлигига, айниқса, зехнига қойил бўлиб юрар экан, бир кун и уйга чақириб, «сен шофёр бўлгин, нима ёрдам керак бўлса бераман» дебди. Малоҳат ҳам шундай бир нарсани орзу қилиб юрар экан, дарров кўнибди. Шундан кейин Тимченко уни бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибатда киргизиб ҳам қўйибди.

Жонфигон авваллари унинг ниятига, ўқишга «нотовон кўнгил... орзуга айб йўқ» деган назар билан қараб юрар экан, бир вақт қарасаки, Малоҳат курсни битириб, грузовой миниб юрибди! Жонфигон бунга ҳам кўникибди — «ҳа, энди, минса минибди-да, шу ҳам мартабами, машинани ўзи ўйлаб чиқарипти-ми» деб ўзига тасалли берибди, бироқ Малоҳат икки йилда уч марта мукофотланибди. Жонфигон мукофотни ўз гази билан ўлчагани учун бунга ҳам унча парво қилмабди.

95-машқ. Деҳқончилик касбига оид эскирган сўзларнинг остига чизинг.

Деҳқончилик касбига оид далага қўш чиқариш билан боғлиқ «шоҳмайлар» маросими алоҳида қувонч ва тантана билан нишонланади. Одатда далага қўш чиқариш кунини қишлоқдаги тажрибали деҳқон (оқсоқол) белгилаб берган. Шоҳмайлар душанба, чоршанба ва жума кунларидан бирига тўғри келиши лозим бўлган, чунки бу кунлар деҳқонлар тасаввурида бахт, омад келтириладиган кунлар ҳисобланган. Асосан, қўш чиқариш Наврўз кунлари бошланган, аммо ерлар пишиб етишса, об-ҳавога қараб Наврўзга қадар ҳам ўтказилган.

Шоҳмайлар тантаналарига тўқ-фаровон жойларда қишлоқнинг барча аҳли тайёргарлик кўрган: ҳар бир хонадон турли таомлар тайёрлаган, нону қатлама, патирлар ёпилган, бўғурсоқ ва пўссиқлар пиширилган. Маросим ўтказиладиган жой супирилиб-сидирилиб, шолча, кигизу гиламлар тўшалиб, дастурхонлар ёйилган, унга тайёрланган таомлар тортилган. Қишлоқ аҳли тўплангач, оқсоқол яхши тилаклар билан дуо-фотиҳа қилиб, пиширилган нарсалар аҳоли орасида тарқатил-

ган. Шундан сўнг қўш чиқариш учун махсус боқилиб турган ҳўкизлардан бири олиб чиқилган ва ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан тайёрланган кулча қишлоқнинг барча мўътабар қариялари ва бошқа иштирокчиларига бир парчадан синдириб берилган. Кулчанинг бир бўлаги танлаб олинган ҳўкизга ҳам едирилган. Ниҳоят, кўз тегмасин деб ҳўкизларнинг шохига зигир ёғи суртилган, инс-жинслардан ва ёвуз руҳлардан пок бўлсин деб исириқ тутатилган.

Дастлабки қўшни қишлоқнинг энг ҳурматли оқсоқоли қўш билан кучи етгунча тоқ марта ҳайдаб, кейин ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан олинган буғдойдан иримига ҳайдалган ерга бир неча ҳовуч сепган. Мазкур маросимдан сўнг барча деҳқонлар ҳўкизларини етаклаб уйга қайтганлар. (И. Жабборов).

Таянч тушунчалар:

эски қатлам, янги қатлам, архаизмлар, историзмлар (эскирган сўзлар), неологизмлар (янги пайдо бўлган сўзлар)

8.2. ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда ўзбек тили лексикасининг ички ва ташқи имкониятлар асосида бойиб бориши ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Р е ж а: *Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари ҳақида.

* Ички имкониятлар асосида ўзбек тилининг бойиши.

* Бошқа тиллардан сўз олиш асосида лексиканинг бойиши.



1-топшириқ: Кадастр, лизинг сўзларининг маъносини тушунтиринг ва уларнинг ўзбек тилига бошқа тилдан олиниш сабабини айтинг.

2-топшириқ: Илгари истеъмолдан чиқиб кетган сўзларнинг янги маънода қўлланаётганига мисоллар келтиринг.



Ўзбек тили лексикаси бир қанча манбалар асосида бойиб ривожланиб боради. Уларни, энг аввало, икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ўз ички имкониятлари асосида; 2) бошқа тиллардан сўз олиш асосида. Уларнинг биринчиси ички манбалар, иккинчиси эса ташқи манбалар саналади.

1. Ўзбек тили лексикасининг биринчи йўл билан бойиб бориш имкониятлари жуда кенгдир. Масалан, а) илгари қўлланилиб, кейин истеъмолдан чиқиб кетган сўзлардан янги тушунчаларни ифодалаш учун фойдаланиш: *вазир, ҳоким, вилоят, ширкат, ноиб, туман каби*; б) ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз яшаш: *уяли телефон, омонатчи, пудратчи, божхона, аудитчи (аудитор), дизайнчи (дизайнер) ва бошқалар*; в) диалектал сўзларни фаоллаштириш: *менгзамоқ (Хоразм) «ўхшатмоқ», «тенглаштирмоқ», «қийёсламоқ» маъносида.*

2. Ўзбек тили лексикаси ташқи манбалар асосида ҳам бойиб бормоқда. Дунёда бошқа тиллардан сўз олмасдан фақат ўз ички имкониятлари асосидагина ривожланадиган бирорта ҳам тил йўқ. Бундан ўзбек тили ҳам мустасно эмас. Фақат маълум зарурат туфайли янги тушунчани ифодаловчи ўз тилимизнинг ички имкониятлари асосида ифодалаб бўлмагандагина ташқи манбаларга мурожаат қилиш фойдалидир. Боболаримиз Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоийлар ҳам шунга даъват қилганлар.

Кейинги даврларда тилимизга Европа тилларидан бир қанча сўзлар янги тушунчалар билан биргаликда кириб келди. Масалан, *мониторинг, дилер, скайнер каби.*

Буларнинг ҳаммаси ўзбек тили лексик имкониятларини кенгайтириб, бойитмоқда.




Савол ва топшириқлар

1. Ўзбек тили лексикаси қайси йўллар билан бойиб, ривожланиб бормоқда?

2. Лексиканинг ички манбалар асосида ривожланиши деганда нимани тушунасиз ва уларнинг усуллари қандай?

3. Ташқи манбаларга қандай ҳолатларда мурожаат этилади?

Қуйидаги чизмани дафтарингизга кўчиринг ва уни ёдда сақланг.



96-машқ. Уйга топшириқ. Юқорида берилган чизманинг ҳар бирига мисоллар ёзинг.



97-машқ. Ўзлашма сўзларнинг қайси тилга оид эканлигини кўрсатинг (арабча, форсча, лотинча, русча)

Саодат, тахт, машина, аъло, шеър, карахт, баджаҳл, шоир, маориф, ҳўроз, газета, бахт, ручка, сеҳр, стол, биохимия, дазмол, рухсат, рўза, қоида, суръат, объект, донишманд, парта, паравоз, муомала.

98-машқ. Ўзбек тили лексикасининг ташқи манба асосида бойишига мисоллар келтиринг.

99-машқ. Қуйидаги матнни кўчиринг. Рус тилидан ҳамда араб ва форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларни алоҳида-алоҳида кўчиринг.

АБО МУСЛИМ

13 декабрда «Турон» қишлоқ биносида улуғ адиби-миз, муаллиф Фитратнинг 5 парда 7 кўринишлик «Або Муслим Хуросоний» номлиқ томошаси ўйналди.

Охирги кўринишда аббосийларнинг биринчи халифаси рўлини Сайфи қори жуда юмшоқ ўйнади. Айниқса, Або Муслим билан Марв беги қизининг ўлишлари чоғида, кароматгўй шайх чопони остидан ҳоваржларнинг жасуси Заҳҳок чиқиб келган вақтда, ўзининг катта ва тузалмас хатоларини англағон дамларда шу қадар кам ҳаракат эдиким, сира қўя қолинг! Сайфи қорининг ампуласи (ўйнайтурган ўюнлари) белгуликдир. Режиссур шуни кўзда тутиб уни ғоят жиддий бўлғон шу хил рўлларга чиқармаслиғи керак.

Бизнинг Туркистонда «доғули айёр» деб ном чиқарғон Заҳҳок рўлида Уйғур бошдан-оёқ яхши. Кўзга илинар-илинмас сустлик ва руҳсизлигини санамасак, Марв бегининг қизи Гулнор рўлида Маъсума ҳоним яхши, Або Муслимнинг вазири Ҳомид рўлида Ўктам, Марв беги рўлида Сайфи қори, Амир Али рўлида Шокир, Гулнорнинг энагаси рўлида Робия Туташ текис ўйнайдилар. Нарсиёр рўлида чиққан Босит билан Язид рўлидаги Олимнинг юксак руҳ билан вазият ва аҳволга ёндаштириб ўйнашларини айтиб ўтмак керак. Бошқа кичкина вазифалар ҳам дуруст бажарилди.

Саҳнамининг ўзини тузатишга ҳам жиддий ҳаракатлар кўрила бошлади. Сирдарё музофот фирқа кўмитасининг масъул саркотиби ўртоқ Абдулҳай Тожи билан Эски шаҳар ижрокўмининг муваққат раиси Маннон Рамз ўртоқлар марказнинг бирдан-бир санъат маркази бўлғон «Турон» биноси ва Давлат неча ҳаваслик кишиларга топшириб пуллик ёрдам ваъда қилғонлар.

(А. Чўлпон)

100-машқ. Тилимиз тараққиётида синонимлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у икки хил база асосида пайдо бўлади: тилнинг ички имкониятлари асосида ва бошқа тилдан сўз олиш натижасида. Эътибор беринг!

1. Тожиқ тилида

чорпоя
олов
чопон
кисса
даста
буқа
жилт
офтоб
осмон

2. Ўзбек тилида

сўри
ўт
тун
чўнтак
соп
новвос
муқова
куёш
кўк

Тожик тилидан сўз ўтиш натижасида қўшма ва жуфт сўзлар ҳам пайдо бўлган.

Бош (пана), қон (хўр), қўш (най), ширин (сўз), яланг (бош), қахр-ғазаб, тўй-томоша, соғ-саломат, ач-чиқ-чучук.

101-машқ. Берилган сўзлар қайси тиллардан ўзбек тилининг лексик қатламига ўзлашганлигини луғат ёрдамида аниқланг. Бу сўзларнинг ўзбек тилида қўлланиш сабабларини тушунтиринг.

Спорт тайм, лизинг, авиация, гараж, океан, хорижий компаниялар, фирма, кооператив, аванс, суғурта, акция, апельсин, лимон, лента, пьеса, эпос, коктейль, объект.

102-машқ. А. Ҳожиёв, Л. Решетовларнинг «Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати»даги 20 та сўзни ажратиб, маъноларини пухта ўрганинг. Уларнинг қайси тиллардан ўзбек тилига ўзлашганини топинг.



103-машқ. Матнни кўчиринг. Сўнгра умумтуркий сўзлар, ўзбекча сўзлар, форсча-тожикча сўзлар, арабча сўзларни жойлаштирадиган чизма чизинг ва матндаги сўзларни шу чизмаларга жойлаштиринг.

ФАРЗАНД ВА ОТА УЧРАШУВИ

Тошкент — Андижон поезди Асакага етиб келди. Йўловчилар тез-тез вагонлардан туша бошладилар. Ҳаво очик, кўкда сон-саноксиз юлдузлар чарақлаган, майин шабада эсиб турибди. Шаҳрихон сойи шовиллаб, суви қирғоққа урилади, пахса деворлардан энгашган олча мунчоқлари, оқ ўриклар ойдинда кўзга ташланиб қолади, узоқларда электр чироқлари милтиллайди. Юк халтасини орқалаб олган иймони комил, мўъмин йигит бу манзараларга суқланиб, кўча ўртасидан келмоқда. Узоқ вақт жанг оловларида юрган киши учун бу манзаралар оромбахш туюлар, қувончи ичига сиғмас эди. Новча тераклар учида ойнинг кумуш парчаси сузади, шамол новда-ниҳолларни тебратади. Ана, тонг ҳам отмоқда. Аллақаерда булбул тўлиб-тошиб куйлайди, яқин ўртада хўроз қичқиради. Кўприк олдида фонус кўтарган киши пайдо бўлди. Бу — Пулатжоннинг отаси эди. Пулатжоннинг тили танглайига ёпишиб қолгандек гапира олмас, вужуди эса қарахт бўлиб қолгандек қимирламас эди. Фарзанд билан ота учрашувини кўкдаги ой кузатар эди.

104-машқ. Ўзбек тилига рус тили ва Европа (инглиз, немис, француз, испан) тилларидан ўзлашган сўзларга мисоллар келтиринг.



105-машқ. Ўзбек тилига оид бўлган қуйидаги туркий сўзларни 3 гуруҳга ажратиб кўчиринг.

1. Туб сўзлар. 2. Аслида ясама, ҳозирда бир ўзакни ташкил қилувчи сўз. 3. Ясама, қўшма, жуфт сўзлар.

Туш, иш, бор, кел, қалин, бурун, очкўз, буйинбоғ, уч, қўш, бугун, боғич, боғлаш, итуруғ, айғоқчи, бола, дала, эртаға, тўнғич, кунботар, мисгар, туз, балдоқ, олтов, тўнғиз...

Юқоридаги сўзларни сиз ҳам давом эттиринг.

Таянч тушунчалар:

ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари, ички манба, ташқи манба, арабча сўзлар, форсча-тожикча сўзлар, русча-байналмилал сўзлар

9-д а р с

ҚЎЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ ЧЕГАРАЛАНМАГАН ВА ЧЕГАРАЛАНГАН СЎЗЛАР. НОМШУНОСЛИК

9.1. ҚЎЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ ЧЕГАРАЛАНМАГАН ВА ЧЕГАРАЛАНГАН СЎЗЛАР

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда истеъмол доираси чегараланган ва чегараланмаган лексика, унда диалектизмлар ва социал чегараланган сўзларнинг ўрни ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

- Р е ж а:** * Сўзларнинг қўлланиш доирасига кўра таснифи.
* Қўлланиш доираси чегараланмаган сўзлар (умумистеъмолдаги сўзлар).
* Қўлланиш доираси чегараланган сўзлар.



1-топшириқ: Таъя, каллапўш, призма сўзларининг қўлланилиш доирасини айтинг.

2-топшириқ: Шева ва маълум бир фан доирасида қўлланиладиган олтита сўз топиб, уларни гап ичида келтиринг.

Сўзлар қўлланилиш доирасига кўра чегараланмаган ва чегараланган сўзларга бўлинади.



Умумхалқ тилида кенг қўлланиладиган ва шу тилда сўзлашувчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлган сўзларга қўлланиш доираси чегараланмаган сўзлар дейилади. Улар нейтрал лексика атамаси билан ҳам юритилади. Масалан, нон, ун, буғдоғ, қалам, дафтар, қор, булут ва бошқалар.

Фақат маълум социал гуруҳ ҳамда маълум бир ҳудуд доирасидагина қўлланилиб, умумхалқ тилига хос бўлмаган сўзлар чегараланган сўзлар саналади.

Бундай сўзларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ҳудудий чегараланган сўзлар (диалектизмлар).
2. Социал чегараланган сўзлар.

Фақат маълум бир ҳудуд доирасидагина қўлланилиб бошқа ҳудудда яшовчи ўзбек тили вакиллари учун хос бўлмаган сўзлар ҳудудий чегараланган (шевага хос) сўзлар ёки диалектизмлар дейилади. Масалан, *эшик* «ҳовли», «уй» (Андижон), *шоти* «нарвон» (Андижон, Фарғона, Наманган), *такя* «дўппи» (Хоразм) ва бошқалар.

Маълум ижтимоий гуруҳ доирасидагина ишлатиладиган сўзларга социал чегараланган сўзлар дейилади. Масалан, «*отарчи*»лар доирасида қўлланиладиган сўзлар: *якан* «пул», *данап* «қиз бола»; темир йўл кузатувчилари доирасида қўлланиладиган сўзлар: *қайчи* «тафтишчи», *колхоз* «чиптасиз йўловчи».

Бундай сўзлар арголар деб юритилади.

Айрим арголар умумтил лексикасидан олинади. Бундай вақтда бу сўзлар умумтилдагига нисбатан бошқа маънода қўлланилади. Масалан, *колхоз* умумтил лексикасида эскирган бўлиб, жамоа хўжалигини ифодалаган бўлса, темир йўл кузатувчилари тилида бошқа маънони ифодалайди.

Шунингдек, айрим табақа вакиллари тилида фаол ишлатиладиган лексемалар ҳам учраб туради, булар жаргонлар дейилади. Масалан, *олампаноҳ*, *волидаи муҳтарама*, *падари бузруквор*, *манзират қилмоқ* ва ҳоказо.



Савол ва топшириқлар

1. Қўлланилиш доирасига кўра сўзлар қандай турларга бўлинади?
2. Диалектизмлар деганда қандай сўзларни тушунасиз?
3. Социал чегараланган сўзларга қандай сўзлар киради?

106-машқ. Адабий тилда учрамайдиган, фақат шевангизда учрайдиган сўзлардан мисоллар келтиринг. Уларнинг адабий тилдаги маъносини ҳам кўрсатиб беринг.



107-машқ. Матнни ўқинг. Диалектал сўзларнинг ишлатилишига эътибор беринг.

Набирам ҳазилга мойил. Аммо у кетди, деган, сиз ўлдими, дегансиз, ҳайми?

— Шундоқ-ку... лекин...

— Ака Абдурахмон амонме? Нима дейди? Жалил табибнинг гапини сўзма-сўз такрорлади.

— Ҳай, пулингиз киссангизгаме?

— Ҳа.

— Олинг.

— Қанча?

Ҳайим айтди. Жалил қўйин чўнтагидан газетага ўроғ-лиқ пулни олиб санамоқчи эди, ямоқчи уришиб деди:

— Ҳе эсингизга бир нарса сизнинг. Бу ерга санаманг пулни бошқа жойга санаб келинг.

Жалил холироқ кўчага бориб пулни санаб яна газета парчасига ўради-да, устахонага келиб, ямоқчига узатди.

— Эрта келинг, — деди ямоқчи.

Яна эртами?

— Ҳа сизга осонме, бу! Хоҳласангиз бошқа ерга изланг.

— Хўп, хўп...

(Тоҳир Малик)



108-машқ. Матнни ўқинг. Диалектизмларни топиб, таҳлил қилинг. Ёзувчининг услубий мақсадини изоҳланг.

Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя эрди. Бир куни анингг ўғли фақирнинг уйига бориб кўрдики, ул одам бола-чақаси бирлан алақандай таомни еб ўлтирибдур, андак замон тикилиб туриб ул таомга майл қилди, аммо уй эгаларининг ҳеч қайсиси ани таклиф қилмади...

— Бола йиғлаб уйига қайтди. Ота-онаси йиглаганинг боисини сўрадилар. У бола фақирнинг таомга таклиф қилмаганидан шикоят қилди. Отаси буюрдики, филҳол анвойи лазиз таомлардан пиширгайлар. Бола таомни емади, манга ҳамсоянинг таомидан керак деб андоқ йиғлаб турдики, отаси фақирнинг уйига борди ва айтдики, эй фақир, бизга ранж ва озор еткурганинг нимага керак бўлур, деб. Фақир андак фурсат бошини қуйи солиб туриб дедик: «Эй хўжа, бул ишда сир бордир, мандин тиламагилки, ул сирнинг пардасини кўтарсам». Аммо тавонгар (бой) сўрадики: «Бировга ҳалол ва ҳаром таом бўлурму?» деб. Фақир жавоб бердики: «Магар масжидда эшитмадингмуки, бечора, аҳволи танг бўлган одамларга мурдорни (ҳаром) емак ҳалолдир, деб. Билгилки, болаларим уч кундан буён ҳеч бир таом

емас эрдилар ва мен ҳеч илож топмай юрдим. Охири-ламр бу кун бир чор деворга кириб ўлиб ётган эшакни кўриб, гўштидан бир миқдор кесиб уйга келтирдим. Ўғлинг уйимга келган маҳалда ул ҳаром ўлган эшакнинг гўштини еб ўтирган эрдик». Тавонгар фақирни кўп дуо қилди ва дедики: «Бир масжид солурман, анинг савоби сангадир...»

(«Ҳикоятлар»дан)

109-машқ. Жаргонга ўнта мисол келтиринг, шу мисоллар ёрдамида жаргонларнинг одатдаги сўзлардан фарқини тушунтиринг.

Таянч тушунчалар:

Умумхалқ тилида ишлатиладиган сўзлар, нейтрал лексика, ҳудудий чегараланган сўзлар (диалектизмлар), социал чегараланган сўзлар (арго ва жаргонлар)

9.2. НОМШУНОСЛИК

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда номшунослик (ономастика) ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. Уларга номлаш тамойиллари ҳақида маълумотлар бериш.

- Р е ж а:**
- * Номшунослик (ономастика) ҳақида маълумот.
 - * Объектларнинг номланиш асослари (ном ва номланувчи объект ўртасидаги муносабат).
 - * Номларнинг номланувчи объект турига кўра таснифи.



1-топшириқ: Учтепа, Бешкапа сингари сўзлар нимани ифодалайди? Бу номлар билан улар ифодалаган ном ўртасидаги боглиқликни аниқланг.

2-топшириқ: Бўрибой, Холдорали, Ҳайитбой, Сафарали каби киши номлари кимларга ва нима учун қўйилишини изоҳланг.

Сиз яшаб турган жойдаги кўчалар, майдонлар, шаҳар ва қишлоқлар, дарё, кўл, тепалик, қабристонлар, маълум ном билан юритилади. Масалан, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, «Мустақиллик» майдони, Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги ва бошқалар.

Турли хил объектларнинг муайян ном билан аталишида уларнинг маълум белгилари эътиборга олинади. Буюк шахсларнинг номини абадийлаштириш учун у билан қандайдир боғлиқ бўлган ҳолат ҳисобга олинади ёки шахсга катта ҳурмат юзасидан жой шу шахс номи билан юритилади. Масалан, Ҳамзаобод шахри жой шу жойда маълум давр яшаб, меҳнат қилган Ҳамза номи билан; Қипчоқ, Сарой қишлоқларининг номлари шу қишлоқ аҳолисининг этник келиб чиқиши билан, Қатортерак, Учтол, Бешариқ, Баланд масжид сингари жой номлари шу жойдаги ўсимлик, бино, сув иншооти хусусияти билан боғлиқ равишда қўллангандир. Шахсга қўйилган номларда эса ота-онанинг орзу-умиди (Бахтиёр, Умид, Гўзал), боланинг ташқи белгиси (Холдор, Анор, Қовоқвой), халқнинг урф-одати (Ўроқвой, Тешабой), туғилган куни (Одина, Жумавой) ўз аксини топган бўлади.



Номлар, уларнинг турлари, номланиш сабаблари билан шуғулланувчи тилшуносликнинг бўлимига ономастика (лот. *onoma* «ном» сўзидан олинган) дейилади.

Атоқли отлар номланувчи объект турига кўра бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Шахс ва уларга қўйилган номлар **антропонимлар** (лот. *antropos* «шахс», «одам», *onoma* «ном»): *Аҳмад*, *Карим* ва бошқалар.

2. Географик объектлар ва уларнинг номлари **топонимлар** (лот. *topos* қишлоқ, шаҳар, майдон, кўча, *onoma* «ном»): *Ширмонбулоқ*, *Қоракўл*, *Қариш* каби.

3. Ҳайвон номлари ва уларга атаб қўйилган номлар **зоонимлар** (лот. *zoon* «ҳайвон», *onoma* «ном»): *тўрткўз*, *бўрибосар* каби.

4. Сув ҳавзалари иншоотлари ва уларга атаб қўйилган номлар (дарё, кўл, денгиз номлари) **гидронимлар** (лот. *gidro* дарё, «сув», *onoma* «ном»): *Орол денгизи*, *Балхаш кўли*, *Қашқадарё* каби.



Савол ва топшириқлар

1. Ономастикада нима ҳақида баҳс юритилади?
2. Номларнинг қандай турларини биласиз?
3. Ном билан номланувчи объект ўртасида қандай муносабатлар бор?



110-машқ. Қуйида берилган сўзларни объект турига кўра гуруҳланг: (топонимлар, антропонимлар, зоонимлар, гидронимлар) Каттакўрғон, Сирдарё, Дилнавоз, тулки, туя, Сарвигул, Йўлбарс, Шер, Шахноза, Амударё, Булоқбоши, Задарё, от, Косон, Шаҳриёр, Абдулҳошим, Орол денгизи, Кампиравот, Азов денгизи, Нил дарёси, Севан кўли, Раъно, Дилором, эшак, қўй, ҳўкиз, Мавлуда, Беҳзод, Бобур, Фарғона канали.

111-машқ. Сув ҳавзалари билан аталган жой номларини изоҳи билан ўқинг.

Аччиққўл — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Аччиққўл — асли сув ҳавзаларидан бири — кўлнинг номи, кўл сувининг аччиқлиги, ўта шўр эканлиги истеъмол қилиш учун яроқсизлиги кўлнинг шу тарзда номланишига сабаб бўлган. Кўл ҳозирда йўқ бўлиб кетган, лекин унинг номи шу атрофдаги аҳоли турар-жойи атамаси сифатида сақланиб қолган. Аниқроғи, кўл номи асосида қишлоқ номи вужудга келган.

Халқимизда «Кўл қуриса ҳам номи қуримайди» деган нақл бор. Дарҳақиқат, республикамызда гарчи ўзи қуриб, йўқолиб кетган бўлса-да, номи ҳамон сақланиб қолган кўллар анчагина топилади. Улар ҳозирда қишлоқ номлари сифатида яшаб келмоқда.

Шайтонқўл (Фарғона вилояти Бешариқ тумани), Ойдинқўл (Фарғона вилояти Бувайда тумани), Қорақўл (Фарғона вилояти Учкўприк тумани), Оққўл (Фарғона вилояти Данғара тумани), Дамқўл (Фарғона вилояти тумани), Қўғалиқўл (Наманган вилояти Задарё тумани), Бордимқўл (Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани), Дарвозақўл, Шўрқўл (Наманган вилояти Янгикўрғон вилояти), Чапқўл, Полвонқўл (Наманган вилояти Норин тумани), Олтинқўл (Андижон вилояти Олтинқўл тумани), Бордонқўл (Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани) сингари қишлоқ номлари ҳозирда мавжуддир.

112-машқ. Сиз қандай сув ҳавзалари ва иншоотлар номларини (гидронимлар) биласиз? Уларни санаб ўтинг. Агар билсангиз изоҳи билан беринг. Сўнг профессор Э. Бегматов ҳақидаги матнни ўқинг, унинг ўзбек номшўнослигини ривожлантиришдаги хизматларини белгиланг.

ЭРНСТ БЕГМАТОВ
(1936)

Филология фанлари доктори, профессор Эрнст Бегматов ўзбек нутқ маданияти, лексикологияси муаммо-

ларини ҳал қилишда баракали фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, унинг ўзбек ономастикасининг шаклланиши ва ривожда катта хизмати бор. Олим бу соҳада ўзининг қатор асарларини эълон қилди. Улар ичида «Киши номлари имлоси» (1970), «Ўзбек исмлари имлоси» (1972), 14600 исмнинг изоҳини ўз ичига олган «Ўзбек исмлари» (1999) китоблари алоҳида қимматга эга.



113-машқ. Гидронимларни қуйидаги турларга ажратиб ёзинг.

Кўл номлари	Сой номлари	Дарё ва канал номлари
Ойдинкўл	Шаҳрихонсой	Қорадарё



114-машқ. Қуйида берилган топонимни ўқинг, сўнгра сиз ҳам топонимларга мисоллар ёзиб, уни изоҳланг.

Назармахрам — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги қишлоқ номи. Мазкур топоним киши исми ва Қўқон хонлиги давридаги амал — мансабга оид атамалардан бири маҳрам сўзидан таркиб топган. Маҳрам — хонга яқин бўлган ва унинг ҳузурига кира оладиган киши. Шунингдек, маҳрамлар саройдаги бошқа ишларни ҳам бажарганлар. Кўринадики, ўтмишда мансаб номлари кўпинча амал эгасининг номига қўшилиб айтилган. Шунга кўра баъзи жой номларига киши исми ва мансаб номи атама бўлиб қолган, Назармахрам фикримизнинг исботидир.

(Н. Охунов)



115-машқ. Уйга топшириқ. География дарсларидан фойдаланиб, жой номлари (топонимлар)нинг қуйидаги турларига мисоллар ёзинг.

Ўрмон, тўқай, саҳро, яйлов, йўл, дала, дашт.

116-машқ. Аҳолининг яшаш масканларини номлашда, халқнинг иқтисодий турмуш тарзи, шуғулланувчи касб-кори ҳам ҳисобга олинади. Вақтлар ўтиши билан ҳунар гарчи ўзгариб кетса-да, жой номлари сақланиб қолади.

Эътибор беринг:

Мисгарчилик, Кўнчилик, Эгарчи, Жиякчи, Тақачи, Ўқчи, Милтиқсоз, Бўрчи, Кетмончи, Чармгаргузар, Тандирчи, Совунгарлик.

Юқоридаги қишлоқ номларини ёзинг. Ҳар бири иштирокида иккитадан гап ёзинг. Уларнинг биттаси атоқли, иккинчиси турдош от бўлиб келсин. Ўзингиз яшаб турган жой номини, унинг атрофидан оқиб ўтадиган дарё, сой, ариқ, тоғ, кўл, адир номларини дафтари-нгизга ёзинг ва уларни изоҳланг.

117-машқ. Жойларнинг номланишида қабила номлари, жойларнинг рельефи ҳисобга олинadими? Фикрнинг тўғри, нотўғрилигини исботлаш учун мисоллар ёзинг.



Намуна: Найман, Жалойир, Дўрмон, Узункўча, Баландқишлоқ, Чуқуркўча каби.

118-машқ. Қабристонларнинг номланишига мисоллар келтиринг, изоҳини айтинг.

Намуна: Чигатой қабристони (Тошкент шаҳри), Мирпўстин ота (Андижон шаҳри), Тутлуғ ота қабристони (Хўжаобод тумани).



119-машқ. Ўзбекча исмлар таркибида номнинг охирига ёки олдига қўшилиб келувчи луғавий унсурлар иштирокида сўзлар ёзинг.

бек, бой, бобо, бува, мир, мирза, хўжа, қул, бека, биби, бегим, бону, гул, ойим, пошша, момо, шо.



120-машқ. Замонавий исмларга алифбо тартибида мисоллар ёзинг.

121-машқ. Киши исмини билдирувчи қўшма отларга мисоллар ёзинг ва уларнинг нутқда қўлланишини тушунтиринг.

122-машқ. Ўзингиз яшайдиган (шаҳар, қишлоқ) таркибига кирувчи кўчаларнинг номларини ёзинг ва изоҳланг.



123-машқ. Кўчиринг. Антропонимлар ва топонимларнинг остига чизинг.

Қорақалпоғистон республикасининг Нукус шаҳрида «Йил мактаби — 2000» кўрик танловининг II босқичи ўтказилди.

Воҳанинг ҳар бир туманидан энг намунали 17 та мактаб вакиллари фаол қатнашган ушбу танловда ҳар бир мактаб жамоаси томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш қилинди. Уларда мактаб ҳаётидан олинган лавҳалар, илғор иш тажрибаларидан намуналар ва жорий йилда ташкил қилинган марказлар ҳақида маълумот берилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси ХТБ ходими Содиқ Раимбердиев бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир мактаб ишининг мазмунини ва фаолиятини тўғри баҳолаб борди.

Бунда улар мактабнинг моддий-техник базасига, педагогик жамоа ва ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳисоботиغا, ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланганлиги, ДТС асосида ўқувчиларнинг фанлар бўйича самарадорлиги, мактабда инновация, янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши, ўқувчиларнинг тўғарак ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилиши, ўқувчиларнинг фан олимпиадаларига, кўрик-танловларда иштирок этишига асосий эътиборни қаратдилар.

Танлов натижасига кўра Нукус шаҳридаги Оқсунбўлопа Каракаева раҳбарлик қилаётган 20-мактаб 1-ўринни эгаллади, 2-ўринга 2 та мактаб талабгор бўлди. Булар Тахтақўприк туманидаги 6-мактаб ҳамда Кегейли туманидаги 26-мактаблардир. Кўнғирот туманидаги 1 мактаб, Мўйноқ шаҳридаги 2-мактаб, Хўжайли туманидаги 7-мактаблар 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб мактаблар муносиб тақдирландилар. Шундай қилиб Тошкентда ўтадиган «Йил мактаби — 2000» кўрик-танловининг сўнгги босқичида иштирок этиш учун Нукус шаҳрининг 20-мактабига йўлланма берилди.

(«Маърифат» газетасидан)

124-машқ. Кийим-кечак мавзувий гуруҳига оид сўзларни топинг ва уларни ички мазмун (бош кийимлар, пойафзаллар, уст кийим, ички кийимлар) ига кўра ажратинг.

Н а м у н а:

рўмол, дурра, телпак, шапка, шляпа — аёлларнинг бош кийими.



125-машқ. Кенг истеъмолдаги қуйидаги сўзларни гуруҳлар (одам ва ҳайвон аъзолари, табиий борлиққа оид ҳодиса, ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи номлар) га ажратиб кўчиринг.

Пиширмоқ, боқмоқ, ғор, чўққи, товон, тўпиқ, бош, оёқ, юрмоқ, турмоқ, ер, қуёш, урмоқ, югурмоқ, ой, сув, қўл, бармоқ, тирноқ, чопмоқ, ҳаво, сакрамоқ, дарё, тоғ, жағ, бўйин, тирсак, силжимоқ судралмоқ, сой, тоғ, чўзилмоқ, дара, қир, оғиз, жағ, ўчмоқ, тери, экмоқ, бел, довон, чўққи, боқмоқ.

Таянч тушунчалар:

Номланувчи объект, ономастика (номшунослик), антропоним (шахс номлари), топоним (жой номлари), зооним (ҳайвон номлари), гидроним (сув билан боғлиқ бўлган номлар)

10-д а р с

ОМОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ НУТҚДАГИ АҲАМИЯТИ. СИНОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

10.1. ОМОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ НУТҚДАГИ АҲАМИЯТИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда омонимлар (шаклдош сўзлар ва қўшимчалар), уларнинг ишлатилиши ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

Р е ж а: *Омонимлар (шаклдош сўзлар) ҳақида маълумот.
* Омонимларнинг турлари.
* Луғавий (лексик) омонимларнинг нутқдаги аҳамияти.



1-топшириқ: Ютмоқ сўзининг шаклдошларини айтинг. Уларнинг ҳар қайси маъносини гап ичида изоҳланг.

2-топшириқ: Ўт сўзининг шаклдошларини айтинг ва уларнинг ҳар бирини гап ичида келтиринг.



Тилимизда товуш (ёзувда ҳарфлар) томони бир хил бўлиб, турлича маъноларни ифодаловчи сўзлар ва қўшимчалар мавжуд. Бундай сўз ва қўшимчаларнинг омонимлар (лотинча «homos» «бир», опита «ном») ёки шаклдошлар дейилишидан хабарингиз бор. Масалан, от «ҳайвон», от «исм», от «ирғит» каби. Шунингдек, тилимизда қўшимчалар ўрта-сида ҳам шаклдошлик муносабатлари мавжуд. Масалан, **-чи** қўшимчаси сўз ясовчи қўшимча (ишчи, сувчи) ҳамда юклама (сен-чи, айт-чи) маъноларига ишлатилади. Шунга кўра омонимлар **луғавий** (лексик) омонимлар ҳамда **аффикс** омонимларга бўлинади.

Луғавий (лексик) омонимлар нутқ жараёнида сўз ўйини учун қулай имконият яратади. Айниқса, закийлик санъатида улардан ўринли фойдаланиш аскиячиларнинг маҳорати саналади.

Масалан, Абдулҳай махсум Навбаҳор пайрови бўйича аскияда: «Икковларинг ҳам ўта дангасасизлар. Якшанба кун олма боққа кириб, дарахтларни оқлаймиз, десам, «Бизни иш кам жойга етакланг», дейсизлар». Бу ўринда *иш кам* «узум кўтариб тараладиган мослама» ва «иш кам» маъноларини билдириш учун қўлланган ёки Фуломжон Рўзибоев *чўтир* сўзининг товуш томонининг бир хиллигидан фойдаланиб, икки сўз ўрнида ишлатади:

«Бир гап эшитиб қолдим. Сайдуллахон чойхонада насияга муомала қилиб, идорага пул топширмаган экан, ҳисобчилар ўзини ўтқазиб олиб, «чўтуряпти» деб эшитдим. Бу ўринда чўтир 1. Бужур 2. Чўт ур маъноларида ишлатилган.

Ўзбек тилида лексик омонимлар кўп ишлатилганлиги сабабли, у махсус шеърий жанр — туюққа ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

126-машқ. Ашула пайрови бўйича Эрка қори айтган куйидаги аскияда «галдир» сўзининг маъноларини айтинг.

Эрка қори: — Сайдали, бу Расулжонни шогирдликка олганингиздан кейин аҳволидан ҳам хабардор бўлиб туринг-да. Кечаги кун тўйда юз граммни отволиб галдираб юрибди.



127-машқ. Аскияни ўқинг, шаклдош сўзларни топиб, уларни изоҳланг.

АСКИЯ

ҚОДИРЖОН АКА: — Аминбува, ҳў анави ошпазни кўрдингизми, ҚОВОҚ ОШга керак деяпти.

АМИНБУВА: — Мулла Қодиржон, аввал мева-чевалардан олсангиз-чи, дарров ОШ ҚОВОҚСИЗ бўлсин демасдан.

ҚОДИРЖОН АКА: — Бўлмаса, ёзги мевалардан тўйиб еб олинг, ҚОВОҚ ОШСИЗ кетасиз.

АМИНБУВА: — Ҳо, Икромиддин, ука ҳо! Қодиржоннинг гапларини эслаяпсизми? Атайлаб шаҳардан келиб ҚОВОҚ ОШСИЗ кетмайлик дейдилар. ОШҚОВОҚДАН ҚОВОҚ ОШ қилиб қўяқолинг.

ҚОДИРЖОН: — Икромиддин, бу ёққа қаранг, биз-га пиширишингиз битта ОШ-ку, ҚОВОҚ ҳам сола-сиз-а!

ИКРОМИДДИН: — Қодиржон ака, сизлардақа ази-з меҳмонларга атаб ҳар хил овқат қилганмиз, бу шўр ОШҚОВОҚ-да.

АМИНБУВА: — Мулла Икром, Қодиржон акадан таш-виш қилманг, бу кишига ОШ ҚОВОҚДАН олинса бўлди.

ҚОДИРЖОН АКА: — Аминбува, ажойиб хушфеъл одам-сизда, индамай олаверасиз: ОШГА ҚОВОҚ СОЛИНМАЙДИ деб.

АМИНБУВА: — Тириклигимда еб олай, бир қозонни туширсангиз-а, ОШ ҚОВОҚДАН кетади деб.

ИКРОМИДДИН: — Қўйинглар, қовун сайлига келган-сизлар, бунақа совуқ гапирманглар. Қаёқдан ҳам тансиқ овқат қиламан дедим. Қодиржон ака, бироз уёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтиринглар, бошқа овқат қиламан! «ҚО-ВОҚСИЗ»!

128-машқ. Маълумки, шаклдош сўзлардан фойдаланганда ҳам шаклий, ҳам мазмуний гўзаллик акс этади. Шаклдошлик сўзнинг маъно жиоларини намоиш қилувчи лисоний ҳодисалардандир. У нутқда оҳангдошликни юзага келтиради. Эътибор беринг.

Буним йўқ, уним йўқ,
Уйимда уним йўқ.
Ишимда унум йўқ,
Айтишга уним йўқ

(Камий)

Юқоридаги туюқни таҳлил қилиб, шаклдош сўзлар (луғавий омонимлар)нинг изоҳини ёзинг.



129-машқ. Кўчиринг. Луғавий омонимларни топинг, маъ-носини изоҳланг.

1. Камина 80 ёшни қоралаяпман, мустақил давлат Ўзбекистоннинг ардоқли фарзандиман. 2. Мен отам ҳақида роман қоралаяпман. 3. Ҳамманг ўз аравангни торт. 4. Одинахон дастурхон устига торт тортди. 5. 31 август санаси ҳеч қачон ҳеч кимнинг ёдидан кўтарил-майди. 6. Келтирилган молларни бирма-бир сана. 7. Юзта номарддан битта мард яхшидир. Юз терисини тоза сақ-ламоқ уни ҳар хил микроблардан холи қилади.

Юқоридагидек сиз ҳам гаплар тузиб, машқни давом эттиринг.



Савол ва топшириқлар

1. Омонимлар (шаклдошлар) деганда нимани тушунасиз?
2. Омонимларнинг қандай турлари бор?
3. Лексик омонимлар (шаклдош сўзлар)нинг нутқда қандай аҳамияти бор?

Таянч тушунчалар:

омонимлар, луғавий (лексик) омонимлар, шаклдош сўзлар, грамматик омонимлар.

10.2. СИНОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда синонимлар (маънодош сўзлар ва қўшимчалар), уларнинг ишлатилиши ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

- Р е ж а:**
- * Синонимлар ҳақида маълумот.
 - * Синонимларнинг турлари ва аффикс синонимлар.
 - * Синонимлар уяси ёки қатори ва доминанта.
 - * Нутқда лексик синонимлардан фойдаланишнинг аҳамияти.



1-топшириқ: *Емоқ, истеъмол қилмоқ, тановул қилмоқ* сўзлари иштирокида гап тузинг. Уларнинг умумий ва фарқли томонларини айтинг.

2-топшириқ: *Қарамоқ* сўзининг маънодошларини топиб, уларни гап ичида келтиринг. Ўзаро умумий ва фарқли томонларини тушунтиринг

Тилимизда бир маънони бир неча сўзлар ёки аффикслар ёрдамида ифодалаш мумкин. Масалан, инсон бош қисмининг олд томони *ораз, узор, рухсор, чехра, юз, бет, афт, башара, нуха, турқ* сингари сўзлар орқали ифодаланади. Шунингдек, тилимизда *тилчи — тилшунос, дардчил — дардкаш, ўринсиз — беўрин, ҳафсала —*

ҳафсалали каби қўшимчалар ёрдамида бир маънони икки хил шаклда юзага чиқариш имконияти ҳам учраб туради.



Бир умумий маънони ифодаловчи сўз ёки қўшимчаларга синонимлар дейилади. Ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўз ва қўшимчалар синонимлар уяси ёки синонимлар қатори дейилади.

Сўз мақомидаги синонимлар луғавий (лексик) синонимлар, қўшимча мақомидаги синонимлар эса аффикс синонимлар саналади. Луғавий синонимлар гарчанд бир умумий маънони билдирса ҳам, лекин уларнинг маъно даражаси, ижобий ёки салбий баҳога эгаллиги, маълум услубга хосланиши билан бир-биридан фарқланади. Нутқий жараёнда сўзловчи мақсадига мувофиқ равишда синонимлар қаторидаги сўзлардан бирини танлайди. Масалан, юқорида келтирилган синонимлар қаторида юз сўзидан чап томондаги тўртта сўзда (*ораз, узор, рухсор, чехра*) ижобий баҳо ва учтасида (*ораз, узор, рухсор*) бадийий услубга хосланиш белгиси бўлса, ўнг томонидан бешта сўзда (*бет, афт, башара, нусха, турқ*) салбий баҳо муносабати мавжуд ва бу салбий баҳо уларда даражаланиб, кучайиб боради (*бетга* нисбатан *афтда* салбий баҳо кучлироқ, *турқда* эса ҳаммасидан кучлироқдир. Демак, бу бешта сўзда салбий баҳо кучайиб боради).

Ҳар қандай услубий хосланиш ва сўзловчининг баҳосидан холи бўлган синонимлар қатори аъзоси **доминанта** (услубий хосланиш ва баҳо билдиришга кўра нейтрал) саналади. Демак, юқоридаги синонимлар қаторида юз доминанта саналади.

Синонимлар қатори аъзоларидан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш сўзловчининг мақсадини аниқ, раvon ва таъсирчан ифодалашда катта аҳамиятга эга.



Савол ва топшириқлар

1. Луғавий синонимлар нима?
2. Синонимлар қатори (уя) деганда нимани тушунасиш?
3. Синонимлар қаторида қандай сўз доминанта бўлади?

130-машқ. Матнни ўқиб, ундан сифат сўз туркумига оид сўзларни топинг. Ҳар бир сифатнинг ёнига унинг синонимларини ҳам ёзиб бординг.

Президентимиз айтганларидек, «Амир Темур шах-сини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни улуғлаш тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Тарих — ҳақиқат мезони, жарчиси. У алдай олмайди, алданмайди ҳам. Тарихий жараёнларни ёшларимиз, бутун мамлакат аҳли янги онг ҳисси билан қабул қилмоқда. Амир Темур ҳам ҳақли равишда ота юрти Шаҳрисабзда қурдирган Оқсарой пештоқиға «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг», — деб ёздириб қўйган эди. Бу буюк саркардалик, ўз куч-қудрати, мустақиллигига ишонч, қатъият рамзи эди. Демак, Туронзамин ёшлари, аҳли омма учун ибратли иборалар бу! «Тузуқлар»да ўқиймиз: «Дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмағай, тилимиз унутилмағай, эътиқод сусайса, тил эмас, иймон ҳам унутилғай...» Йўлбошчимиз жисмонан бақувват. Маънавияти етук бўлишига алоҳида аҳамият беради. Бу борада бобомиз Амир Темурнинг олиб борган маънавий-маърифий ишлари ибратлидир. Чунончи, Соҳибқирон оила, никоҳ, миллат тозалигига ва софлигига катта.

131-машқ. Ишбилармон сўзининг маъносини изоҳланг. Шу сўз ичидан бир неча сўзлар ҳосил қилинг, атамаларнинг остига чизинг.

Иш, бил, армон, ном, ин, он, оми, ром, нор, анор, об, ишла, мол, билим, шина...

Юқоридаги ўйинни сиз ҳам давом эттиринг.



132-машқ. Қуйидаги устунчаларни давом эттиринг.

Сифат синонимлар

Гавдали, жуссали, барваста, норғул, барзанги

Феъл синонимлар

Гангимоқ, довдирамоқ, эсанкирамоқ, каловланмоқ, талмовсирамоқ

133-машқ. Қуйидаги сўзларнинг синонимларини топиб, улар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Озод, рост, соқчи, машаққат, ғамгин, танти, иттифоқ, аёвсиз, асил, ваъдалашмоқ, вақт, дангиллама, ёруғ, истамоқ, ихлосманд.



134-машқ. Тилшунос олим А. Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳи лугати» дан (Т., Ўқитувчи, 1974) мисоллар ўқинг. Хотирингизда нечтасини эслаб қолдингиз. Уни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

135-машқ. Уйга топшириқ. Шукур Қурбоннинг «Ай, она тил!» шеърини ёзинг ва ёд олинг. Сўнгра шеърда ишлатилган: бандалари, он, хиёнат, кучли, яроғ, айнинади, ҳасадгўй каби сўзларнинг синонимик қаторларини ҳам ёзинг.

АЙ, ОНА ТИЛ!

Сени худо берган менга, менинг халқимга,
Бандалари йўқотолмас, тортиб ололмас.
Сени хато баҳолаган — кулги ҳар кимга,
Сенга ола қарабди ким, кўр бўлмай қолмас.

Сенда Давлат мақоми не, яралганинг он
Халқ мақомин олгансан-ку, қутлуғ, пойидор.
Шуҳратпараст зотмидингки, ҳар турфа нишон
Кўкрагингга илиб олсанг қатор ва қатор.

Балли! Ҳануз хиёнатнинг юзлари қора,
Балли! Ҳануз садоқатдан гуркирайди қалб
Оҳангларинг дунёдаги энг кучли яроғ,
Шу яроғ-ла ахир асраб-авайланар халқ.

Чегаралар йўқдир сенга, сарҳадлар оша
Сен туфайли айнинади қанча бағирдош.
Ўзбеклигим, ай, она тил, дилингда яшар,
Тил остига жойлангандай қимматбаҳо тош.

Не тонг, асос — моҳиятни белгилар азал,
Не тонг, эски ёзув ўхшар кўҳна илдизга.
Новдалари юракларда, руҳда мукамал,
Шох барглари, ғунчалари етган юлдузга.

Сенга фақат ҳасадгўйлар қилар ёвқараш,
Сени манфур босқинчилар ёқтирмас фақат.
Ай, она тил, ўзинг учун ўзинг ҳам кураш,
Ай, она тил, ғанимларга айлама шафқат.

«Нун» кўзларинг каттароқ оч, «дол»ларинг ёй қил,
«Алиф»ларинг ўқ қилиб от улар кўксига.
Маъноларинг намоён эт, ёвларни лой қил,
Етмиш олам мўъжизасин кўрсат кўзимга.

(Ш. Қурбон)

136-машқ. Матнни ўқинг. Унинг таркибидаги лексик синонимларни топиб, уларни алоҳида кўчириб ёзинг.

УСТОЗЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ БАЁНИДА

Ҳар бир инсон учун ўз муаллимини ва устозини эъзозлаш, ҳурмат ва эҳтиромини адо қилиш шартдир. Негаки, бу зотлар ҳар қандай инсоннинг руҳини тарбиялайди, маънавий бойлик билан тўлдиради, ҳар қандай руҳий ва маиший камчилик ва иллатларни поклайди, жаҳолат деган буюк айбдан холи ва озод қилади.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у инсониятни илм безаги билан зийнатлайди, уларга чиройли ва ёқимли фазилатлар билан чирой ва оро беради, тушунтириш билан фойдасиз нарсалардан одамни халос этади, инсонни ҳақиқий комил инсон даражасига етказиш билан билим хазинасини уларнинг қалбларига жойлайди.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у сенинг инсонлик ҳақ-ҳуқуқларинг нимадан иборат эканини тушунтириб беради, ярамас, ёмон ишлардан қайтаради ва энг яхши ишлар ва фазилатлар сари йўл кўрсатади. Улар сенинг юксаклигинг ва камолга етишингни ўйлашиб, ҳамиша жон куйдиришади, эл ичида ўйлаб, бутун куч ва имкониятларингни ишга солишади.

Муаллим ва устознинг вақтлари қимматли эканлигини билиб, айтганларига диққат билан қулоқ сол. Борди-ю, бирор нарсани тушунмай қолсанг, одоб ва мулоимлик билан қайта сўрашинг зурур. Муаллим ва устозинг нима сўрасалар кулиб туриб, одоб ва икром билан чиройли сўзларни саралаб жавоб бер. Илм масканидан ташқарида ёки кўча-кўйда уларни кўриб қолсанг таъзим бажо қил, қўлингни кўксингга қўйиб салом бер.

(Абдуқодир Нурий ал-Барзанжий)



137-машқ. Матнни ўқинг. Феълларни топиб, уни синонимлар билан алмаштириб кўчиринг.

МОҲИ РАМАЗОН ҲАЛОЛЛИК ОЙИ

Барча-барчамизни ҳушёрликка даъват этувчи Рамазон кириб келди. Мағфират ойи, тавба ойи, меҳр-мурувват ойи, эзгу ниятлар ойи, баднийатлардан парҳезланиш ойи, яратган эгамиздан кўрқадиган, ҳатто нафси ҳакалак отиб, ҳалоллик, виждон, диёнат сўзла-

рини эшитганда истехзоли куладиганлар ҳам ўзини ўзи саволга тутадиган ой:

Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига боряпманми?

Ўзганинг ҳақиға хиёнат қилмаяпманми?

Кибру ҳавоға берилмадимми?

Зулм ўтказмаяпманми?

Умримни ўткинчи ҳою ҳавасларга совурмаяпманми?

Жаҳолат ва мутаассибликка оғмадимми?

Мансабни суиистеъмол қилмаяпманми?

Маънавий ҳақ-ҳуқуқимни англаб етаяпманми?

Саволнинг чеки йўқ, бинобарин, рамазон — саволлар ойи десак ҳам тўғри бўлар. Ўзгалар тергамасидан бурун ўзини ўзи тергашга одатланиш ҳам иймон белгиси. Рамазон, «Сиз шунга қодирмисиз?» дея саволга тутмоқда ҳар биримизни.

Бир нуфузли даврага ҳаддан ташқари қимматбаҳо ясан-тусан қилган эркак-аёл кириб келди: қараган ҳам, қарамаган ҳам ҳавасланди. Бир Зиёли киши, «Бу эр-хотин шу қадар шоҳона кийинишга ўзларини қанчалик маънавий ҳақли деб ҳисоблайдилар?» дея савол қотди.

Ҳеч ким жавоб бермади, лекин савол кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Эҳтимол, ўша топда ҳар ким ўзини ўзи дабдабага ҳақлиманми?.. Мен шундай мавқени эгалаб туришга ҳақлиманми?..

Кун бўйи нон-чойдан тийилиб юриш айтарли машаққат эмас, бу рўзанинг энг жўн ва зоҳирий ифодаси, холос, лекин ҳалоллик гигиенаси нуқтаи назаридан ўзини тафтиш этишга ҳар ким ҳам қодир эмас. Буниси қийин, Рўза эса — ушбу қийинни осонлаштириш учун берилган имконият.

Илоё, бир-бировимизни ҳалоллик йили билан, иймон асри билан муборақбод этайлик. Азиз юртдошлар! Рамазон ойида ана шундай қутлуг ниятлар билан яшайлик!

(Хуришд Дўстмуҳаммад)

138-машқ. Шеърни насрий баён қилинг. Остига чизилган сўзларнинг синонимини ҳам топинг.

Оллоҳнинг айтгани эрур муқаррар,
Хешу бегонага айланг баробар,
Ҳар неки буюрса пок Парвардигор
Уни жорий қилинг адашмай зинҳор.

139-машқ. Куйидаги сўзларнинг синонимларини топиб, изоҳланг.

Гувоҳ, заиф, кучли, тинч, эпчил, қобилият, ҳисса.

Таянч тушунчалар:

маънодош сўзлар, луғавий (лексик) синонимлар, аффикс синонимлар, синонимлар қатори (уя), бош сўз (доминанта)

11-д а р с

АНТОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. ТАКРОРЛАШ

11.1. АНТОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда зид маъноли сўзлар ва қўшимчалар ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. Ўтилганларни такрорлаш.

Р е ж а: *Қарама-қарши маъноли сўз ва қўшимчалар ҳақида Антонимларнинг турлари.

* Нутқда антонимлардан фойдаланишнинг аҳамияти.

* Ўтилганларни такрорлаш.



1-топшириқ: Узун сўзининг зиддини айтинг ва бу зид маъноли сўз асосида гап тузинг.

2-топшириқ: Қуйидаги сўзларнинг зиддошларини топинг ва уларни гап ичида келтиринг: яқин..., иссиқ..., ширин..., оқ..., баланд..., яхши....

Биз ўзимизни қуршаб турган оламни сезги аъзоларимизнинг бош миямизга берган ахбороти ёрдамида билиб борамиз. Билиш жараёнида нарса ва ҳодисаларни, ҳаракат-ҳолатларни, белги ва хусусиятларни бири-бирига зидлаш, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бизнинг бутун билим фаолиятимиз зидланишларга асосланган десак, янглишмаймиз. Шунинг учун зидланишларга бизнинг аجدодларимиз Абу Наср Фаробий, Жалолиддин Румий ва бошқалар катта аҳамият берганлар, хусусан, Жалолиддин Румийнинг таъкидлашларича, ҳар қандай «ашё»нинг қиммати зидди билан аён бўлади, зидди бўлмаган нарсани таъриф этиш имкониятдан ташқаридадир. Тангри нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғи этиб яратил-

ган мазкур оламни мавжуд айлади... Одам рўпарасида Иблисининг, Мусо қаршисида Фиръавннинг, Иброҳим олдида Намруднинг ва Мустафо қаршисида Абу Жаҳлнинг пайдо бўлишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ана шундай зидланишлар тилимизда ҳам ўз ифодасини топган. Бирини айтишимиз билан унинг зидди хаёлимизга келади. Масалан, оқ — қора, узун — қисқа (калта), баланд — паст, доно — аҳмоқ; — ли (сувли), — сиз (сувсиз) ва бошқалар.



Ўзаро зид маъноли сўз ва қўшимчаларга антонимлар дейилади. Сўз мақомидаги антонимлар луғавий (лексик) антонимлар, қўшимча мақомидаги антонимлар эса аффикс антонимлар саналади.

Нутқимизда луғавий (лексик) антонимлардан фойдаланиш фикримизни таъсирли ифодалашда катта аҳамиятга эга. Айниқса, бадиий адабиётда зид маъноли сўзларни бир-бирига зидлаш асосида бадиий санъат ҳосил қилинади. Бундай санъатга тозод санъати дейилади.

140-машқ. Куйида берилган сўзларни 2 гуруҳга ажратиб кўчиринг.

1. Синонимлар.
2. Антонимлар.

Катта-кичик, таом-овқат, яхши-ёмон, қисқа-узун, юз-чеҳра, хафа-хурсанд, қоронғи-ёруғ, ботир-қўрқмас, кекса-мўйсафид, камбағал-бечора, уруш-тинчлик, ис-тамоқ-қидирмоқ, иссиқ-совуқ, ҳалол-ҳаром, товуш-овоз, меҳнаткаш-ишчан, фалак-осмон, тирик-ўлик, кийим-либос, кун-тун, пишиқ-хом, бош-калла, ҳалак-ҳалок, сўзлади-гапирди, хат-хабар.

141-машқ. Берилган мақолларни кўчиринг. Антонимларнинг остига чизинг.

1. Бирлашган дарё бўлур, тарқалган ирмоқ бўлур. 2. Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор. 3. Бор мақтан-са топилур, йўқ мақтанса чопилур. 4. Дўст ачитиб гапирар, душман — кулдириб. 5. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. 6. Йўғон чўзилади, ингичка

узилади. 7. Кам гапирсанг, кўп эшитасан. 8. Оёқ кийиминг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан не фойда. 9. Эрни эр қилган ҳам хотин, қаро ер қилган ҳам хотин. 10. Қўй бир терининг ичида неча озиб, неча семиради. 11. Ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим ер. 12. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

Таянч тушунчалар:

Антонимлар (зиддошлар), луғавий (лексик) антонимлар, аффикс (қўшимча ҳолатидаги) антонимлар, зидлаш санъати (тазод).

11.2. ТАКРОРЛАШ

«Ўзбекистон XXI асрда» ёки «Амир Темур даҳоси» мавзуларидан бирида иншо ёзинг. Ёзган иншоингизда шаклдош, маънодош ва зид маъноли сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Утилган мавзуларни ёдга олган ҳолда ишга ижодий ёндашинг.

ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Қайси қаторда фақат тилшуносликка оид атамалар берилган?

- A. Ўзак, илдиз, кўпайтма
- B. Ҳужайра, гап, сўз
- C. Ҳол, ундалма, сўз бирикмаси
- D. Товуш, вольт, фонема
- E. Ҳосил, дарак гап, юклама

2. Атамаларга хос бўлган таъриф қайси қаторда тўғри берилган?

- A. Атамалар фақат бир маъноли бўлади.
- B. Илм-фан, техника, санъат соҳасида ишлатиладиган бир маъноли сўзларга атама дейилади.
- C. Атамалар илмий услубда кенг ишлатилади.
- D. Атамалар истеъмол доираси чегараланган лексикага оид бўлади.
- E. Барча жавоблар тўғри.

3. Ички манба асосида ўзбек тили лексикасига ўзлашган сўзларнинг тўлиқ қаторини топинг.

- A. Лицейдош, муқобиллик, тадбиркор
- B. Дамасчи, хизматдош» нексия

- С. *Маркетинг, менежер, тикочи*
- Д. *Саммит, лизинг, компьютерчи*
- Е. *Барча жавобларда ички имконият асосида ўзлашган сўзлар берилган*

4. Омоним сўзларнинг тўлиқ қаторини топинг.

- А. *Тут, қирқ, уч*
- В. *Кетди, жўнади*
- С. *Иш, дарс, дарз*
- Д. *Юз, қулоқ, оғиз*
- Е. *Юрак, дам, тиш*

5. Омоним сўзларга сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қўшилганда улар шаклдошлик муносабатини сақлаб қоладими?

- А. *Сақлаб қолмайди*
- В. *Барча ҳолатларда сақлаб қолади*
- С. *Фақат битта сўз туркуми доирасидаги омонимларда сақланиб қолади*
- Д. *Тўғри жавоб йўқ*
- Е. *Турли сўз туркумига оид омонимлар ўртасида сақланиб қолади*

6. Маъновий синонимлар берилган қаторни топинг.

- А. *Бола, ўспирин, йигит*
- В. *Майса, гиёҳ, қуқат*
- С. *Қалб, юрак, кўнгил*
- Д. *Ойи, она, ая, буви*
- Е. *Бола, фарзанд, қиз*

7. Яхши-ёмон, узун-қисқа, эски-янги сўзлари қандай сўзлар саналади?

- А. *Зид маъноли сўзлар*
- В. *Шаклдош сўзлар*
- С. *Маънодош сўзлар*
- Д. *Пароним сўзлар*
- Е. *Дублет сўзлар*

8. Паронимлар берилган қаторни белгиланг.

- А. *Қарз — қарс, дарз — дарс, борлик — борлиқ*
- В. *Кул, тўлат, бўлмоқ*
- С. *Доно — нодон, тўғри — эгри, оқ — қора*
- Д. *Бош, бурун, этак*
- Е. *Охур — ахир, ола — була, қинғир — қийшиқ*

9. Кулоқ (киши организми) — кулоқ (муштумзур) сўзларининг маъно ва шакл муносабатига кўра турини белгиланг.

- A. *Синоним*
- B. *Антоним*
- C. *Пароним*
- D. *Омоним*
- E. *Кўп маъноли сўз*

10. Бошқа тиллардан сўз ўзлашиши натижасида тилда қандай ҳодисалар юзага келиши мумкин?

- A. *Шаклдошлик ҳодисаси*
- B. *Маънодошлик ҳодисаси*
- C. *Зид маънолилик ҳодисаси*
- D. *A ва B жавоблар тўғри*
- E. *Барча жавоблар тўғри*

11. Фақат араб тилидан ўзлашган сўзлар қаторини топинг.

- A. *Фарзанд, паст, баҳор*
- B. *Илмий, маъно, танқид*
- C. *Бор, келмоқ, сен*
- D. *Мулойим, саккиз, дарак*
- E. *B ва D жавоблар*

12. Сифат ва отдан ташкил топган топонимлар қаторини топинг.

- A. *Ойдинкул, Қўнғиртов, Оққўрғон*
- B. *Каттақўрғон, Яккасарой, Қизилтепа*
- C. *Олтиариқ, Мингчинор, қирқоёқ*
- D. *Олтинсой, Кумушкент, Қорасув*
- E. *Яккатут, Оқтепа, Чинобод*

12-д а р с

БАРҚАРОР БИРИКМАЛАР. БАРҚАРОР БИРИКМАЛАР ТАСНИФИ

12. 1. БАРҚАРОР БИРИКМАЛАР

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда барқарор бирикмалар ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. Уларни нутқда иборалардан, мақол ва маталлардан, ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланишга ўргатиш.

Р е ж а: *Барқарор бирикмалар ҳақида.

* Барқарор бирикмаларнинг турлари: фразеологизм, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар.



1-топшириқ: Боши осмонга етди ва қувонди ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни айтинг

2-топшириқ: Ватанни севиш ҳақида учта мақол келтиринг ва уларнинг ўзига хос томонларини тушунтиринг.

Нутқий жараёнда фикримизни баён қилиш учун сўзлар ёрдамидагина эмас, балки бир неча сўзларнинг барқарор боғланишидан ҳосил бўлган бирикмалардан ҳам фойдаланамиз.

Масалан, *Тошкентдаги истиқлол даврида қурилган иншоотларни кўриб, оғзим очилиб қолди.* Бу гапда *оғзим очилиб қолди* бирикмаси сўзловчи томонидан нутққа тайёр ҳолда олиб кирилган.

Оғиз очилиб қолмоқ бирикмаси нутқ жараёнига қадар ҳам тайёр ҳолда барқарор бирикма сифатида мавжуд ва мазмунан бир лексема *ҳайрон бўлмоқ* лексемаси ифодалаган маънога тенг келади. *Ёки ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, дейди халқимиз, жумласида дейди халқимиз* бирикмаси таркибидаги сўзлар ўзаро эркин боғланган бўлса, ундан олдинги сўзлар сўзловчининг нутқига қадар халқи-

миз томонидан яратилган, тилимизда тайёр ҳолда сўзларнинг худди шундай таркибини доимий сақлаган ҳолда мавжуддир.



Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил birlikлари барқарор бирикмалар дейилади.

Барқарор бирикмаларнинг энг характерли белгилари қуйидагилар:

1. Нутқ жараёнига қадар тилда мавжудлик: нутққа тайёр ҳолда олиб киришлик.
2. Маъно бутунлиги.
3. Тузилиши ва таркибининг барқарорлиги.

Барқарор бирикмалардан ўринли фойдаланиш нутқ гузаллигини таъминлайди, шунинг учун улар нутқимиз кўрки ҳисобланади.

Барқарор бирикмаларни ўрганувчи тилшунослик бўлими паремиология (лотинча *paragma* «барқарор», «*logos*» таълимот), барқарор бирикмалар луғатини тузиш муаммоларини ўрганувчи бўлим эса паремиография (лот. *paragma* — барқарор, *grapho* «ёзмоқ») саналади.



142-машқ. «Мақол — нутқнинг кўрки» мавзусида матн ёзинг. Мақолларнинг матн мазмунини юзага чиқаришда тутган ўрнини белгиланг.



Савол ва топшириқлар

1. Луғат ва унинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Имло луғати нима?
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳақида маълумот беринг?
4. Қомусий луғатлар нима ва ундан қандай мақсадларда фойдаланилади?
5. Нутқда иборалардан нима мақсадларда фойдаланилади?

Ерга урса кўкка сачрайди, яхши кўрмоқ, меъдасига тегмоқ, юраги тоза, тепа сочи тикка бўлмоқ, кўнглида кири йўқ, оғзига толқон солмоқ, подадан олдин чанг чиқармоқ, оқ кўнгил, кўнглини ёзди, ўтакаси ёрилди, тишини тишига қўймоқ, ипидан игнасиғача, оғзининг таноби қочадиган.

143-машқ. Куйидаги ибораларни ёзинг. Улар ёрдамида гаплар тузинг.

Иштаҳаси карнай, қўлинг дард кўрмасин, оғзи очилиб қолди, гуллаб қўйди, кўкрагини ерга бермоқ, лой бўлмоқ, миси чиқмоқ, туёғини шиқиллатмоқ, аравани тортмоқ, оғзи қулоғига етмоқ, тегирмонга тушса бутун чиқмоқ, боши осмонга етмоқ, арпасини хом ўрмоқ, тақдирга тан бермоқ, қулоқ солмоқ, миси чиқди.



144-машқ. Ихтиёрий мавзуда матн тузинг. Унда иборалардан унумли фойдаланинг.



145-машқ. Кучиринг. Ибораларнинг остига чизинг. Маъноси қайси сўзга тўғри келишини айтинг.

1. Унга етиб олганимда, вужудимни севинч қоплаган, кутилмаган учрашувдан бошим осмонга етган эди. (Ў. Умарбеков.) 2. Иссиқнинг ва ёғлиқ овқатларнинг дамини кесиш учун ҳеч ким пиёладан, чойнакдан қўл узмас эди. (Ойбек.) 3. Баъзан давон ошишинга кўзинг етмай, юрагинг орқанга тортиб кетади. 4. Сўнгги бирикки соат ичида юз берган бу икки қувончли ҳодиса Раҳим Саидовнинг бошини айлантириб қўйган, ким биландир уларнинг ўртоқлашгиси келиб қолган эди. 5. Вой, қулоғингизга танбур чертяпманми? Узукни-да. Қаранг, шунақаси менга жуда ярашар экан. (Ў. Умарбеков.) 6. Тансиқ гўё бўғилгандай уҳ тортди. Шундай қариндошларни қўкка қўтарган дадасидан хафа бўлди у. (Ойбек.) 7. Зокир ўз бўйнига олган ташвишининг нақадар қийинлигини энди сизди. (П. Қодиров.) 8. Аммо Эгамберди машинанинг қули. Тез орада унча-мунча механикка ҳам сўз бермай қўяди у. (Ойбек.) 9. Бу ёқда Жамол Бўрибоевдай оғайнилари бўлган, юлдузни бенарвон урадиган бунақа одамлардан ҳайиқмоқ керак. (О. Ёкубов.) 10. Роббимнинг марҳаматига лойиқ яшамоқ, дунё ноз-неъматларига шукр келтирмоқ, дард ёпишганида сабр-тоқатли бўлмоқ, бахтли онларида эс-ҳушини йиғиштириб олмоқ чинакам мўминнинг фазилатидир. (*Газетадан.*)

146-машқ. Келтирилган фразеологизмларга антонимик жуфт бўладиган тил бирликлари танланг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Ерга урмоқ, ичи қора, қўли эгри, пихини ёрган, сиркаси сув кўтармайдиган, қилдан қийиқ топмоқ,

терисига сиғмай кетди, ер билан яксон қилмоқ, ипидан игнасиғача.

147-машқ. Бадиий асарлардан фразеологизмларга мисоллар топиб ёзинг, уларни изоҳланг.



148-машқ. Тўртликларни ўқинг. Ибораларни топиб, услубий хусусиятларини тушунтиринг.

1. Биламан, таърифинг сўзга сиғмайди,
Ўзаллик ҳақида гап сотмоқ бекор.
Дилдаги ҳусндан андоза олган —
Ўзаллигинг қалбни этади такрор.

2. Юрак оғрир, сездирмайди тил,
Жисм мағрур, бўзлайди кўнғил
Бу кенг дилга сиғолмайди қил
Мен кутган кун, сен келмаган кун.

3. Бир кун кўзларимдан қочди уйқулар,
Бир кун юрагини очди туйғулар...
Мен сени эсладим энтикиб, ёниб,
Мен сени изладим баридан тониб.
Сен илк муҳаббатим, вафоли ёрим,
Сенсиз қўшиғимни айтолмадим мен.

4. Янги тонг, дўстгинам, бошланмай туриб
Ушбу тун бағрига бирпас тут қулоқ.
Бу туннинг бағрида ғофил бўлинмас,
Бу туннинг бағрида бахтинг бор оппоқ.

(Назира ас-Салом)

12.2 БАРҚАРОР БИРИКМАЛАР ТАСНИФИ

Барқарор бирикмалар нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши, таркибий қисмларининг барқарорлиги белгисига кўра умумийликни ташкил этса ҳам, маъно бутунлиги нуқтаи назаридан турличадир. Шунга кўра барқарор бирикмалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Фразеологизмлар.
2. Мақол ва маталлар.
3. Афоризмлар.

Барқарор бирикмаларнинг бир гуруҳи таркибидаги сўзлар маъно жиҳатдан уйғунлашиб, мазмуний яхлитликни вужудга келтиради ва кўпинча мазмунан бир лексемага тенг келади ва кўчма маънода ишлатилади.

Масалан, *қулоғи динг бўлмоқ* — *хушёр бўлмоқ*, *қовоғи осилмоқ* — *хафа бўлмоқ*, *оғзининг таноби қочмоқ* — *қувонмоқ каби*.



Маъно яхлитлигига эга бўлган ва нутқий жараёнга қадар икки ва ундан ортиқ сўзларнинг барқарор муносабатидан ташкил топган, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилувчи кўчма маънодаги барқарор бирикмаларга фразеологизмлар дейилади.

Фразеологизмлар гап таркибида унинг бир бўлаги вазифасида келади. Фразеологизмни ташкил этган сўзлар фразеологизмнинг фақат ички узвлари саналади. Гапнинг бошқа бўлаклари билан яхлит, бир бутун ҳолда муносабатга киришади.

Масалан, *Раис даладаги ҳосилни кўриб боши осмонга етади*. Бу гапда *боши осмонга етди* қисми бутун ҳолда кесим вазифасида келади.

149-машқ. Қуйида берилган фразеологизмларнинг ҳар бири иштирокида алоҳида-алоҳида гап тузинг. Уларнинг гап мазмунини юзага чиқаришдаги ўрнини белгиланг.

Ҳафсаласи пир бўлмоқ, кўзи очилмоқ, қулоғи том битмоқ, ўпкасини чўпга илган, оёғини қўлга олмоқ, боши осмонга етмоқ, кўзи учиб тургани йўқ,

Қуйида берилган гаплардаги фразеологик бирикмаларни топиб, маъносини шарҳланг.

1. Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди.
2. Аравани қуруқ олиб қочиш эви билан-да, аввал бурнингни — артсанг-чи... (С. Абдулла.)
3. Ишқилиб барака топсин, шу докторлар бошинг ёстиққа текканда жонингга аро киришади.
4. Йўқлаб келибсан, бошим осмонга етди.
5. Қизлар ҳар замонда ишдан бош кўтариб, бири-бирига гап отишади. (С. Аҳмад.)
6. Қорасочнинг дили сиёҳ бўлиб, бирдан хўрлиги келди. (С. Азимов.)
7. ...Амалда ишни издан чиқариб юборибсиз.
8. Ковушини тўғрилаб қўйиш керак: қурилишни ҳам,

коллективни ҳам сариқ чақага сотади. (*Асқад Мухтор*)
9. Хожи хола кўзи илиниб, энди хуррак ота бошлаган эди.

10. ...Унинг кўзлари қинидан чиқаёзди. (*Ойбек*)

150-машқ. Матни ўқинг, Ш. Раҳматуллаевнинг ўзбек луғатшунослигини бойитиш йўлидаги хизматларини белгиланг.

РАҲМАТУЛЛАЕВ ШАВКАТ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

(1926)

Филология фанлари доктори, профессор Шавкат Раҳматуллаев ўзбек тили лексикологияси, лексикографияси, морфологиясининг ривожини учун катта ҳисса қўшган олимдир. Айниқса, ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва ривожланишида унинг хизмати катта. Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли, этимологик, имло луғатларини тузишда баракали меҳнат қилиб келмоқда. Улар орасида «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (1964), «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (1978), «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» (1980), «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» (1984), «Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати» (2000) каби асарлари алоҳида ажралиб туради.

151-машқ. Фразеологик ибораларнинг синонимларини топинг, улар иштирокида гап тузинг.

1. Боши кўкка етмоқ
2. Ер тагида илон қимирласа билмоқ.
3. Ичини мушук таталамоқ.
4. Кўзини бўямоқ.
5. Кўзи тўрт бўлмоқ
6. Тепа сочи тикка бўлмоқ
7. Томдан тараша тушгандай
8. Хамирдан қил суғурмоқ
9. Тарвузи қўлидан тушмоқ
10. Икки оёғини тираб турмоқ



152-машқ. Матни ўқинг. «Тулки қизига тўй берди» иборасини изоҳланг. Яна шу каби қандай ибораларни биласиз? Уларни ҳам изоҳлашга ҳаракат қилинг.

Қор лайлаклаб-лайлаклаб ёғди. Қор ерга тушиб тушмай ёғди.

Лайлакқор таққа тинди.

Ерда қор тугул, нам-да бўлмади. Қор ҳавоси-да бўлма-

ди. Уйнаб қўйай, бундайин ҳавони оти нима бўлди? Қор ёғмади, дейин, дедим — ҳавода лайлаклаб қор ўйнади. Лайлаклаб қор ёғди, дейин, дедим — ерда қордан нишона бўлмади. Деҳқон бундай ҳавони:

— Тулки қизига тўй берди, — дейди.

Кечаси йиғилишда раисимиз кундалик яганани сўради. Йўл-йўриқлар берди.

Шунда раисимиз олдида турган телефон жиринглади.

Раисимиз телефонда салом-алик қилган бўлди.

Гап-сўзидан билдим — раисимиз идеология билан гапиришди. Об-ҳавони гапиришди. Чайнаб-чайнаб гапиришди.

Раисимиз шарақлатиб телефон даста ташлади. Деразага қараб лаб бурди.

— Тавба, — деди, ажаб вакиламиз бор-да! «Колхозларингда қор ёққан эмиш, ғўза нима бўлди?» дейди. — Қор ёққан, тулки қизига тўй берди, — десам, «Тулкиям тўй қиладими?» дейди...

(Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар»)

13-д а р с

МАҚОЛЛАР. МАТАЛЛАР

13.1. МАҚОЛЛАР



Грамматик жиҳатдан гап ҳолида шаклланган, халқ донишмандлиги натижасида вужудга келган барқарор бирикмалар мақоллар саналади.

Масалан, *Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Болта тушгунча, тўнка дам олади.*

Мақоллар халқнинг ҳаётий тажрибаси, донишмандлиги натижасида майдонга келади. Улар нутқ жараёнига қадар тилда тайёр ҳолда барқарор бирикма сифатида мавжуд бўлади.

Сўзловчи бундай бирикмаларни яхлит ҳолда нутқига олиб киради.

Мақоллар фикрни таъсирчан, бўёқдор қилиб ифодаловчи қудратли воситадир. Нутқда мақоллардан ўринли фойдаланиш сўзловчининг маҳорати саналади.


153-машқ. Куйида берилган мақоллар ва маталларнинг маъноси-ни шарҳланг.

1. Дўстинг бўлса боғинг чамандир,
Дўстинг бўлмагани феълинг ёмондир.
2. Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан.
3. Тўғри ўзади, эгри тўзади.
4. Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас.
5. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда.
6. Эр йигитнинг қуввати — эл қуввати.
7. Аёлнинг сариштаси — одамнинг фариштаси.
8. Тўғри юрдим етдим муродга,
Эгри юрдим қолдим уятга.
9. Кўнгли қоранинг юзи қора.
10. Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас.

154-машқ. Матнни кўчиринг. Мақолларнинг маъноларини изоҳланг.

Телбага тилмоч керак эмас.
 Телбанинг териси қалин.
 Тикан бўлиб оёққа сочилгунча,
 Гул бўлиб кўкракка санчил.
 Тоза кўзанинг суви тоза.
 Гадо аразласа, тўрвасига зиён.
 Аҳмоқнинг ақли тўпиғида.

Ўйла, изла, топ ўйини!



ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛИ



Қуйидаги саволларга рақамлар орқали жавоб топилганда ўзбек халқ мақоли келиб чиқади.

1. Қаловини топсанг.. ҳам ёнади... 26, 10, 33
2. Кўз юқорисидаги аъзо... 29, 27, 11
3. Чўлда яшайдиган жонивор, қашқирнинг шериги... 28, 13, 12, 30, 14
4. Иссиқ ҳаво таъсирида чиқади... 9, 22, 8.
5. Келин сўзининг Самарқанд ва Бухоро шевасидаги синоними... 15, 16, 17, 18
6. Дарахт, толнинг шериги... 6, 5, 25, 20, 4
7. ...нинг темир тароғи бор... 21, 24, 31
8. Нафис чайқалади бир туп наъматак,
 Юксакда шамолнинг беланчагида
 Қуёшга кўтариб бир... оқ гул,
 Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
 Нафис чайқалади бир туп наъматак... 1, 7, 3, 32,
- 23
9. Аза сўзининг синомидаги биринчи ҳарф... 19
10. Кирилл алифбосидаги 21-ҳарф...



155-машқ. Матнни ўқинг. Мақолларни мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўчиринг:

1. Ватан ва ватанпарварлик ҳақида.
2. Дўстлик ҳақида.

3. Меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида.

4. Камтарлик ва манманлик ҳақида.

Мақолларнинг ҳар қайсисини изоҳланг.

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча,
Ўз юртингда гадо бўл.

Бекорчининг бети йўқ,
Қозон осар эти йўқ.

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр.

Бир йил тут эккан киши
Қирқ йил гавҳар терар.

Бодом пусти билан
Одам дусти билан.

Бир тариқдан бўтқа бўлмас.

Арғамчига қил қувват.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

Ишни асбоб қилади,
Эгаси лоф уради.

Камтар бўлсанг ош кўп,
Манман бўлсанг, тош кўп

Мевали дарахтнинг шохи эгик.



156-машқ. Ўзингиз донолик, манманлик, очкўзлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, дангасалик каби мавзуларга оид унта мақол топиб ёзинг, маъносини изоҳланг.



157-машқ. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғатидан бир неча мақолларни изоҳи билан ўқинг, айримларини ёзинг. Сўнгра уларни изоҳланг.

Н а м у н а: Игнадек тешикдан туядек совуқ киради. Бу мақолни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, мажозан «Озгина, кичкина камчиликни, хавф-хатарни назар пинд қилмай юрма, шундан сенга катта зиён-заҳмат

етиши мумкин, эҳтиёт бўл», деган маънода ҳам қўллайдилар. «Ёлғиз балога индамасанг кўпаяди» деган мақол ҳам борки, у кейинги айтилган маънода ишлатилади.

158-машқ. «Ўзбек Миллий энциклопедияси», «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», «Хотин-қизлар энциклопедияси» ҳақида нималар биласиз?

159-машқ. Берилган гаплардан замонавий қатламга оид фразеологизмни топинг ва уларнинг семантик ҳамда услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг.

1. Филай келиб ҳиқилдоғидан олганда ўт билан ўйнашаётганини фаҳмлади. 2. Бу оми банда ислом фарзанди учун бундай қасам ичмоқ дуруст эмаслигини билса эди, тилига эҳтиёт бўлмасмиди? 3. Кеча кавушингни судраб, поездга осилиб келиб, бугун тахтга ўтирмакчимисан? 4. Катта кетувчи «қози» хўжайиннинг феъли айниб турганини фаҳмлаб, бундай кезларда чоракта гап ҳам ортиқчалигини билгани учун лом-мим демай, барча эҳтиромини таъзим орқали изҳор эта олди. 5. Ажаблаларли ери шундаки, тор кўнгил даладан паноҳ изламокда эди. 6. Ўзини қудрат бобида иккинчи ўринга қўювчи Кесакполвон эса чолни шаҳарга олиб келишига, дўстининг шу чол қўлидан шифо топишига, шу туфайли «Асадбек — Чувринди» битимининг кулини кўкка совуришига амин эди. 7. Абдурахмон табиб унга бир оз тикилиб тургач, тилга кирди. 8. Тузатсангиз, огзингизга сиққанча сўрайсиз, бир тийин кам берган — номард! 9. Ўзим аҳмоқман, — деб ўйлади Кесакполвон, — йигитларни юборсам-ку, юмалоқ-ёстиқ қилиб бўлса ҳам етказишарди». 10. Чол мусулмоншева кўринса-да, баъзан ўзини тута олмай қоларди.

(Т. Малик)

160-машқ. «Хотин-қизлар энциклопедияси»дан олинган шеърини парчаларни ўқинг, ундаги эскирган сўзларни алоҳида белгиланг, уларнинг ҳозирда қўлланилишини тушунтиринг.

1. Оналар оёғи остидадир
Равзаи жаннату жинон боғи,
Равза боғи висоли истар эрсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

2. Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар оёғининг изи.

3. Бошни фидо қилғил ано қошиға,
Жисмни қил садқа ато бошиға.
4. Тун-кунингга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
5. Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёгин гарди.
6. Тозаликда сарвдан қолишмайди гул,
Аммо вафо бобида собит эмас ул.
7. Яхши хотинлар сафойи зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош,
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасур қуёш.

13.2. МАТАЛЛАР



Грамматик жиҳатдан гап ҳолида шаклланган, тўғри маънода қўлланиладиган, халқ донишмандлиги натижасида вужудга келган барқарор бирикмалар маталлар ҳисобланади.

Масалан,

Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ.
Қимирлаган қир ошар.

Маталлар ҳам худди мақоллар сингари халқнинг ҳаётини узоқ даврлар мобайнида кузатиш орқали ҳосил қилган ҳаётий тажрибасининг ихчам шаклда ифода топишидир.



161-машқ. Ш. Шомақсудов ва Ш. Шораҳмедовларнинг «Ҳикматнома» (Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати.) — Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1999 йил китобидан олинган куйидаги изоҳни ўқинг. Сиз ҳам маталларга мисоллар келтириб, уларнинг вариантларини топиб изоҳланг.

АВВАЛ ЎЙЛА, КЕЙИН СЎЙЛА

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўзи (гапи)ни аввал

ўйлаб олиши, сўнгра сўзлаши лозим. Ҳўламай айтилган сўз кишини кўпчилик олдида уялиб қолишига, ҳатто фожейй аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни кўнгилда пишқармагунча, тилга келтурма ва ҳар неким кўнгилда бор тилга сурма» (Навоий). Вариантлари: «Ҳўламагунча сўйлама», «Кўп Ҳўла, оз сўйла», «Ҳн қатим Ҳўла, бир қатим сўйла», «Дилда пишир, тилда гапир», «Ҳўнаб гапирсанг ҳам Ҳўлаб гапир», «Тез сўзлаган тез пушмон бўлар» ва ҳакозо.



162-машқ. Дунё халқларининг тилларидан олинган мақоллар ва маталларни ўқинг. Уларнинг ўзбек тилидаги муқобил вариантларини топиб, изоҳланг.



163-машқ. Гапларни ўқинг. Уларда илгари сурилган гоҳ ҳақида фикр юритинг. Маталларни белгиланг.

Ақл ақлдан қувват олади. Аҳмоқнинг ақли — тўпиғида. Давлат битар, билим тугамас. Гўзаллик — илму маърифатда. Тирмашган тоғдан ошар. Юрти бойнинг ўзи бой. Элдан айрилгунча, жондан айрил. Ари заҳрини чекмаган бол қадрини билмас. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар. Йигит ҳусни меҳнатда. Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг — эскиси. Доно билан нодон битта булоқдан сув ичмас. Теран дарё тинч оқар. Илм — тубсиз қудуқ. Ёлғоннинг умри қисқа. Дўстлик — барча бойликдан афзал... Сабр тоғни йиқитар. Марддан от қолур, номарддан — дод. Ҳунар ошатар, меҳнат яшнатар. Кўклам — меҳнат билан кўркем. Кумушдек тер тўксанг, гавҳардек дур оласан.

ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАР (АФОРИЗМЛАР) ТАҚРОРЛАШ

Масалан,

(А. Навоий)

Ҳикматли сўзларни ўрганиб, хотирада сақлаб, нутқда ўринли қўлай билиш кишининг сўз санъаткори, донишманд бўлишини таъминлайди.



	Д		Х			Н	И			О		
		Р	Т		Қ		Д	Р		Т		И
Б		Л		Р			У	Д		А	Т	
	Р		Н		Н	Г			Е		Қ	
Б		Й			Ў		У	Р				

Жавоби:

Деҳқони бой юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг деҳқони бой бўлур. (И. Каримов)



164-машқ. Алишер Навоийнинг қандай ҳикматли сўзларини биласиз? Улардан унтасини кўчириб ёзинг. Маъноси-ни шарҳлаб беринг.

ВАТАНГА ОИД ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

1. Ватан — онанинг кўксидан бошланади.
2. Ватан туйғусининг манзиллари бешикдан қабрга-чадир.
3. Ватанни севиш ҳисси — бу шунчаки туғма майл эмас, у сарбаланд ва муқаддас туйғудир.
4. Ватан тупроғи оёқдан эмас, балки қадоқ боғлаган қўллардан бўса олгиси келади.
5. Белингиз Ватан юкидан букчайсин.
6. Ватан юки залворли бўлса-да, малоли йўқ.
7. Қуёшга жуфтлик ярашмаганидек, Ватаннинг ҳам шериғи йўқ.
8. Ватан садақага берилмаган, уни бизга тақдир ато этган.
9. Ватан — энг катта тақдир.
10. Сен Ватанни мадҳ этган минбар — меҳроб-дир.
11. Иймон — виждоннинг қибласи. Ватан ҳам бами-соли қиблагоҳдир.
12. Ватан нечоғли улкан бўлмасин, у қалбга ҳам, кўз қорачиғига ҳам жо бўла олади.
13. Ватан ишқи ошиқ севгисидек қалбнинг туб-туби-дан жой олган бўлади.
14. Ватан хокини тўтиёга айлантириш учун ал-кимё-гар бўлиш шарт эмас.
15. Ватанфуруш ўз олтин бешигини пуллайди.
16. Ватан туйғуси устувор юртда ватанфурушнинг бозори касоддир.

(Мурод Хидир)

Юқоридаги фикрларини ёзинг ва магзини чақинг. Сиз ҳам Ватан ҳақидаги ҳикматли фикрларни давом эттиринг. От сўз туркумининг ишлатилишига эътибор беринг.

165-машқ. Илм ҳақидаги ҳикматларни ёд олинг.

1. Илмсиз инсон — мевасиз дарахт.
2. Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.
3. Илм бир хазина бўлса, бу хазинанинг калити саводдир.
4. Илм келинчакка ўхшайди, у ҳикмат ва пинҳонликни ёқтиради.
5. Илм — инсон зийнати.
6. Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади.
7. Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади.
8. Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.
9. Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.
10. Ҳар кимки эрур уламо моҳир, Бўлғай анга сўзнинг ҳусни зоҳир.

(Шавқий Каттақўрғоний)



166-машқ. Қуйидаги ҳикматларни ўқинг ва уларга изоҳ беринг. Уларда илгари сурилган ғоялар ҳақида фикр юритинг.

* * *

Тилимизнинг товланиб туришида шоир учун не-не битмас-туганмас хазиналар бор.

(М. Шайхзода)

* * *

Тил услуб учун шахмат тахтасидаги шоҳдир.

(К. Федин)

* * *

Китобхонга бир фикрни англатиш учун ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган очиқ, равон ва содда тил керак.

(Абдулла Қаҳҳор)

* * *

Ўзбек тили хазинасидаги сўзлар шу қадар кўп ва жиловкорки, бу тилда ҳеч қийналмасдан гўзал асарлар: шеърлар, қисса ва ҳикоялар битиш мумкин.

(Н. Тихонов)



167-машқ. Амир Темур томонидан айтилган ўғитларни дафтарингизга ёзиб олинг ва улар ҳақида баҳс ташкил қилинг.

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин. Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик номардлик. Аҳли эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлар. Бир калима ширин сўз қилишни қинга киритади. Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Душманнинг кулгани — сирингни билгани. Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал. Куч адолатдадир.

168-машқ. Ҳадисларни ўқинг. Уларнинг ҳаётимизга нақадар тўғри келиши ҳақида фикр юритинг. Ўзингиз ҳам ҳадисларга намуналар айтинг ва дафтарингизга ёзинг.

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол саводи. Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатиши. Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди. Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар. Илм ибодатдан афзал. Жаннат оналар оёғи остидадир. Кимки шошмай, сабр-қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади. Сахий кишининг таоми шифодир. Одамлар билан мурсою мадорага киришиш ҳам садақа ҳисобланади.



169-машқ. Матни ўқинг ва ундан ўзингизга тегишли хулоса чиқариб олинг. Афлотуннинг ўз шогирди Арастуга қилган насиҳатлари.

Ҳамиша илм пайида бўлиб, қалбинг ҳам, кўзинг ҳам доимо бедор бўлсин. Уйқу ва оромни ўйлаб бугунги ишни эртага қолдирма. Бадбахт шундай кишики, ишининг оқибатини ўйламайди, гуноҳ ишлардан ўзини тиймайди. Барчани бирдек сев, бирор киши балога дучор бўлса, унга кўмак қўлини чўз. Ҳар кимнинг гапини тўғри ёки нотўғри эканлигини билмай туриб, текширмай туриб, ҳукм чиқарма. Қайси ишда бўлмасин, сусткашлик қилма. Яхшилик қилишда чегара бор деб ўйлама. Ҳакимлар ҳикматини ёд ол. Мол-дунё ҳирсини

кўнглингдан қув. Ёқимли одоблардан кўз юмма. Тубан ишларга қўл урма. Ҳамма билан гаплашганда ҳам кам-тарликни қўлдан берма. Бировни хор санама, ҳамиша адолатни ўзингга шиор қил!



Савол ва топшириқлар

1. Барқарор бирикма деганда нимани тушунасиз?
2. Барқарор бирикманинг қандай турлари мавжуд?
3. Фразеологизм нима?
4. Мақол ва матал деганда нимани тушунасиз?
5. Қандай бирикмалар ҳикматли сўзлар (афоризмлар) саналади?

Таянч тушунчалар:

барқарор бирикмалар, иборалар, фразеологизмлар, мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар (афоризмлар) паремалар, паремиология

14.2. ТАКРОРЛАШ

«Менинг қишлоғим (ёки шаҳрим)» мавзусида иншо ёзинг. Унда мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилинг.



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Огзига талқон солмоқ, офтобда қатиқ ялашган, ораларидан қил ҳам ўтмайди бирикмалари қандай бирикма саналади?

- A. Мақол
- B. Матал
- C. Ҳадис
- D. Фразеологизм
- E. Сўз бирикмаси

2. Халқнинг ҳаётий тажрибаси, донишмандлиги негизида вужудга келадиган барқарор бирикмаларни белгиланг.

- A. Маталлар
- B. Эртақлар
- C. Турғун бирикмалар
- D. Мақоллар
- E. Ҳадислар

3. Ҳикматли сўзларга тегишли бўлган фикр қайси қаторда тўғри талқин қилинган?

- A. Грамматик жиҳатдан гап ҳолида шаклланган бўлади.
- B. Халқнинг турмуш тажрибалари асосида яратилади.
- C. Маълум бир шахсга тегишли бўлади.
- D. A ва C жавоб
- E. Барча жавоблар тўғри

4. Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзалдир деган ҳикматли сўз муаллифи қайси қаторда тўғри берилган?

- A. Алишер Навоий
- B. Амир Темур
- C. Заҳриддин Бобур
- D. Зокиржон Фурқат
- E. Абдурауф Фитрат

5. Оғзи қулоғида иборасининг мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Хурсанд
- B. Хафа
- C. Тўй қиялти
- D. Катта ютуққа эга бўлди
- E. A, C ва D жавоблар

15-д а р с

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ (ЛУҒАТШУНОСЛИГИ). ЭНЦИКЛОПЕДИК (ҚОМУСИЙ) ЛУҒАТЛАР ВА УЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШ

15.1. ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ (ЛУҒАТШУНОСЛИГИ)

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда луғат ва уларнинг турлари ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни луғатлардан тўғри ҳойдаланишга ўргатиш.

- Р е ж а:** *
- * Лексикография ҳақида маълумот.
 - * Луғат ва унинг типлари.
 - * Энциклопедик луғатлар.
 - * Филологик луғатлар.



Топшириқ: «Ўзбек энциклопедияси» билан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобларини бир-бирига солиштириб, улар ўртасида қандай фарқ борлигини айтинг.



Лексикография латинча *lexikos* «сўз», *grapho* «чизмоқ», «ёзмоқ» сўзларидан олинган бўлиб, луғат тузиш амалиёти ва назарияси билан шуғулланувчи тилшуносликнинг бўлиmidир.

Лексикография назариясининг предмети луғат тузиш тамойиллари ва усулётларидир.

Лексикография амалиёти эса луғат тузувчиларнинг ишини ташкил этиш, сўзларни карточкаларга тушириш, системага солиш ва сақлаш сингариларни ўз ичига олади.

Лексикография назариясида луғат турлари, сўзлик таркиби ва сўз мақоласининг тузилиши асосий ўринни эгаллайди.



Аввало, луғатлар икки турли бўлади: 1) энциклопедик (қомусий) луғатлар; 2) филологик (лингвистик) луғатлар.

Бу икки турдаги луғатлар луғат бирликларининг нимага қаратилгани билан фарқланади. Луғатга киритилаётган бирликлар барча тушунчаларни ўз ичига олса, энциклопедик (қомусий) луғат; маълум бир тилдаги сўзларни ўз ичига олса, филологик (лингвистик) луғат ҳисобланади.



Савол ва топшириқлар

1. Лексикография нима ва у нималар ҳақида баҳс юритади?
2. Луғат деганда нимани тушунасиз ва у қандай турларга бўлинади?
3. Энциклопедик луғат билан филологик луғатлар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
4. «Истиқлол» луғат бирлигини энциклопедик ва филологик жиҳатдан изоҳланг.
5. Изоҳли ва таржима луғатларнинг фарқини айтинг.
6. Қандай изоҳли луғатларни биласиз?

170-машқ. Ушбу изоҳ қандай луғатдан олинган? У нима деб аталади ва муаллифи ким?

Мағзини чақмоқ: ким, ниманинг? Маъносини тағ-тубигача ўрганиб етмоқ, англаб етмоқ. «Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ» (Ойбек «Қутлуг қон»).



171-машқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (Москва, «Русский язык», нашриёти, 1981 йил, 2 жилд)дан она, диёр, юрт, маскан, ўйла сўзларига берилган изоҳларни ўқинг ва улар ҳақида баҳс юритинг.

Намун а:

Ватан [а] 1. Киши туғилиб ўсган ва унинг граждани ҳисобланган мамлакат, она юрт: Она-Ватан, Улуғ Ватан.

2. Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр: Булбул чаманни севар, одам Ватанни.

3. Турар жой, бошпана, маскан, уй: ўзига ватан қурмоқ.



172-машқ. Матнни ўқинг. Тарихда яратилган яна қандай луғатларни биласиз. Шу ҳақда сўзлаб беринг.

Атоқли тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари туркий халқларнинг илк луғати саналади.

Муаллиф уни 1072 йилда ёза бошлаган ва 1074 йилда ёзиб тугатган. Бунга қадар у бир неча ўн йиллар давомида Чин (Хитой) дан тортиб то Рум (Византия)га қадар бўлган улкан ҳудудда яшовчи туркий қабилаларни бирма-бир ўрганиб чиққан. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади:

— Мен турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўплادим. Мен бу китобни махсус алифбе тартибидаги ҳикматли сўзлар, саъжлар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим.

Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим.

Девон икки қисмдан иборат: «Муқаддима» ва «Луғат» қисмларидан.

Ундан меҳнат ва маросим қўшиқлари, ўғитномалар, мунозара шаклидаги тўртликлар, Алп Эр Тўнға (Афросиёб) марсияси каби ажойиб адабий ёдгорликлар ўрин олган.

«Девону луғатит турк» битмас-туганмас илм манбаидир.

15.2. ЭНЦИКЛОПЕДИК (ҚОМУСИЙ) ЛУҒАТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



Энциклопедик (қомусий) луғатда турли хил тарихий воқеалар, тарихий шахслар, илмий тушунчалар ва бошқалар ўз ифодасини топади. Умуман, энциклопедик луғатлар маълум бир халқнинг маданий-маънавий, илмий-амалий, сиёсий-иқтисодий ҳаётига доир барча тушунчаларни қамраб олади ва бу тушунчалар унда ўз изоҳини топади.

Қомусий луғатларни яратиш узоқ давом этадиган, машаққатли иш саналади. Унга киритиладиган мақолалар тушунарли, равон тилда берилиши, улар турли-туман карталар, схемалар, рангли ва оқ-қора расмлар, атоқли шахсларнинг портретлари билан безатилиши лозим.

Мисол учун 14 жилдлик ЎзСЭнинг 1-жилдини тай-

ёрлаш ишида 14 та академик, 13 та академиянинг мухбир аъзоси, 88 та фан доктори, профессор, 539 та фан номзоди ва бошқа кўплаб мутахассислар қатнашган. Унда 3350 та мақола мавжуд. Мазкур жилд устида 1965—1971 йиллар мобайнида тайёрлов ишлари олиб борилган.

1971—1980 йиллар оралигида ЎзСЭ нинг 14 жилди нашрдан чиққан. Ўша давр учун бу жуда катта воқеа эди, лекин ушбу қомусий луғатдаги кўплаб мақолалар бугунги кун талабига жавоб бермайди, эскирди. Уларни қайта ишлаш, мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан ёритиш лозим бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбек Миллий энциклопедияси»ни яратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилган бўлиб, ҳозирда бу иш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Энциклопедиянинг бир нечта томлари ўқувчилар қўлига бориб етди.

Тошкент шаҳрида қомусий луғатлар ва китобларни нашр этиш билан шуғулланаётган алоҳида ташкилот — Қомусий луғатлар Бош редакцияси иш олиб бормоқда.



173-машқ. «У ким? Бу нима?» («Болалар энциклопедияси», Тошкент, 1987—1988 йиллар, 3 жилдлик) китобидан олинган қуйидаги матнни ўқинг. Сўнг истаган ҳарфингизни очиб, ўзингизга маъқул бўлган сўзнинг изоҳини дафтарингизга кўчириб олинг, изоҳланг.

Китобдаги барча мақолалар алфавит тартибида жойлашган. Биринчи китоб А—Й ҳарфлари билан, иккинчи китоб К—Р ҳарфлари билан, учинчи китоб С—Ҳ ҳарфлари билан бошланадиган мақолаларни ўзичига олади.

Масалан, сизни «Бухоро» мақоласи қизиқтиради. 1-жилднинг 99-бетдаги Б ҳарфи мундарижасига қаранг. У ерда китобдаги Б ҳарфи билан бошланадиган ҳамма мақолалар кўрсатиб қўйилган. «Бухоро»ни топдингизми? Китобнинг қайси бетида шу ҳақда ҳикоя қилинган? 150-бетда. Мана, мақоланинг ўзи. Унда кўҳна Бухоро ҳақида, унинг тарихи, ажойиб ёдгорликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу жилддан жийда, зилзила, ибн Сино, йўлбарс каби бошқа мақолаларни ҳам топишингиз мумкин.

174-машқ. «Саломатлик» энциклопедияси (Тошкент, ЎзСЭ Бош редакцияси (985 бет)дан афония (30-бет), нутқ (296-бет), олий нерв

фаолияти (314-бет) сўзларига берилган изоҳларни ўқинг. Улар ҳақида фикр юритинг.

Н а м у н а:

Афония — (юнончи **а** — инкор қўшимча ва **phoni** — овоз) шивирлаб гапириш қобилияти сақланган ҳолда овоз чиқмай қолиши. А. турли касалликлар: ҳиқилдоқ, нерв системаси, шунингдек, организмнинг умумий касалликлари белгиси бўлиши мумкин. Чин, паралитик, функционал ва спастик А. фарқ қилинади.

Овоз бойламларининг етарли юмилмаслиги ва тебранмаслиги билан боғлиқ касалликларида (яллигланиш, рак ва ҳ.к.) чин А. рўй беради. Ҳиқилдоқ нерви фаолиятининг бир томонлама бузилиши, нерв касалликлари паралитик А. га сабабчи бўлиши мумкин.

Одатда, мия ярим шарларида овоз бойламларини ҳаракатлантирувчи нерв механизмларининг вақтинча тормозланиши, руҳий изтироб, кўрқиш ва Б. натижасида функционал А. юзага келади.

Ҳалқум ва ҳиқилдоқ шиллиқ қаватига ўювчи кимёвий моддаларнинг таъсир этиши спастик А. га сабаб бўлади (30-бет).



175-машқ. «Уй-рўзғор энциклопедия»си (Тошкент, ЎзСЭ

Бош редакцияси, 1982, 600 бет) дан исм қўйиш (206—208 бетлар), кутубхона (248—249 бетлар) электр асбоб (500-бет) сўзларини намунадагидек кўчириб ёзинг. Бу ҳақда фикр юритинг.

Н а м у н а:

Дессерт — дастурхонга иссиқ овқатдан сўнг тортиладиган ширин таомлар (кисел, компот, крем ва бошқалар), ҳўл мевалар, кондитер маҳсулотлари. Дессерт учун махсус идишлардан фойдаланилади (дессерт ликоп, десерт қошиқ, пичоқ ва шу кабилар). (167-бет).

16-д а р с

ФИЛОЛОГИК ЛУҒАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИПЛАРИ. ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ. ТАРЖИМА ЛУҒАТ. УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Филологик луғатлар маълум бир тилдаги сўзларни ўз ичига олади. Сўзлар муайян бир тартибда (ё алфавит асосида, ё мазмуний гуруҳлар асосида) жойлаштирилади.

Филологик луғатларнинг ўзи, энг аввало, изоҳли ва таржима луғатларига бўлинади.



Тилдаги сўзларни изоҳлашга қаратилган луғатлар изоҳли луғат, муайян тилдаги сўзларнинг иккинчи тилга таржимасини беришга қаратилган луғатлар эса таржима луғат саналади.

1981 йили Москвадаги «Русский язык» нашриётида нашр қилинган 2 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 2001 йили Toshkentdagi «Sharq» nashriyotmatbaa konserni bosh tahririyati tomonidan nashr etilgan «O'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati» ёки ўзбекча-русча, инглизча-русча-ўзбекча луғатлар бунга мисол бўла олади.



Изоҳли луғатлар сўзликнинг таиланишига кўра умумий ва тармоқ луғатларга бўлинади. Тилнинг барча сўзларини изоҳлашга қаратилган луғатлар умумий изоҳли луғатлар, маълум бир тармоққа доир сўзларнигина танлаб, уларни бир тартибда жойлаштириб изоҳлашни мақсад қилган луғатлар тармоқ луғат ҳисобланади (Масалан, касб-хунарга доир луғатлар, маълум фан соҳаси бўйича атамалар луғати ва бошқалар).

Ҳар қандай луғат шу луғатнинг эгаси бўлган халқнинг катта маданий ва маънавий бойлиги саналади.



176-машқ. Қуйидаги берилган изоҳли луғатларнинг но-
мини ва нашр маълумотларини дафтарингизга ёзиб олинг.
Уларни топиб, мазкур луғатлар билан ишлашни ўрганинг.

Навоий асарлари луғати — Тошкент, Ғофур Ғулом
номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 784 бет.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати — Москва: «Русский
язык» нашриёти, 1981, 1-жилд, 632 бет, 2-жилд, 715
бет.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати —
Тошкент, ФАН нашриёти, 1-жилд, 656 бет, 1983; 2-
жилд, 644 бет, 1983; 3-жилд 622 бет, 1984; 4-жилд 634
бет, 1984.

Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати, — Тош-
кент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳрири-
яти, 1998, 318-бет.

O'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati, — Toshkent,
«Sharq» nashriyot-matbaa konserni bosh tahririyati, 2001.



177-машқ. «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат»
(Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳри-
рия, 1998 йил, 318-бет)идан олинган

Альтернатива (13-бет), биржа (22—23-бетлар), ин-
вестиция (68—69-бетлар), мафкура (106—107-бетлар),
омбудсман (179—180-бетлар), халқаро тиллар (231—
232-бетлар) каби атамалардан бирига берилган изоҳ-
ни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва шу ҳақда фикр
юритинг.



178-машқ. «Ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли лу-
ғати» (Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош
таҳририя, 2001)дан ватан, юрт, ўлка, диёр, маскан
сўзларига берилган изоҳларни ўқинг, сўнг улар ҳақида баҳс уюш-
тиринг.

179-машқ. «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати»дан олин-
ган қуйидаги парчани ўқинг.

Давлат тузилиши ва унинг шакллари. Давлат ўз
тузилиши жиҳатидан уч турда: федератив, конфеде-
ратив ва унитар тарзда бўлиши мумкин. Бундай ҳолат
давлатнинг таркибий қисмлари ўртасидаги, қисмлар-
нинг марказий ҳокимият билан ўзаро муносабатла-
ри, шунингдек ҳар бир ҳудудий қисмнинг ҳуқуқий
мавқеи турлича моҳият касб этишидан келиб чиқа-
ди.

Унитар (яхлит) давлатлар, федерациядан фарқли ўлароқ, вилоят, ўлка, туман, губерна, графликлар сингари маъмурий-худудий қисмлардан ташкил топган тузумдир.

Федератив (мураккаб) давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) штатлар, худудий ер бирликлари каби қисмлардан тузилган бўлади. (Масалан, АҚШда штатлар, ГФРда худудий ер бирликлари федерациянинг таркибий қисмларидир).

Конфедерация давлат тузилишининг шундай бир шаклики, унга кўра конфедерацияни ташкил этувчи давлатлар ўз мустақилликларини тўла сақлаб қолган ҳолда муайян бир мақсад (ҳарбий, ҳўжалик, муҳим ички ва ташқи сиёсат масалалари)да ўз кучларини уйғунлаштириб, иш кўрадилар.



Саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Унитар давлат деганда нимани тушунасиш?
3. Ўзбекистон Республикасида давлат ким томонидан бошқарилади?

180-машқ. Ўзбекча-русча лўғат (Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1988)дан олинган куйидаги парчага диққат қилинг. Таржима лўғатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг.

БИЛИМ 1. Знание, познание (в какой — л. области):

Куч ~ **да** сила в знании: ~ **юрти**

1. Учебное заведение: училище:
2. ист. институт просвещения: ~ **олмоқ** получать знание:

3. наука, отрасль знания: **тил** ~ **и** языкознание.

БИЛИМДОН знающий, сведующий, имеющий, глубокие познания (в какой-л области): образованный, эрудированный//эрудитли.

~ **агроном** знающий агроном.

БИЛИМДОНЛИК знания, обладание знаниями или навыками: Образованность, эрудиция ~ **қилмоқ** ирон. мудрить, мудрствовать.



181-машқ. Ўзбекча-инглизча, ўзбекча-немисча, ўзбекча, французча лўғатларда сўзлар қандай берилди.

Уйингизда улардан намуналар бўлса, икки-учта сўзга берилган изоҳни кўчириб ёзинг ва улар ҳақида фикр юритинг.



182-машқ. Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуровларнинг «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент: Ўқитувчи, 1980)дан олинган қуйидаги мисолга диққат қилинг. Сўнг ботир-қўрқоқ, мағлуб-ғолиб, сунъий-табиий антонимларига изоҳ беринг.

АЧЧИҚ 1

Таъми қалампирники-
га ўхшаш

аччиқ дори

аччиқ анор

Аччиқ билан чучукни тотган билар, узоқ билан яқинни юрган билар. (Оталар сўзи)

ШИРИН 1

Таъми шакарникига
ўхшаш ширин

чучук дори

чучук анор

АЧЧИҚ 2

Кишининг иззат-наф-
сига тегадиган, хафа
қиладиган

аччиқ сўз

аччиқ турмуш

Аччиқ савол бериб ширин жавоб кутма (ма-
қол)

ШИРИН 2

Кишига роҳат ба-
ғишлайдиган, хур-
санд қиладиган

ширин сўз

ширин турмуш



183-машқ. А. Ўлмасов, Н. Тўхлиевларнинг «Бозор иқти-
содиёти» (қисқача луғат-маълумотнома)дан олинган тубан-
даги мисолни дафтарингизга ёзиб олинг. Сўнг бартер, деби-
тор, дилер, лизинг, маркетинг, холдинг-компания сўзларига изоҳ
беришга уриниб кўринг.

ПОЛИС (*фр. polici, умал. polliissa — тилхат*) —
шахсий ёки мулкый суғурта шартномаси зарурат ту-
гилганда суғуртачига қарши даъво қўзғатиб зарарни
ундириш учун судга тақдим этиладиган расмий хуж-
жат.

184-машқ. «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати (Тошкент:
Ўқитувчи, 1984)дан олинган тубандаги мисолни ўқинг. Сўнгра, занг,
қарши, кеч, мушак, оқим, тўй, эт, қил каби омонимларга у каби
изоҳ беринг.

БОҒ

Боғ 1 от. Бирор нарсанинг тўдалаб боғланган ҳолати
(сноп, вязанка, пучок). Боғламоқ, боғлаш *бир боғ беда,*
бир боғ пиёз (укроп, кашнич, редиска).

Боғ 2 (тожикча) от. Узум (ток), мевали дарахтлар кўп экилган ер участкаси (сад). *Боғбон, боғдор, боғистон, боғча (болалар боғчаси), боғ-роғ, боғ-бўстон. Узумини е, боғини суриштирма. Боққа боқсанг боғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади (мақол).*

17-д а р с

ИМЛО ЛУҒАТИ ВА ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТ ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

17.1. ИМЛО ЛУҒАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ



Ҳар бир тилда шу тилдаги сўзларни тўғри ёзишга қаратилган махсус қонун-қоидалар мажмуи бўлади. Бунга имло ёки орфография қоидалари дейилади. Имло қоидалари амалдаги ёзувга мос равишда яратилади. Кирилл ёзувига асосланган ҳозирги ўзбек ёзуви учун бугунги кунга қадар 1956 йилда яратилган имло қоидалари асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек ёзувига ўтилиши муносабати билан имло қоидаларига ҳам сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилди. Шу муносабат билан 1995 йили проф. А. Ҳожиёв муҳаррирлигида янги «O'zbek tilining imlo lug'ati» нашр қилинди.

Имло луғатларида сўзлар орфография қоидалари асосида алифбо тартиби билан берилади.

185-машқ. Қуйидаги имло луғатларининг нашр маълумотларини дафтарингизга кўчириб олинг ва улар билан ишлаш кўникмасини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилинг.

Бирлашган ўзбек алфавити ва орфографияси. — Тошкент: ЎзФАН, 1940.

С. Иброҳимов, М. Раҳмонов. Имло луғати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1956, 1964.

С. Иброҳимов, Э. Бегматов, А. Аҳмедов. Ўзбек тилининг имло луғати. — Тошкент: ФАН, 1976.

А. Ҳожиёв муҳаррирлиги остида чиқарилган O'zbek tilining imlo lug'ati. — Toshkent: O'qituvchi, 1995.

186-машқ. «O'zbek tilining imlo lug'ati»dan foydalanib tubandagi so'zlarning yozilishiga diqqat qiling.

Taajjub, taalluqli, budjet, taassurot, bug'doy, televideniye, e'lon, e'tibor, izzat, jo'shqin, ko'za, mo'jiza, muomala, mo'tabar, oktabr.

187-машқ. Куйидаги нотўғри ёзилган сўзларнинг «Имло луғати»дан ёзилишини аниқланг ҳамда дафтарингизга кўчириб олинг.

афғон
авф
баттар
байналминал
грам
истеҳзо
таъмагир
таъқиқламоқ
хаёл
қохламоқ

17.2. ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТ ВА УНДАН Фойдаланиш

Тилдаги ҳар бир сўз ўзининг келиб чиқиш тарихига, этимологиясига эга. Масалан Тошкент сўзи қадимда Шош, Чоч номлари билан юритилган. Айтишларига қараганда, бугдой, шоли янчиладиган хирмоннинг ўрни-ни, майдонни чоч, шош деб аташган экан. Унга жой маъносини билдирувчи кент сўзини қўшишиб, Чоч-кент — Тошкент деб атай бошлашган.



Тилдаги сўзларнинг келиб чиқиш тарихини ўз ичига олган луғатлар этимологик луғатлар сана-лади.

Проф. Ш. Раҳматуллаевнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари туфайли ўзбек тилида ҳам дастлабки эти-мологик луғат пайдо бўлди.

188-машқ. Куйидаги луғат матнини ўқинг.

Изоҳли луғатдан намуна:

ТОВУҚ 1. Ғушти, пати ва тухуми учун боқиладиган ургочи уй паррандаси. Сертухум товуқ. Курк товуқ. Товуқ катаги. Товуқ-нинг тушига дон қиради. Мақол. *Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак.* Тирикчилик учун кишига ҳамма нарса керак, деган маънодаги мақол. *Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар.* Ўзи-нинг ёки яқинларининг айбини гапириб юрадиган одам ҳақида айтиладиган мақол.

Думи юлинган товукдай қ. **дум** 1. Оёғи куйган товукдай қ. **Оёқ**. Шу парранданинг гўшти (овқат, масаллиқ сифатида). Қовурилган товук. Товуқни есанг, бир ейсан, тухумини есанг, минг ейсан (мақол).

4. Баъзи қушларнинг модаси, макиён. Қирғовулнинг товуғи.

5. Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи. *Унинг йили товук.*

Товук йили мучал йил ҳисобида ўнинчи йил (қ. мучал).



189-машқ. Куйидаги луғат матнини ўқинг.

Энциклопедик луғатдан намуна:

ТОВУҚ. Уй товуқлари — товуқсимонлар туркумига мансуб парранда. Ёввойи банкив товуғидан тарқалган. Паррандаларнинг энг кўп сонли тури. Ундан тухум, гўшт, пар ва пат олинади, ахлатидан ўғит сифатида фойдаланилади. Бериладиган маҳсулотига қараб, Тлар серпушт, ҳаммабоп (тухум-гўшт учун боқиладиган) ва гўштор зотларга бўлинади. Булар ташқи кўриниши ва тузилиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Серпушт Тлар кичкина, тез вояга етади, ҳаммабоплари йирикроқ, яхши ривожланган бўлади. Хўрозларнинг оёқлари пастки қисмида пихи, бошида тожи бўлади. Серпушт Тлар тожи баргсимон, тумшуғи сал пастга қараган. Тумшуғи ва пихининг ранги деярли ҳамма зотларда бир хил: сариқ, оч пушти, қора ва ҳоказо. Пати турли рангда.

Серпушт Тлар 1,8—2,2 кг, хўрозлари 2,7—3,0 кг; ҳаммабоплари 2,5—4,0 кг, гўшторлари 3,0—4,5 кг, тухумдан чиққан жўжалари 30—35 г. 70—80 кунлик ҳаммабоп зот жўжалари серпуштрларидан 20—30% оғир.

Серпушт зотлар йилига 220—250, айримлари 365 тагача тухум қилади.

Зотдор Тлар селекция йўли билан кўпайтирилганда серпушт бўлади. Т. 5—6 ойликдан тухумга киради, дастлабки тухуми 40—50 г, 1 ёшга яқинлашгач 55—65 грамм. Ҳаммабоп зотлар тухуми майда. Т. туллаганда тухум қилмайди, туллаш 2—3 ҳафта, баъзиларида 2 ой ва ундан ортиқ давом этади.

Т. 10 йилгача тухум қилиши мумкин. Саноат мақсадида тухум етиштирадиган хўжаликларда Тлар тухумга киргандан кейин фақат бир йил сақлаш иқтисодий фойда келтиради, чунки тухуми Т.нинг ёшига қараб, йилига 10—15% камаяди, наслчилик хўжалик-

ларида фақат сермахсул Т.лар 2-, 3- йилга қолдирилади. Наслдор Т.ларнинг 50—60% ёшига етмаган, 30—35% икки ёшли ва 10% уч ёшли бўлади. Хўрозлар 2—3 йил сақланади, 8—12 товуққа 1 та хўроз тўғри келади. Жўжалар инкубаторда очилади. Эмбрионал ривожланиш даври ўрта ҳисобда 21 кун. Т. паррандахоналарда дон, сабзавот, минерал озиқлар, витамин ва б. билан боқилади.

Топшириқлар

1. «Товуқ»нинг икки хил луғатда қандай изоҳланганини тушунтиринг.
2. Энциклопедик луғат билан изоҳли луғатнинг фарқини айтинг.
3. «Гул»нинг энциклопедик ва изоҳли луғатларда қандай изоҳланишини ёзиб кўрсатинг.



190-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Луғат нима?
2. Луғатлар қандай гуруҳланади ва турларга бўлинади?
3. Сиз қандай луғатларни биласиз?
4. Исталган луғат тўғрисида қуйидаги режа асосида реферат ёзинг:
 1. Луғат ким томонидан ва қачон тузилган?
 2. Луғат номи кимларга мўлжалланган?
 3. Луғатда изоҳланган сўзларнинг сони.
 4. Луғатда сўзларнинг жойлаштирилиши.
 5. Луғат мақолчасининг мазмуний мундарижаси.
 6. Маънони изоҳлашнинг қандай усулларидадан фойдаланилган?



191-машқ. O'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati (Toshkent, «Sharq» nashriyot-matbaa konserni bosh tahririyati, 2001)дан саммит, тадбиркор, фермер, коллеж, лицей каби сўзларни топиб дафтарингизга кўчиринг ва уларнинг қандай изоҳланганлигига диққат қилинг.

Таянч тушунчалар:

луғатшунослик, лексикография, энциклопедик (қомусий) луғат, филологик (лингвистик) луғат, изоҳли луғат, таржима луғат, имло луғати, этимологик луғат.



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Лексикография нимани ўргатади?

- A. Сўз ва унинг тузилишини
- B. Сўзларнинг умумий хусусиятларини
- C. Сўзларнинг келиб чиқиш тарихини
- D. Луғат ва унинг турларини
- E. Гап ва унинг турларини

2. Изоҳли луғатларда феъллар қандай шаклларда берилади?

- A. Равишдош шаклида
- B. Сифатдош шаклида
- C. Ҳаракат номи шаклида
- D. Соф феъл шаклида
- E. Матндаги шаклида

3. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нечанчи йили ва қаерда нашр этилган?

- A. 1991 йили Тошкентда
- B. 1995 йили Самарқандда
- C. 1981 йили Москвада
- D. 1969 йили Тошкентда
- E. Ҳозиргача бундай луғат чоп этилган эмас.

4. Имло луғатларида сўзларнинг қайси жиҳатлари ҳисобга олинган бўлади?

- A. Тўғри талаффуз қилиниши
- B. Ўзак ва қўшимчаларга ажралиши
- C. Келиб чиқиш тарихи
- D. Синтактик вазифалари
- E. Тўғри ёзилиши

5. Маълум бир халқнинг маданий-сиёсий, илмий-амалий, иқтисодий ҳаётига доир барча маълумотларни қамраб олган луғатларга қандай луғатлар дейилади?

- A. Этимологик луғат
- B. Изоҳли луғат
- C. Қомусий луғат
- D. Лингвистик луғат
- E. Кўп тиллик луғат

6. Ҳозирга қадар ўзбек тилида яратилмаган луғатни белгиланг.

- A. Чаппа луғат
- B. Этимологик луғат
- C. Омонимларнинг изоҳли луғати

- D. *Қўшма сўзлар луғати*
- E. *Наввий асарларининг изоҳли луғати*

7. Луғатлардаги сўзлар қандай тартибда берилади?

- A. *Алифбо тартибида*
- B. *Ҳамиша бош ҳарф билан*
- C. *Тарихий шаклларида*
- D. *Тўғри келган шаклда*
- E. *Бу нарса луғат яратувчиларига боғлиқ*

8. «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» ким томонидан яратилган?

- A. *А. Ҳожиёв*
- B. *Ш. Раҳматуллаев*
- C. *М. Асқарова*
- D. *Ш. Шоабдураҳмонов*
- E. *А. Ғуломов*

9. Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону-луғотит турк» асарини нечанчи йилда яратган?

- A. *1072—1074 йилларда*
- B. *1069 йилда*
- C. *Яратилган йили маълум эмас*
- D. *1483 йилда*
- E. *871 йилда*

10. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» неча томдан иборат?

- A. *Бир томдан*
- B. *Беш томдан*
- C. *Икки томдан*
- D. *Олти томдан*
- E. *Бир томдан*

18-д а р с

УСЛУБИЯТ ВА НУТҚ УСЛУБЛАРИ ТАСНИФИ. СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

18.1. УСЛУБИЯТ ВА НУТҚ УСЛУБЛАРИ ТАСНИФИ

Д а р е м а қ с а д и: ўқувчиларда нутқ услублари ва уларнинг турлари ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни ўз нутқларида сўзлардан ўринли фойдаланишга ўргатиш.

- Р е ж а:**
- * Нутқ услублари ва уларнинг турлари.
 - * Оғзаки сўзлашув услуби.
 - * Бадиий услуб.
 - * Расмий услуб.
 - * Илмий услуб.
 - * Публицистик услуб.

Радио, телевидение орқали таралаётган суҳандонлар нутқини ҳар куни эшитасиз. Газета-журналларда эълон қилинаётган хабарларни ўқийсиз. Бадиий асарларни мутоала қилиб, тилимизнинг бадиий-эстетик қувватидан баҳраманд бўласиз. Физика, математика сингари фанларни ҳам ўзбек тилида ўқийсиз. Шу билан биргаликда кўча-кўйда, оилада, маҳаллада турли ёшдаги кишилар билан мулоқотга киришасиз.

Агар юқорида баён қилинган нутқий жараёнларга эътибор билан қарасангиз, уларнинг ҳаммаси гарчи ўзбек тилининг бевосита воқеаланиши бўлса ҳам, лекин маълум жиҳатлари билан бир-биридан фарқланишининг гувоҳи бўласиз.

Демак, адабий тилнинг ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида қўлланиладиган бир неча кўринишлар мавжуд. Ана шундай кўринишлари нутқ услублари ҳисобланади.



Адабий тилнинг ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида қўлланиладиган кўриниш нутқ услублари дейилади.



Ўзбек тилининг нутқ услубларини ўрганувчи тилшунослик бўлимига эса ўзбек тили услубияти дейилади.

Ўзбек тилининг ички тузилишинигина ўрганиш бизга бу тил ҳақида тўла ахборотни бера олмайди, чунки тил бирликларидан қачон, қаерда, қандай вазиятда фойдалана билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, *муҳтарам*, *қимматли*, *азиз* сингари сўзларни маълум шахс билдирувчи сўзларга фақат расмий, публицистик услубларда қўшиб ишлатишингиз мумкин: *Муҳтарам Соқиевич! Қимматли ака, азиз опагон* каби. Бундай бирикмаларни ёнингизда сиз билан оддий ҳолатда жонли мулоқот қилиб турган кишиларга қўллай олмайсиз. Агар шундай бирикмаларни қўлласангиз, ноқулай аҳволга тушасиз.

Ўзбек адабий тили қуйидаги услублар орқали намойён бўлади: 1) сўзлашув услуби; 2) публицистик услуб; 3) бадиий услуб; 4) расмий услуб; 5) илмий услуб. Булардан сўзлашув услуби оғзаки нутққа хос бўлса, қолган услублар эса ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклларга эга. Масалан, илмий асар ёки илмий маъруза матни ёзма нутққа, илмий маърузанинг ўзи эса оғзаки нутққа хосдир. Шунингдек, бадиий услубнинг ҳам ёзма ва оғзаки (халқ оғзаки ижоди) кўриниши борлигини биласиз.

Тилимизда барча услубларда тенг қўлланиладиган сўзлар бўлиши билан бирга, фақат айрим нутқ услублари учун хосланган сўзлар ҳам мавжуд. Шунинг учун сўзлар ана шу белгига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) услубий бетараф сўзлар (масалан, сўзламоқ, гапирмоқ, уй, дафтар, овқат ва бошқалар); 2) услубий хосланган сўзлар (мазкур, бинобарин, дудоқ, эрин, қароқ, нигоҳ, ташламоқ, баённома, нота ва бошқалар).



Савол ва топшириқлар

1. Нутқ услублари нима ва улар тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?
2. Нутқнинг қандай услублари бор?
3. Услубий бетараф ва услубий хосланган сўзларга мисоллар келтиринг?
4. Нутқ услубларини билишда билимнинг қандай аҳамияти бор?

192-машқ. Берилган матннинг қайси услубга хослигини аниқланг ва унинг ўзига хос белгиларини айтиб беринг.

Қайси бир йили олис бир қишлоқдан ўтай акаси келиб, уч-тўрт кун қўниб кетган эди. У ҳам ўзига ўхшаган мўмин-мусулмонгина чол бўлганидан жуда топишдилар. Ҳар кун хонақога бирга борардилар.

— Сўфи, бирор касб пешасини тутмай ўтиб кетаётибсиз-а? — деди акаси хонақога кета туриб.

— Э-э, — деди сўфи чўзиб ва ўзидан хурсанд кулимсираш билан бир кулимсиради: — менинг давлатим ҳеч кимда йўқ, ака! Эшон бобо Худойимнинг севган қули, нозу неъмат тўрт тарафдан сувдай оқиб туради. Дарё бўйидамиз-у чанқаймизми? Ғалати экансиз.

Шу кулимсираш билан бироз боргандан кейин бу сафар жиддийроқ қилиб деди:

— Аҳлиямиз ҳам учига чиққан чевар, Худога шукур. Ожизамиз ҳам дўппи тикишга «фаранг» бўлиб чиқди! Рўзгорнинг кўп-камларини ўзлари битиришади. Мен боҳузур тасбеҳимни айлантириб ётсам бўла беради.

(Абдулҳамид Чўлпон)

193-машқ. Қуйидаги матннинг қайси услубга оидлигини аниқланг ва унга тавсиф беринг. Уни намуна сифатида қабул қилиб ўзингиз ҳам шунга ўхшаш мисоллар топинг.

Тилдаги ҳар бир сўз ўз ўрнида қўллангандагина нутқимиз кўркем, жозибадор бўлади.

Масалан, профессор, доцент, ректор, проректор, директор каби сўзлар расмий услуб учун хос меъёр саналади, бироқ қолган услубларда уларни айнан ишлатиб бўлмайди. Ишхонада «Профессор Э. Бегматов, сизни талабалар кутишяпти» дейиш мумкин, лекин уйда унга ўзининг фарзандлари «дада» дейишнинг ўрнига «профессор» деб мурожаат қила олишмайди — меъёр бузилади.

194-машқ. Қуйидаги матннинг қайси услубга хослигини аниқлаб, унга тавсиф беринг.

Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни мадҳ этар кимки дили пок.

Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод
Ҳар икки оламда ақлли обод.

Ақл бир тирик жон — билмайди завол,
Ақл турмуш асли буни ёдлаб ол.

Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу йўқлигу камлик.

Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Бу ишдан бўлади юрак-бағри чок.

(Абулқосим Фирдавсий)

18.2. СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

!

Кундалик ҳаётда уйда, кўча-кўйда, иш жойларида ва бошқа жойларда кишиларнинг бири-бири билан эркин мулоқотга киришуви сўзлашув услуби орқали юзага чиқади.

Оддий сўзлашув услубида сўзловчи нутқ вазиятидан келиб чиқиб, ахборот учун энг керакли сўзларнигина ишлатади. Қолганлари нутқий вазиятдан билиниб туради ёки имо-ишора ва мимикалар билан тўлдирилади. Масалан, кинотеатр чиптахонасидан чипта олиш учун сўрайсиз:

— *Бешинчидан иккита* (Менга бешинчи қатордан иккита чипта беринг деб ўтирмайсиз).

Сўзлашув услубининг ўзи икки турга бўлинади:

!

1) адабий сўзлашув услуби; 2) оддий сўзлашув услуби. **Маълум адабий тил меъёрларига бўйсунган, тартибга солинган сўзлашув услубига адабий сўзлашув услуби дейилади.**

Адабий тилнинг оғзаки шакли адабий сўзлашув услуби орқали амал қилади. Радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувлари шундай услубда олиб борилади.

Адабий тил меъёрларига доимо амал қилавермайдиган эркин мулоқот шакли оддий сўзлашув услуби саналади.

Оддий сўзлашув услубида нутқий воситаларни тежашга интилиш билан бирга, бунга тескари бўлган нутқий ортиқчаликка ҳам йўл қўйилади.

Оддий сўзлашув услубида гап бўлакларининг тартиби ҳам анча эркин бўлади. Баъзан шевага хос сўзлар, қўпол, дағал сўзлар ҳам кузатилади, лекин буларни қўллаш сўзловчининг маданий нутқ соҳиби эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун сиз оддий сўзлашув нутқингизда ҳам ўзингизнинг юксак маданиятингизни намойиш этинг.



195-машқ. Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан олинган кўйидаги парчани ўқинг. Оғзаки сўзлашув услубига хос ўринларни топиб, изоҳланг.

Сўфи яна паст тоифа олдида муборак оғзини очиб, азиз тилини қалдиратмоққа мажбур бўлди:

— Бадбахт фитна! Кўясанми — қўймайсанми, ахир?! «Хуббули ватани минал имон» деганлар — ватанни севиш имондан», ахир! Билмасанг, бекор-да! Ватани йўқ — дунёда лўли холос. Мени беватан деб билдингми?

Сўфи бир оз қизиб ҳам кетди.

— Бу ҳовли-жой отангдан қолгани учун ўзимники дейсанми ё? Ундай десанг, бошпут олиб, ўривойнинг релига тушиб, «ҳайт» деб... Маккатиллога жўнаб қоламан. Ҳовлинг бошингдан қолсин, фитна!

Бу сафар Курвонбиби ялиниб-ёлвориб зўрға тинчитди.

Чинакам, сўфида ҳажга бориш нияти кучли. Ҳар йили жаврайди. Бир-икки марта паспорт олди ҳам. Фақат, нима учундир, оёғини ўз шаҳрининг тупрогидан уза олмайди.



196-машқ. Гапларни ўқинг, оғзаки сўзлашув услубига хос ўринларни изоҳланг.

Отаси ёки у тенги бошқа кишига «пахан», «бобой», оналарига «бабуля», «бабушка», «кампиrho», ака-укаларига нисбатан «брат», «братан», «братишка» деб мурожаат қилаётган ноқобил фарзандларнинг бундай нохуш сўзлари қулоққа оғир эшитилади.

Айрим ҳолларда эса исмларнинг русча-ҳиндча шаклларда ўринсиз қисқартирилиб айтилиши ҳам ёқимсиз туюлади. Хайришка, Маша, Боря, Гуля каби.

Кўча-кўйда, автобусларда, ўқув даргоҳларида «хей», «вей», «хов» деб ёки ҳуштак чалиб чақирадиган, ёрдўстларига Бахти, Мамаш, Алиш дея мурожаат қиладиган ёшлар ҳам учраб туради.

Буларнинг ҳаммаси ўта маданиятсизлик, одоб меъёрини билмаслик саналади.

(А. Мирзобобоев)



197-машқ. Мирза Каримнинг «Моҳларойим» романидан олинган парчани ўқинг. Оғзаки сузлашув услубига ҳос ўринларни топиб белгиланг.

Дарвоза зулфини тушиб, эшик қия очилди, оппоқ рўмолга ўралган кампирнинг муштдеккина боши кўринди.

— Вой-ой, ўлай, кимсан, йўловчимисан ёки... Кир, кир, бўйгинангдан тасаддуқ...

Адолат юришга ҳоли қолмай, ўзини кампир бағрига отди.

— Ҳай, ҳай, йиқитворай дединг-ку... Оёғингда оёқ қолмабди-я? Кел, кўлингни бер, жоним. Кўтарай десам жоним яримта...

— Онажон...

— Вой-ой, она деган тилларингдан ўргилай. Нима бўлди, жоним?

Кампир дарвозани ёпаётиб, кўча тарафга назар ташлади. Шу маҳал уч отлиқ отларини ниқтаганча Кува томон чоптириб ўтишди. Кампирнинг юраги шув этди. Дарров кўнглига келган ўйни қувиб чиқармоқчидай, кўйлаги ёқасини кўтариб, «пуф-пуф»лади. Адолатни суяб уйига олиб кирди. Уни ёнбошлашиб, секин ўрнидан турди.

— Болам, кечаги кўмочим бор. Оқшомда чавати қилгандим, татигин, хўпми, ўзингга келасан...

19-д а р с

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ. БАДИИЙ УСЛУБ

19.1. ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ

Публицистика (лат. publika «халқ, омма») даврининг энг муҳим, долзарб масалаларини ўқувчиларга, тингловчиларга, томошабинларга газета-журнал, радио, телевидение орқали етказиш, оммани жонлантириш, кишиларнинг онгига атрофда содир бўлаётган воқеаларни сингдириш, уларнинг ижтимоий қарашларини шакллантириш учун хизмат қилади.



Оммавий ахборот воситаларида (газета-журнал, радио, телевидение), Олий мажлис йиғинларида, турли хил анжуманларда қўлланиладиган нутқ услуби публицистик услуб саналади.

Публицистик услуб икки хил шаклда намоён бўлади: 1) ёзма шакл; 2) оғзаки шакл;

Ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган бош мақолалар, фельетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар, декларациялар публицистик услубнинг ёзма шаклига мансубдир. Радио ва телевидениеда чиқаётган сиёсий шарҳловчилар, нотикларнинг нутқлари эса публицистик услубнинг оғзаки шаклидир.

Публицистик услубнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у муайян ижтимоий масалаларга фаол муносабатда бўлишлик, ҳозиржавоблик, таъсирчанлик белгиларига эга. Бундай нутқ услуби ижтимоий масалаларга ҳаракатчанлиги туфайли унда ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар кўпроқ қўлланилади. Масалан, *исён, ирқчилик, қўпоровчилар, сиёсий танглик, битим* ва бошқалар.

Публицистика бир қанча жанрларга эга. Ҳар қайси жанрнинг ўзи, масалан, газета, радио, телевидениеда бериладиган репортажлар услуб ва услубий воситалари

ҳамда ўзида берилаётган репортаж, памфлет, фельетон каби нутқий воситалари жиҳатидан фарқланади. Шундай бўлишига қарамасдан уларнинг ҳаммаси бир умумий белги асосида публицистик нутқнинг турли қўринишлари саналади. У ҳам бўлса нутқнинг жамиятга қаратилганидир.



Савол ва топшириқлар

1. Публицистик услубнинг ўзига хос томонларини айтинг.
2. Қандай услубга публицистик услуб дейилади?
3. Публицистик услубнинг қандай шакллари бор?



198-машқ. Қуйидаги матнни ўқинг. Унинг нима сабабдан публицистик услубга киритилганини изоҳланг.

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ НЕГИЗИ

Сиёсий тутқунлик оғир, лекин миллий ўлим — миллатнинг буткул ҳалокатидир. Ўзбек халқи ўтган асрда чоризм истилоси туфайли сиёсий тутқунликка тушди, бироқ миллий қиёфасини йўқотмади. Ана шу миллий қиёфамиздан бугунги сиёсий мустақиллигимиз ўсиб чиқди, чунки маънавият сиёсий озодликка чорлайверади. Президент айтганидек: «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин».

Миллий мафкурамизнинг негизларидан бири — тилга бўлган муносабатимиздадир. Тил — миллат вакиллари ни мустаҳкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбоғ. Демак, бу рамзий белбоғнинг кучи, қудрати сизу бизларнинг она тилимизга бўлган муносабатимизга боғлиқдир.

Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Инсон узлуксиз равишда эзгуликка йўғрилган руҳий, маърифий ва маънавий озуқа олиб турмаса, буларнинг ўрнини ёт таъсирлар ишғол этади.

Миллий мафкура миллатнинг туб манфаатларини назарий асослаб беришга ва ҳимоя қилишга даъват этилгандир, унинг бош вазифаси ҳам шудир. Бизнинг истиқлол мафкурамиз асрий миллий қадриятимизга,

янги вужудга келган ва келаётган халқимизнинг бугунги ва келажакдаги манфаатларини ифодалайдиган фикрларга — халқ тафаккурига асосланиши лозим.

((А. Иброҳимов)



199-машқ. Мактубни ўқинг, публицистик услубга хос бўлган ўринларни топиб, уларни изоҳланг. Сиз ҳам бирон-бир асар қаҳрамонига шундай мактуб ёзишга ҳаракат қилиб кўринг.

ТУРСУНБОЙГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ!

(Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романидаги Турсунбойга мактуб)

Қишлоқнинг бир хонадонида «чироқ ёқилди», яъни Жаннат хола ва Икромжон тоға ўғил кўрдилар. Ўғлининг исмини Турсунбой деб аташади. Самимий одамлар хонадонида ёқилган чироқ сиз эдингиз, Турсунбой!

Сиз ёшлигингиздан иш ёқмас, дангаса, кўрқоқ бўлиб ўсдингиз. Қаранг, катта йигит бўлиб ҳам қолиб-сиз. Афсуслар бўлсинким, жаҳон уруши бўлиб қолди. Сизни ҳам урушга чақиртиришди. Ота-онангиз кўплар қатори яккаю ёлғизини Ватан ҳимоясига юбордилар. Улар: «Ўғлимиз жанг қилиб, халқимни озод, юртимни обод қилади», — деб орзулаган эдилар. Аммо, аммо... Ота-она орзуси осмонга ҳаводек учиб кетди. Орзулари оғзида қолди. Сиз уруш қийинчиликларига дош беролмай қочиб кетдингиз, сўнгра қишлоқнинг четида, тўқайзорлар орасида беркиниб юрдингиз. Буни онангиздан бошқа ҳеч ким билмас эди. Бечора Жаннат хола... Ҳар куни ўй-хаёли, ҳаёти тўқайзорда бўлиб қолди. Отангиздан беркитиб овқат олиб келар эди. Буни ўзгалар билиб қолишидан жуда-жуда кўрқар эди.

Сизга мактуб битмоқдаману, хаёлимга қуйидаги мисралар келаверади. Жаннат хола зорланаётганга ўхшайди назаримда:

Чакка ўтган эски томга ўхшайман,
Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.
Бу ёруғ дунёда борми, билмайман.
Ўз ўғлин йўлига интизор мендай...

(М. Юсуф шеъри)

Кунлар ўтди... Онангиз хасталана бошлади, чунки уни виждон азоби қийнар эди. Фақат сизни ўйлар эди.

Кунлардан бир куни Она сизга оғриётганини айтди, сиз бу гапга парво ҳам қилмадингиз, қўлидан овқатни олиб ҳайвонларча овқат еяр эдингиз. Ҳа, сиз фақат ўзингизни, қорнингизни ўйлар эдингиз.

Сиз тўқайзордасиз... Ана шундай кунларнинг бирида кўчадан тобут кўтариб, йиғи билан маҳалла-кўйингиз, қариндош-уруғларингиз, падарингиз Икромжон ота ўтиб борар эди. Юрагингиз сизди, тобут ичидаги сизнинг мушфиққина онангиз Жаннат хола эди. Юрагингизни ғам-алам босди, чунки шунда Сиз: «Энди менга ким овқат олиб келади», — дея алам чекдингиз. Ўшанда ҳам ўзингизни ўйладингиз. Онаизорга озгина бўлса ҳам ачинмадингиз-а?!

Наҳотки, онангизни тупроққа қўйиб келишга ҳам ярамаган бўлсангиз? Йўқ! Сизни одам боласи, дея олмайман.

Турсунбой! Бир умр виждон азобида қийналишингизни хаёлингизга келтирдингизми? Шу пайт сизни ҳақоратлагим келди. Йўқ! Йўқ! Ундай демайман, чунки ҳар бир қилаётган ишимизнинг охирабда жавоби бор-ку ахир?! Сизни юраксиз, дилсиз, забонсиз, бир қуриётган дарахтга қиёслайман, холос.



200-машқ. Матнни ўқинг, публицистик услубга хос бўлган кўтаринкилик, ифодалилиққа диққат қилинг.

ТЕМУР БОБОГА МУРОЖААТ!

Тун ёзиб юборди қора зулфини, мажнунтол беланчакни тебраб оҳиста, қурбақаю чигирткалар бошлайди алла. Парқув булутларга бошини қўйиб, ҳилол ухлаётир ширин, беозор. Гўзал канизақлар — ҳадсиз юлдузлар унинг теграсида қуришар давра. Сокинлик кўрпасин ёпиниб олиб, мизғиётир Замин тинч ва осуда... Фақат менинг безовта қалбим уйқу тўрларига илинмайди ҳеч. Ички туғёнларим бўғзимдан тошиб, Сизга хат битмоққа тутаман қалам. Сиёҳимнинг ранги этмасин ҳайрон, сиёҳдонга дилим қонин эзғилаб тўқдим.

Дил сўзларинг не дейсизми? Эшитинг бобо!

Сиз тиклаган Турон замин ҳали ҳануз турадур, оға-

ини туркийингиз бир-бирини суядир. Бири ўзбек, бири тожик, бири қирғиз, туркмандир, бир-бирига худди тоға, оға-ини, сингилдир.

Бобожоним, ахир айтинг, орзуйингиз шул эмасми, томиримда оқаётган Туркий деган қонмасми? Сиз яратган кўҳна бино, қаранг, қандай кўркаmdir. Бир-бирига дўстлашаркан ўғлонларингиз, Бобо, юртнинг, элнинг келажаги гуллаб, яшайди обод.

Қайтиб келди элга инсоф, виждон ҳамда эътиқод, гўё қора зулмат ичра балқиб чиқди, нур, офтоб. Эрларида мардлик мўл-кўл, аёлида назокат, фарзандлари бари бахтли, юртда кўпдир ҳаловат. Тингланг, бобо. Ўғлонлари юртим дея уйғонсин, қалбимда эрк аталувчи ўчмас оловлар ёнсин, ёғийларнинг кўзи чиқиб, соқолини силасин, қабрдан ҳам кўллаб турган кўлинг яхши деярлар, фидо бўлай, жоним бобо, кўллаб туринг ўзингиз. Ижобат бўлур, биламан, Сизнинг ҳар дуонингиз...

...Вақт охирлаб қолибди, қаламим ҳам толибди. Отаётган тонг мисол ёруғ бўлсин келажак, пок руҳингиз кўлласин, фарзандингиз кутажак.

(Д. Жураева)

19.2. БАДИЙ УСЛУБ

Бадиий асарларни кўп ўқигансиз. Ҳар бир тилнинг бутун имкониятлари, бор бойлиги, жозибаси бадиий асарлар орқали намоён бўлади.



Бадиий асарларнинг баён қилиш услуби бадиий услуб ҳисобланади.

Бадиий услубнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда адабий тилнинг барча имкониятларини ўз ичига олиш билан бирга, ўзбек шеваларига, касб-ҳунарга доир лексик бирликлар, бугунги кундалик истеъмолдан чиқиб кетган тарихий сўзлар ҳам персонажлар нутқи орқали ишлатила беради.

Бадиий услуб ўқувчида эстетик завқ уйғотади. Демак, бадиий услуб орқали рўёбга чиққан нутқ маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот бериш (коммуникатив вазифани бажариш)дан ташқари, ўқувчига таъсир қилиш (экспрессив) вазифасини ҳам бажаради.

Бадиий услуб учун образлилик, тасвирий ифода воситаларига бойлик хосдир.

Бадиий услубдан бошқа барча услублар ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида чегаралангандир. Бадиий услуб, улардан фарқли равишда, инсон амалий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Шунинг учун унда илмий услубнинг ҳам, публицистик услубнинг ҳам, сўзлашув услубининг ҳам, расмий услубнинг ҳам элементлари намоён бўлаверади.



Савол ва топшириқлар

1. Бадиий услуб деганда қандай услубни тушунасиш?
2. Бадиий услубнинг ўзига хос жиҳатларини баён қилинг.



201-машқ. А. Қаҳҳорнинг «Ўжар» ҳикоясидан олинган парчани ўқинг. Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.

— Ҳозир, ҳозир! — деди, — Суяр! Ҳо, Суяр! Бу ёққа чиқ, ўғлим! Э, ётганмидинг! Майли бу ёққа ўтир. Бизга бир нарсани ҳал қилиб бер: Салтиков катта ёзувчими, Шchedрин катта ёзувчими?

Суяр гоҳ отасига, гоҳ Заргаровга қарар ва ҳайрон эди.

— Йўқ, Сиз саволни нотўғри қўйдингиз, — деди Заргаров. — Бундай: Салтиков илгари ўлганми, Шchedрин?

— Иккови битта одам-ку! — деди Суяр, нима эканини билолмай.

Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай ўрнидан туриб ўйинга тушди.

Қутбиддинов дўқ урди:

— Салтиков билан Шchedрин-а? Ким айтди сенга?

— Ўзим биламан, китобда бор.

— Китобда бор? Шахматни кўпроқ ўйна, итвачча!

Қутбиддинов бола бечорани кўп уришди... Суяр йиглаб юборди...

Анчадан кейин Суяр каттакон бир китоб кўтариб чиқди.

— Мана, — деди портретни кўрсатиб, — мана, Салтиков-Шchedрин!



202-машқ. Чистонларни ўқинг, улар асосида шеърий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг. Яна қандай шеърий жанрларни биласиз. Мисоллар келтиринг.

У нима, оғзи бор аммо тиши йўқ,
Оғзига не тушса қияр, иши йўқ.
Бармоқни текизар бўлсанг оғзига,
Чангалин солади, ҳеч қўрқиши йўқ.

Катта туя — думи йўқ,
Овқат учун ғами йўқ.
Дарёдан сув ичади,
Одамга ризқ сочади.
У надирким доимо даврон кезар,
Барча олам ичра саргардон кезар,
Йўқ қарори, бир умр ғайратдадир,
Элга ризқ бермоқ учун ҳикматдадир.

(А. Сўфиев)



203-машқ. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасидан олинган парчани ўқинг. Драматик жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдиринг.

Д о м л а: — Шариат илми ва зарурияти диния билмоқ учун бойваччани ўқутмак, албатта, сизга лозимдур.

Б о й: — Шариат илмини ўқутмакни лозим билмайман, чунки ани муфти ё имом ва муаззин қилмоқчи эмасман. Азбаски, давлатим анга етар.

Д о м л а: — Заруроти динияга на дерсиз?

Б о й: — Мен ўзум беш вақт номозни кераклик дуолари ила билурман. Ўзум ўргатурман.

Д о м л а: — Хат ва саводга на дерсиз? Ҳолбуки, саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамайдур.

Б о й: — Бу фикрингиз ғалат, чунки мени саводим йўқ, бовужуд шул шаҳримизни катта бойларидандурман ва ҳар ишни билурман.

Д о м л а: — Сиз илгари замонда бир навъи ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўткармак учун илм керак...



204-машқ. Шеърни ўқинг, услубий хоссаларини аниқланг. Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятларини топинг.

БОБУР ДАРДИ

Бошлаб келди бу ёқларга оёқларим,
Қайтиб она тупроғимга кетолмадим.
Фарғонада қолмиш дўсту ўртоқларим,
Қайтиб улар висолига етолмадим,
Амударё, сувларингдан ўтолмадим...

Қорлар эрир бу дарёлар оқар тошиб,
Кетгим келар она юртга тоғлар ошиб,
Лекин душман йўлим тўсгай доим шошиб,
Она диёр, висолингга етолмайман,
Амударё, сувларингдан ўтолмайман...

Душманларнинг қўли узун замон бўлди,
Она юртим ёв қўлида тамом бўлди,
Ташлаб чиқдим — бу ишим кўп ёмон бўлди,
Қайтиб энди у ёқларга етолмайман,
Амударё, сувларингдан ўтолмайман.

Вафо қилмай жафо қилди дўсту ёрим,
Ҳинд — афғонга бошлаб келди номус, орим,
Қайтмоқ учун гарчи кўпдир ихтиёрим,
Лекин ортга қайтолмайман, кетолмайман,
Амударё сувларингдан ўтолмайман...

(Абдулҳай Собиров)



205-машқ. Ўқинг, матннинг қайси услубга хос эканлигини айтинг.

1. Қорда кўмилган изни дадам кўрибди шекилли,
кечқурун ойимдан сўради:

— Кимга кўмир бердинг?

Ойим айбдор қиёфада ерга қараб турди-да, ростини айтди.

— Ҳабиба буви шамоллаб қопти. Кўмири йўқ экан,
обориб бердим.

Дадам ойимни уришмади. (Ў. Ҳошимов)

2. Она тили ҳаётнинг қон томиридир. Она тилига
бепарво бўлган халқ ҳалокатга маҳкум. Динига, маърифатига,
хулқ-атворида, кийим-кечагига ва ҳаёт тарзига

кўра ўзаро кўп муштаракликка эга бўлган Оврўпа халқлари, шунга қарамай, ҳар қайсиси ўз она тилини сақлаб қола билган. Улар она тиллари учун жонларини ҳам, молларини ҳам аямайдилар, чунки биладиларки, тили йўқ бўлса, миллат ҳам йўқ бўлиб кетади. (Исмоилбек Ғаспрати).

РАСМИЙ УСЛУБ. ИЛМИЙ УСЛУБ

20.1. РАСМИЙ УСЛУБ



Ҳуқуқий қонунчилик ва иш юритиш муносабатлари доирасида қўлланилувчи нутқ услуби расмий услуб ҳисобланади.

Расмий услуб қуйидаги турларга бўлинади;

1. Соф қонунчилик услуби (қонун, фармон, фуқаролик ва жиноий актлар, низомлар услуби);

2. Идоравий — девонхона услуби (буйруқ, ариза, талабнома, билдирги, тавсифнома, таржимаи ҳол, ишончнома, далолатнома); дипломатик услуб (нота, баёотнома, битим, конвенция ва бошқалар.)

Расмий услуб деярли ёзма шаклда рўёбга чиқади. У ҳар қандай тасвирий воситалардан, образлиқдан ҳоли бўлади. Бундай услубда тилнинг икки вазифаси — ахборот узатиш ва даъват этиш, буюриш вазифаси амалга ошади. Масалан, маълумотномада ахборот берилса, буйруқда даъват этиш, ахборот ўз аксини топган бўлади.

Расмий услубга мансуб ҳар қайси турнинг ўзига хос лексик, грамматик хусусиятлари мавжуд. Масалан, қарор, фармонларнинг ўзига хос томони шундаки, бундай матнлардаги гапларнинг кесими III шахс мажҳул нисбатидаги феъллар орқали ифодаланади (*огоҳлантирилсин, топширилсин* каби). Маълумотномада эса биринчи гапнинг кесими гап бошида келади.

Расмий иш қоғозларининг синтактик тузилиши қатъий қолипларга бўйсунди. Масалан, «Ушбу маълумотномани кўрсатувчи **Ғ. Мўминов** ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетида декан ўринбосари лавозимида ишлайди...»



Савол ва топшириқлар

1. Расмий услуб нима?
2. Расмий услубнинг қандай турларини биласиз?
3. Расмий услубнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапиринг?



206-машқ. Ариза намунасини ўқинг. Сиз ҳам ўзингизга мослаб шу асосда ариза ёзишга одатланинг.

Н а м у н а:

Асака академик лицейи директори Д. Мўминовга 2-босқич талабаси М. Абдуллаевдан

А р и з а

2002 йилнинг 4—6 апрель кунлари Чирчиқ шаҳрида республика биринчилиги учун бокс бўйича ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этишим учун рухсат беришингизни ҳамда кўрсатилган кунларда дарслардан озод қилишингизни сўрайман.

(имзо)

М. Абдуллаев

2002 йил 2 апрель



207-машқ. Электр қувватини ҳисоб-китоб қилиш бўйича абонент дафтарчасининг қандай тўлдирилишига диққат қилинг. Хонадонингиздаги телефон, газ билан боғлиқ дафтарчаларни тўлдиришга уриниб кўринг.

2002 йил 3 май 11260	Йил, ой Счётчик
10760 0500	Кўрсаткичи Квт. Соат
2000 с 200 т с-т. с-т.	Сумма Жарима (пеня) Ҳаммаси

Абонент адреси: Бухоро шаҳри, Фитрат кўчаси, 3-уй

Абонент № 3095276, И. Воҳидов.



208-машқ. Билдиришнома, тилхат, ишонч қоғози, мажлис баёни, далолатнома каби иш қоғозларини ёзинг. Сўнг уларни биргаликда таҳлил қилинг.

Намун а:

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ

Мен, Урганч академик лицейининг 2-босқич талабаси О. Оллоберганов, менга лицей томонидан ажратилган мукофот пулини синфдошим А. Дўсимовнинг олиши учун ишонч билдираман.

А. Дўсимовнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси № ТН 5891346.

(имзо)

О. Оллоберганов

2002 йил 8 февраль

209-машқ. Қуйидаги реклама матнини ўқинг. Унинг тили ва услуби устида ишланг.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Агар Андижоннинг энг хушхаво ва хушманзара гўшаси бўлмиш Боғишамолга Сизнинг йўлингиз тушса, албатта, «Бир зумда» ошхонасига кириб ўтинг. Бу ерда тайёрланаётган турли-туман ширин миллий таомлар, қулай шарт-шароитлар ва юқори даражада кўрсатилган хизматимиз сизга, сўзсиз, манзур бўлади. Қолаверса, гўзал Ўзбекистонимизнинг машҳур кишилари билан бир пиёла чой устида суҳбатда бўлишингиз мумкин. Кўнглингиз кўтарилиб, кайфиятингиз аъло бўлишига шак-шубҳа йўқдир.

Шу билан бирга «Бир зумда» ошхонасида таваллуд кунларингизни, никоҳ кечаларини ва бошқа турли тантаналарни ўтказишингиз мумкин.

Биз Сизни кутамиз, Сизга хизмат қилганимиздан мамнунмиз.

Манзилимиз: Боғишамол даҳаси, «Бир зумда» ошхонаси.

Телефонларимиз: 24-88-09, 93-34-77

Азиз меҳмонимиз бўлинг!

20.2 ИЛМИЙ УСЛУБ



Илм-фан соҳасида қўлланилувчи нутқ услуби илмий услуб ҳисобланади.

Илмий услуб далилий маълумотномалар асосида чиқарилган илмий хулосаларга (таъриф-қоидаларга) эга бўлиш, атамаларининг кенг қўлланилиши билан бошқа услублардан фарқ қилади.



Илмий услуб ҳам ўз ичида икки гуруҳга бўлинади; 1) соф илмий услуб; 2) илмий-оммабоп услуб.

Соф илмий услуб муайян фан соҳасидаги кишиларга нисбатангина қўлланилади. Шунинг учун бу услубда фаннинг маълум соҳасига доир атамалар кенг қўлланилади.

Илмий-оммабоп услубда эса фан ютуқларини кенг оммага етказиш мақсад қилинади. Шунинг учун бундай услуб публицистик услубга яқинроқ бўлади. Маълум фан соҳасига доир атамалар қўлланилса ҳам, лекин бу атамалар халққа тушунарли бўлиши учун изоҳланади.

Соф илмий услубнинг ўзи ҳам фан тармоқлари бўйича бир-биридан фарқланади. Масалан, математика услуби билан тарих ёки адабиётшунослик услуби бир хил эмас. Тарих ва адабиётшунослик услуби публицистик услубга яқинроқ турса, математика фанининг баён қилиш услубида энг юқори даражадаги мавҳумлаштириш, турли хил формулалар, шаклий ифодалар орқали илмий хулосаларни баён қилиш кучли бўлади.



Савол ва топшириқлар

1. Илмий услуб деганда қандай услубни тушунасиш?
2. Илмий услубнинг ўзига хос белгилари қандай?
3. Илмий услубнинг қандай турлари бор?



210-машқ. Матни ўқинг, илмий услубга хос бўлган ўринларга диққат қилиб уларни изоҳланг.

Бактерияларни ўлдирадиган ва организмни юқумли касалликларга қарши чидамли қиладиган моддалар қонда бўлади.

Лейкоцит таркибидаги лейкин ҳам бактерияларни ўлдиради. Шунингдек, лейкинга ўхшаш плакин деган модда қон тромбоцитларидан ажратиб олинади.

Қоннинг табиий муҳофаза моддаларидан бири бета-лизин ҳисобланади.

Мана шулардан ташқари, қон ва организм суяқ-ликларида «ингибиторлар» деб аталган моддалар ҳам топилган. Улар микробларнинг ривожланишини ва кўпайишини тўхтатибгина қолмай, балки вирусларга қарши ғоятда фаол таъсир қилади. Чунончи, нуклеазалар оқсил табиатли ферментатив моддалар бўлиб, нуклеин кислоталарни парчалайди. Шуниси ҳам борки, рибонуклеин кислота РНКнинг фақат рибонуклеаза ферменти, дезоксирибонуклеин эса ДНКнинг дезоксирибонуклеаза ферментинигина парчалайди.

211-машқ. Матнини ўқинг, унда ишлатилган атамаларга диққат қилинг ва уларнинг илмий услубни вужудга келтиришдаги ўрнини белгиланг.

Микробиологиянинг ривожланиши туфайли санотда турли антибиотиклар, аминокислоталар, стеарид гормонлар ва энзимлар ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

Ҳозирги вақтда синтетик юувчи воситаларда гидроментлар ишлатилмоқда. Улар сувда эримайдиган мураккаб органик моддаларни катализатор сифатида парчалайди, натижада ҳосил бўлган «майда» молекулалар сувда яхши эрийди. Шу типдаги фермент (энзим)лардан протеазлар кенгроқ тарқалган. Бундан ташқари, амилаза ҳам кенг ишлатилмоқда; бу фермент углеводородларни гидролиз қилади ва ёғни парчалайди.

Мамлакатимизда яқиндан бери таркибига энзим қўшилган юувчи воситаларнинг янги хиллари ишлаб чиқарилмоқда. «Сино» пастаси ва «Ока» порошоги турли хил газламалар ва сунъий-синтетик толалардан тўқилган кийимларни ювиш учун мўлжалланган.



212-машқ. Иқтисодиёт соҳасига оид куйидаги матнини ўқинг. Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг. Атамаларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва изоҳланг.

Бозорда, товар муомаласи жараёнида товар пулга ал-машиниши (сотиш) ва пулнинг товарга алмашиниши (харид қилиш) содир бўлади. Бунга товар-пул муноса-

батлари дейилади. Шунинг учун ҳам бозор пул воситасида товарлар олди-сотдиси асосида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. У харидорлар ва сотувчиларни бирга қўшувчи механизм саналади.

Бозор иқтисодий категория сифатида такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш босқичига хосдир. Бу ерда айирбошлашни тушуниш керак. Бир товар тўғридан тўғри (бартер йўли билан) иккинчи бир товарга алмашганда бозор муносабатлари юзага келмайди. Бундан кўринадики, бозорнинг энг муҳим шарти пул бўлиб, товар айирбошлашганда у воситачи бўлиши керак. Берилган таърифга кўра айтиш мумкинки, бозор жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг мураккаб иқтисодий таркибий қисмидир, чунки у ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида марказий ўрин тутди. Демак, жамият ривожланишининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий томонларини ҳам қамраб олади.

213-машқ. Қуйидаги атамалар асосида илмий услубга хос матн тузинг.

Вазн, аруз, қофия, шеърий жанр, туюқ, мисра, радиф, рубоий, оддий рубоий, таронаи рубоий.

214-машқ. Кўчиринг. Берилган матндан илмий услубга хос сўзларни аниқланг.

Сонли тенгсизликларнинг асосий хоссалари.

Исталган қўшилувчининг, тенгсизликнинг бир қисмидан иккинчи қисмига шу қўшилувчининг ишорасини қарама-қаршига алмаштирган ҳолда кўчириш мумкин.

Агар тенгсизликнинг иккала қисми айна бир мусбат сонга кўпайтирилса, у ҳолда тенгсизлик ишораси ўзгармайди. Агар тенгсизликнинг иккала қисми айна бир манфий сонга кўпайтирилса, у ҳолда тенгсизлик ишораси қарама-қаршисига ўзгаради.

Чап ва ўнг қисмлари мусбат бўлган бир хил ишорали тенгсизликларни кўпайтириш натижасида худди шу ишорали тенгсизлик ҳосил бўлади (Дарсликдан).



215-машқ. «Тадбиркорликка кенг йўл», «Кичик корхоналар ҳаётидан», «Бозор инфраструктураси», «Макроиқтисодиёт нима?» каби мавзулардан бирида илмий-оммабоп матн тузинг, матннинг ўзига хос томонларини изоҳланг.

216-машқ. Учта гуруҳга бўлининг. 1-гуруҳ ҳуқуқшунослик, 2-гуруҳ математика, 3-гуруҳ тилшунослик фанига оид атамаларни ёзиб изоҳласинлар.



217-машқ. Ўқинг. Қуйидаги матн ичидан илмий услубга хос сўзларни топинг. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Иккинчи даражали бўлақлар фикрни тўлароқ ва мукамалроқ ифодалаш учун хизмат қилади. Улар фақат бош бўлақларга боғланиб, уларни изоҳлаб, тўлдирибгина қолмай бир-бирларига боғланиши, бир-бирининг маъносини аниқлаши ҳам мумкин.

Гаплар тузилишига кўра, тўрт хил бўлади; содда, қўшма, мураккаб гаплар ва периодлар.

Содда гап маълум фикр, мақсадни ифодаловчи, грамматик ва интонацион томондан шаклланган синтактик бирликдир. Содда гап тузилишига кўра йиғиқ ёки ёйиқ бўлиши мумкин. Бош бўлақлардан таркиб топган гаплар йиғиқ гап, агар бош бўлақлардан ташқари иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этса ёйиқ гап саналади.



218-машқ. Ўқинг. Матннинг қайси услубга хослигини аниқланг, уни бошқа услубга ўтказиб гапиринг.

Текисликдаги тупроқнинг таркиби, ундаги нам миқдори, турли йил фасллардаги иссиқлик ва ёруғлик миқдорига қараб тоғ олди ва тоғларда турли-туман ўсимликлар ўсади. Қандай бўлмасин битта турнинг катта-катта майдонларда чакалакзор ҳосил қилиши табиатда жуда кам учрайди. Одатда ҳар хил ўсимликлар биргаликда яшайвермасдан, балки маълум ўсимлик турлари бир-бири билан бирга ўсади. Табиатда ўсимликларнинг группаланиши тасодикий эмас. Ўсимликлар миллионларча йиллар давомида шундай туркумланиб қолган. Муайян ташқи муҳит билан боғланган ўсимликларгина биргаликда ўсиши мумкин эди. Шунинг натижасида маълум бир жойдаги шароитларга мослашган ўсимлик группалари, яъни бирга ўсадиган ўсимликлар пайдо бўлган.

1. «Бобурнома» қайси услубда ёзилган?

- A. Бадиий услубда
- B. Илмий услубда
- C. Расмий услубда
- D. Мактуб, нома услубида
- E. Жонли сўзлашув услубида

2. Роман, қисса, ҳикоя каби жанрлар қайси услуб асосида юзага келади?

- A. Илмий услубда
- B. Расмий услубда
- C. Публицистик услубда
- D. Бадиий услубда
- E. Оғзаки сўзлашув услубида

3. Тилхат, ариза, баённома қайси услубда ёзилади?

- A. Расмий услубда
- B. Бадиий услубда
- C. Оғзаки сўзлашув услубида
- D. Илмий услубда
- E. Публицистик услубда

3. Илмий услубга тегишли бўлган хусусият қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Халқона сўз ва иборалардан унумли фойдаланилади
- B. Атамалар ва шартли белгилар кўп қўлланилади
- C. Фақат битта шахс томонидан ёзилади
- D. А ва Б жавоблар тўғри
- E. Тўғри жавоб йўқ

4. Нодиранинг газаллари қайси услубда ёзилган?

- A. Илмий услубда
- B. Расмий услубда
- C. Бадиий услубда
- D. Публицистик услубда
- E. Оғзаки сўзлашув услубида

5. Газета, журнал мақолаларининг услуби кўпроқ қандай услубга тегишли бўлади?

- A. Илмий услубга
- B. Расмий услубга
- C. Бадиий услубга
- D. Публицистик услубга
- E. Бундай мақолалар барча услубларга тегишли бўлади.

21-д а р с

МОРФОЛОГИЯ ВА УНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

21.1. МОРФОЛОГИЯ ВА УНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ

Д а р с м а қ с а д и: Грамматиканинг морфология қисми ва унинг ўрганиш объекти ҳақида талабаларда билим ҳамда кўникма ҳосил қилиш.

Р е ж а: * Грамматика ва унинг қисмлари.

* Морфология ва унинг ўрганиш объекти: сўз шакллари.

* Морфологиянинг лексикология билан алоқаси.

* Морфологиянинг синтаксис билан алоқаси.



1-топшириқ: Китобни, китобга, китобим, китоблар сўзларининг ҳаммасида такрорланаётган умумий қисм ва унга қўшилаётган ўзгарувчи қисмни топинг. Кўмакчи морфема (ўзгарувчи қисм) ва етакчи морфема (умумий қисм) маъноларини тушунтиринг.

2-топшириқ: Китоб сўзининг уч шахсга муносабатини кўрсатинг. Масалан, I китобим. II....., III.....

Шахсга муносабатни ифодаलाётган қисмларни айтинг.

Сиз китобнинг I бўлимида лексикология юзасидан изчил маълумот олдингиз. Лексикологиянинг ўрганиш объекти лексик сўз (лексема) ва унинг маънолари эканлигини билдингиз.

Грамматика (грек. *grammatika* «харф ўқиш ва ёзиш санъати», «харф») атамаси тилнинг морфологик ва синтактик қурилиши ва бу қурилишни ўрганадиган тилшуносликнинг бўлими маъноларида қўлланилади. Демак, грамматика тилшуносликнинг морфология ва синтаксис бўлимларини ўз ичига олади.



Морфология (грек. *morfos* «шакл», *logos* «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб) сўз шакллари ҳақидаги таълимотдир.

Тилшуносликнинг лексикология бўлими ҳам морфология бўлими ҳам сўз ҳақида баҳс юритади, лекин бу икки бўлим сўзнинг қайси томонига эътибор қаратиши билан бир-биридан фарқ қилади. Лексикология лексик сўз (лексема)ларни, уларнинг аташ маъноларини ўрганса, морфология сўзнинг грамматик маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллари, яъни сўзнинг морфологик шакллари ўрганади. Масалан, *қалам*, *қаламнинг*, *қаламни*, *қаламга*, *қаламдан*, *қаламда* шакллари бир сўзнинг (*қалам* сўзининг) турли шакллари ҳисобланади. Бу сўз шакллариининг ҳаммасида такрорланаётган *қалам* қисми иккита маънога эга. Биринчи маъноси ёзиш, чизиш учун мўлжалланган графит тошга ёғоч қоплама ўрнатилган ўқув қуролини билдиради. Бу қалам лексемасининг (лексик сўзнинг) аташ маъноси саналади. Лексик сўзнинг аташ маънолари лексикологияда ўрганилади. Шу билан биргаликда қалам сўзи *дафтар*, *китоб* сўзлари сингари нима? сўроғига жавоб бўлиб, предметлик, бош келишиклик, бирлик маъноларига ҳам эга. Бу эса қалам сўзининг иккинчи маъноси — грамматик маъноси саналади. Ана шу грамматик маънолар ва уларни ифодаловчи воситалар морфология бўлимида ўрганилади.



Шундай қилиб, морфология сўз туркумлари ва уларнинг грамматик шакллари бўйича баҳс юритади.

Кўринадики, сўзнинг лексик маъноси билан уларнинг предметлик, белги, ҳаракат сингари маъноларини ифодаловчи умумий грамматик маънолари ўртасида узвий алоқа мавжуддир. Сўзларни туркумларга ажратишда сўзларнинг лексик маъноси устига қўйилган умумий грамматик (предмет, белги — хусусият, ҳаракат-ҳолат каби) маъно асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Шу билан биргаликда морфология билан синтаксис ўртасида ҳам чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Морфологиядаги ҳар бир сўз шакли гап таркибида маълум синтактик вазифа бажаради, маълум гап бўлаги вазифасида келади. Грамматик шакллар гап таркиби-

даги бўлакларни бир-бирига боғловчи ёки гап бўлагига қўшимча маъно юкловчи восита вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, тилшуносликнинг лексикология, морфология ва синтаксис бўлимлари ўртасида узвий алоқа мавжуд.

?

Савол ва топшириқлар

1. Грамматика деганда нимани тушунасиз ва у қандай қисмларни ўз ичига олади?
2. Морфология нималар ҳақида баҳс юритади?
3. Морфологиянинг лексикология билан алоқаси ҳақида гапиринг.
4. Морфологиянинг синтаксис билан алоқасини айтинг.

219-машқ. *Биз, обод, ва, озода, Ўзбекистон, яша* сўзлари иштирокида гап тузинг. Гап ичидаги сўзларнинг бир-бири билан боғланиш ҳолатларига диққат қилинг. Гапда иштирок этаётган сўзларнинг лексик ҳамда грамматик маъноларини аниқланг.



220-машқ. Ҳикоятни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга диққат қилинг. Мазкур сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари ҳақида фикр юритинг.

Ишини яхши бажарган одам ипак қурти кабидир. Бир куни ўргамчак ипак қуртига бундай деди:

— Биродарим ипакқурт, озгина пилла ўраш учун неча кун тинмайсан. Мен бўлсам, бир деворни бир неча соатда ўраб **ташлайман**.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ўргамчак қардош, сен қисқа вақтда ишни битира оласан, аммо қилган **ишингнинг** бировга фойдаси тегмайди. Вақтинг зое кетади, вақт қадрини биласанми ўзи? Мен секин, шошилмай ишлайман, аммо толамдан ажиб, гўзал, **бетимсол** матолар тўқилади. Буни сен тасаввур қила олмайсан. Ипагим ажойиб ишларга қодир. Инсонлар менинг маҳсулимдан кўп фойда кўрадилар. Оз иш қиламан, аммо ишимни пухта, тоза қиламан. Ўз санъатимни яхши ишлата биламан. **Ишимни** шундай пухта қилганимдан бахтиёрман. Ишини яхши бажарган, санъатини яхши қўллаганларни Оллоҳ севади. Пайгамбаримиз севади. Инсонлар ҳам жуда севадилар, дуо қиладилар. Мана шунинг учун мен жуда бахтиёрман ва саодатмандман. Ишимни, вазифамни яхши бажаравераман. Вақтни бекор **ўтказмайман**, — деб жавоб берди.



221-машқ. Матни ўқинг. Онани улуғловчи мақол, матал, ҳикматларни эсланг. Энг маъқулларини дафтарингизга кўчиринг. Улардаги сўзларнинг бир-бирига боғланиш ҳолатларига эътибор беринг. Бу сўзларнинг яна қандай грамматик шаклларга эга бўла олиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Дунёнинг заҳирий ва ботиний кўркига кўрк кўшиб турган энг олий туйғу бор. Бу ўша ҳар куни ҳар бир қалб янгилаб турувчи муҳаббатдир.

Бу туйғу, аввало, ота-онага бўлган меҳрдан бошланади.

Азал-азалдан оталаримиз ўтирган уйнинг томига чиқиш гуноҳ ҳисобланган. «Агар сен кафтингда чўғни чангаллаб 20 йиллик йўлни босиб ўтсанг ҳам, онангнинг бир кечалик уйқусини бузиб, алла айтган ва берган оқ сутини оқлай олмайсан», — дейишади ота-боболаримиз. Оналар бу дунёни тарк этганда ҳам оналигича қолишлари бор гап. Сабаби, бир йигит гўзал бир қизга ошиқ бўлибди. У қиз эса йигитга: «Муҳаббатинг чин бўлса, онангнинг юрагини олиб кел», — дебди. Йигит ишқ учун ўзи оқ сут бериб ўстирган онасининг юрагини олиб кетаётиб йиқилиб тушибди. Шунда она юраги тилга кирибди: — «Жоним, болам, ёмон йиқилмадингми, у ер, бу еринг лат емадимми?»

Ҳа, дўстлар, она меҳрининг сеҳри шу қадар юксакки, ҳатто, у оламдан кўз юмса ҳам ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, унга бахт тилайди.

Биз ҳам доимо онани қадрлайлик.

222-машқ. «Ёшлар — Ватаннинг қанотлари», «Компьютер хонасида», «Қўшма корхоналар ҳаётидан» каби мавзуларнинг бирида матн яратинг. Матндаги сўзларнинг грамматик шаклларига диққат қилинг

?

Такрорлаш учун саволлар

1. Грамматика деганда нимани тушанасиз?
2. Грамматика неча қисмдан иборат?
3. Лексик маъно нима ва унинг грамматик маънога қандай алоқаси бор?
4. Морфология нимани ўргатади?

Таянч тушунчалар:

грамматика, морфология, лексик маъно, грамматик маъно, сўз шакллари, синтаксис, сўзларнинг бир-бирига боғланиши

21.2. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Д а р е м а қ с а д и: Сўз туркумлари ва уларнинг таснифи бўйича талабаларда билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

Р е ж а: *Сўз туркумлари ҳақида маълумот.

* Мустақил сўзлар.

* Ёрдамчи сўзлар.

* Ундов, модал, тақлид сўзлар.



Топшириқ: Берилган матндаги сўзларни туркумларга ажратинг.

Асал мижозни тозалайди, томир йўллари равон қилади, унда ҳўллик ва газакни шимдирувчи қувват бор. У ҳўллик ва газакни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни сасиш ва бузилишдан сақлайди, яраларни битиради, кўз хиралигини кеткизади.

Сўзлар борлиқдаги нимани билдириши (умумий грамматик маъноси ёки билдирмаслиги, маълум сўроққа жавоб бўлиши ёки бўлмаслигига кўра мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзларга бўлинади.




Маълум бир сўроққа жавоб бўлиб, аташ ва умумий грамматик маънога (масалан, предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат каби) эга бўлган сўзлар мустақил сўзлар саналади. Масалан, *гул (нима?), чол (ким?), чиройли (қандай?), юзтача (нечта?), келди (нима қилди?)* каби.

Маълум сўроққа жавоб бермайдиган, аташ маъносига эга бўлмаган, фақат грамматик маъно ифодаловчи, лекин ўзидан олдин келган сўзга грамматик шакл сифатида қўшилиб, у билан бир луғавий урғу остида бирлашмайдиган сўзларга ёрдамчи сўзлар дейилади. Масалан, *аммо, ҳам, фақат, -чи (айт-чи), -ми (сизми?)* каби.

Булардан ташқари мустақил сўзларга ҳам ёрдамчи сўзларга ҳам кирмайдиган, уларнинг ҳар иккисига хос белгини ўзида маълум даражада акс эттирадиган оралиқдаги сўзлар бор. Бундай сўзлар ундов сўзлар, модал сўзлар, тақлид сўзларни ўз ичига олади.

Сўзларнинг умумий грамматик маъноларига кўра ана шундай гуруҳларга бўлиниши сўз туркумлари сана-лади.


Шундай қилиб, сўзлар, энг аввало, уч гуруҳга бўли-нади. 1) мустақил сўзлар; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) оралиқ-даги сўзлар. (ундов, модал, тақлид сўзлар). Мустақил ва ёрдамчи сўзлар ҳам ўз ичида бир неча турларга бўлина-ди; Мустақил сўзлар: от, сифат, сон, феъл, равиш, ол-мош; ёрдамчи сўзлар: кўмакчи, юклама, боғловчи каби. Сўзларнинг туркумларга бўлинишини қуйидаги жадвал-да кўринг:



?

Савол ва топшириқлар

1. Сўз туркумлари деганда нимани тушунасиш?
2. Сўзларнинг мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлинишида улар-нинг қайси белгисига таянилади?
3. Оралиқдаги сўзларнинг узига хос хусусиятини тушунтиринг.



223-машқ. «Исмоил Сомоний мақбараси» матнини ўқинг. Матнда иштирок этаётган сўзларни туркумларга ажратинг. Регистон майдони», «Бибихоним масжиди», «Оқсарой», «Ичан қалъа» каби тарихий обидаларнинг тасвирлари асосида кичик ҳикоя тузинг. Уларда иштирок этаётган сўзларнинг қайси сўз туркумларига кириши тўғрисида фикрланг.

ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ

«Илм-фанни эгаллаш ҳар бир муслима ва муслимга фарздир.» Бу даъват ушбу шаҳардаги мадраса эшигининг юқори қисмига ўйиб битилган.

Бухоро Ўрта Осиёнинг кўҳна шаҳарларидан. Бу ўлкани ва унда қад кўтарган дастлабки шаҳарни аҳоли қадимда «Буғора», яъни «тангри жамоли» деб юри-тишган.

Бухоро кўп асрлар давомида Ўрта Осиёнинг асосий шаҳри бўлиб келди. Бу эса архитектура ёдгорликларининг ниҳоятда кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Ҳозир шаҳарни «музей шаҳар» деса арзийди. Бу номга, бутун манзаралари сақланган ҳолда ўсиб бораётган қурилишлар, иншоотлар жуда мос келади. Бухоро тарихий обидаларга жуда бой. Бу обидалардан бири Исмоил Сомоний мақбараси ҳисобланади.

Исмоил Сомоний 849 йилда Фарғона шаҳрида таваллуд топган. 14 ёшида отаси вафот этиб акаси Наср қўлида қолган. Исмоил Сомоний ўз ҳокимлигининг (874—907) дастлабки даврларида катта қийинчиликларга дуч келади.

Исмоил Сомоний ўз даврининг йирик ва ақлли давлат арбобларидан бўлган. У асосий диққат-эътиборини ўз даври учун илғор ҳисобланмиш марказлашган давлат тизимини жорий этишга қаратди. Исмоил Сомоний шундай бир қудратли марказлашган давлат барпо қиладики, бу давлат ўша вақтда Шарқда шухрат топади. Исмоил Сомоний ақлли, адолатли, шавкатли, фикр ва тадбир эгаси бўлган. Исмоил Сомоний 907 йил вафот этади. Тахтга ўғли Аҳмад (907—914) ўтиради.

Исмоил Сомоний мақбараси Сомонийлар номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган.

Мақбаранинг ички ва ташқи деворлари жимжимадор тиниқ гиштдан қурилган. Ўша вақтларда кошин бўлмагани учун бино шундай усул билан безатилган. Усталар квадрат шаклидаги гиштларни ҳар хил усулда териб деворни бадий жиҳатдан жуда чиройли қилиб

безатганлар. Бу ўзига хос нақш мақбаранинг текис деворини жуда нафис қилган. Эртадан кечгача қуёш оғишган сари мақбаранинг гишт безаклари ҳам ҳар хил тусга кириб товланади. Ой ёруғида, айниқса, чиройли бўлади. Жаҳон архитектурасида бу усулда безатилган бирорта бошқа тарихий ёдгорлик йўқ. Шунинг учун ҳам мақбара жаҳон аҳамиятига эгадир. Агар бу мақбарага ҳар томонлама қараганда етти хил товланади.

Мақбаранинг тўрт томони бир хилда. Мақбаранинг юқори қисмида бинонинг бир томонидан иккинчи томонига ўтган қирқ дарчали йўлак мавжуд. Бу йўлак ёдгорликнинг чиройини бир оз очади ва унинг вазмин гумбазини енгиллаштиради.

Мақбара квадрат шаклидаги пишиқ гиштдан қурилган. Деворлари текис бўлиб, тўрт томонидан биттадан равоқли эшиги бор: Ёғоч хариға мақбаранинг қурилган вақти ва бошқа ёзувлар ёзилган, шарқ томони бинонинг олд томони ҳисобланади. Мақбара атрофига гиштдан майдонча қурилган. Ҳозир бу ерга саёҳатчилар тез-тез келиб туради. Исмоил Сомоний мақбарасини Ватанимиздан ташқари жойларда ҳам яхши биладилар. Мақбара куб шаклида бўлиб, ярим шарсимон кубба билан ёпилган. Бурчакларида тўртта кичкина кубба бор. Девори қалин бўлганлиги туфайли бу ёдгорлик минг йилдан бери яхши сақланиб келади.

Исмоил Сомоний мақбараси ҳар томонлама ўз замонасининг манфаатлари ва руҳини акс эттиради.

Ёзма манбалар ва халқ ривоятларига қараганда бу ёдгорлик сомонийлар сулоласи асосчиси Исмоил Сомонийнинг ўзи ҳаёт бўлганда отасининг қабри устига қурилган. Кейинчалик ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Бу ёдгорлик 892 ва 907 йилларда қурилган деб тахмин қилинади.



224-машқ. «Маънавиятсиз келажак йўқ» мавзусида иншо ёзинг. Иншода мақол, матал, ибора ва шу кабилардан умумий фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ёзган иншоингизда қўлланилган сўзларни сўз туркумлари бўйича таснифлаб беришга ҳаракат қилинг.

225-машқ. «Зарбулмасал»дан олинган куйидаги мақол ва маталларнинг мазмунини шарҳланг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни туркумлар бўйича тасниф қилиб беринг.

... Анда Кўрқуш айди: «**Бор мақтанса** топилур, йўқ мақтанса чопилур» деган **яхшилар** масали бордур. «**Бой-**

ўглининг оғзини бир бурчидан минг чордевор чиқар «қизимнинг қалини» деб. Ҳоло ҳазрати Сайид Муҳаммад Умар аҳду авонларида олам — маъмур, раият — масрур. **Ҳар нечук** абушқалар марвариддин, қурутқалар маржондин тасбеҳлар эвурурлар, бир бўш чордевор топилмас, уёлурмиз. «Ўй ўйлаган қўл тек турмас», «Уёт ўлимдин қаттиқ». **Ва яна** айтмишларки: «Эрман яғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уёлгани — ўлгани».. Сани аҳволинг оламга маълум. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», «Чумчуқ семуруб ботмон бўлмас»; «Олақўзанақ олмони бўлса ҳам арслон бўлмас, олатўғаноқ олғур бўлса ҳам аҳволи маълум».

?

Саволларга жавоб беринг

1. Морфология деб нимага айтилади?
2. Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қайси хусусиятларига диққат қилинади?
3. Мустақил сўз туркумлари қайсилар?
4. Ёрдамчи сўз туркумларига қайси сўзлар киради ва нима учун?
5. Оралиқдаги сўзлар қайсилар?

Таянч тушунчалар:

морфология, мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари, оралиқдаги сўзлар, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, боғловчи, юклама, тақлид сўз, ундов сўз, модал сўз.

22-д а р с

ОТ ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: От ва унинг услубий хусусиятлари ҳақида талабаларда билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

- Р е ж а:**
- * От ва унинг грамматик шакллари.
 - * Отларда сон маъносининг ифодаланиши ва уларнинг услубий хусусиятлари.
 - * Қариндошлик билдирувчи сўзларда кўплик ва эгалик шаклларининг ўринлашиши.



Топшириқ: Берилган матнни кўчиринг, отларнинг тагига чизинг ва қандай шаклда эканлигини айтинг.

Яшаш, бу — орзулар қанотин кермоқ,
Яшаш, бу — муҳаббат гулларин термоқ,
Яшаш, бу — умрнинг гулгун дамлари,
Эл учун яшамоқ, эл учун бермоқ.

(О. Матжон)

Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг, афсонавий тусунчаларнинг номи от туркумига мансуб эканлигини биласиз. Шунингдек отларнинг турдош ва атоқли отларга бўлиниши, сон (бирлик-кўплик), эгалик ва келиш шаклларига, шунингдек, баъзан эркалаш — ҳурмат шаклларига эга бўлиши ҳақида ҳам ўрта умумий таълимда маълумотга эга бўлгансиз.

Отлардаги юқорида кўрсатилган грамматик шакллар нутқ жараёнида турли хил услубий хусусиятларга ҳам эга бўлади.

Отлар сон-миқдор маъносига эга ва у бирлик ёки кўплик шакллари орқали ифодаланади. Бирлик нол кўрсаткич (махсус грамматик кўрсаткичнинг йўқлиги) га эга.



Кўплик — лар қўшимчаси орқали ифодаланади. Бунга морфологик йўл дейилади. Масалан, уйлар, дўстлар, бинолар. Шунингдек, бирликдаги от олдидан бирдан юқори бўлган санок сонларни ёки даража-мнқдор равишларини; кўп, анча каби сўзларни қўшиш ёрдамида ҳам кўпликни ифодалаш мумкин. Бунга эса синтактик йўл дейилади. Масалан, *кўп одамлар, йигирмата мактаб, анча йиллар* каби.

Шуни таъкидлаш керакки, кўплик шакли саналувчи — лар отларга қўшилиб доимо кўпликни билдиравермайди. У бирлик маъносини ўзгартирмаслиги ҳам мумкин. Бу вақтда — лар ҳурмат, тасвирийликни кучайтириш, таъсирчанликни ошириш маъноларида қўлланилади. Масалан, *кўзларимга ишонмайман* («Ўтган кунлар») Бу жумладаги *кўзларимга* сўзини бирлик шаклга — *кўзимга* шаклига алмаштириб кўринг. Иккинчи ҳолат билан биринчи ҳолат бир хил маънони — бирлик маъносини (бир кишининг кўзини) ифодаласа ҳам, лекин бу икки ҳолат таъсирчанлик, ифодалилик белгисига кўра бир-биридан фарқ қилади. Биринчисида юқоридаги белгилар бор, иккинчи ҳолатда эса йўқ. Яна солиштиринг:

Болаларнинг шовқинидан бошларим оғриб кетди — Болаларнинг шовқинидан бошим оғриб кетди. Ҳар икки ҳолатда ҳам бир кишининг боши ҳақида фикр юритилади, лекин биринчи гапда бошларим сўзидаги — лар кўпликни билдирмасдан, бош сўзининг маъносини кучайтириш, таъкидлаш вазифасини бажаради. Бундай маъно эса иккинчи ҳолатда йўқ.

Доналаб саналмайдиган нарса ва ҳодисаларни билдирувчи отлар бирлик шаклда келса ҳам, аслида жамликни билдиради. Масалан, *Кўчага қум тўкилган ёки Ариқ тўла сув, ичгани ташна, болам.*

Бундай сўзлар кўплик шаклини олганда кўпинча нарса ва ҳодисанинг хилма-хил эканлигини билдиради. Сувлар (газли сув, минерал сув каби); *бозордаги унлар.* Баъзан тасвирийлик, ифодалиликни кучайтиради: *кўз ёшини артди — кўз ёшларини артди.*

Кўплик атоқли отларга қўшилганда ўзи қўшилган отнинг кўплигини эмас, балки унинг бошқалар билан биргаликда эканлиги ёки географик номларга қўшилганда шу географик жойнинг кенгроқ, атрофдаги жойлар билан бирликда эканлигини билдиради: Олимжон-

лар келишди. (*бир нечта Олимжон эмас, Олимжон ва унинг яқинлари*); *Мирзачўллар обод бўлди (Мирзачўл ва унга яқин жойлар)*.

Қариндошлик билдирувчи сўзларга кўплик шакли қўшилиб ҳурмат маъносини билдиради. Бундай вақтда эғалик қўшимчаси билан биргаликда қўлланилади. Қайси шахсдаги эғалик қўшимчаси билан қўлланилишига кўра кўплик ва эғалик қўшимчаларининг ўринлашиши фарқланади:

1. I шахс эғалик қўшимчаси билан келганда кўпинча эғалик қўшимчаси олдин, кўплик қўшимчаси эса ундан кейин келади: Масалан, *Дадамлар келдилар. Опамлар салом айтдилар*. Агар бу тартиб ўзгариб, кўплик шакли олдин, эғалик кейин келса, шахснинг кўплигини ифодалаш мумкин: Қиёсланг: Опаларим келишди.

2. Кўплик шакли. II шахс эғалик қўшимчаси билан биргаликда қўлланилганда, кўплик шакли олдин, эғалик шакли эса кейин келади ва кўплик шакли ҳурмат маъносини ифодалайди. Масалан, *Хайринисо, дадамнинг опалари бўладилар*.



Савол ва топшириқлар

1. Отнинг сон шакли деганда нимани тушунасиз ва қандай ифодаланади?

2. Кўплик шакли қандай вақтларда бирлик маънони ўзгартирмайди ва бундай ҳолатда қандай вазифаларни бажаради?

3. Қариндошлик билдирувчи сўзларда кўплик ва эғалик шакллари-нинг ўринлашиши қандай бўлади?



226-машқ. Уқинг, от сўз туркумининг нутқимизда қай даражада иштирок этишига диққат қилинг. Она тилимизни бойитиш ва софлигини сақлаш учун нималар қилишимизни билиб олинг.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки республикамиз ҳудудида яшаётган барча миллат вакиллари учун ҳам катта аҳамиятга эга саналади. Агар Давлат тили ҳақидаги Қонун бандларини ўзга миллат ва элат вакиллари-га сингдира олмасак, уларнинг дилларида тилимизнинг гўзал имкониятларига табиий меҳр-муҳаббат уйғота олмасак, ўзбек тилининг, миллатлараро муомала тили мавқеига кўтарилиши қийин.

Мустақиллик шарофати билан биз жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлдик. Жаҳонда миллатлараро муомала воситаси инглиз тилидир. Мамлакатимизга турли мақсадлар билан кириб келаётган хорижий давлат фуқаролари табора кўпаймоқда. Бу, табиий равишда, муомала жараёнида инглиз тили ҳам ўзига хос ўрин тутишини тақозо этади. Ҳатто келажакда инглиз тилининг бошқа тиллар билан рақобатлашиб, муомала жараёнида асосий мавқе қозониб, миллатлараро муомала воситасига айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбек тили ўз Ватанида давлат тили мақомида мустақкам туриши учун у жаҳон тиллари ичида муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз лозим. Бунинг учун, аввало, давлат тили сиёсатини «келажаги буюк давлат» нуқтаи назаридан юксак даражада англаб етиш зарур. Ўзбек тили давлат тили мақомида устувор туриши учун уни жаҳон халқларига танитиш лозим, жаҳон халқлари ҳам уни тан олиши муҳимдир. Ҳозиргача хориждан келаятган мутахассислар Ўзбекистонни, асосан, рус тили орқали кашф этмоқда. Хориждан келадиган меҳмонлар Ўзбекистонни ўзбек тили орқали таниши (Ўзбек тилини ўрганиб келиши ёки келиб ўрганиши) бизнинг давлат тили сиёсатимизга боғлиқ. Ватанимизда ва жаҳон мамлакатларида она тилимизнинг хорижий тил сифатида ўқитилишига эндиликда давлат миқёсида алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Бу улкан йўналишнинг тизими, дастурлари, қўлланмалари, тегишли луғатлари ишлаб чиқилиши ҳозирги долзарб вазифалардандир. Она тилимизнинг жаҳон мамлакатларида ўқитилиши жаҳоннинг мамлакатимизга эътиборини кучайтиради ва айни пайтда Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини оширади.



Саволларга жавоб беринг

1. Тил эркинлиги адабий тилни, нутқ маданиятимизни бузишга хизмат қилиши мумкинми?
2. Она тилимизга давлат тили мақомини беришдан мақсад нима?
3. «Давлат тили ҳақида Қонун» моддаларидан айтиб беринг.



227-машқ. «Қонун ва ижро» мавзусида уй иншоси ёзинг. (Бунда асосан 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида Қонун»нинг ҳаётга тадбиқ этилишини ёритинг).



228-машқ. «Яхши сўз-мухтасар» мавзусидаги маттни ўқинг. От сўз туркумининг матнда ишлатилишига эътибор беринг.

ЯХШИ СЎЗ — МУХТАСАР

Бир донишманддан шогирдлари; — Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз? — деб сўрадилар. Донишманд: — Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз сўзламанг, сукут этинг, — деб жавоб берди. Шунда шогирдлари: — Ахир, доим сукут этиб юраверамизми, бу мумкинми? Бошқача йўл кўрсатинг! — дедилар. Донишманд шундай маслаҳат берди: — Сукут эта олмасангиз, сўзланг, лекин қисқа ва маъноли сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножўя сўз чиқмасин. Ёмон сўз тингловчининг кўнглини хира қилади, бундан сақланинг.

Байт:

Яхши сўздан кўрасан меҳру вафо,
Номуносиб сўзласанг, етгай жафо.

Ҳа, тил бўлса ҳам, бўлмаса ҳам — бошга бало. Шунинг учун донишмандлар сўзни дорига ўхшатадилар. «Ортиқчаси зарар келтиради», — дейдилар. Бу фикрни улуғ бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» номли илк туркий бадиий асарида шундай баён этган:

Тилингни авайла — омондир бошинг,
Сўзингни авайла — узяр ёшинг.
Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз қилади ба бошни эгик

Бу фикрлар бундан ўн аср илгари айтилган. Шундан буён бу мавзуда яна қанчадан-қанча дурдона фикрлар дунёга келди, аммо одамларнинг СЎЗ га бўлган муносабати ҳамон турлилигича қолмоқда. Бунинг боисини XX аср шоири Толиб Йўлдош шундай изоҳлайди:

Бир сўз билан ҳар киши
Ўзлигини кўрсатар,
Сўз гавҳарин кўпинча
Доно олар, кўр сотар

Афсуски, ўзларининг бўлар-бўлмас гаплари, маҳмадоналиклари билан кишиларнинг асабига тегадиган ва, энг муҳими, уларнинг соғлигини, қимматли вақтлари-

ни ўғирлайдиганлар ҳали ҳам кам эмас. Дуч келган кишига қалбини очиқ мактубдай ёйиб юрадиган бундай кимсаларга кўча-кўйда ҳам, ошхона ва мажлисларда ҳам, базму жамшидларда ҳам тез-тез дуч келиб турамиз.

Алишер Навоий бундай кишиларни кечалар тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшатади ва давом этиб ёзади: «Оз гапирмоқ ҳикматга сабаб; оз емоқ — соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демоқ — нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ — ҳайвоннинг иши»

Байт:

«Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон».

Демак, инсон ҳар қандай шароитда ҳам керакли сўзларнигина айтиши, тилига ортиқча эрк бермаслиги лозим.



(С. Мўминов)

Топшириқлар

1. Юқоридаги матнда берилган мақол ва шеърӣй парчаларни ёд олинг.

2. Нима учун бир тил 32 посбон ичига олинган, деган муаммоли саволни баҳс — мунозарага айлантиринг.

3. Сўзлаш одобига оид қуйидаги мақолларни ҳам билиб олинг:

«Гап эгаси билан юрмайди», «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг — олтин», «Сақланган сўз соф олтин», «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, айтгандан сўнг сенга сўз эга», «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт», «Арзимаган гап оғизда қолсин!»



229-машқ. Отларнинг қуйидаги номлар билдирилишига мисоллар ёзинг.

Шахс номлари		Ҳайвонот номлари		Нарса-буюм номлари		Ўсимлик номлари	
шахс ва касб	қариндошлик	уй ҳайвонлари	ёввойи ҳайвон	қурол-аслаҳа	кийим-кечак	ўсимликлар	мевалар



230-машқ. Мавхум отларни куйидаги гуруҳларга ажратинг.

Белги-хусусият бўйича	Ҳаракат-ҳолат бўйича	Воқеа-ҳодиса бўйича
яхшилик	чопиқ	уруш

Сўнг тубандаги маттни ўқиб, тилшунос олим А. Ҳожиёвнинг ўзбек тили такомилляти учун амалга оширган ишлари ҳақида баҳс-мунозара юритинг.

ҲОЖИЁВ АЗИМ ПҮЛАТОВИЧ (1933)

Филология фанлари доктори (1970), профессор (1977), Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги (2000) Азим Ҳожиёв ўзбек тили морфологияси, сўз ясалиши, лексикологияси ва лексикографияси, орфографияси бўйича бир қанча асарлари билан ўзбек тилшунослигининг ривожини учун муносиб ҳиссасини қўшди. Улар орасида «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» (1966), «Тўлиқсиз феъл» (1970), «Феъл» (1973), «Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши» (1979), «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати» (1980), «Ўзбек лингвистик терминларининг изоҳли лугати» (1984), «Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати» (2002) каби асарлари алоҳида қимматга эга.

А. Ҳожиёв ўрта ва олий мактабларда она тилини, ҳозирги ўзбек тилининг назарий муаммоларини ўқитишни такомиллаштириш бўйича ҳам баракали фаолият кўрсатмоқда. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида олий ўқув юрти филология факультетлари талабалари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили. — I қисм» (1980) дарслиги, ўрта мактабларнинг V—IX синфлари учун «Она тили» дастури (1992) ва дарслиги (1992—94) яратилди.

231-машқ. Кўчиринг. Матндаги атоқли отларни топинг, уларнинг ёзилишига алоҳида эътибор беринг.

Аҳмад ал-Фарғоний

Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир.

У VIII аср охирида Кўбо (ҳозирги Қува) шаҳрида дунёга келади. Қува шаҳри ўша даврнинг маданий-

илмий марказларидан бўлган. 20 ёшгача Кува шаҳрида яшаб, шу ерда таълим олади.

Унинг номи ўша даврлардаёқ кенг тарқалиб Марв шаҳрига таклиф этилади. Аҳмад ал-Фарғоний номи кўп ўтмай шунчалик эътибор қозондики, 30—35 ёшларида уни «Тинчлик шаҳри» деб аталган Бағдодга «Билим уйи», яъни «Хизонат-ал ҳикма» ёки «Байт-ул ҳикма»га таклиф этишади. Унинг кўпчилик асарлари Маъмун ҳузурида яшаган даврида яратилди. Унинг машҳур «Китоб жавомеъ илм ан-нужум вал-ҳаракат ас-самовия» («Астрономия ва сайёралар ҳаракати») китоби ҳам ўша даврда яратилди.

Олимнинг асарлари XII асрдаёқ Италия, Франция ҳамда Германия университетларида ўқитила бошланди. Бу даврда унинг машҳур асарлари латин тилига, Яқуб Онадўлий томонидан иброний тилига ўтирилди.

Аҳмад ал-Фарғоний Оврупада Альфраганус номи билан машҳур бўлди. Унинг қўлёзмалари дунё бўйича тарқалгандир. Американинг Принстон университети, Санкт-Петербург, Қоҳира, Париж, Мехико ва Ҳиндистонда олим қўлёзмалари мавжудлиги рўйхатга олинган.

Ал-Фарғоний каби буюк бобокалонларимизнинг номларини ва асарларини тиклашимиз миллий қадриятларимизни англашда, ўзлигимизни идрок этишимизда ибратли сабоқ бўлади.

(Н. Иброҳимов)

232-машқ. От ясовчи қўшимчалар бўйича «Бу меники» ўйин-топириғини бажаринг.

- I гуруҳ: — қурол ва нарса оти ясовчилар,
- II гуруҳ: — белги ҳамда мавҳум от ясовчилар,
- II гуруҳ: — ҳолат-ҳаракат отини ясовчилар.

Қуйида сўзларнинг ўрни аралаштириб берилган. Сўзлардан Сиз ўзингизга тегишли бўлган қўшимчани ажратиб олинг.

Муаттарлиги, билим, сурма, чолғу, ишонч, чиқинди, тепки, ушлагич, равшанлик, ўраш, туйғу, мангу, севинч, этик, борлиқ, тортма, ошнолигим, тузум, оғу, тўкинлик, тўкинчилик, тиргак, бўшлиқ, тортинди, билим, бошим, тортиқ, эзгулик, тилагим, синиқ, бузуқ, ҳандак, ётоқ, интиқ, тахмон, бойлик, орзу, бойлам, тутатқи, инсонийлик, болалигим, елпиғич, бойлигим.

Юқоридаги сўзларни нима учун ўз гуруҳингизга ёзганингиз сабабини тушунтиринг?

ДОР ПАЙРОВИ

— АЙНИДДИН АКА: Э, келинглар мулло Убайдулло, Сотволдихон, Жалолиддин. Бу дорнинг тагига ким олиб келди сизларни? Ёки «Осилсанг баланд дорга осил» деб юрибсизларми?

— УБАЙДУЛЛО: Ҳа, ҳунар хумор қиларкан, Айниддин ака. Бир пайтлар ҳаммамиз бинойидек дорвоз эдик. Қўйиб берса ҳали ҳам бўш келмаймиз. Фақат мана бу Жалолиддин амалдор бўлгандан бери арқондан қочадиган бўлиб қолди.

— СОТВОЛДИ: Тўғри айтдингиз. Бунинг устига хийла димоғ дор ҳам. Шунақа бўлмаганда яхши томошалар кўрсатиб, ҳалигача нишондор бўларди.

— АЙНИДДИН АКА: Гапни жуда тўғри айтдингиз. Ичимизда ўзига қараб юрадиган ҳусндор ҳам Фозилжон эди-да.

— ФОЗИЛЖОН: Айниддин ака, сиз бизнинг гуруҳни тарк этмасдан дорда «ҳа, ҳа» деб турсангиз ўша ҳам туяга мадорда.

— УБАЙДУЛЛО: Сотволди ака, халқ ичида юриш — туришингизни кўрганлар баҳо беришяпти: «Бу жуда тақводор!» деб.

— СОТВОЛДИ: Қўйинглар, майли, Жалолиддин ака юқорига чиқмаса чиқмасин. Биласизлар-ку бу жуда жаҳлдор. Яна бирортасини устига лангарни тушириб юбориб айбдор бўлмасин.

— АЙНИДДИН АКА: Фозилжон, бошқалар дорда ўйин намоиш қилса, бир чиғириқда ўйнамайсизми, сизда иқтидор бор-ку.

— ФОЗИЛЖОН: Айниддин ака, Жалолиддинни таклиф қилсак, иккита тошни қўлида, биттасини оғзида тишлаб бир ўйин кўрсатсин-а, ишимиз жуда самарадор бўларди-да.

— ЖАЛОЛИДДИН: Фозилжоннинг иниси: «дорвозларни кўрасизлар, қаранглар, деб, қўшнисининг ўғиллари элдор билан сардорни олиб чиқибди.

— СОТВОЛДИ: Жалолиддин ҳам бир нарсани билмаса иш қилмайди. Қўшнисининг боласини олиб чиқиб ўйнатса ҳам одамлар айтади-да, «Бу вафодор» деб.

234-машқ. Қуйидаги машқдан морфологик усул билан ясалган отларни топинг ва уларни изоҳлаб беринг.

Айтишларича, бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди.

Ота ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлар пайтида унга насиҳат қилиб дебди:

— Эй, ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг барини беҳуда сарфлаб битирасан. Қўлинг-да ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ўлимнингга рози бўласан. Мен нариги уйнинг бурчагидаги томнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзингни ўша арқонга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай, барча пулларни сарфлаб тамомлади. Охири гадойлик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйнига солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб кетди. Шу онда тупроқ аралаш отаси атайлаб ўғли учун бекитиб кетган бойликлар ерга тушди. Меҳнат билан топиладиган бойлик қадрини тушиниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни хушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди.



235-машқ. Арасту пандномасини ўқинг. Ясама отларни топиб, изоҳланг.

Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илм-сиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, гина-ҳасад қилувчиларни уйингга киритма, гина-кудуратдан ўзингни ҳоли тут, бировга нисбатан гина сақлама, ёмонлигу очкўзлик қилишдан қоч, яхшилигу сахийлик қилишга интил. Яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафрозу дилхуш қил. Тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказди, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

Эй Искандар, биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг ақлли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олиҳиммат кишилардан ёрдам сўра.

Мақтовларга, баландпарвоз сўзларга учма, қўли очиқ ва саховатли бўл, бирор ерга етсанг у ердаги синалмаган сувлардан ичма, бирор ерда нотаниш мева-чевага дуч келсанг, унинг фойда — зарарини билмай туриб ема!

Ҳар ким доно бўлса ейиш бобида,
Билмаган нарсасин емайди зинҳор.
Бирор йўлда зарар кўп бўлса агар,
Кучи кўп бўлса ҳам юрмайди зинҳор.
Синалмаган йўлу чўл яқин бўлса ҳам,
Синалган узоқдан қолмайди зинҳор!

Эй Искандар, сафару саёҳатга чиққанда шунчалик юк олгинки, уни кўтариб юришдан ўзинг безор бўлмагин, бунинг устига куч-қудратдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одат қилмаки, у беҳушлик ва ғофилликка олиб боради. Садоқат — вафо нималигини билувчи кишиларни ҳамиша азиз тут. Қийинчилик онларида сабр-бардош йўлдошинг бўлсин, умидсизликка тушма. Кимки бировларга жабр-ситам қилаверса, ўзи ҳам узоқ, яшамайди. Биров сенга жабру жафо қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар икковини ҳам унут. Мурод-мақсадингга етган фурсат-онларингда ханда уриб кулмаки, атрофда турганларга хунук кўринасан. Агар иш аксинча бўлса, ғаму андуҳингни бировларга билдирма!



236-машқ. Жамоа бўлиб фикрлаш учун уч гуруҳга бўлининг. Ўз жойларингизни эгаллаб доира шаклида ўтиринг. (Бу вақтда мусиқа қўйилади. Учала гуруҳга ҳам саволлар берилди. Саволларга жавоб ҳозирлаётган пайтда ҳам мусиқа ижро этилади. 10 минутдан сўнг барча гуруҳдагилар жойларига ўтирадилар. Гуруҳ бошлиғи саволларга жавобни айтиб беради ёки ўқиб беради.)

Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин

1-г у р у ҳ г а

1. От сўз туркумининг грамматик маъносини айтинг.
2. Отларнинг ясалишини тушунтиринг.
3. Нутқда отнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапиринг.
4. Сўз ясовчи қўшимчаларни айтинг.
5. Сўз ясовчи қўшимчалар мавжудлигининг нима аҳамияти бор?

6. Ясовчи қўшимчалар синонимиясини айтинг.
7. Келишик шакллари ўртасидаги синонимия қандай бўлади?
8. Қўмакчи ва келишиклар синонимиясини тушунтиринг.

2-г у р у ҳ г а

1. От сўз туркумининг морфологик хусусиятини айтинг.
2. Сўз ясовчилар ўртасида антонимия бўладими?
3. Соф қўмакчиларни келишик билан алмаштиринг.
4. Қаратқич келишигига таъриф беринг.
5. Келишикларнинг қўлланишига таъриф беринг.
6. Ҳаракат — ҳолат оти қандай бўлади?
7. Қаратқич келишиги билан тушум келишиги фарқини айтинг?
8. Синтактик усул билан от ясалиши деганда нимани тушуна-
сиз?

III-г у р у ҳ г а.

1. Бир келишик қўшимчасининг ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкинми?
2. Атоқли отларни турдош отларга айлантиринг.
3. Сифат туркумига оид сўзлардан ҳосил қилинган атоқли отлар-
ни айтинг.
4. Феъллардан ҳосил қилинган атоқли отларни ёзинг.
5. Икки ёки ундан ортиқ ўзакдан ҳосил бўлган атоқли отларга мисоллар келтиринг.
6. Восита маъносини билдирувчи келишик қўшимчалари би-
лан қўмакчилар орасидаги синонимияни мисоллар билан тушун-
тиринг.



237-машқ. От сўз туркумига оид сўзларни топинг ва уларни изоҳланг.

ҲАДИС НАМУНАЛАРИДАН

*Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан
Расулulloҳ алайҳиссалом айтадилар:*

Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик
ғўеки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб
қўйиш билан баробардир.

* * *

Қайси бир халқнинг ичида жиноят ва гуноҳ иш
қилувчилардан кўра қилмайдиганлар кўп ва кучли бўла
туриб уларни тийиб қўймасалар Тангрининг офати ҳам-
маларига баробар бўлади.

* * *

Инсон фарзанди яратилганда ёнида ўлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасагина, унга қарилик насиб этади.

* * *

Одамлар билан мурсою мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланур.

* * *

Гарчи ўзларингиз амал қилмасангиз-да, одамларга амри маъруф қилаверинглар ва гарчи ўзларингиз сақланмасангиз-да, ёмон ишлардан бошқаларни қайтараверинглар.

* * *

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиффор айтадилар.

* * *

Беморни кўргани борганда унинг пешонасига қўлни қўйиб ҳол-аҳвол сўраш баркамол зиёрат ҳисобланади. Қўл бериб кўришиб саломлашиш мукамал бўлади.



238-машқ. Франклиннинг доно фикрларини ўқинг. Отларнинг услубий хоссаларига диққат қилинг.

— Ишингни қамчила, токи иш сени қамчилай бошламасин.

— Кунт — омаднинг онаси.

— Ерга энгашганнинг қомати олифтанинг бўйидан баландроқ.

— Қўшнининг уйидан ўз вақтида кет, то у сендан безиб кетмасин.

— Қарзини ўз вақтида қайтарадиган киши — бошқаларнинг ҳамёнига хўжайиндир.

— Қабрга кирганда тўйиб ухлаб оларсан.

— Эрта туриб, эрта ётиш — соғлом, бой ва доно қилур.

— Битта бугун иккита эртаги кунни босади.

— Кўпроқ роҳат топай десанг, ундан нарироқ қоч.

— Энг яхши хизматкоринг бўлишини истайсанми? Унда ўзингга ўзинг хизмат қил.

— Оз-оз тежалиб, катта-катта сармоя ҳосил бўлур.

— Битта ўчоққа ўтин гамлашдан кўра иккита ўчоқ куриш енгилроқ.

— Дастлабки майлни енгиш ундан кейин келади-ганларини қондиришдан осонроқ.

— Нафсинг билан маслаҳат қилишдан аввал ҳамёнинг билан кенгаш.

— Ишлайдиган калит доим ярақлаб туради.

— Барча билан хушмуомала, кўпчилик билан дилкаш ва айримлар билан апоқ-чапоқ бўл.

— Ялқовлик — худди занг: ишлаб — тўзганга қараганда тезроқ емиради.

— Баҳона излайдиган устанинг уста экани шубҳали.

— Ишни назорат қилмаслик — ишчиларга ҳамённи очиб қўйишдай гап.

— Уч марта кўчиш битта ёнғин билан тенг.

— Арранинг қипиғи майда, аммо чинорни қулатади.

— Ҳайитгача қарз олсанг, эртага ҳайит деявер.

— Маслаҳат бериш мумкину гайрат бериб бўлмайди.

1. **Тийилиш** — тўйиб кетгунча емаслик, кайф бўлгунча ичмаслик.

2. **Сокинлик** — фақат ўзингга ёки бошқаларга фойда келтириш мумкин бўлган сўзларни сўзлаш, қуруқ гаплардан қочиш.

3. **Тартиб** — ҳар бир буюмни ўз жойида сақлаш; ҳар бир машғулотга муайян вақт ажратиш.

4. **Қатъият** — нимани қилиш лозим бўлса, сўзсиз шунга киришиш; киришилган нарсани эса сўзсиз бажариш.

7. **Тежамлилик** — пулни фақат яхшилик келтирадиган ишларга сарфлаш, яъни ҳеч нарсани исроф қилмаслик.

8. **Меҳнатсеварлик** — вақтни бекор ўтказмаслик; ҳар доим фойдали бирор иш билан машғул бўлиш; ҳар қандай бефойда машғулотдан воз кечиш.

9. **Самимият** — ёлгон ёки алдов билан ҳеч кимга зарар келтирмаслик, солиҳ ва адолатли фикр юритиш; бу тамойилларга гапирганда ҳам амал қилиш.

10. **Адолат** — ҳеч кимга зарар келтирмаслик; адолатсизлик қилмаслик ва зиммадаги эзгу ишларни бажармай қўймаслик.

11. **Меъёр** — ҳеч нарсада ҳаддан ошмаслик; адолат-


сизлик туфайли туғиладиган алам туйғусини имкони борича тийиш.

12. **Офият** — бадан булғанишига йўл қўймаслик; кийиниш ва турар жойда орасталикка амал қилиш.

13. **Хотиржамлик** — арзимас нарсалар ҳамда одатдаги ёки муқаррар ҳолатлардан ҳаяжонга тушмаслик.

14. **Донолик.**

15. **Камтарлик** — Суқротга тақлид қилиш.



239-машқ. Уқинг. От сўз туркумига хос сўзларни топинг ва уларни белгиланг.

Азиз фарзандлар! Сиз ўз халқингиз, Ватанингиз, миллатингизнинг кўз қароғларисиз. Аммо, унутманг: танбал, даққи, безори, шаробхўр, ғирром, фосиқ, гиёҳванд, фахш киши маънавий ногирон деган сўз. Унга ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ. Ўзи учун, қорни учун яшаб, нафс гадоси бўлиб юрганлар жамият учун «ортиқча одамлардир».

Азизлар! Фан чўққиларини эгалланг. Токим илмий тараққиётда биз фаол «истеъмолчи» эмас, фаол бунёдкорлик мақомини қўлга киритайлик.

(Файбуллоҳ ас-Салом)

240-машқ. Сирожиддин Саййиднинг «Ватан надир?!» шеърини ифодали уқинг. Сўнг шеърни насрий баён қилинг.

ВАТАН НАДИР?

Ватан надир — англам ранжу озоридан,
Сўранг уни Мирзо Бобур мазоридан.
Ўз зурёдин ҳайдаб гулшан, гулзоридан,
Довонларда бағри бирён юрт эди бу.

Дилни ўртар ҳамон ғаму ғурбатлари,
Ёт элларда қолиб кетди турбатлари,
«Фигонким... деб ўтди қанча фурқатлари,
Ёркентларда кўзи жайрон юрт эди бу.

Ўзи гулдай ўғлонларин сайлаб бериб,
Номларини рўйхатларга жойлаб бериб,
Чўлпонларин ўзи итдай бойлаб бериб,
Изларидан ўзи гирён юрт эди бу.

Келгинди ном борки бунга келиб кетган,
Чўнтаклари тиллоларга тўлиб кетган,
Яна хоксор эл устидан кулиб кетган
Меҳмони кўл, муте мезбон юрт эди бу.

...Надир миллат қудратининг тамаддуни?
Амир Темур ҳайкалидан сўранг буни,
От миндириб ким қайтарди юртга уни?
Жаҳонгири беҳонумон юрт эди бу.

Бир султонни Худо юртга қараб бергай,
Олам аҳли сўнг у юртга тараф бергай,
Абадият қадар унга шараф бергай,
Шараф-шони рўйи жаҳон юрт бўлди бу!

(Сирожиддин Саййид)

Айрим сўзлар изоҳи: **турбатлари** — тупроқ, ер, зиёратгоҳ, мақбара, **гирён** — йиғловчи, йиғлаб турган; **беҳонумон** — уй-жойсиз, дарбадар, **рўйи жаҳон** — ер юзи.



241-машқ. Куйида берилган машқимиз «Хато топинг» деб номланади. Нотўғри қўлланган келишиқ қўшимчаларини аниқланг.

1. Азизларим, тингласангиз жим
Бир суҳбатнинг келди-да гали.

2. Инсонга эшитиш қобилияти туфайлигина тил, нутқ пайдо бўлади. Қулоғидан кирган товуш, сўз, гап ва иборалар шаклида оғзига чиқади, шунинг учун ҳам донишманд халқимиз: «Сув онасига — булоқ, сўз онасига — қулоқ» деб бежиз айтмаган. Шу боис қадимда ҳомиладор аёлларга завқли қўшиқлар, рамзли, таъсирчан сўзлардан-да ташкил топган латифалар, ҳикматлар айтилган, она табиатидан, руҳли ҳолатидан қараб хатти-ҳаракат қилинган, таъсирчан-да сўзлар топилган.

3. Ўткир Ҳошимов тингламоқлик санъати ҳақида: «Мени шу қадар юрт эътиборига тушмоғимда бир кичик хислат, яъни тинглаш, тинглай олишлигим кўпроқ ёрдам берган бўлса ажаб эмас. Негаки, мен шу кун қадар тинглаган, тинглаётган сабоқларимни юртни ўзига асар сифатида тақдим этяпман», — деган эди.

4. Сўз тинглаганда у ёқ-бу ёққа аланглаб ёки ҳардам-хаёллик билан эмас, алоҳида эътиборда тинглаганлар. Айниқса, катталар томонидан берилган дашном, танбеҳни сукут сақлаб эшитганлар.

5. Қарашда нораво, нарасада кар бўл, тинглашда нолойиқ, гап-сўзда кар бўл.

6. Тинглаш ҳам сўзлашга кам баҳоланмайдиган меҳнат бўлиб, уни қонун-қоидаларга амал қилсангиз, яхши суҳбатдош бўлишни биринчи ва энг муҳим шартига амалда қилган бўласиз.

7. Она тилига маҳрум бўлиш — онадан ажраб қолишга ҳам мудҳишроқ.

8. Эй, қобил фарзанди аржуманд, илоё, сизнинг ёмон кўздан, ногаҳоний ажал, бало-қазолардан, бевақт ўлим ва тухматлардан ўз паноҳига асрасин.

242-машқ. Ёзинг, гапларда -лар қўшимчаси қандай маъно англаётганини айтинг. Услубий хусусиятини изоҳланг.

1. Бу ҳаёт чашмаси қошига бизлар каби жуда кўп кишилар келдилар, тириклик нашъасига гарқ бўлиб, ўлтирдилар, сўнг бир-бир абадий йўқлик сари кетдилар. 2. Бобурнинг ёнига Ҳофиз Қўйкийлар ташриф буюрдилар. 3. Булбулигўё шоирларнинг шон-шухрат кўйида ўрта-ниб айтгувчи дилрабо байтлари ҳам энди унинг кўнгилларига завқ бағишламас эди. 4. У кўп вақтини кўздан йироқ, хилват ва тоқи равоқда танҳо ўтказар, аҳён-аҳён, ҳуши келган чоғлардагина Юсуфийни чақириб чоғир буюрар эди. 5. Мени соҳибқирон «етти иқлимнинг шамси анвари», «шаҳаншоҳи олам» деб кўкларга кўтардилар, — дея ҳасратли товуш билан сўзларди Бобур. 6. Ҳумоюн Мирзо кеча оқшомларда муборак ҳузурингизга отланган экан. 7. Илоҳим, тангри ўз паноҳларида асрасин сизни. 8. Бегимлар ҳам, Нозималар ҳам ҳали мен айтгандек ўқиб эдилар, — деди Гулбаданбегим. 9. Камина қулингизнинг садоқати ҳам, жасорати ҳам зоти муборакларига кундек равшандир. 10. Зоти шарифлари ижозат этсалар. 11. Табаррук битиклари номуборак қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошларимиз кўкка етурди. 12. Ўзлари ҳам ташриф буюрибдилар-да?!

(Ҳ. Султонов)

От сўз туркуми ва унинг хусусиятларига оид грамматик
топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Конинг, нонинг, таронанг
Китобинг, сенинг тунинг.
Қаратқич келишикнинг
Қўшимчаси қайси — нинг?

2. Сени, қани ҳам яъни,
Туни, мени ҳам эни
Тушум келишигининг
Қўшимчаси қайси — ни?

3. Тунинг, тўнинг
Куннинг, конинг.
Қаратқич қўшимчаси
Топинг, қайси — нинг?

4. Тошкентлик, фарғоналик,
Ойлик, элик, сутчилик.
Сўзларда бор — лик, — чилик,
Нимадир — лик ҳам — чилик?

5. Файратлига ҳамроҳман,
Дангасадан йироқман.
Ким доим вақтли турса,
Жисмоний машқлар қилса,
Унга қувват бераман,
Бунда кўпдир от сўзлар
Ким топиб, топиб сўзлар

6. Нонни кам егин ёзда
Кўпроқ юргин пиёда
Олма, ўрик, шафтоли
Ўрик, бодом ва оли,
Қовун, тарвуз, кўксултон,
Гилос, олча, дўлана,
Ё қишда ёнғоқ, асал,
Тандан кўчади касал.
Неча от, неча феъл бор,
Топинг бериб эътибор?

7. Қама бўлар қачон от,
Бўя бўлар қачон от?
Яма, бўя, ҳам тара
Қачон бўлиб қолар от?

Топишмоқларнинг жавоби

1. сенинг сўзидаги — нинг
2. сени, мени сўзларидаги — ни
3. куннинг сўзидаги — нинг
4. от ясовчи қўшимчалар
5. бешта мавҳум от
6. беш дона мавҳум от
7. (18 та от, 4 та феъл бор)
8. «қ» қўшимчасини олганда.

ОТ СЎЗ ТУРКУМИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қайси жавобда мавҳум от ва жамловчи от берилган?

- A. Армия, халқ
- B. Эл, Тошкент
- C. Сабзавот, иш
- D. Дўстлик, халқ
- E. Хаёл, гузаллик

2. От туркумига оид сўзлар нутқда ҳар доим қандай шаклда бўлади?

- A. Бирлик ё кўплик шаклида
- B. Эғалик шаклини олган ҳолда
- C. Келишик шаклида
- D. A. ва C. жавоблар
- E. Тўғри жавоб йўқ.

3. Феълдан от ясовчи қўшимчалар берилган қаторни топинг.

- A. — ий, — чи.
- B. — чи, — каш.
- C. — ч, — им.
- D. — ки, — ли.
- E. — ш. — соз.

4. Қайси қаторда фақат бирликда қўлланадиган отлар берилган?

- A. Кўз қош, бош.
- B. Уйқу, севғи, кўнгил
- C. Ун, ёғ, сув
- D. A ва И жавобларда
- E. A, B, C жавобларда

5. Жамловчи отлар берилган қаторни топинг.

- A. Сабзавот, эл, аҳоли
- B. Тошкент, гуллар, кун
- C. Шодлик, бахт, меҳр
- D. A ва C
- E. Тўғри жавоб йўқ.

6. Ост, уст, ён сўзлари қайси сўз туркумига мансуб?

- A. *От*
- B. *Олмош*
- C. *Қўмакчи*
- D. *Сифат*
- E. *Равиш*

7. Қайси келишиқ қўшимчалари белгили ва белгисиз ҳолатда қўллана олади?

- A. *Қаратқич келишиги*
- B. *Тушум келишиги*
- C. *Жўналиш келишиги*
- D. *A ва B*
- E. *A, B, C,*

8. Шеваларда —ган, —гон, —дин, —тин шаклида ҳам учрайдиган келишиқ қўшимчаси қайси?

- A. *Қаратқич келишиги қўшимчаси*
- B. *Тушум келишиги қўшимчаси*
- C. *Урин-пайт келишиги қўшимчаси*
- D. *Чиқиш келишиги қўшичаси*
- E. *Бундай келишиқ йўқ.*

9. Қандай усуллар билан от ясалади?

- A. *Морфологик ва синтактик усуллар ёрдамида*
- B. *Морфологик усул ҳамда қисқартириш йўли билан*
- C. *Синтактик усул ҳамда қисқартириш йўли билан*
- D. *A ва B*
- E. *Тўғри жавоб йўқ*

10. Қўшма отлар берилган қаторни топинг.

- A. *Тоққайчи, оққуш*
- B. *Мактаб ҳовлиси, кўктош*
- C. *Оғзи қулоғида, темир йўл*
- D. *A ва B*
- E. *Тўғри жавоб йўқ.*

11. —ш (—иш) қўшимчаси мажҳул нисбатдаги феъл негизига қўшилганда қандай от ясади?

- A. *Мавҳум от*
- B. *Аниқ от*
- C. *Атоқли от*
- D. *Турдош от*
- E. *От ясамайди*

12. Жуфт отларининг маъно муносабатлари қандай бўлади?

- A. *Маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўزلардан тузилади.*
- B. *Бир-бирига синоним бўлади.*
- C. *Бир-бирига антоним бўлади.*
- D. *A ва B*
- E. *A, B ва C*

13. Жуфт отларни топинг.

- A. Ирим-сирим, уй-жой
- B. Қўл-оёқ, олма-ўрик
- C. Севги-муҳаббат, чой-пой
- D. А ва В
- E. Тўғри жавоб йўқ

14. От сўз туркумига доир сўз кўпинча қандай гап бўлаги бўлиб келади?

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Тўлдирувчи
- D. Эга, кесим
- E. Аниқловчи

15. —им эгалик қўшимчаси қайси сўзларга қўшилади?

- A. Ука, китоб
- B. Манба, толе
- C. Она, арра
- D. А ва В
- E. Тўғри жавоб йўқ

16. Қайси келишикдаги от, асосан, бошқа сўзни ўзига тобелайди.

- A. Бош келишикдаги
- B. Қаратқич келишигидаги
- C. Тушум келишигидаги
- D. Жуналиш келишигидаги
- E. Урин-пайт келишигидаги

17. Тўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг.

- A. Ош — қозон, оққўрғон
- B. Осма кўприк, темир йўл
- C. Ерёнғоқ, иш ҳақи
- D. А ва В
- E. А, В ва С

18. Ер — хазина, сув — олтин. Ушбу гапда от туркумидаги сўзлар қандай вазифада келган?

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Эга ва кесим
- D. Аниқловчи
- E. Тўғри жавоб йўқ.

19. От сўз туркумининг сўроқлари?

- A. Ким?
- B. Нима?
- C. Ким? нима? қаер?
- D. А ва В
- E. Тўғри жавоб йўқ

20. Мавҳум отларни ясовчи қўшимчаларни топинг.

- A. — лик
- B. — чи
- C. — лаштириш
- D. A ва B
- E. A, B ва C

21. От қандай вазифаларда келади?

- A. Бош бўлак
- B. Иккинчи даражали бўлак
- C. Ундалма
- D. A ва B
- E. A, B ва C

22. Кичрайтириш отларини топинг?

- A. Қизалоқ, келинчак, тугунчак
- B. Тойлоқ, беланчак, укажон
- C. Бўталоқ, қўзичоқ, рўмолча
- D. Ҳамма жавоблар тўғри
- E. Тўғри жавоб йўқ

23. Қайси қўшимчалар сўз бирикмалари ва гапларда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади.

- A. Эгалик қўшимчалари
- B. Келишик қўшимчалари
- C. Шахс-сон қўшимчалари
- D. A ва B
- E. A ва C

25. От ясовчи қўшимчалар маъно жиҳатидан неча хил бўлади?

- A. 1 хил
- B. 2 хил
- C. 3 хил
- D. 4 хил
- E. 5 хил

26. Буюм-нарсa оти ясовчи қўшимчаларни топинг.

- A. — кам, — иқ
- B. — қ, — м
- C. —дон, — дош
- D. A ва B
- E. Тўғри жавоб йўқ

27. Қўшма отлар қандай ясалади?

- A. От билан отдан
- B. Сифат билан отдан
- C. От билан сифатдан
- D. A ва B
- E. A, B ва C

28. Болалик кунларимда,
Уйкусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим...

Юқоридаги шеърда ўрин-пайт келишигидан сўнг эгалик қўшим-часини олган сўз гапда қандай вазифада келган?

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Аниқловчи
- D. Тўлдирувчи
- E. Ҳол

29. От синонимларни топинг.

- A. От, исм, ном
- B. Ўртоқ, дўст, биродар
- C. Аср, асир, олар
- D. А ва В
- E. А, В ва С

30. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчаларни топинг.

- A. — лоқ, — зор, — истон
- B. — гоҳ, — лоқ, — оқ
- C. — к, — дон, — зор
- D. — ла, — м, — сиз
- E. Тўғри жавоб йўқ.

?

Саволларга жавоб беринг

1. От деб нимага айтилади?
2. Отларнинг кўплик шакли қандай воситалар орқали ясалади?
3. Отларнинг услубий хоссалари деганда нимани тушунасиз?
4. Ясама отлар қандай ҳосил қилинади?
5. Атоқли отларнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳақида гапиринг.
6. Турдош отларга мисоллар келтиринг ва уларни изоҳланг.

Таянч тушунчалар:

турдош от, атоқли от, бирлик шакл, кўплик шакл, эгалик шакли, келишик шакли, ҳурмат шакли, от ясалиши, морфологик усул билан от ясалиши, синтактик усул билан от ясалиши.

23-д а р с

СИФАТ ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИ

Д а р с м а қ с а д и: ўқувчиларда сифат ва унинг хусусиятлари ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Р е ж а: *Сифат ҳақида умумий ўрта таълимда олинган билимларни эслаш.
* Сифат маънодошлари услубиёти.
* Сифат маънодошларидан нутқда ўринли фойдаланиш.



1-топишириқ: Туғилган юртингиз ҳақида сифатлардан фойдаланган ҳолда кичик ҳикоя ёзинг. Қайси сифатлардан фойдаланганингизни ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

2-топишириқ: Матндан сифатларни топинг. Уларнинг қандай белгиларни ифодалаётганини аниқланг.

Оҳ сукунат портлар саҳарда,
Кун нурида ёниб, ярақлаб
Чопиб кирар совуқ шаҳарга
Ялангоёқ яшил дарахтлар

(Шавкат Раҳмон)



Синфингиздаги мавжуд нарсалар: стол, стул; деворга осилган тахта; ўқув қуролларингиз, китоб, дафтар, қалам, ручка ва бошқаларнинг ҳаммаси маълум белгиларга (ранг, ҳажм, шакл — хусусият каби) эга. Масалан, стол кўк, сариқ; баланд, паст, катта-кичик сингари ҳажм-шаклга эга. Ана шундай белгиларни ифодаловчи сўзларнинг сифат ҳисобланиши ҳақида ўрта умумий таълимда маълумот олгансиз.

Маълум белги бир неча сўзлар орқали ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан: катта, улуг, улкан,

буюк, гигант; чиройли, гўзал, хушрўй, бежирим ва бошқ. Бундай сўзлар муайян бир умумий маъно асосида бирлашсалар ҳам, лекин улар бир-биридан маълум фарқланишга ҳам эга. Бундай фарқланиш уларнинг бошқа сўзлар билан боғланишида: маълум услубга хосланишида аниқ намоён бўлади. Масалан, *одам* сўзи катта, *буюк*, *улкан*, *улуғ* сифатларини қабул қила олади, лекин *гигант* сифати одам билан боғлана олмайди. Чунки у қурилишларда биноларнинг шакл-белгисини ифодалашга хосланган. Шунингдек, *улуғ*, *буюк* сўзлари шакл белгисидан ташқари хусусият белгисини ҳам ифодалайди. Бундай вақтда улар билан маънодош бўлиб келади. *Улкан*, *гигант* сўзларида эса бундай маъно йўқлиги учун улар билан маънодошликни ҳосил қила олмайди.

Шунинг учун ҳам сифатларнинг маънодошларини билиш ва ўз ўрнида қўллай билиши сўзловчининг нутқий маҳоратини кўрсатади.



Савол ва топшириқлар

1. Сифат деганда нимани тушунаси?
2. Сифатлар синонимиясига мисоллар келтиринг.
3. Сифатлар синонимиясининг нутқда танланиш имконияти ҳақида гапиринг.



243-машқ. Берилган машқ. «Хато топинг!» деб номланади. Матнни ўқигандан сўнг сифат сўз туркумига оид сўзларни икки устунга бўлиб кўчиринг. Хато ёзилган ўринларни аниқланг ва сўзларни тўғрилаб қўйинг.

ҲАЁ КЎЗДАН БИЛИНУР

Ҳаётий тажрибалар ва олимларнинг хулосалари шундан далолат бермоқдаки, одамзод дунёга келиб неки топган бўлса, ҳаё ва ибо туфайли, неки йўқотган бўлса, ҳаёсизлик ва ибосизлик туфайлидир. Бу туйғу инсон деб аталмиш энг сирли мўъжизани ҳайвонот дунёсидан фарқлайдиган, табиат ва жамият мувозанатини сақлаб турадиган энг нозик, энг илоҳи туйғудир.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, у ўзи суйган бандаларнинг қалбида мудраб ётган ҳалом ва ҳаромнинг, ибо билан ҳаёсизликнинг фарқига бориш туйғусини қайтадан уйғотмоқда.

Бизга садоқатлик дўст, иболи суҳбатдош танлаш-да одамларнинг сўзидан ҳам кўра, уларнинг кўзлари кўпроқ ёрдам беради. Улуғлар юзига ҳар қандай ҳолда ҳам тик боқмаслик бизга ота-боболаримиздан қолган табаррук меросдир. Жумладан, пайгамбарларимиздан ҳикоя қилинган китоблардан бирида бу ҳақда қуйидаги ривоят ибратли битилган: «Пайгамбаримиз Иброҳим Ҳалилиллоҳ туш кўрдилар. Тушларида ваҳий келиб, қурбон керак, деди. Иброҳим юз туя қурбонлик қилди. Парвардигор: — Бир дилга икки суяклик сизмас: ё Исмоилни (Иброҳимнинг ўғли) ёки мени дегил, — дедилар. Ҳалил ўғлини қурбонлик қилишга розилик берди. У ўғлини ювинтириб, кийинтириб сафарга олиб чиқиб, қурбон қилишга тараддудланди. Шунда шайтон Исмоилга:

— Отанг сенинг жонингни олишга олиб кетяпти. Сен қочиб, кет, — деди.

Исмоил шайтоннинг сўзига кирмади, аксинча, отасининг қурбони бўлишга розилик берди ва отасига қуйидаги илтимосларини билдирди:

1. Қўлимни боғлаб қўйингки, қизғиш қоним сизга сачраб осий бўлмайин.

2. Қонли тўнимни онамга элтинг. Токи менга тўймаган онам дуо қилиб турсинлар. Берган оқ сутларига рози бўлсинлар.

3. Бошимни кесар ҳолатда юзимни ерга қаратиб қўйингки, Сизга богараз нигоҳ билан боқиб қўймайин.

Ота-ўғил йиғладилар. Ота ўғил айтганларини бажарди. Иброҳим ўтқир пичоқ учини Исмоилнинг бўғзига тиради. Пичоқ ўтмади. Ҳалил пичоқни қаттиқ тошга урди. Тош кесилди... Шу пайт ҳазрат Жаброил бир катта қўчқор келтирди ва Исмоилга таҳсин айтиб, шу қўчқорни қурбонлик қилишни буюрди...» Қаранг, ҳатто қурбон қилмоқчи бўлган чоғида ҳам ота раъйига қарши бормаслик, жумладан, унга ғараз нигоҳ билан боқиб қўйишдан қўрқишлик туйғуси Исмоилни баногоҳ ўлимдан қутқариб қолди. Аксинча, бўлганида эса унинг ўлими муқаррар эди. Маълум бўлишича, ота-она ва устозлар юзига ҳар қандай шароитда ҳам тик боқмаслик нафақат ўзбеклар, балки бутун мусулмонлар учун хос экан.



244-машқ. Ўқинг, сифатларнинг услубий хусусиятлари, яъни предметнинг белгисини қиёслаб, кучайтириб, даражалаб кўрсатилишини тушунтиринг.

Аслида маънавият тушунчаси маърифат ва маданият тамойиллари билан бирга миллий мафкурани ҳам ўз қамровига олади. Миллий мафкура назарий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил этади. Мафкура фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий-эстетик тафаккурнинг назарий асосларига суянади.

Президентимизнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган доно ҳикмати мафкура ҳақидаги мулоҳазаларимизга тағин ҳам ойдинлик киритди. Ана шу шиордек энг янғроқ, энг теран мушоҳадалар ҳақида ўйларканман, беихтиёр олис мозий эсга тушади...

Бизнинг миллий мафкурамиз кўп минг йиллик жуда бой меросимизга, миллий қадриятларимизга, мутафаккир, аждодларимиз таълимотларига ва илғор замондошларимизнинг заковатига суянади ва айни маҳалда умумбашарий маънавиятнинг сарчашмаларидан озиқланади. Шунинг учун ҳам туб моҳиятига кўра миллатимиз мафкураси ҳам байналмилал, ҳам умуминсонийдир. Мафкурамизнинг ягона миллий мафкура эканлиги ва бу мақомнинг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ва шу юртнинг фуқароси саналган 130 дан зиёд миллат вакиллари манфаатларига зид келмаслиги барчага аён. Ўзга миллат вакилига ҳам икки давлат фуқаролиги ҳуқуқининг берилмаслиги бирор миллатга мансуб ватандошимиз қадр-қимматини ўзгалардан жуда юқори тутмаслик ёки камситмаслик натижасидир.

Албатта, Октябрь тўнтаришидан кейин энг зукко жадидлар ва тараққийпарварлар зиёлилар шаклланиб бораётган бугунги мафкурамизни орзу қилган бўлишлари мумкин. Шундай бўлган чоғда ҳам уларнинг эзгу-умидлари фақат фаразлигича қолиб кетиши тайин эди. Қизил империя ҳукм сурган даврда миллий мафкура тамасида бўлиш тахайюлнинг ўзгинаси эди, холос.

Қизил империянинг шўроларга хос, яъни ҳар қандай миллий туйғуни таҳқирловчи яккахоқимликка асосланган энг жирканч мафкурасини юртбошимиз тамоман яроқсиз, деб топди ва барча тамойилларининг мустабид тузум манфаатларига хизмат қилувчи моҳиятини очиб ташлади. (*М. Худир*)

245-машқ. «Ранглар жилоси» деб номланган матнни ўқинг, сифатларини топиб уларнинг услубий хоссаларини белгиланг.

Оқ ранг тозалик, мусаффолик, иффат, ёруғлик, донишмандлик, ҳақиқат ва эзгу — ирода рамзидир. Булар оқ рангнинг бир жиҳати, бироқ бошқа жиҳатига кўра у мотам, ўлим, кўрқоқликни ифодалайди. Япония ва Хитойда айнан оқ ранг мотам ва қайғу ранги ҳисобланади.

Қора рангли кийим кийишни ёқтирувчи одам ҳамма нарсаларга қарши, ўжар. Исён билан ҳаммасидан воз кечишни истайди. Бу ҳолат кишининг куч тўплаши учун вақтинча чекинган, тин олган даврига мувофиқ келади. Қора рангнинг ижобий сифатлари ҳам йўқ эмас: масалан, никоҳ тўйларида куёвнинг қора костюм-шимда бўлиши ёки қора костюм-шимнинг расмий маросимларда кийилиши бу рангнинг обрў-эътибор, тантанаворлик рамзи эканлигини ҳам ифодалайди.

Қизил ранг инсон ҳаётидаги энг кучли ҳаяжонни ифодалайди. Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, кишининг қизил рангли кийим танлаши унинг ўзини намоён этишга бўлган ҳаракати билан боғлиқ. Шунингдек, қизил тартибсизлик, инқилоб, мавжуд тартиб-қоидаларга бўйсўнмаслик, уларни рад этиш аломати ҳамдир. Қизилнинг манбаи олов, у иссиқлик ва ҳарорат беради, шунингдек у муҳаббат ранги ҳам ҳисобланади.

Сариқ ранг — очиклик, фаоллик, озодликка ва кучқувватга интилиш ранги. Сариқ қуёш ва ёз фаслининг ранги, у келажакка умидворликни ўзида ифодалайди. Сариқ олтин ранги бўлганлиги учун шон-шуҳрат ва илоҳий ҳукмронлик рамзи ҳам ҳисобланади.

Кул ранг у на оқ, на қора, ўрталикдаги нейтрал чегара рангдир. Кимки бу рангга кўпроқ мойил бўлса, демак, у ўзини ҳамма нарсадан тўсиб чегаралаб олишни, ҳар қандай мажбуриятлардан халос бўлиб, ҳеч насада иштирок этмасликни истайди. Кул ранг кийинган одам бошқаларнинг ўзи ҳақида билишларини истамайди: кул ранг — сирларни яшириш хусусиятига эга.

Кўк ранг — очик осмон ва денгиз ранги сифатида ўзида юксаклик ва чуқурликни ифода этади. Руҳшунос олимлар кўк рангнинг инсон асабларига тинчлантирувчи таъсир кўрсатишини аниқлаган. Бошқа жиҳатдан кўк беўйлик, турғунлик, ҳаётдан ажралиб қолиш кабиларни ифодалайди. Ҳавойилик, ҳавойи ўйлар каби иборалар ҳам кўк рангнинг ана шу сифатлари билан алоқадор. Кўк содиқлик ва тартиб — интизом ранги ҳам ҳисобланади.

Яшил ранг — тириклик, ўсиш ва умид рамзи. Баҳор фасли чечаклари ранги. Бошқа бир жиҳатига кўра у заҳар, касаллик ва гўрликни ҳам билдиради. Шунингдек, яшил ранг мўл-қўлчилик, тўкин-сочинлик, ривожланишни ҳам билдиради. Ислом динида яшил илоҳий ранг саналади.



246-машқ. Мақол ва ҳикматлар ичидан сифат сўз туркумига оид сўзларни топинг, сифатнинг отга ўтиш ҳолати борми?

Бахил бойга боргунча,
Карамли тоққа борар.

Бахилдан тош сўрагунча,
Гадойдан ош сўра.

Номардга ялинма,
Бир балога чалинма.

Ақлсиз дўстга кулар,
Ақли дўстини суяр.

Жоҳил улфат — бошингга кулфат.

Яхши дўстинг кулдирар,
Ёмон дўстинг куйдирар.

Айбсиз дўст излаган дўстсиз қолар.

Иссиқ кийим танни илитар,
Иссиқ сўз жонни илитар.

Ноинсофга эрк берсанг, элни талар.



247-машқ. Нуқталар ўрнига сифат туркумига оид сўзларни қўйиб кўчиринг.

...фарзандлар! Билингки, инсонга бериладиган... сифат одобдир. ...ахлоққа эга бўлиши ҳам одобдан саналади. Хуш ва одобли кишиларга барча, ҳатто душманлари ҳам тан беради. ... одамни эса, ҳамма инсонлар, ҳатто ота-онаси ҳам ёмон кўради.

Одоб ҳар бир фазилатга йўлдир.

Кимки ёшлигида.... бўлмаса, бир умр бад... қолиб кетиши мумкин.

Мажлис одоби. Эй... болам! Мактабга борсанг, ўз ўрнингга ўтирасан, аммо... кишилар орасида... роқ жойга ўтирганинг афзал. Икки кишининг ўртасига уларнинг ... ҳеч қачон ўтирма. Оҳиста ва мулойимлик билан ўтир. Гапирсанг гапинг... бўлсин. Шошма-шошарлик қилма, пала-партиш гапирма. Кўп кулишдан, ҳазил-мутойибадан узоқ бўл! Бармоғинг билан бурнингни ўйнама. Туфламагин. Эснасанг, чап кафтингнинг орқаси билан оғзингни бекит. «Астаффируллоҳ» дегин. Аксирсанг, дарҳол «Алҳамдуллилоҳ» дегин. Ҳаммага... юзлик, мулойимлик билан гапир.

Муомала одоби. Эй фарзандим! Инсон ёлғиз яшай олмайди. Қалблар ҳамиша бир-бирига... талпиниб туради. Шунинг учун... дўстлар пайдо бўлади, ўзаро ҳамжиҳатлик юзага чиқади... одамлар бир-бирларига ёрдам беради, кўнгиллар улфат тутинади. Дўстларингнинг меҳрини қозонай десанг, улардан ... муносабат кўришни хоҳласанг, сен ҳам уларга... муомалада бўлишинг лозим. Хулқи... болаларни яхши бўлишга чақир. Ёлғон гапиришдан, дангасаликдан бутунлай ҳазар эт.

(А. Ҳикматов)



248-машқ. Кўчиринг, сифатларнинг маънодошларини топиб ёнига ёзиб беринг.

Намуна: 1. Ёшлардан юрак жўшқинлиги, қалб кўри, билак кучи, теран (зукко, юксак) ақл-идрок талаб қилинади. (Файбулла ас-Салом). 2. Аудиторияга қоматини тик тутган, хушбичим, ўзига ярашган кастюм-шим, устидан юпқа қовилган беқасам тўн кийган, оёғида замонавий туфли, бўйнида чиройли галстути, кўзида тилла гардишли кўзойнаги бор, калта мўйлов қўйган, мош ранг дўппили киши виқор билан кириб келди. (Б. Дўстқораев). 3. Каттакўрғон сув омбори ўнларча чақиримларга чўзилиб, кенгайиб зумрад кўл каби адирлар ўртасида ёйилиб ётади. 4. XX аср иккинчи ярмида дунёнинг ижтимоиёт билан жуда жиддий ва жуда чуқур шуғулланадиган қисмида «глобализм» деган тушунча вужудга келди. (И. Ғофуров). 5. Алдов, макр, хиёнат билан ҳокимият тепасига келган большевиклар ишонувчан халқларни бир умрга тутқунга олиш, жоҳил бўлиб қолиш, меҳнатдан боши чиқмаслиги, ўзлиги, қадр-қиммати, тақдири, истиқболи ҳақида ўйламаслиги учун озмунча саъй-ҳаракат қилишмади. 6. Чет элларда ватандошлар она юрт ҳақида кўзидан ёш, титроқ ҳаяжон

билан гапиришлари, бир сиқим тупроғини кўзига тутиё қилишлари ҳақида ўқиган, эшитган эдик, ўзимиз гувоҳ бўлдик, — дейди Анвар. (С. Умиров). 7. Ўзбекистон деб аталмиш бизнинг мамлакатимизда моҳир журналистлар анчагина. 8. Шайх Жалолиддин Кубродек улуғ зотлар, Султон Жалолиддин Мангубердидек баҳодир фарзандлар тимсолида бошланган ва ярим аср давом этган Ватан озодлиги учун кураш она халқимиз учун ниҳоятда оғир кечди.

(М. Абдуллаев)

Таянч тушунчалар:

сифат, сифатларда маънодошлик, шакл белгиси, хусусият белгиси, ранг белгиси, маза-таъм белгиси

24-д а р с

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

24.1. СИФАТ ДАРАЖАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Сифат даражаларидан ўринли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Р е ж а: * Сифатларда белгининг даражаланиши ҳақида.
* Сифатларда белгининг даражаланишини ифодаловчи воситалар.



Топшириқ: Қора сифати билдирган рангнинг турли даражаларини ва улар қандай ифодаланишини кўрсатинг (кучсиз, кучли).

Сифатлар белгини тўғридан-тўғри (оқ, кўк каби) ёки бир белгини қиёслаб, даражалаб кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, *кўкиш*, *кўкимтир*, *кўм-кўк*, *тўқ кўк*, *оч кўк* ва бошқ. Булардан кўк белгини тўғридан тўғри ифодалаб унинг меъёрда эканлигини; *кўкиш*, *кўкимтир*, *кўк* белгининг меъёрдан кам эканлигини, кўклик ҳақидаги тасаввуримизга етмаганлигини, *кўм-кўк*, *тўқ кўк* сифатлари эса белгининг меъёрдан ортиқ, кучли эканлигини билдиради.



Одатда, сифатларнинг уч даражаси ажратилади: а) оддий даража; б) орттирма даража, в) озайтирма даража.

Белгининг ортиқ-камлик муносабати ифодаланмайдиган сифатлар оддий даражадаги сифатлар саналади. Бундай сифатларда махсус даража ҳосил қилувчи восита бўлмайди. *Ширин*, *гўзал*, *оқ*, *қора* сингари сифатлар оддий даражага мансубдир.

Белгининг мўлжалдан ортиқлигини, кучлилигини билдирган сифатлар орттирма даражадаги сифатлар ҳисобланади.

Бундай сифатлар 1. Оддий даражадаги сифатларнинг биринчи бўғинидаги охирги ундошнинг *м* ёки *п* ундошига алмаштириб ёки шундай ундош қўшиб сифат олдидан такрорлаш орқали: *кўм-кўк*; *сарик* — *сап-сарик*, *қизил* — *қип-қизил* каби;

2. Таркибидаги биринчи ёки иккинчи унлини чўзиш йўли билан: *аччиқ* — *а:ччиқ*, *узун* — *узу:н*; *чиройли* — *чиро:йли* каби;

3. Сифат олдидан *жуда*, *ғоят*, *ниҳоятда*, *беҳад* сингари сўзларни қўшиш йўли билан: *яхши-жуда* (*беҳад*, *ғоят*, *ниҳоятда*) *яхши* каби.

Белгининг мўлжалдан камлигини, кучсизлигини ифодалайдиган сифатлар озайтирма даражадаги сифатлар ҳисобланади.

Бундай сифатлар қуйидаги йўллар билан ҳосил қилинади: 1) сифат олдидан *сал*, *пича*, *озгина*, *хиёл*, *бир оз* каби сўзларни келтириш йўли билан: *тўла* — *сал тўла*, *аччиқ* — *озгина аччиқ*. 2) сифат охирига — *роқ*, — (*и*)ш, (*и*)мтир қўшимчаларини қўшиш орқали: *сарик* — *сарикроқ* (*сарғиш*, *сарғимтир*) каби.

Булар ичида — *роқ* қўшимчаси *бир оз*, *сал*, *баъзан ним*, *оч* сўзлари билан синоним бўлиб келади. Шунинг учун уларни кўпинча бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади. Масалан, *қизилроқ* — *сал қизил*, *бироз қизил*, *оч қизил* каби.



Савол ва топшириқлар

1. Сифат даражалари деганда нимани тушунасиз?

2. Сифатнинг қандай даражаларини биласиз?

3. Учта сифат топиб, уни турли даража шаклларида келтиринг.

Маъно фарқини тушунтиринг.



249-машқ. Сифатларни тонинг. Уларнинг услубий хоссаларини аниқланг.

ОДАМНИ БИЛИШ

- Кўз равшан бўлса, қалбнинг оқлиги, хуш-хуррамлик белгисидир.
- Кўз кичик бўлса, ожизлик ва ғам-андухга ботганлик белгисидир.
- Кўз йирик бўлса, аблаҳ ва нодонликдан далолатдир.

- Кўз ҳаракатсиз, хира бўлса ҳам аблаҳликнинг далилидир.
- Кўз кичик ва хира бўлса, очкўз ва молпараст бўлади.
- Кўз тим қора бўлса, бадгумон ва қўрқоқликдан белгидир.
- Кўз мовий бўлса, бешарм, бевафо, эътиқоди ва иймон сустлиги далилидир.
- Кўз ёшланмайдиган (ва бенур) бўлса, ундай киши одамлар қонини тўкишга шай бўлади.
- Агар кўк, қора ё шаҳю кўзда қора нуқталар ва феруза ранг қўшилган бўлса, у кишининг ичи қора, ўзи шаҳватга ўчдир.
- Кимнинг кўзи ғоят яхши кўрса, унинг аччиғи тез чиқади.
- Кимки кулганда кўзида ёш йилтилласа, у яхши хулқ-атвор эгасидир.
- Кимки кўзини тез-тез юмиб очса, у содиқ дўст ва ёмон ишлардан ҳоли кишидир.

250-машқ. — роқ орқали шаклланган сифатларда бошқа воситалар, яъни — дан, қараганда, кўра, нисбатан кабилар ҳам иштирок этишига мисоллар ёзинг.

251-машқ. — ий, — вий сифат ясовчи қўшимчалар ёрдамида сўзлар ясанг ва уларнинг ўзагини топинг.

Намуна: илмий, руҳий, маънавий, бадий, Фузулий, луғавий, ҳажвий, жисмоний, дунёвий, насрий, ақлий, кимёвий, Низомий, ахлоқий, самовий, Насимий, лисоний, фазовий, мафкуравий, ашёвий...



252-машқ. Ранглар характерингизни белгилайди. Ўртоқларингизнинг қайси рангни ёқтиришига қараб туриб характерини аниқланг.

ҚИЗИЛ РАНГ — Ҳаракатчан, иродали, ўзига ишонувчан. Оилада қаттиққўл, талабчан.

ОЛОВ РАНГ — Кўнгли очиқ, улфатчиликни ёқтирадиган, жозибадор.

САРИҚ РАНГ — Билимли, мақсад сари интилувчан, ҳаётга муҳаббат билан қаровчи.

ҲАВО РАНГ — Ақлли, эҳтиёткор, кўнглидаги гапни очиқ айтавермайдиган, хушомаддан йироқ.

ОҚ РАНГ — Хаёлпараст, ёлғизликни ёқтирадиган, қалби пок.

КУЛ РАНГ — Оғир-босиқ, уй-фикр билан иш кўрадиган.

ҚОРА РАНГ — Фақат ўзини ўйловчи, худбин, бошқаларнинг ютуқларини кўра олмайдиган, ичи қора.



253-машқ. Грамматик ўйин. Катакчаларни сифат сўз туркумига оид сўзлар билан тўлдилинг. Ким тез ва тўғри тўлдиради.

Аслий сифат	Нисбий сифат	Озайтирма сифат	Кучайтирма сифат	Ясама сифат

Таянч тушунчалар:

оддий даража, озайтирма сифат, кучайтирма сифат

24.2. СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Сифат ясовчи қўшимчалар синонимияси ва уларнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

Р е ж а: * Туб ва ясама сифатлар.

* Сифат ясовчи қўшимчалар синонимияси ва уларнинг услубий хусусиятлари.



Топшириқ: Қуйидаги сифат ясовчи қўшимчаларнинг маънодошларини аниқланг. Улар ўртадаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни айтинг. Ширали — ... сувли —...



Сифатларнинг туб ва ясама бўлишидан хабардорсиз. Ҳеч қандай ясовчи қўшимчаларсиз белги билдирувчи сўзлар туб сифатлар саналади. Масалан, гўзал, хунук, оқ, қора каби. Ясовчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўз туркумларидан ҳосил қилинган сифатлар ясама сифат ҳисобланади. Масалан, сув сўзига — ли қўшимчасини қўшиш орқали ўзак ифодалаган нарсанинг мав-

жудлигини, меъёрдан ортиқлигини (сувли) билдиради, — сиз қўшимчасини қўшиш орқали эса, аксинча, ўзак ифодалаган нарсанинг йўқлиги ёки меъёрдан камлигини (сувсиз) билдиради.

Сифат ясовчи *-ли* қўшимчаси *-дор, -кор*, қўшимчалари ва *ба*-олд қўшимчаси билан синонимик муносабатда бўлади, шунинг учун уларни бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Масалан, *гўштли-гўшtdор, гуноҳли-гуноҳкор, мазали-бемаза* каби; лекин доимо ҳам уларни бир-бири билан алмаштириш мумкин эмас. Масалан, *юракли, кучли* сўзларини *баюрак, юракдор, юраккор, кучдор, бакуч, кучкор* деб бўлмайди.

Сифат ясовчи *-сиз* қўшимчаси *бе-*, на *-олд* қўшимчалари билан синонимик муносабатда бўлади. Шунинг учун уларни кўпинча бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Масалан, *умидсиз, беумид* — *ноумид*; лекин уларни ҳам доимо бир-бири билан алмаштириб бўлмайди. Масалан, *ақлсизни беақл* дейиш мумкин, лекин *ноақл* деб бўлмайди. Шунингдек, *номард, номаълум* сингари сўзлардаги *но-* олд қўшимчасини *бе-* олд қўшимчаси ва *-сиз* қўшимчасига алмаштириб бўлмайди, чунки бу сўзлар форс-тожик тилидан ўзбек тилига тайёр ҳолда ўтган. Ҳозирги ўзбек тилида ясалган эмас.

Шунга кўра сифат ясовчи қўшимчалардан ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.



Савол ва топшириқлар

1. Ясама сифат нима ва қандай воситалар ёрдамида сифат ясалди?
2. Сифат ясовчи қўшимчалар синонимияси деганда нимани тушунасиз?
3. Сифат ясовчи қўшимчаларни бир-бири билан алмаштириб бўлмайдиган ҳолатларни айтинг.



254-машқ. Уйга топшириқ. Ўқиган бадиий асарингизга тақриз ёзинг. Унда ясовчи қўшимчаларни ҳам ишлатинг.



255-машқ. Талабаларга эслатма!

1. Ўз нутқингизда кенг истеъмолда бўлмаган сўзларни кўпроқ ишлатинг.
2. Етарли даражада сўз бойлигига эга бўлинг.
3. Гапда сўзларни ўринли ва меъёрида ишлатинг,

гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузинг, тасвирий во-
сита­лардан унумли ва ўринли фойдаланинг.

4. Тўғри ёзиш кўникмасини ҳосил қилинг.

5. Матн яратиш қобилиятини ўзингизда мужассам
этинг.

6. Матнни таҳлил қилишга ўрганинг.

7. Мушоҳада малака­сига эга бўлинг.

8. Сўз маънодошларидан унумли фойдаланинг.

Азиз талаба! Оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида юқори-
даги кўникма ва малакаларга эга бўлган тингловчигина
сўз хазина­сининг дурдоналаридан оқилона фойдалана
олган бўлади.

Топширик: Юқоридаги фикрларга амал қилиб, «Бир
қултум сув» мавзусида матн тузинг. Бу грамматик ўйин-
топширик «Матнни давом эттиринг» деб аталади. (Ҳар
бир талаба биттадан гап ёзиб, боғланишли матнни да-
вом эттирадилар).

Топшириқни бажарганингиздан сўнг эса матнда
ишлатилган сифат сўз туркумига эътибор беринг ва
унинг остига бир чизиқ чизинг.



256-машқ. Сифат ясовчи қўшимчалардаги антонимлик
муносабатини, шунингдек уларнинг маънодошини ҳам ай-
тинг. Ўқув хонасидаги биринчи қатор инсондаги ижобий
фази­латларни (ростғўй, куюн­чак), иккинчи қатор шу сўзларнинг
қарама-қарши маънолари — салбий фази­латларини (ялқов, ёлгончи)
топадилар.

Ижобий:

меҳрли
беозор

Салбий:

бемеҳр
дилозор



257-машқ. Ўқитувчи матн ўқийди. Талабалар унинг
ичидан сифат сўз туркумига оид сўзларни хотирага
жойлаб ўтирадилар. Талабалар матнни тинглаб бўлган-
ларидан сўнг сифат сўз туркумига оид сўзларни на-
вбат билан айтадилар, ўқитувчи уни ёзув тахтасига
ёзиб беради. (Бу машқни гуруҳлараро мусобақа тарзи-
да ўтказиш мумкин)

КАРВОН ҚЎНҒИРОҒИ

Карвон қўнғироғи жаранги.

Бугун ва ўтмиш садоси уйғунлашади.

...Бир ёнда янги-янги кенг, равон кўчалар, осмон-
ўпар замонавий бинолар билан сайқал топган улуғ

пойтахт — шаҳри азим, мустақил юрт фаҳри — Тошкент! Ўзини англамоқчи бўлган, аввало, пойтахтини севади.

Бир ёнда Асака заводи. Ўзбекнинг енгил машиналари. Неларга қодир эмас бу халқ. Кечагина «Сенлар битта велосипед ҳам ишлаб чиқаролмайсан» деган ғанимларимиз кўрсинлар буни.

Бир ёнда Қамчиқ довони. Яхшилар йўл қуради, кўприklar бунёд этади. «Савоб ишни ҳар куни қил, ҳар дам қил».

Санасак фахр этгулик муваффақият кўп, аммо улар орасида энг муҳими, ҳамма халққа, ҳамма элга суву ҳаводек зарур — улугъ неъмат — Тинчлик байроғи билан янги асрнинг иссиқ, нурли кучоғига талпиняпмиз.

«Инсоният янги ХХІ асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?»

«Хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан».

Янги мингйилликда Ўзбекистондек бебаҳо боғ, гулшандиёр билан кириб бораёпмиз. Янги дунёга ҳаробалар эмас, мана шундай кўркам боғлар яратиб берган халқнинг тўрдан жой олишга ҳаққи бормийўқми? «Яхши ният — ярим давлат». Бу сўзни мендек бир қаламкашнинг нияти деб қабул қилсангиз, мурод ҳосил. Зеро, янги остонада турган, аввало, яхши ният қилади.

Қайсики оила, қайсики бино ва қайсики аср пойдевори поклик асосига қурилар экан, унда тотувлик, ҳамжиҳатлик адолат ва тинчлик барқарор бўлади.

Янги минг йиллик!

Янги аср!

Мен сенга пок гишт қўйишни истайман. Карвон кўнғироғи эшитиляпти. Ҳаяжонли тарихий дамлар.

Яна минг йиллардан сўнг шундай ҳаяжонли дақиқаларда авлодларимизнинг янги дунёни пок кутиб олишларини истайман.

(Тўлқин Ҳайит)



258-машқ. Берилган матнни ўқинг, сифат ясовчи қўшимчали сўзларни ажратинг. Ўрнига услуб томондан мос тушадиган синоним сўзлар қўйиб кўчиринг.

Одамзод ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Афсуски, бунда ташқи кўрк-таровату ҳусн-малоҳатнинг ҳамиша қўли устун. Маънавий покдамонлик, қалб гўзаллиги кўпинча эътибордан четда қолиб, ўз баҳосини топавермайди. Вақт ўтиши билан юз-кўздаги ўт-ўлов ўрнини сон-саноқсиз ажинлар эгаллайди, адл қомат эса камондан тўн кияди.

Ботиний малоҳат эса аксинча. Худди шаршара остидаги гавҳармижоз йиллар давомида сайқаллашади, янги-янги қирралари очилади, тобора тиниқлашиб, руҳий камолат сари кўтарилади.

Бироқ, инсон инсон-да, ўткинчи дунёга алдангани етмаганидай кўзга тез ташланувчи «юлдуз»ларга умид боғлайди ва тонг ёришиб, қуёш борлиқ узра заррин нурларини сочгандагина қалбида сон-саноқсиз армонлар ила адашганини англаб етади. Куннинг ҳақлигини кундузи барча баробарлигини тушунаверади. Бор ҳикмат шундаки, унинг қудратини тундаёқ ҳис этмоққа қодир тафаккур керак.

Инсоният яралганидан буён давом этиб келаётган сурункали офатлардан бири бу комил инсон қадрқимматини вақтида баҳолай олмаслик, қадрига етмаслик, илиқ нафасига қулоқ тутмай, ганимат дамларни ғафлатда, разолат ва жаҳолат исканжасида ўтказмоқликдир. Бироқ, бу ҳам хатонинг охири эмас. Ҳамма бало покликни инкор этиш билан нопоклар йўлига пойандоз тўшалишидадир. Гоҳо ҳайратдан ёқа ушлайсан: наҳотки, эзгуликнинг пешонаси бу қадар шўр бўлса, оқилликнинг пуч ёнғоқчалик қадри сезилмаса, яхшилар жазо топса, ёмонлар сарбаланд юрса?

Йўқ, бунчалик эмас. Ахир, инсон учун дил фароғатидан ортиқ неъмат борми? Нега гуноҳларимиздан пушаймон бўлиш, истиффор айтиш, тавба-тазарру қилиш, охиратни ўйлаш ўрнига охирги нафасга қадар моддий бойлик, мол-дунё учун ўзимизни ўтдан чўққа урамиз, дил ойнасини хиралаштирамиз. Ҳолбуки, бу дунёда чинакам қайғуришга арзийдиган битта йўқотиш бор, у ҳам бўлса, иймондан айрилмоқдир.

(А. Абдуллаев)



259-машқ. Жон таслим қилаётган шоирнинг қуйида берилган гапларини ўқиб олинг, муаллифини топинг ва ундаги фикрларни мунозарага айлантинг. Матнда сифатларнинг ишлатилишига алоҳида диққат қилинг.

«Мен сизларни Ватансиз қилдим. Ватанга яроғ кўтариб борманг. Агар шундай қилсангиз, мен гўримда тик тураман».

Юқорида фикр айтган шоир ҳатто ўз ўлиmidан сўнг ҳам Ватани узра фарзандларининг яроқ кўтариб боришини истамаган. Она — Ватаннинг муқаддаслигини бир умр қалбида сақлаган ва ана шу туйғуни фарзандларига ҳам сингдира олган.

260-машқ. Берилган грамматик топишмоқлар орқали сифат сўз туркуми бўйича олган билимларингизни синаб кўринг.

1. Озайтirma сифатлар

Ҳосил қилади — гина,

Ким топади бу — гина

Қачон бўлади — кина?

2. Шакли бошқа, маъноси

Бир хил бўлган қўшимча

Бундайин қўшимчалар

Сифат ясаб кўпинча?

3. Қуроқ, қайроқ, каттароқ,

Бироқ, тезроқ ҳам яроқ.

Сифат сўзни ким топади,

Уч-тўрт мисол келтирар.

4. Кўм-кўк, қизил, сап-сарик,

Думалоқ, оппоқ, яшил,

Булар қандай сифатлар

Маъносин ким изоҳлар?

5. Ширин сўз айтилса, бемор бўлар соғ,

Ўринсиз сўз билан кўнгил бўлар доғ,

Субҳидам ҳар қанча хушлол сайласа,

Хушовоз булбулдек бўлолмайдн зоғ.

Матнда қайси сўзлар

Топинг қандай сифатлар?

6. -ли, -сиз қўшимчалар бор,
маънодош, тенгдоши бор?

7. Поёнсиз, чексиз, тузсиз,
Эсиз, уйқусиз, борсиз
Олти сўзда олти — сиз,
Сифатларни топинг сиз?

8. — Чан дан олдин турар иш,
— Ки дан олтин турар қиш.
— Чан, -ки, иш, қиш бирлашиб
Қайси сўз ҳосил қилармиш?
9. Кес сўзи олади — гир,
Кес, чоп, том ҳам олар — гир.
— «гир олиб, кес, чоп, топ»лар
Айтинг, қандай ёзилар?

10. Ёшликда одатинг бўлса ҳарорат,
Ҳурматинг ўрнини олади нафрат.
Хушфеъллик болада яхши фазилат
Бунда бор отларми ёки сифат?

(Р. Сирожиддинов)

Жавоблар:

1. - гина қўшимчаси жарангсиз ундошдан сўнг-кина тар-зида бўлади.
2. -бе, -ба, -ли, -сиз қўшимчалари.
3. Қуроқ, каттароқ сўзлари.
4. Оддий ва орттирма даражадаги сифатлар.
5. Туб, ясама сифатлар, оддий даражадаги сифатлар.
6. -бе, -ба каби синонимлари бор.
7. Поёнсиз, чексиз сўзларидаги -сиз.
8. Ясама сифат.
9. Кескир, топқир, чопқир.
10. Яхши — сифат, хушфеъллик, ёмонлик, ҳурмат, нафрат — от.

Топшириқ:

Сиз нутқий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
Мисоллар билан тушунтиринг.



261-машқ. Гапларни кучиринг. Сўнгра ундаги сифатлар-ни алоҳида ёзинг, ҳар бирининг маъносини, гапдаги вазифасини, даражасини, содда ё қўшмалигини белгиланг.

1. Наддофлар кўчасининг ўнг томонида каттакон карвонсарой бўлиб Жомеъ ва Арк кўчасининг бошида қад кўтарган серҳашам мадраса билан ажойиб бир учликдан иборат силсила ташкил қилар, бир-бирига мутаносиб ҳусн қўшарди. 2. Бир неча дилтортар бўлмаларда ёшгина чўрилар, хурлиқодай канизаклар турарди. 3. Абу Бакр Калавийнинг энг эзгу амоли — киши кўнглини олиш, мискинли қалбини фараҳбахш этиш, ўзига зиён бўлса-да, ўзга дилини овлашдир. 4. Баланд бўйли, шопмўйлов бир йигит Абу Бакр Калавий олдида худди тол олдидаги теракдай серрайиб турарди. Ёнига қилич эмас, узун пичоқ осиб олганди... «Барваста қоматли, жуссадор, фил унинг салобати олдида хартумини ерга қўяди...» — ўйлади Абу Бакр Калавий. 5. Пошшойнинг шулми? — сўради нописандлик билан Аҳий Жаббор. 6. Толиби илмларга шул нарсга аён бўлсинким, бир бебаҳо рисола, рисолаи мажмуа бордир, илмга дил берганлар ўшани топмаклари лозим. 7. Рисолада Арасту, ал-Фаробий, Ибн Синоларнинг бебадал асарлари жам бўлмишдир... 8. Қизнинг очиқ чехралиги, унинг ойдай жамолига маҳлиё бўлган йигитни яна ҳам ўртантириб юборди. 9. Қизда ҳусну малоҳатдан бошқа ифодалаб бўлмас бир сеҳр-жоду ҳам мужассам экан, бунга йигитнинг имони комил эди. (Муҳаммад Али).



262-машқ. Берилган топшириқларни бажаринг.

1. Ясама сифат ўрнида икки сўзли бирикмадан ҳам фойдаланса бўладими?

2. Сифат ясовчилар антонимик муносабат ҳосил қилишини тушунтиринг.

3. Сифатлаш вазифасида келган каби, янглиғ, ўхшаш, сингари ва бошқа кўмакчилардан ҳам ўрни билан нутқимизда фойдаланилади. Буни мисоллар билан исботланг.



263-машқ. Машқни ўқинг. Синтактик усул билан ясалган сифатларни топинг. Уларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

ЁР-ЁР

Кудапошша, уйингизга келин келди, ёр-ёр,
Келинмас, бир умрга қизиз келди, ёр-ёр.

Ўғлингизга вафодор ҳамроҳ келди, ёр-ёр,
 Муҳаббатин ўзи-ла ола келди, ёр-ёр.
 Оппоқ ҳарир кўйлагин кийиб келди, ёр-ёр,
 Ширин сўзин тилига кўйиб келди, ёр-ёр.
 Маҳаллага лочин қуш учиб келди, ёр-ёр,
 Садоқату иффатни қучиб келди, ёр-ёр.
 Бу маконга анор юз кириб келди, ёр-ёр,
 Изли-қутли қадамин кўйиб келди ёр-ёр.
 Бу бахтли хонадонга сулув келди, ёр-ёр,
 Ширин сўзу, хушбичим тотув келди, ёр-ёр.
 Бу уйга бахти бекам гулноз келди, ёр-ёр,
 Ўз сепини саралаб, ҳур қиз келди, ёр-ёр.
 Оқ юзли келинингиз қаламқошдир, ёр-ёр.
 Узун соч, камтар бека, меҳнаткашдир, ёр-ёр,
 Қирқ кокилин орқага ташлаб келди, ёр-ёр.
 Юртга тинчлик, элга бойлик бошлаб келди, ёр-ёр,
 Барчангизга саломин бериб келди, ёр-ёр.
 Қайнонага қучоғин очиб келди, ёр-ёр,
 Бу уй бир умрлигин билиб келди, ёр-ёр.
 Тилло симли рўмолни бошга ёяр, ёр-ёр,
 Қайин-бўйин иззатин жойга қўяр, ёр-ёр.
 Қуёв болага берган чин сўзи бор, ёр-ёр,
 Келди келин — қизингиз таъзим ила, ёр-ёр,
 Бағрингизга босингиз меҳр ила, ёр-ёр.

(Фарида Абдумалик қизи)



264-машқ. Берилган сифатларни қавс ичидаги отлар-
 га бириктириб сўз бирикмаси ҳосил қилиб кўчиринг.
 Айрим сифатлар услубий жиҳатдан от билан сўз бирикмаси ҳосил
 қилолмаслик сабабларини тушунтиринг.

Хипча (бел, уй, иш), улуғ (китоб, инсон, табиат),
 чалкаш (фикр, қиз, мўъжиза), юмшоқ (сўз, фикр,
 пиёла), мазали (шўрва, иш, кўрпа), қишлоқи (бола,
 бугдой, ранг), қалин (сўз, китоб, соат), нотафон (кам-
 пир, пахта, мусиқа), кенг (саҳро, китоб, чойнак),
 гигант (уй, қанд, ер), яшил (овоз, бойлик, фикр),
 лақма (йигит, тиш, ручка).



265-машқ. Уйга топшириқ. Т. Маликнинг «Шайтанат» ро-
 манидаги Асадбек ҳамда А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»
 романидаги Анвар тимсолларига тавсиф ёзинг. Унда персо-
 нажларни тавсифловчи сифатларни топинг. Сифатларнинг услубий
 хусусиятини аниқланг.

266-машқ. Куйидаги матнни ўқинг, сифатларни топинг, уларни изоҳланг.

Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди. У ўлимдан кўрқмас, ёши саксонга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилахушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирор нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди.

Темур тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб, бу «ҳақгўй бўлсанг, нажот топарсан» демакдир.

(Ибн Арабшоҳ)

Таянч тушунчалар:

туб сифат, ясама сифат, олд қўшимча, сифат ясовчи қўшимчалар синонимияси

ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қайси қаторда аслий сифатлар берилган?

- A. *Кўк, ёзги, қайноқ*
- B. *Оғир, тўғри, шўх*
- C. *Синиқ, сирпанчиқ, олғир*
- D. *Мазали, серсув, беор*
- E. *Ишсиз, сирпанчиқ, кескир*

2. Нисбий сифатларнинг тўлиқ қаторини топинг.

- A. *Сарғиш, оқимтир, кўкроқ*
- B. *Тиниқ, думалоқ, сарғиш*
- C. *Тепки, элак, ўроқ*
- D. *Кўрқоқ, қадрдон, бўртма*
- E. *Ёшлик, қувалик, русча*

3. Сифат ясовчи қўшимчалар қаторини топинг.

- A. *-ма, -дон, -зор*
- B. *-ин, -ий, -сиз*
- C. *-ли, -лик, -ла*
- D. *-вий, -симон, -лан*
- E. *Барча қаторда сифатловчи қўшимчалар берилган*

4. Озайтирма сифатлар берилган қаторни аниқланг.

- A. *Ним пушти, сариқроқ, мард*
- B. *Жасурроқ, сал дангасароқ, узун*
- C. *Кўкимтир, сарғиш, сал дангасароқ, дардманд*
- D. *Мардона, дардчил, бадавлат*
- E. *Сап-сариқ, энг узун, жуда омадли*

5. Сифатнинг гаптаги асосий вазифасини белгиланг.

- A. *Эга*
- B. *Тўлдирувчи*
- C. *Аниқловчи*
- D. *Кесим*
- E. *Ҳол*

6. Отлашган сифат берилган қаторни белгиланг.

- A. *Мард инсон ўзидан ожизларни камситмайди.*
- B. *Санамай саккиз дема*
- C. *Юрган — дарё, ўтирган — бўйра*
- D. *Тўғри ўзади, эгри тўзади*
- E. *Барча жавоблар тўғри*

7. Содда туб сифатлар берилган қаторни топинг.

- A. *Талабгор, олмоқ, ўткир*
- B. *Жигар ранг, юзсиз, баландгина*
- C. *Зерикарли, чопағон, тоғли*
- D. *Яшил, донороқ, қизғиш*
- E. *Тўғри жавоб йўқ*

8. Сифат + от кўринишидаги қўшма сифатни топинг.

- A. *Кул ранг*
- B. *Калтафаҳм*
- C. *Ҳозиржавоб*
- D. *Шаҳарлараро*
- E. *Ўзиқайнар*

9. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» бирикмасидаги сифатнинг гаптаги вазифасини белгиланг.

- A. *Эга*
- B. *Тўлдирувчи*
- C. *Кесим*
- D. *Ҳол*
- E. *Аниқловчи*

10. Сифатга хос бўлмаган фикр қайси қаторда берилган

- A. *Турланади*
- B. *Атлашади*
- C. *Тусланади*
- D. *Ясалади*
- E. *Барча жавоблар тўғри*

25-д а р с

СОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Сон ва унинг услубий хусусиятлари бўйича талабаларда билим ҳамда кўникма ҳосил қилиш.

- Р е ж а:** * Сон ҳақида маълумот.
* Соннинг тузилиши ва маъно турлари.
* Қўшма сонларда сонлар тартиби.



1-топшириқ: Таржимаи ҳолингизни ёзинг. Қандай сонлардан фойдаланганингизни айтинг.

2-топшириқ: Бир сонига -та, -тадан, -инчи қўшимчаларини қўшинг ва уларнинг маъноларини тушунтиринг.



Саналувчи предметларнинг миқдорини, сон-саноғини, тартибини билдирган сўз туркумлари сон дейилади. Сонлар неча? қанча, нечта? нечанчи? қанча? сўроқларига жавоб бўлади. Масалан, ўн, икки, беш; ўнта китоб, ўнинчи синф, ўнтадан олма, учала киши каби.

Ҳозирги ўзбек тилида предметнинг миқдорини, сон-саноғини ифодалаш учун кўпроқ йигирма учта сондан фойдаланилади. Булардан тўққизтаси бирлик сонлар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз*; тўққизтаси ўнлик сонлар: *ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон*; бештаси юзлик, минглик ва юқори сонларни билдиради: *юз, минг, миллион, миллиард*. Бу сонларнинг барчаси миқдорга эгалик маъносини ифодаловчилар сифатида «нол»га зидланади. Нол сон миқдорга эга эмаслигини билдиради. Қолган сонлар бирлик сонларнинг ўнлик сонга қўшилиувидан (*ўн бир, йигирма беш, тўқсон тўққиз*) шунингдек юзлик ва ўндан юқори сон олдидан бирлик, ўнлик сонларнинг келтирилишидан (*бир юз эллик минг, тўққиз миллион, икки юз миллион, ўн бир минг беш юз*) ҳосил бўлади.

Сонлар маъносига кўра саноқ сонлар, тартиб сонлар, жамловчи сонлар, дона сонлар, тақсим сонлар, чама сонларга бўлинади. Соннинг маъно турларини қуйидаги чизмада кўринг.



Бу кўрсатилган сон турларидан ҳар қайсисининг ўз шакллари мавжуд. Бош шакл орқали ифодаланган миқдор номларига саноқ сонлар дейилади. Масалан, *бир, ўн, йигирма, минг, миллион* каби.

Предметнинг тартибини билдирган сонларга тартиб сон дейилади.

Тартиб сонлар саноқ сонларга *-нчи, -инчи* қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади. Булардан *-нчи* унли билан тугаган, *-инчи* ундош билан тугаган сўзларга қўшилади. Масалан, *беш — бешинчи, ўн — ўнинчи, икки — иккинчи*.



Предмет миқдорини жамлаб кўрсатган сонларга жамловчи сонлар дейилади. Жамловчи сонлар саноқ сонга *-ов, -ала баъзан -овлон* (эски шакл) қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади. Жамловчи сонлар отлашган хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун жамловчи сон қўшимчалари кўплик ва уч шахсдаги эгалик қўшимчаларидан бирини олиб келади. Масалан, *беш — бешови — бешовлари, уч — учаласи — учалалари, икки — икковлон, иккаласи* каби. Мисол: *Тўртовлон тугал бўлса, кўкдагини ундирар, олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар*. Кўриниб турибдики, *-ов, -овлон* бирлик сонларга, иккидан юқорисига қўшилади. Бир сонига *-ов* қўшимчаси қўшилиб жамловчи «кимдир» деган маънода қўлланадиган *биров* сўзи сон маъносини йўқотиб, олмош туркумига ўтган.

-ала қўшимчасини олган сон эгалик қўшимчасини олмаслиги ҳам мумкин. У вақтда сон отлашмаган бўлади. Масалан, *иккала киши*.

Жамловчи сон қўшимчалари унли билан тугаган сонларга қўшилганда, сон охиридаги унли тушиб қолади. Масалан: *икки — иккови, иккаласи; етти — еттови, етталаси* каби.



Предмет миқдорини доналаб ифодалайдиган сонлар дона сон дейилади. Дона сонлар санок сонга *-та* қўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Масалан, *беш — бешта, ўн — ўнта*. Бу қўшимча фақат доналаб саналиши мумкин бўлган предметларни санаш учун қўлланилади. Масалан, *ўнта китоб, бешта дафтар*, лекин *ўнта керосин, бешта бензин* деб бўлмайди. *Ўнта* сув дейилиши мумкин, лекин бу вақтда *ўнта* сони шиша маъносини ҳам ўз ичига олади. *Ўнта* сув «*ўн шиша сув*» маъносида қўлланилади. Шунингдек, машинага қуйилган бензин ҳақида гап кетганда, *ўнта қуй, ўнтитизта қуйдим*, деган жумлаларни эшитамиз. Бундай вақтда дона сон «литр» маъносини ҳам ўз ичига олади. *Ўнта қуйдим жумласи «ўн литр қуйдим»* маъносини ифодалайди.



Предмет миқдорини тақсимлаб ифодалайдиган сонларга тақсим сон дейилади. Тақсим сонлар санок сонга *-тадан* қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил бўлади ва иккитадан ортиқ предметларнинг бўлакларга тенг ажратилганини билдиради. Масалан, *иккитадан, ўнтадан* каби.



Предметнинг тахминий миқдорини билдирган сонлар чама сонлар дейилади. Чама сонлар сон асосига *-тача, -лаб* қўшимчалари қўшиши орқали ҳосил бўлади. Масалан *ўнтача, минглаб* каби.

Эслатма: Ўзбек тили тарихида миқдорни ифодалаш учун *лак* (юз минг), *туман* (минг) сонлари ҳам ишлатилган.

Соннинг маъносига кўра турлари ва уларни ҳосил қилиш воситаларини қуйидаги жадвалдан кўринг:

	сон асоси	қўшимча	сон тури
уч		-инчи	тартиб сон
		-ов, ала	жамловчи сон
		-та	дона сон
		-тача	чама сон
		-тадан	тақсим сон

Э с л а т м а: уч, етти, тўққиз, қирқ каби сонлар сеҳрли сонлар сифатида ҳам талқин қилинади.



267-машқ. «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» тўпламида берилган сонларни кўчиринг, маъносига кўра турини устига ёзинг.

«Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» тўпламини тилга олганимиздаёқ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий хаёлимизга келади. У ислом оламида Қуръондан кейинги китоб ва «Кутуб ас-ситта» (олти ҳадис тўплами)нинг аввалгисидир. Мазкур асар ҳақида муаллифнинг ўзи шундай дейди: «Ҳадисларни тўпламга киритишимдан аввал ғусл қилиб, сўнг икки ракаат истихора намозини ўқир эдим. Мен бу тўпламдаги ҳадисларни жами олти юз минг аралаш ва икки юз мингта саҳиҳ ҳадислар орасидан ажратиб олдим.

Тўпламни ёзиш учун ўн олти йил умримни сарфладим. Токи бу Оллоҳ билан менинг ўртамда ҳужжат бўлсин учун» (Имом аз-Заҳобий, «Сийор аълом ан-Нубало», 12-жилд, 391-бет).

Тўплам 97 та китоб (фасл) ва 3405 та боблардан иборат. Тўпламдаги ҳадисларнинг сони эса қуйидагичадир:

Мутабаъат (кетма-кет давом этувчи) ҳадисларнинг сони 344 та.

Таъалиқ (ҳошиясида изоҳ билан келган) ҳадисларнинг сони 1341 та.

Такрор келмайдиган мавсула (Муҳаммад пайгамбарга боғланган) ҳадисларнинг сони 2602 та.

Такрор келадиганлар сони 7397 та.

«Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг барча ҳадислари 183 та саҳоба воситаси билан ривоят қилиниб, уларнинг 31 таси аёллардир.

Тўпламдаги энг кўп ривоят қилган саҳобалар алоҳида бешликни ташкил қилади. Унинг турлича нусхалари нашр қилинган. «Булоқ» номли 8 жилддан иборат бўлган нусхаси 1313—1895 йилда нашр этилган. Бу султон Абдул Ҳамид тасарруфи билан беш минг нусхада чоп этилган.



268-машқ. Ҳаётингиз давомида рўй берган энг эсда қоларли йил ва кунларни эсга олинг ҳамда ёзинг. Нима учун шу сана хотирангизда сақланиб қолинганига қисқача изоҳ беринг.

269-машқ. Матндаги отлашган сонларни топинг.

1. Таёғи йўғон бирни урар, сўзи йўғон мингни урар.
2. Тўққизида бўлмаган ақл, тўқсониди ҳам бўлмас.
3. Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар. Тўртовлон тугал бўлса, кўкдагини ундирар.
4. Тўртовлон анча суҳбатлашди, кейин иккитаси уй ичида қолди, яна иккитаси эса отига миниб йўлга равона бўлди.
5. Мингта ширин насиҳатдан битта ўрнак яхши.
6. Бирни берсанг отангга, мингни оласанг болангдан.
7. Бешовининг ҳам фикри бир ердан чиқди.
8. Икки ёмон қўшилса, кенг дунёга сиғмайди.

270-машқ. Кўчиринг. Нотўғри қўлланган сонларни тўғри шаклда ёзинг. Услубий хатоларга изоҳ беринг.

1. Сизлар етиб келганингизда соат бешларда эди.
2. Ҳар гектар ердан 40 центнерда пахта топширганларга офаринлар айтдик.
3. 10 гектарчадан ерда маккажўхори етиштирдик.
4. Санамай сакизтача дема.
5. Шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари юзасидан 140 ларча деҳқон хўжалигида мониторинг ўтказилди.
6. Йигирма уч йигирма тўрталови кунлари республика хўжалик судларининг 2000 йилинчи фаолияти якуни ва олдинда турган вазифаларни янада юқори даражада таъминлашга қаратилган Пленум бўлиб ўтди.
7. Ҳуқуқни билмаганлар сони 2 та баробарга камайди.
8. «Инсон ва Қонун» газетаси 1996 йил ўттизови январидан чиқа бошлаган.
9. Биттага кессанг, ўнтага эк.

271-машқ. Сон туркумига оид грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

Бири номлар, бири санар,	Картадан ҳам биттадан,
Бири белги билдирар.	Бутадан ҳам учтадан.
Қандай сўзлар экан улар,	Тақсим сон қўшимчаси
Ким мисол билан айтар?	Топинг-чи қайси -тадан?

Айтишда қўшимча,	Зўр киши бирни йиқар,
Ёзганда чизиқча?	Билимдон мингни йиқар.
Нима -тача, -ларча, -лаб,	«Бирни», «мингни» сўзлари
Нарса санар чамалаб?	Топинг-чи, қандай сўзлар?

Икки, еттида бордир,	Олти бўлибди олтов,
Саккиз, тўққизда бордир.	Етти бўлибди еттов
Яна қайси сўзда бор?	Олти, еттидаги и
Ўйлаб топинг нима бор?	Нега тушибди дарров?

Қирқ беш — тоқ сон,	Сон ва отдан тузилар,
Ўттиз — жуфт сон.	Қандай сон ҳисобланар?
Қирқ беш, ўттиз	Ўйлаб топ бир минутда,
Қандай бўлак,	Мисоли ҳам бор бунда.
Тире бунда нега керак?	

Икки нолча ўртасида
Қия турар бир чизиқ,
Қайси сўзнинг белгиси у
Ўйлаб топинг-чи, Қизиқ?

Топишмоқларнинг жавоблари

1. От, сон, сифат сўзлар.
2. Тартиб сон қўшимчаси — чизиқча.
3. Қатор келган бир хил ундошли сонлар номи.
4. Эга ва кесим орасида тире қўйилади.
5. Биттадан, учтадан.
6. Отлашган сонлар.
7. 6 сонига — ов қўшилса и унлиси туширилади.
8. Минглаб, ўнлаб, юзлаб.
9. Миқдор сон — бир дақиқа.
10. Фоиз белгиси.

Таянч тушунчалар:

Сон, дона сон, тартиб сон, жамловчи сон, чама сон, тақсим сон.

26-д а р с

СОН ВА ЎЛЧОВ СЎЗЛАР. СОНЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

26.1. СОН ВА ЎЛЧОВ СЎЗЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Ўқувчиларга ўлчов бирликлари ҳақида маълумот бериш ва уларни ифодаловчи сўзлардан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

Р е ж а: *Ўлчов бирликлари ҳақида.

* Ўлчов бирликларини ифодаловчи сўзлар ва уларнинг турлари.



Топшириқ: Ўн шиша ёғ, бир литр сув, ўн килограмм пахта, беш километр (чақирим) йўл бирикмаларидаги шиша, литр, килограмм, километр, чақирим сўзларининг қандай ўлчов бирликлари эканлигини айтинг.

Сон билан саналаётган предмет ўртасида кўпинча ўлчов сўзлари қўлланилади.

Тилимизда турли хил ўлчовлар ва шу ўлчовларнинг ўз бирликлари бор. Улар қуйидагича:

№	Ўлчов турлари	Ўлчов бирликлари (ҳозирги)	Тарихий ўлчов бирликлари
1.	Оғирлик ўлчовлари	Миллиграмм, грамм, кило- (грамм), литр, тонна, центнер	Мисқол, бот- мон, пайса, даҳсар
2.	Узунлик ўлчовлари	Миллиметр, сантиметр, дици- метр, километр.	Ч а қ и р и м , қарич, ёғоч, газ, қадам
3.	Доналик ўлчовлар	Дона, бош, на- фар, туп	Дона, бош, нафар
4.	Майдон ўлчовлари	Сотих, гектар	Таноб



Саноқ сон билан саналаётган предмет ўрта-сида қўлланадиган ўлчов бирликларига ўлчов сўзлари дейилади. Масалан, *ўн кило (грамм) ун, уч тонна пахта, беш километр йўл* каби.

Юқорида санаб ўтилган ўлчов бирликларининг айримлари ўлчанаётган, саналаётган предметнинг қандайлигига хосланган бўлади. Масалан, *нафар* шахсларнинг, *бош* ҳайвонларнинг, *литр* суюқликларнинг, *туп* ўсимликларнинг миқдорини ифодалашга хосланган: *беш туп дарахт (помидор), ўн бош қўй, тўрт нафар талаба* каби.

Ўлчов сўзлар ичида айримлари фақат ўлчов — ҳисоб маъносини билдирса, айримлари алоҳида олинганда предмет номини, матн ичидагина ўлчов бирлиги маъносини билдиради. Масалан, суюқлик ўлчови учун *пақир (челак), шиша, бочка*; ҳашак-ўтинларни ўлчаш учун *тутам, қучоқ, боғ*; узунликни ўлчаш учун *қарич, қадам, ёғоч* сингари сўзлар фақат матн ичидагина қўлланилади. Масалан, *беш шиша минерал сув, уч бочка пиво, бир пақир ёғ*; *юз боғ беда, бир қучоқ ўтин, бир тутам ҳашак, уч қарич газмол, беш қадам йўл* каби.

Алоҳида олинганда эса нарса ва ҳодисаларнинг номини билдиради. *Шиша, пақир, қарич, қадам* каби.



Савол ва топшириқлар

1. Ўлчов сўзлари деганда қандай сўзларни тушунасиз?
2. Ўлчов сўзларининг қандай маъно турларини биласиз?
3. Соф ўлчовни билдирадиган сўзлар билан фақат матн ичида ўлчов билдирадиган сўзларни айтинг.



272-машқ. Берилган сўзларни тўртта устунга бўлиб кўчиринг, яъни:

Узунлик
билдирувчи
Вақт ўлчовини
билдирувчи

Ёш ҳисобини
билдирувчи
Пул ҳисобини
билдирувчи

Танга, тилло, аср, йил, ёш, яшар, таноб, қулоч, ойлик, ой, ҳафта, сўм, тийин, соат, кундуз, кунлик, қадам, метр, пақир, минут, мири, чиқим, километр, дақиқа, сония, лаҳза, чақа, доллар, бир карра, қирқи бўлди, бутун йигирмаси, чақирим, 2 кун, 60 йиллик.



273-машқ. Бутуннинг, гуруҳнинг ёки туданинг қисми-ни ҳисоблаш учун ишлатиладиган қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Бурда, пара, варрак (саҳифа), оғиз, луқма, сиқим, тилим (карч), чимдим, қултум, томчи, қатра, чақмоқ, нимта, тўғрам, пой, бўлак, шингил.



274-машқ. Тудалаб, гуруҳлаб кўрсатувчи ҳисоб сўзларини ўқинг. Улар иштирокида «пул бозорида» номли қисқача боғланишли матн тузинг.

Ҳисоб сўзлари:

Гала, тўп, гуруҳ, тўда, даста, боғ (боғлам), қучоқ, мода, нафар, ҳовуч.

275-машқ. Ҳисоб сўзлари от туркумидаги сўзлардан иборат бўлишига мисоллар айтинг. Маълумки нутқимизда ҳисоб сўзларининг ишлатилиш доираси кенг ва турли-тумандир. Қадимдан предметларни ўлчаш учун турли идишлар ёки бошқа ўлчов воситалари ишлатилган. Улардан айримларининг ишлатилиши торайган ёки кенгайган. Ёзинг!

Торайган

Кенгайган

Сўзлар: қадоқ, жон, таноб, газ, саржин, пайса, тахта, энлик, сўлкавой, тош, пуд, маҳал (вақт), юма-лоқ, меҳнат куни, гектар, кубометр, киловатт, соат, сотих, метр, кило, минут, фоиз, нафар, туп, шиша, пақир, боғ, қучоқ.

Таянч тушунчалар:

Ўлчов сўзлари, оғирлик ўлчовлари, узунлик ўлчовлари, доналик ўлчовлар, майдон ўлчовлари, ҳисоб сўзлар

26.2. СОНЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Сонларнинг услубий хусусиятларини тушунтириш орқали талабаларнинг нутқий малакасини ошириш.

Р е ж а: * Сонларнинг миқдор билдирувчи бошқа сўзлардан фарқи.

* Сонларга қўшимчаларнинг қўшилиши.



1-топшириқ: Кўп сўзи билан ўнта сўзини бирининг ўрнида иккинчисини қўлланг.

2-топишириқ: -ов, -ала қўшимчаларини ўнлик сонларга қўшинг. Бир сонига -ов қўшимчасини қўшганингизда қандай маъно ифодаланини айтинг.

Сонлар предметларнинг аниқ миқдорий белгиларини билдиради. Ана шу хусусияти билан миқдор билдирувчи сўзлардан фарқ қилади. Солиштиринг: *Магазиндан китоб олдим (миқдори биттами, ундан ортиқми, номаълум). Магазиндан кўп китоб олдим (Миқдори биттадан ортиқ, лекин нечталиги номаълум). Магазиндан ўнта китоб олдим (Миқдорнинг нечталиги аниқ).*

Бирдан бошқа сонларнинг барчаси предмет билдирувчи сўзларга қўшилиб, унинг биттадан ортиқлигини, кўплигини ифодалаганлиги учун сон билан бирга келган отлар кўплик шаклиларни олмайди. Масалан, *олма — олмалар*. Лекин *иккита олма, ўнта олмани иккита олмалар, ўнта олмалар* деб бўлмайди. Бу ўзбек адабий тили учун меъёرنинг бузилиши бўлади.



Сонларга -ов, -ала қўшимчалари қўшилиб жамлик маъноси англашилади. Бу қўшимчалар жамлик маъносини ифодалар экан, демак, улар бир сонидан бошқа сонларга қўшилади. Масалан, *икковимиз* дейиш мумкин, лекин *бираламиз* дейилмайди. -ов бир сонига қўшилиб жамликни эмас, балки гумон-тахмин маъносини билдиради ва олмош сўз туркумига ўтади: *Биров (кимдир) келди*.

-ов, -ала қўшимчалари икки сонидан йигирма сонигача қўшилади, лекин йигирма сони бу қўшимчалар билан қўлланилмайди. *Ўн — ўнови* дейиш мумкин, бироқ *йигирма — йигирмови — йигирмаласи* дейилмайди.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, сонлар тузилишига кўра икки турли бўлади: 1. Содда сонлар; 2. Қўшма сонлар. Фақат бир таркибдан (битта сондан) ташкил топган сонлар содда сонлар дейилади. Масалан, *икки, уч, ўн, йигирма* ва бошқалар.

Икки ва ундан ортиқ таркибдан (сондан) ташкил топган сонлар қўшма сонлар дейилади. Масалан, *ўн икки, бир юз йигирма, бир миллион, икки минг уч юз ўн*. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сон таркибий қисмларининг қатъий жойлашиш ўрни бор: юзгача бўлган сон-

лардан олдин катта сон, ундан сўнг кичик сон келади. Масалан, *ун бир, ўттиз беш* каби. Юзликдан кейинги сонларда бирлик ва ўнлик сонлар улардан олдин келиши ҳам, кейин келиши ҳам мумкин. Бирлик ва ўнлик сонлар юзлик, минглик сонларнинг қаерида келишига кўра маъно жуда кучли фарқланади:

Бирлик ва ўнлик сонлар, юзлик ва ундан ортиқ сонларнинг олдида келса, юзлик ва ундан ортиқ сонларнинг олдида келган сон қанча бўлса юзлик ва ундан ортиқ сонлар шунча баробар ортиқ эканлиги англашилади. Масалан, икки юз дегани иккита юз деганидир. Аксинча, бирлик ва ўнлик сонлар юзлик ва ундан ортиқ сонлардан кейин келса, юзлик ва ундан ортиқ сонларнинг бирлик ўнлик сонлар билан ортганлигини билдиради. Масалан, икки юз уч дегани иккита юзу ва унга учнинг қўшилув деганидир.



Савол ва топшириқлар

1. Сонлар қандай миқдорни билдиради?
2. Сон билан келган отлар -лар билан кела оладими?
3. -ов, -ала қўшимчалари қандай сонларга қўшилади.
4. Қўшма сон қисмлари қандай жойлашади?



276-машқ. Матнни ўқинг. Унда ишлатилган сонларни кўчириб, уларнинг маъносини, морфологик ва синтактик хусусиятларини аниқланг.

САБР-ҚАНОАТ ҲАҚИДА

Сабр-қаноат инсонлар учун буюк бир фазилат. Инсон ҳар бир ишни сабр ва қаноат билан олиб борса, мақсадига эришади. Тинч ва роҳатда яшашни истаган киши ҳар ишда ошиқмай оҳиста ҳаракат қилади, нафсини фалокатдан, ғурурдан сақлайди. Сабр бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлишимизни талаб этади, шунинг учун ҳам, биринчидан, ҳар бир ишда сабр билан ҳаракат қилиш лозим. Ислом динида сабр юксак ахлоқий фазилатлардан бири бўлиб, мўмин-мусулмон кишининг руҳий таянчи ва ҳидоятга бошловчи омилдир. Сабр ҳақида «Қуръони карим»да етмиш мартаба зикр қилингани ҳам бежиз эмас. Бошқа ҳеч қайси фазилат бу миқдорда зикр этилмаган. Шунинг учун ҳам «Қуръони карим»нинг «Анфол» сурасининг 46-оятида «Сабр-тоқат қилингиз! Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир», — дейилган.

«Қуръон» сабрли кишиларда уч хислат борлигини, бу хислатлар улардан бошқаларда бўлмаслигини айтади.

Биринчиси, уларга Аллоҳнинг мағфирати бўлади. Бу улар учун мақтов бўлиб, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам шарафдир.

Иккинчиси, Аллоҳнинг раҳмати. Мусибат учун Аллоҳ лутф ва эҳсон қилади.

Учинчиси улар ҳидоятда юрган кишилар саналади. Ҳақ ва тўғри йўлда эканликлари учун мусибат чоғида ўзини қандай тутиш керак бўлса, шундай тутганликлари, боис уларга хафагарчилик ва дарду ҳасрат ўз ҳукмини ўтказа олмаслиги таъкидланади.

Сабр-тоқатли киши ҳар бир ишда диёнатли, адолатли бўлади. У бошқаларнинг камчилигидан кулмайди, аксинча унга яқиндан ёрдам беради. Сабр-қаноатли одамда атрофдагиларга ҳузур бағишлайдиган одатлар пайдо бўлади. Сабр-тоқат қанчалик оғир бўлмасин, кейинроқ шодлик келтиради. Шу боис, сабр билан зафар бир-бирига қадимдан дўст бўлиб келмоқда.

(У. Маҳкамов)



277-машқ. Матнни ўқинг. Сонларни топиб, уларнинг услубий хоссаларини аниқланг.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Ўрта Осиёда XIX асргача ҳижрий йил ҳисоби қўлланган. У милодий 622 йил 16 июлдан бошланади. Бир ҳижрий йил 12 ой, бир ой эса Ой фазаларининг такрорланиш (масалан, янги Ой чиқиши) даврига тенг ва 29, 30 кундан иборат. Шунинг учун тоқ рақамли ойлар 30 кун, жуфт рақамли ойлар 29 кун ва бир ҳижрий йил 354 кунга тенг.

А л г о р и т м: Ҳижрий йилни милодийга ўтказиш учун уни 0,97 га кўпайтириб яхлитлаш ва 622 ни қўшиш керак. Мисол: Беруний ҳижрий 362 йилда туғилган. $622 \times 0,97 = 351,14$ —351; $351 + 622 = 973$. Демак, Беруний таваллуди милодий 973 йил.

А л г о р и т м: Милодий йилни ҳижрийга ўтказиш учун 621 ни айтириб, 1,03 га кўпайтириш ва яхлитлаш керак. Мисол: Алишер Навоий таваллуд топган 1441 йил учун $1441 - 621 = 820$, $820 \times 1,03 = 844,6$.

И з о ҳ: Алгоритмлар тақрибий — бир йилга фарқ қиладиган натижа бериши мумкин.



278-машқ. Қуйидаги ҳадиснинг мазмун моҳиятини очиб беринг. Ўзаро фикрлашинг.

Мўмин мўмин учун бир-бирини суяб турган икки бино янглиғ бўлмоғи лозим.

279-машқ. Ўқинг. Матнда ишлатилган сонларга диққат қилинг.

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Ҳадис илмида «Амирул мўминин», «Имом ул-муҳаддисин» деган шарафли номларга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий 194 ҳижрийда (810 йил, 10 июль) Бухоронинг Хартанг қишлоғида таваллуд топган. 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига боради ва ҳадисни ўрганиш мақсадида Ҳижозда қолади. У Басрада бўлганида 16 кунда 15 мингдан зиёд ҳадисни ёд олган. Икки марта Шом, Миср, Жазирага борди, тўрт марта Басрага сафар қилди. Олти йил Ҳижозда яшади. Ривоятларга қараганда, юз мингга яқин ҳадисни иснод билан ва яна икки юз минг ҳадисни шунчаки ёд олган.

Имом ал-Бухорий «Саҳиҳ»ни тўплагандан сўнг Бухорога қайтади. Найсабурда уни тўрт минг суворий чиқиб, катта тантана билан кутиб олгани маълум. У Бухорога қайтар экан, шаҳарга бир фарсаҳ қолганда бир чодир тутиб, дам олиш учун тўхтайтиди. Шаҳар аҳли унга пешвоз чиқди. Самарқанд аҳли эса унга мактуб йўллаб ўз шаҳарларига таклиф қилган. Бухорий таклифни қабул қилиб йўлга отланади. Самарқанддан икки фарсаҳ масофада жойлашган она қишлоғига етгач, қавму қариндошлари ёнида тўхтайтиди. Бир муддат ўтгач, муҳаддис 256 йил ҳижрийда, фитр байрами, пайшанбага ўтар кечаси вафот этади ва ўша ерда дафн этилади. («Шарқ машъали» 1998, 3—4 сон.)

Таянч тушунчалар:

Бирлик сон, ўнлик сон, содда сон, қўшма сон, сонларда жамлик маъноси, сонларда гумон маъноси.



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбек тилида туб сонлар миқдори нечта?

- A. 35 та
- B. 24 та
- C. 23 та
- D. 25 та
- E. 21 та

2. Дона сон берилган қаторни топинг.

- ☒ A. Ўнта дафтар сотиб олдим
- B. Икки ёрти бир бутун
- C. Йиғилишга ўнтача одам келди
- D. Бири дўстим, иккинчиси акам бўлади
- E. Ҳар биримизга ўнтадан дафтар тегди

3. Сонга хос бўлмаган хусусият қайси қаторда тўғри берилган?

- A. Эғалик қўшимчаларини олади
- B. Турланади
- C. Отлашади
- D. Ясалади
- E. Барча жавоблар тўғри

4. Соннинг маъно турларини ясовчи қўшимчалар қандай қўшимчалар саналади?

- A. Сўз ясовчи
- B. Сўз ўзгартирувчи
- C. Турловчи
- D. Тусловчи
- E. Сўз шакли ясовчи

4. Бирники мингга, мингники туманга мақолидаги туман сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган.

- A. Ўн минг
- B. Юз минг
- C. Эллик минг
- D. Бир миллион
- E. Чексиз сон

6. Отлашган сон берилган қаторни белгиланг.

- A. Юзта сиз-биздан битта жиз-биз яхши
- B. Бирни кессанг, ўнни эк
- C. Уруш миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди.

D. Иккинчи қаватга кўтарилдик

E. Бундай гап берилмаган

7. Бешаласи ҳам Самарқанддан бўлишади гапидаги соннинг синтактик вазифасини белгиланг

A. Эга

B. Тўлдирувчи

C. Кесим

D. Ҳол

E. Тўлдирувчи

8. -лаб ва -ларча қўшимчалари сондан ташқари яна қайси сўз туркумида учрайди.

A. От сўз туркумида

B. Сифат сўз туркумида

C. Равиш сўз туркумида

D. Феълда

E. Олмошда

9. Ясама сонлар берилган қаторни топинг.

A. Ўнта, ўнтадан, ўнтача,

B. Юзлаб, минглаб, иккинчи

D. Биров, учаласи, тўртови

E. Бундай жавоб берилмаган

10. -ов, -овлон, -ала қўшимчалари сонлари қўшилганда қандай ўзгариш рўй беради.

A. Товуш тушади

B. Товуш ўзгаради

C. Товуш орттирилади

D. Товуш тушади ва орттирилади

E. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди

27-д а р с

ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Олмошларнинг маъно хусусиятлари ҳақидаги талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш.

Р е ж а: * Олмош ва унинг вазифалари.
* Олмошларнинг маъно турлари.



Топшириқ. «Мингта сиз-биздан битта жиз-биз яхши», «Сен ҳам сиз ҳам бир оғиздан чиқади» мақолларининг таркибида келаётган олмошларнинг услубий хоссаларини изоҳланг. Сиз ҳам олмошлар иштирокида гаплар тузинг.

Беруний Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот (Кат) шаҳрида туғилган. Унинг исми Муҳаммад, отасининг исми эса Аҳмаддир. Бу гапда Беруний атоқли оти ўрнида Унинг сўзи алмашиб, атоқли от ифодалаган маънони англатади. Ёки: *«Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилма. Бу ҳеч қачон ёдиндан чиқмасин.* Мазкур гапда эса бу сўзи олдинги бутун гап ўрнида алмашиб келяпти.



Барча мустақил сўз туркумлари ва ҳатто ёрдамчи сўзлар ҳамда гап ўрнида алмашилиб келган сўзларга олмош дейилади.

Олмошлар от, сифат, сон, равиш, феъл ўрнида ва баъзан ёрдамчи сўз, гап ўрнида алмашилиб келади. Масалан, *Гул очилди. Унинг очилиши кишиларга роҳат бағишлади. Гулларнинг кўпи пушти рангда. Ана шу ранг менга жуда ёқади. Карим гулларни уза бошлади. Бу эса боғбоннинг жаҳлини чиқарди. Ва боғловчиси ўзаро тенг маъноли гапларни боғлайди. Бу тенг боғловчилар сирасига киради.* Бу гапларнинг биринчисида *гул* (от) ўрнида у, иккинчисида *пушти* (сифат) ўрнида *ана шу*, учинчи гапда *уза бошлади* (феъл) ўрнида *бу сўзлари*, тўртинчи гапда *ва боғловчи* ўрнида *бу олмоши* алмашилиб келяпти.

Олмошлар бевосита аташ маъносига эга бўлмаганлиги учун «ичи бўш сўзлар» деб ҳам юритилди.

Олмошлар қандай сўзларнинг ўрнида алмашилиб келиши ва қандай маънони ифодалашига кўра бир неча маъно турларига бўлинади. Буни қуйидаги жадвалда кўринг:

№	Олмошларнинг маъно турлари	Маънолари ва таърифи	Мисоллар
1.	Кишилик олмошлари	Шахс маъносини билдирувчи отлар ўрнида алмашилиб келади ва уларга ишора қилади. Шахс маъносини билдирувчи сўзлар ўрнида қўлланиб, унга ишора қилувчи олмошларга кишилик олмошлари дейилади.	мен (камина) — биз сен — сиз у — улар (алар)
2.	Кўрсатиш олмошлари	Мустақил сўзлар ёки гаплар ўрнида келиб, уларни кўрсатиб келади. Мустақил сўзлар орқали ифодаланган шахс, предмет белги, ҳаракатларни кўрсатиб келган олмошларга кўрсатиш олмошлари дейилади.	у, бу, шу, ўша, мана бу, (мана-ви), мана шу, ушбу
3.	Сўроқ олмошлари	Сўзловчига номаълум бўлган шахс нарса, белги-хусусиятларни сўраш маъносини билдиради. Шахе, нарса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатларни сўраш учун ишлатиладиган олмошларга сўроқ олмошлари дейилади.	ким? нима? қачон? қайси? қанча? неча? нимага? қани? нима қилди? нима бўлди?

4.	Биргалик — ажратиш олмошлари	Шахс, нарсa, белги — хусусият билдирувчи мустақил сўзлар ўрнида алмашиниб, уларнинг маъносини умумлаштириб, жамлаб, келади. Мустақил сўзлар ўрнида келиб, унинг маъносини жамлаб умумлаштириб келувчи олмошларга биргалик олмошлари дейилади.	1) Жамлик олмошлари: ҳамма, барча, бари 2) Ажратиш олмошлари: ҳар ким, ҳар нима, ҳар қанча, ҳар қандай, ҳар қайси; ҳар бир, ҳар нарсa
5.	Бўлишсизлик олмошлари	Шахс-нарсa, белги-хусусият билдирувчи мустақил сўзлар ўрнида келиб, унинг инкорини билдиради. Мустақил сўзлар ўрнида келиб, унинг инкорини билдирган олмошларга бўлишсизлик олмошлари дейилади.	ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанча, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч нарсa, ҳеч бир.
6.	Ўзлик олмоши	Учала шахсдаги кишилик олмошлари ўрнида қўлланиб, маъносини таъкидлаб келади. Кишилик олмошлари ўрнида келиб, унинг маъносини таъкидлаб кўрсатувчи олмошга ўзлик олмоши дейилади.	ўз
7.	Гумон олмошлари	Шахс-нарсa, белги-хусусият билдирувчи мустақил сўзлар ўрнида келиб, унинг маъносини тахминлаб, гумонлаб келувчи олмошларга гумон олмошлари дейилади.	1. аллаким, алланарсa, аллақандай, аллақанча каби 2. кимдир, нимадир, қайсидир.

Савол ва топшириқлар

1. Олмош деганда қандай сўз туркумини тушунасиш?
2. От, сифат, сон, равиш, феълларнинг ҳар бири ўрнида алмашиб келган олмошларга мисоллар келтиринг.
3. Ёрдамчи сўзлар ва гап ўрнида қўлланган олмошларга мисоллар келтиринг.
4. Олмошларнинг маъно турларини айтинг.



280-машқ. Гапларни ўқиб, олмошларни аниқланг ва уларнинг ишлатилиш ўринларига диққат қилинг.

1. Биз она юрт, азиз Ватан дебон соғинч ва орзиқишларда яшаймиз, мўътабар тупроғимизнинг ҳар бир қарич ерини, ҳар бир гиёҳини кўзимизга суртамыз. 2. Сиз Шерали Жўраев бугун Тошкентда ижро этган янги қўшиқнинг икки кундан кейин Термиз шаҳридаги овоз ёзиш нуқталарида янграётганига ажабланмайсиз, чунки биласиз: яхши қўшиқ ҳам хушхабардек тез тарқалади. (С. Саййид.) 2. Гапларингиздан жуда шодман, лекин мана бу чўпон ҳамма гапдан, ҳатто мендан, менинг ҳаётимдан ҳам хабардор бўлган Қўйчибор ака ким бўлди? 3. Бу бир ҳикоят ва ё ривоятдир, балким тириклик қуйидаги айтилган қўшиқдир. 4. У баъзан тожикча лаҳжада гапирарди, баъзан ўзбекча қочиримлар қиларди. (Ш. Жўраев.) 5. Одамлар гурур, чегарасиз манмансираш туфайли не-не кулфатларга дучор бўлмаган дейсиз, шунинг учун ҳам Ислоҳ тафаккурининг буюк натижаси ҳисобланган сўфизмда инсон ўз «мен»идан кечмай туриб Оллоҳни танимайди, деган ақида бор эди. 6. Инсон сирлилигича қолаверади, аммо одамзот бир-бирини англаб етмагунча, олам тинч, дунё фаровон бўлмайди.

(С. Мўмин)

281-машқ. Қатраларни ўқинг, уларда ишлатилган олмошларнинг услубий хоссаларини аниқланг.

Бир донишманддан сўрашибди:

— Энг ёмон иллат нима?

— Ношукурлик, — дебди у, — ношукурликнинг беҳосият томони шундаки, бу иллатга ўралган киши ҳис этиш, жамийки нарсадан лаззатланиш, баҳраманд бўлиш қобилятини йўқотади.

* * *

Гоҳида ҳар бир куннинг қурбони бўлгинг келади,
Гоҳида ҳар бир кунни калтаклаб ургинг келади.

* * *

Баъзан ёмон одамлар қасрига учраб
Яхшилардан ажраб қолишингга оз қолади.

* * *

Бекатдан чиққан бир йўловчи ўрнини топиб баҳузур
жойлашиб олгач, сўради:

— Бу автобус, қаёққа бораркин?

* * *

У ким билан суҳбатдош бўлмасин гийбатдан бош-
лайди гапни.

— Катта оғиз Маликахоннинг кийган кўйлагини
кўрдингизми, ҳеч бир мақтанадиган жойи йўқ.

— Қўйинг, — дедим мен дарҳол тўхтатиб. — Биров-
нинг орқасидан гапиргунча олдига бориб айтинг!

— Ие, эсимни ебманми. Кейин кўзига ёмон кўри-
ниб-а?

* * *

Бир дугонам ғалати жилмайиб мендан кечирим сўра-
ди:

— Хафа бўлдингми бояги гапимга. Яхши гап-ку.

Қаршимиздан бошқа таниш қиз чиқиб қолди. Ду-
гонам мени унутиб, энди унга мурожаат қила бош-
лади:

— Эй, Мавжуда, боя сизни «ипай ойим» деганимга
хафа бўлдингизми?

Қиз қўлини силтаганча ҳеч нарса демасдан жўнаб
қолди.

Дугонам йўлакда учраган учинчи қизга гап қистир-
ди:

— Ҳов, илмилик, қаёққа?

Дугонам энди бу қиздан ҳам кечирим сўраши керак.



282-машқ. Матнини ўқинг, олмошларни топиб, уларга
тавсиф беринг.

Бошимга бир савдо тушди-ю раҳматли отамнинг ўз
тиловатларида: «Ноҳақ тухмат, бемаҳал ўлимдан ўзинг
асрагин» дея қиладиган илтижолари қулоғим остида

жаранглаб кетди. Ҳамиша шундай: «Саломатлик қадрига етмас — бемор бўлмагунча» деганларидек, хом сут эмган нотавон бандалар бошимизга бирор кулфат тушмагунча ёки пешонамиз бирор ерга «тақ» этиб урилмагунча, сўзнинг ҳам, насихат ва дуонинг ҳам қадрига етмаймиз. Деярли ҳар куни рўбарў бўладиган ошноларимиз панд бериб, бошимиз маломатларга қолганидан кейингина беғубор ўтган кунларимиз, беғво кечган онларимиз кўзимизга тўтиё бўлиб кўрина бошлайди. Фақат шундан кейингина тилимиздаги «туҳмат», «бўхтон» деган сўзларнинг маъноларини уларнинг пайдо бўлиш сабабларини қидириб қоламиз, фақат шундан кейингина китоб тоқчамизда жимгина турадиган «Тафаккур гулшани»нинг шу кунгача билмаган саҳифаларини очамиз ва илгари эътиборни тортмаган ҳикматлар дардимизга малҳамдек ёқа бошлайди: «Калтафаҳмлар фақат одамларнинг камчилигини кўрадилар-у, фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган аъзосига кўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар. Бўхтон ҳам яхши одамларга ёпишади».

Ҳа, минг афсуски, туҳмат балоси ҳам яхшиларнинг, бирор соҳада омади чоғиб, иши юришиб қолганларнинг гарданига ёпишади. Яна мевали дарахтга тош отилади! Бунга мисол излаб овора бўлмаслигимиз учун Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носирлар тақдирини бир бор эслаб қўйишнинг ўзи кифоя. Халқимизнинг бу асл фарзандлари энг биринчи навбатда ғаразғўй, тошбағир, қора юрак ҳамкасбларининг қурбони бўлдилар. Ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузлари бўлган бундай жаҳоншумул истеъдодлар ҳасадғўй ва ғаламис ҳамкасбларининг бўхтони туфайли бу ёруғ оламни бағри хун бўлиб ўтказишга, оташин сўзларини бўғизларида олиб кетишга мажбур бўлдилар. Ҳўш, туҳмат шу қадар жирканч иллат экан, унга қарши қандай чора қўллаган маъқул? Бизнингча, чораларнинг энг биринчи ва энг осони — туҳматчининг сўзини тингламасликдир. Зеро, шариат ҳукмига биноан ғийбатнинг шеригидир. У ғийбатчини инкор қилиб, гапини бўлиши, мавзуни бошқа ёққа буриш билангина бу гуноҳдан қутулиб қолади.

Уйга топшириқ:

«Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади...» мавзусида матн тузинг, унда ишлатилган олмошларга диққат қилинг ва уларни изоҳланг.

Таянч тушунчалар:

Олмош, кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмоши, сўроқ олмошлари, белгилаш-жамлаш олмошлари, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Кишилик олмошлари берилган қаторни топинг.

- A. Ҳамма, барча, бари
- B. Биров, ҳар ким, ҳар нарса
- C. Биз, сиз, улар
- D. У, бу, ўша
- E. Кимдир, нимадир, биров

2. Қайси қаторда олмош берилмаган.

- A. Аллаким
- B. Ҳар қанақа
- C. Ҳеч қайсиси
- D. Қаергадир
- E. Барча сўзлар олмош сўз туркумига киради

3. Ҳар учала шахс ўрнида қўлланилиши мумкин бўлган олмошни белгиланг.

- A. Ҳамма
- B. Барча
- C. Ҳар бир
- D. Ўз
- E. A, б, с, д жавоблар

4. Олмошдан ясалган сўзлар қаторини белгиланг.

- A. Пасай, сусай
- B. Йиғла, сана
- C. Сизламоқ, сенсирамоқ
- D. Манманлик, ўшанда
- E. C ва д жавоблар

5. Воситасиз тўлдирувчи вазифасида ишлатилган олмош берилган қаторни белгиланг.

- A. Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади.
- B. Сен ўзингни мақтама, биров сени мақтасин
- C. Беш қўл оғизга сиқмас
- D. Бир аччиқнинг бир чучуги бор.
- E. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил

6. Олмошга хос бўлмаган хусусият қайси қаторда тўғри берилган?
- A. Эгалик қўшимчасини олади
 - B. Келишик қўшимчасини қабул қилади
 - C. Отга ўхшаб турланади
 - D. Феъл каби тусланади
 - E. Барча жавоблар тўғри
7. Белгилаш олмоши берилган қаторни белгиланг.
- A. Ҳар ерда
 - B. Аллақачон
 - C. Ҳеч ёқдан
 - D. Ҳар қайси
 - E. А ва д жавоблар
8. Ўзингга эмас, ишингга зеб бер, шунда обрў топасан. Ушбу гапдаги олмошнинг вазифасини белгиланг.
- A. Эга
 - B. Кесим
 - C. Тўлдирувчи
 - D. Аниқловчи
 - E. Ҳол
9. Содда туб олмошлар берилган қаторни белгиланг.
- A. Барча, алланима
 - B. Ўз, ҳамма
 - C. Сиз-биз, у-бу
 - D. Ҳар ким, ҳеч нима
 - E. А ва В жавоблар
10. Сифат ўрнида қўлланиладиган олмош қайси қаторда берилган?
- A. Шу, бу, ўша
 - B. Ҳамма, барча, жами
 - C. Ўзи, ўзимиз, ўзлари
 - D. Биров, аллақачон, ҳар бири
 - E. Мана шу, алланарса, қандай

28-д а р с

КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ. ЭГАЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

28.1. КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Келишиклар ҳақидаги талабалар билимини мустаҳкамлаш, уларда келишиклардан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: * Келишик ҳақида маълумот.
* Келишик уяси.
* Келишикларнинг ўзаро вазифа алмашиниши.



1-топшириқ: Қуйидаги бирикмаларда нуқта-лар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйинг. Қандай тегишли қўшимчалар қўйганингизни айтинг. Мактаб... бордим; олма... едим; ўрик... гули.

2-топшириқ: Узум е, узумни е, узумдан е, бирикмаларининг бир-биридан фарқини айтинг?

Дўстимнинг мактуби. Бозорга бормоқ. Узумни емоқ, Биринчи бирикмада -нинг шакли дўстим сўзини мак-туб сўзига; иккинчи бирикмада -га қўшимчаси баҳор сўзини бормоқ сўзига; учинчи бирикмада -ни қўшимча-си узум сўзини емоқ сўзига тобелаш йўли билан боғлаш вазифасини бажаради.



От ва отлашган сўзларга қўшилиб, уни бошқа сўзларга боғлаб келадиган грамматик шакллар тизими келишик қўшимчалари ҳисобланади.

Келишик қўшимчаларининг жами келишик уясини ташкил этади. Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

№	Келишик номи	Келишик шакллари	Мисоллар
1.	Бош келишик	%	Ўрик гулади
2.	Қаратқич келишиги	-нинг	Ўрикнинг гули
3.	Тушум келишиги	-ни	Ўрикни емоқ
4.	Чиқиш келишиги	-дан	Ўриқдан олмоқ
5.	Жўналиш келишиги	-га, -ка, -қа	Ўриқка тўймоқ
6.	Ўрин-пайт келишиги	-да	Ўриқда кўрмоқ

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, тобе сўз ҳоким сўзнинг маъноси талаб этган келишик қўшимчасини олади. Масалан, *ўтирмоқ* сўзида ўтириш жойи билан боғланиш имконияти бор. Шунинг учун унга боғланган сўз ўрин келишигини олади. Емоқ сўзида эса бундай маъно йўқ. Шунинг учун у ўрин келишиги олган сўз билан боғлана олмайди. *Емоқ* сўзида ейиладиган нарса (объект) маъноси борлиги учун худди шундай маънога эга бўлган тушум ёки чиқиш келишигини олган сўз билан боғлана олади.

Келишик қўшимчалари бири ўрнида иккинчиси кўпинча алмашилиб келиши ва бирикма маъносига таъсир этиши мумкин.

Аввало, оғзаки нутқда қаратқич келишиги шакли билан тушум келишиги шакли фарқланмайди. Ҳар икки келишик учун тушум келишиги шакли қўлланилади, лекин бундай қўлланиш маънони ўзгартирмайди.

Қаратқич келишиги ва тушум келишиги шакллари бош келишик шакли билан алмашилиши мумкин. Масалан, *ўрикнинг гули* — *ўрик гули*. *Ўзумни еди* — *узум еди*.

Қаратқич қўшимчасининг бундай икки хил қўлланилиши ўртасида қуйидагича маъно фарқланиши бор: иккинчи ҳолатда умуман ўрик гули маъноси билдирилса, биринчи ҳолат, яъни қаратқич келишиги билан

келган ҳолатда предметнинг аниқлиги ва бу предметнинг таъкидланишини билдиради. Худди шундай маъно фарқланиши тушум келишиги билан бош келишик алмашган ҳолатда ҳам кузатилади: *узумни еди* (сўзловчи ва тингловчи маълум бўлган аниқ узум) — *узум еди* (умуман узум).

Тушум келишиги билан чиқиш келишиги ўзаро алмашилиб келиши мумкин. Бундай вақтда тушум келишиги қўлланилган бирикма уч хил кўринишга эга бўлади:

Узумни еди — узум еди — *узумдан еди*. Биринчи ва иккинчи ҳолатда бутун (яъни узумнинг ҳаммаси) маъноси бўлса, учинчи ҳолатда қисм маъноси (узумнинг бир қисми) ифодаланади.

Кўринадик, келишик қўшимчаларидан ўринли, мақсадга мувофиқ фойдаланиш фикрни аниқ ифодалашга катта ёрдам беради.



Савол ва топшириқлар

1. Келишик қўшимчалари деганда нимани тушунасиз?
2. Келишик қўшимчалари уяси деганда нимани тушунасиз?
3. Қайси келишик ўзаро алмашилиши мумкин ва бу алмашинув маънога қандай таъсир этади?



283-машқ. Кўчиринг, белгили ва белгисиз қаратқич шаклли сўзларни аниқланг. Уларнинг маъно ва услубий вазифасини баён қилинг.

1. «Бобурнома» персонажлар тавсифи, уларнинг шакл-шамойилини таърифлашдан бошланади.

2. Мақтанганнинг уйини кўр, керилганнинг тўйини кўр.

3. Дангасанинг важи кўп.

4. Бу гапларнинг барисини Ҳафиза ҳомуш ва оқилона тинглаб, Умиднинг ҳамма фикрларига қўшилишини бош қимирлатиб билдирарди. (*Мирмуҳсин*)

5. Болаларимиз уруш даврининг азоб-уқубатларини, ўкинч-аламларини кўрмаганлиги бизнинг бахтимиздир.

6. Президентимиз: «Ҳар қандай инсон учун энг катта бойлик бу унинг ўз тилидир. Навоий ижоди ўзбеклар учун катта бойлик», — деган эди. Дарҳақиқат, Навоийни тушуниш учун миллат тилининг барча шеваларидан хабардор бўлмоқ лозим. (*Газетадан*).

7. Бояги йигитнинг, Авазнинг, қўли гул экан.
(П. Қодиров)

8. Ҳаётим лаззати, қалбим қўрисан, Ватаним!

9. Номинг қалбим сўроғиндадур, жамолинг кўз қароғиндадур. (Ў. Жамол).

10. Бир лаҳза жимликдан кейин аллақаердан қўйларнинг, сигирларнинг маъраши, ҳўкизларнинг ўкириши эшитилди.

11. Саидий ўзининг иш бўлмасига кириб, дераза ёнидаги креслога ўтирди-да, стол устидаги китобни олди. (А. Қасҳор).



284-машқ. Ўқинг. Тушум келишигидаги сўзларни аниқланг. Тушум келишиги шаклининг белгили ва белгисиз ишлатиш сабабларини айтинг. Тушум ва чиқиш келишиги шакллариининг синонимиясидаги услубий бўёқни тушунтиринг.

1. Онам ҳар гал хокандозни бўшатганида қоп-қора чанг кўтарилади.

2. Укамни силтаб кўрпачага ўтқазди-ю, икки кафти билан юзини тўсганча ўкириб юборди.

3. Унинг бунақанги бор овоз билан кулганини ҳеч қачон эшитган эмасдим.

4. Толда чумчуқ кўрдим. Шерзод ҳар сафар ҳинд қўйларини эшитганда роҳат қиларди.

5. У ғашни келиб юз ўтирди-да, дераза олдида бориб, ўй сурди.

6. У эркин муҳаббат деган гапни нотўғри тушунаётган, севгидек табаррук ҳисни оёқ ости қилаётган одамлар тўғрисида ёзишни кўпдан буён излар эди. (Ў. Ҳошимов).

7. Агар мен ул алломаи давронни ўз гулшанимда кўрмоқ истаганимда, етти қават ернинг остидан бўлса ҳам топтириб келтирар эдим.

8. Абдулвафо Сариқ бу оғир ўйлардан чарчаб бошини ёстиққа қўйди, қўйган заҳоти пинакка кетган экан, бир маҳал аллақандай шов-шув эшитиб, кўзини очди. (О. Ёқубов).



285-машқ. Гапларни ўқинг, қаратқич ва тушум келишиги шакллари ўринли қўлланганми? Ҳар бир келишик шаклини ўз ўрнига қўйиб, кўчириг.

1. Маърифатчилар элимизга маърифат уруғини сочишда фидоийлик кўрсатдилар.

2. Халқпарвар ва инсофли, диёнатли, бой-бадавлат кишиларни моддий ёрдамисиз маърифатчилар фаолият кўрсата олмас эдилар.

3. Тижорат, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бойиган элимизни ишбилармон кишилари ўз даврини миллионерларидир.

4. Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатни туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний қарашларни бутун бир тизимига мафкура дейилади.

5. Халқимиз Аллоҳ таолога ибодат қилишнинг билалар, яхши тилаклар тилайдилар.

6. Тушунтиришни ҳозирги илм-фан учун, айниқса, тарих ҳамда фалсафа, мафкура учун қанчалар муҳим эканлиги ҳаёт кўрсатмоқда.

7. Одамларнинг маънавий, маданий, сиёсий фикр майдонларига тортиш, ҳар бир фуқаронинг уни ёшидан қатъи назар, шу майдонни қатнашчисига айлантириш бизни энг самарали йўлимиздир. *(И. Ғофуров)*

8. Маконинг бўлибди тоғлар ораси,
Сенсан гўзалликни асли, сараси.
Маюс юрагингда ишқнинг яраси,
Сен ҳам ошиқмисан ёки охужон.

(А. Орипов)



286-машқ. Матнни ўқинг, ўрин-пайт ва чиқиш келиши-ги шаклларининг семантик-услубий вазифасини баён қилинг. Бу келишик шакллари қачон кўмакчи сўзлар билан синонимик қатор ташкил қилишини кўрсатинг.

ШЕЪРИЯТНИНГ ЧЎҒИ

Миртемирнинг шеърияти адирлар, қирлар, увалар, далалар, боғларнинг манзаралари билан тўлиқ бир шеърият. Чунки унинг туғилган жойи Туркистондаги Қоратоғ этаклари — кўклам тошқинларидангина лабларини хўллаб олгувчи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайхонлар, онда-сонда бир учрайдиган музбулоқлар тошқинлардан пайдо бўлган кўллар юрти... Миртемир табиа-ти мана шунчалар рангдор юртда 1910 йилнинг ёз ойларида дунёга келди.

Миртемирни олам ва борлиқ — табиат китобини ўқишга онаси ўргатди. Унинг гўдак ҳисларини олижаноб бир изга солди. Юрагига гўзалликдан баҳра олиш туйғусини қуйди. Сўзнинг таъми, тотидан завқ ола би-

лишдек ноёб бир санъатга қалбида муҳаббат ва қизиқиш уйғотди. Миртемирнинг онаси сўзга ғоят чечан, зукко, кайвони оналардан эди. У киши ҳамма сўзларига мақол билан ранг ва маъно бериб сўзлар эканлар. Шеърят чўғини ўғил юрагига солган меҳрибон она сиймоси шоирнинг бутун ижодида эзгуликнинг порлоқ бир рамзидек гавдаланиб туради.

«...Ҳовлимизда бир туп жийда бўларди — кучоқ етмас, нуқра япроқ, бобомнинг бобосини кўрган нон жийда... Онам ҳамиша шу жийда тагида бир нима тикиб ёки ямаб, ун қориб ё хамир кесиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда. Агар мен бирор шўхлик қилсам, шу жийда тагида туриб, қўлини янар эди. Агар бирон хуш юмуш қилсам, шу жийда тагида олқиш олар эдим.

Айниқса, гуллаганда, ёпирай, бунинг ҳиди... Ҳеч гулда бунақанги ҳид бўлмас, пишганда-чи? Ҳовли юзи ялтироқ ёкут донларга тўлиб кетар эди. Таъми-чи? Нондай тўқ. Ширин, шифоли. Онам халта-халта қоқлаб олар эди ёз бўйи.

Мен ҳовлимга бордим, болалигимда кўрганларимдан ёлғиз шу жийда қолибди — тарвақай, ғадир. Чийроқ қадимгидек. Мен жийда ёнига келиб тиз чўқдим ва ғудир пўстлоқларига пешанамни қўйиб пичирладим: «Онажон...»

(И. Ғофуров)



287-машқ. «Зулфияхоним қизлари» мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. Қўшимчаларнинг ишлатилишига диққат қилинг. Зулфия шеърдан олинган қуйидаги парча мунозарангиз учун эпиграф бўлсин.

Салом менинг, азиз дугоналарим,
Азизим, лобарим, чеварим қизлар.
Эй, тоза қалбимнинг ошнолари
Куйларим илҳоми, севарим қизлар.



288-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчаларини тегishли кўмакчилар билан алмаштириб, гапларни кўчиринг. Келишик шакли ва кўмакчи сўзлар синонимияси орасидаги услубий фарқларини тушунтиринг.

1. Ахлоқ-одобга бағишланган китоб. 2. Одам одамга ҳамиша керак. 3. Гулрухсорни кўриш насиб этмайди. 4. Бу юлдузлар қаердан келган, бибижон? 5. Қора либосга ўранди. 6. Абу Али энди Ғазнага йўл олди. 7. Бегимга

ўхшашни хоҳлайман. 8. Беруний индамай **эшикка** йўналди. 9. Гўё бу **эртақда** камина султон соҳибқироннинг иззатини ерга урган эмишман. 10. Қайси **гуноҳларингга** сени қийноққа солдилар. 11. Маликул шароб ўзларини ибн Сино деб, оққўнгил авомни тўнаб юргувчи **қаллобларни** кўп эшитган эди. 12. Юзи қизил шойи **белбоққа** ўралган султон бир икки марта питир-питир қилди-да, ўликдай узала тушиб ётиб олди. 13. Бу **сотқинлигингга**, йигирма йил қора дафтарга битган игво **сўзларингга** не олдинг? 14. Навкар унинг қўлларидан қайириб, **эшикка** судради.

(О. Ёқубов)



289-машқ. Келишиқ қўшимчаларидан мосини қўйиб ёзинг ва услубий жиҳатдан фарқини айтинг.

1. Ким мактабга қадам босган куни (-да, -дан) очиқ чехра билан қаршилаган устозини йўқлайди. 2. Ким ўз мураббийсининг фарзанди (-ни, -нинг) ёнига олиб, ҳаётдаги ўрнини топиб олишига кўмаклашяпти. 3. Гап Арасту ҳақида борар экан, яна бир ривоят (-ни, -дан) келтириш билан устоз-шогирдлик ўртасидаги муносабатлар азалдан осон кечмаганлиги (-ни, -нинг) писанда этмоқчимиз. (Газ.) 4. Бу дурдоналар (-ни, -дан) ҳар бир одам ўзи битта-биттадан териб, ҳусн хазинасига келтириб тўкади. 5. Акаларим билан бир ғужум-бир ғужум (-да, -дан) талашиб едик. 6. Ўгирилиб қарадим — у, уч-тўрт қадам нари(-дан, -да) турган аммага кўзим тушди. 7. Лайлактепа (-га, -дан) ўтиб Қозирободга борганда қайнама булоқ (-да, -дан) муздай тиниқ сув ичдик. 8. «Сиймон кўприк» дан ўтиш (-ни, -нинг) ўзи бир томоша. Терак бўйи чуқурлик (-ка, -да) сув қорайиб оқади. 9. Аравакашлар сўкинган, эшаклар ҳанграган, оғзи (-да, -дан) тупуги осилган, усти (-га, -да) қоп-қоп сомон тоғдек уюлган туялар ҳам ўтиб қолади (Ў. Ҳошимов).



290-машқ. Матндаги грамматик-услубий хатоларни аниқланг. Уни қонун-қоидалар асосида қайта таҳрир қилиб кўчиринг.

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Баҳор фаслларни энг қайноқ, энг серташвиш, айни замонга энг завқбахши. Ундан гуляпроқларни атри, жон-

бахш елларни шўхлиги, уйғонган ҳаётни жилваси... Дарахтлар гуллайди, қушлар куйлайди... Уларни гулларида ҳам, қушларнинг куйларида ҳам зурриёд истагининг таронаси. Небахт, табиат тақозоси бу!

Бу тақозога инсон ҳам баҳраманд. Унда ҳам баҳор каби қийғос гуллайдиган, қушлар каби севги таронасида куйлайдиган олтин давр бор. Бу давр уни ўз саккиз ёши. Бунга «балоғат» «севги ёши» ҳам дейдилар. Майли, гап унинг нима дейишдан эмас, моҳиятидан. Дарҳақиқат, ўн саккизга кирганки бор, қалби муҳаббатга ё алами билан жароҳатланган ё лаззати билан бахт дукурдан тўлган бўлади.

Хўш, бу савдодан ҳамма ҳам бир хил қарайдими?

Афсуски, йўқ. Баъзи ёшлар севгини шунчаки кўнгилхушлиги деб енгил-елпи қарашса, баъзи кексалар, уни боғловчи, яратувчи, бахт-саодат келтирувчи кучининг тан олмайдилар.

Бу борадан фарзанд учун энг кўп жонкуяр, энг тўғри маслаҳатгўй, энг яқин дўст ота-онадир.

Дарҳақиқат, ота-она розилиги, айниқса, маслаҳати билан қурилган ёш оила қарийб завол кўрмайди. (М. Исмоилий)

291-машқ. Қуйидаги матндан кичрайтириш — эркалаш шакллари топинг. Ҳар бир шаклнинг семантик услубий хусусиятини баён этинг.

ТҶЙГА АЙТМАДИНГИЗ

Саодат хола акажонимни йўқлаб келай деб, эрта-лабдан иссиқ нон ёпиб, дастурхонча қилиб, қўшни қишлоққа пахтазор оралаб йўлга тушибди. Боғ тарафдан ўтди, бу ерга келиб болакай даврлари эсга тушди, жажжилигидаги ўртоқлари ёдига келди. Бирдан ҳовлидан келаётган овозни эшитиб тўхтаб қолди. Муסיқа ашула, «Табриклаймиз», «Келинчак қутлуғ бўлсин!» деган сўзларни эшитиб, беихтиёр хўрлиги келибди. «Хув деса, етадиган жойдаман, бир оғиз: «Опажон, келин оляпмиз!» деса бўлади», — дея ўз-ўзига гапирганича келган йўлига қайтибди.

Уйга келса, акажониси сўрида хўжайини билан чой ичиб ўтирганмиш.

— Ҳа, тўйни бошлаб, энди айтгани келдингизми? — дебди ўпкагинаси тўлиб Саодат хола.

Саодат хола эшитганларини тўкиб солибди.

— Ҳа, сингилгинам-а, — дебди акаси.

— Ахир, у магнитофон-ку? Ўша сен «уйлантириб» қайтган жиянинг кеча қўймасдан бозорчадан бир қўзи-чоқ ўрнига ўшани олдирди. Ўртоғининг тўйини «ёзиб» келганди. Шуни эшитиб ўтиришгандир, шумтакалар. (Журналдан)

Таянч тушунчалар:

келишик, бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, ўрин-пайт келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги.

28.2. ЭГАЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Эгалик шакллари юзасидан талабалар билимларини мустаҳкамлаш, уларда эгалик қўшимчаларидан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: * Эгалик қўшимчалари ҳақида.

* Эгалик қўшимчаларининг шахс-сон маънолари бўйича турлари.

* Кўплик шаклидаги эгалик қўшимчаларининг бирлик маъносида қўлланилиши ва бунинг сабаблари.



Топшириқ: Берилган бирикмалардаги нуқталар ўрнига мос келадиган қўшимчаларни қўйинг. Бу қўшимчаларнинг маъноси ва вазифасини айтинг.

Мен... китоб...

Сен... китоб...

У... китоб ...

Биз... китоб...

Сиз... китоб...

Улар... китоб...

Бир шахсга мансуб бўлган эгалик қўшимчалари бирлик ва кўпликни ифодалаш бўйича ўзаро фарқланади. Уларни қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Шахс-сон	Бирлик	Кўплик
I шахс	-(и) м	-(и) миз
II шахс	-(и) нг	-(и) нгиз
III шахс	-(с) и	-лари

Эгалик қўшимчаларининг бирлик ва кўплик маънолари асосида юқоридаги каби зидланиш айрим вақтларда бузилади. Бундай вақтда кўплик шакли ўзи қўшилатган нарса-ҳодисанинг бирдан ортиқлигини эмас, балки ҳурмат маъносини билдиради. Масалан, *Онамиз дам олгани кетдилар*.

II шахс эгалик қўшимчасининг кўплик шакли кўпинча «сиз»лаш маъносида қўлланилади. Масалан, *опанг* («сен»сираганини билдиради) — *опангиз* («Сиз»лашни билдиради)

Бундай ҳодиса III шахс эгалик қўшимчаларининг бирлик ва кўплик шаклига ҳам дахлдордир. Масалан, *опаси* («Сен»лаш) — *опалари* («Сиз»лашни билдиради)

Бадий услубда тилимизнинг бундай имкониятидан персонажлар характерини очишда усталик билан фойдаланадилар. Масалан, *Хўжайиннинг итлари* (А. Қаҳҳор) Ит ҳурматга сазовор эмас. Лекин хўжайинига лаганбордорлик шундай кучлики, унинг итига ҳам ана шундай муносабат билдирилади.



Отларнинг уч шахсдан бирига мансуб эканлигини билдирувчи шакллар тизими эгалик қўшимчалари саналади.



Савол ва топшириқлар

1. Эгалик қўшимчалари деганда нимани тушунаси?
2. Эгалик қўшимчаларининг кўплик шакллари доимо кўплик маъносини билдирадими? Агар кўпликни билдирмаса, қандай вазифада қўлланилади.



292-маишқ. Матни кўчиринг, эгалик қўшимчаларининг семантик-услубий жиҳатдан таърифланг.

Ҳаким Санойй айтади:

— Киши ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги керак. Буларнинг биринчиси — макру ҳийлали аёл, иккинчиси — балоғатга етмаган бола, учинчиси — тентак, тўртинчиси — бировга тобе киши, бешинчиси — синалмаган дўст.

Енгилтак ва макр соҳибаси бўлмиш аёлга сир айтган кишининг иши гўё оловга пахта ташлаб, унга «қуйма!» деб юборган кишининг ишига ўхшайди. Болаларга сир айтган кишининг иши эса сувга кўза ташлаб, унга «хўл

бўлма!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Тентак-ка сир айтган кишининг иши гўё мушукка гўшт ташлаб, унга «ема!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Бирор тасодиф туфайли бировга қарам ва тобе бўлиб қолган кишига сир айтган кишининг иши гўё ит олдига суяк ташлаб, унга «ғажима!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Синалмаган дўстга сир айтган кишининг иши гўё ўзини ўзи дарёга отиб, дўстига хитоб қилган ҳолда: «Мени ғарқ бўлишдан қутқар!» — деган кишининг ишига ўхшайди.

Уйга топшириқ



Бирор газета, журналлардан -лар қўшимчаси англатган маъноларнинг ҳар бирига: кўплик, умумлаштириш, ҳурмат, муболага, тахмин, киноя кабиларга 3—4 тадан мисол топиб ёзинг ва услубий хусусиятини изоҳланг.

293-машқ. Кўчиринг. Сўзлардаги кўплик, эгалик қўшимчаларининг қўшилишига эътибор қилинг. Уларнинг ўрин алмашишидаги маъновий-услубий хусусиятларини тушунтиринг.

Фарзандим — фарзандимиз. Бошим — бошларим, изтироблар — изтиробимиз, куёв — куёвингиз, юзларим — юзим, дўстим — дўстгинам — дўстларим, уйимизда — уйларимизда, ҳаяжонимиз — ҳаяжонларим, хирмон — хирмонларим — хирмонимиз, дилларим — дилларингиз — дилимиз, кўздан айрилди — кўзидан айрилди, машинадан чиқди — машинасидан чиқди.

Таянч тушунчалар:

эгалик қўшимчалари, бирлик сон, кўплик сон, эгалик қўшимчаларида ҳурмат маъноси, эгалик қўшимчаларида кесатик маъноси.

29-д а р с

ФЕЪЛ ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Феъл ҳақида талабаларнинг ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, феъллардан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:**
- * Феъл ҳақида маълумот.
 - * Феълларнинг мазмуний турлари.
 - * Феълларнинг услубий хосланиши.



1-топшириқ: Қуйида берилган матндан феълларни топинг ва бу феълларни ҳаракат билдирувчи феълларга ва ҳолат билдирувчи феълларга ажратинг.

Тақдир синовига ғам чекма сира,
Ниятни тўғри қил ёш тўкма сира,
Келажакнинг нурли чўққисига боқ,
Эзгулик ишини тарк этма сира.

(Қ. Парпиев)

2-топшириқ: Ўқиди, ўқитди, ўқимади, ўқидик феълларидаги ажратиб кўрсатилган кўшимчаларнинг қандай кўшимчалар эканлиги ва маъноларини айтинг.



Ҳаракат-ҳолат маъносини ифодалаб, нима қилди (бўлди)?, нима қиляпти (бўляпти)? нима қилади (бўлади)? сингари сўроқларга жавоб бўлувчи сўз туркумига феъл дейилади. Масалан: Талаба ўқиди (нима қилди?).

Машиналар гувиллайди (нима қилади?) каби.

Феъл қандай ҳаракат-ҳолатни ифодалашига кўра бир қанча турларга бўлинади.

1. Юмуш феъллари: ишлади, меҳнат қилди, тер тўкди ва бошқалар.

2. **Тафаккур феъллари:** ўйлайди, ўқиди, кашф қилди каби.
3. **Сезги феъллари:** сезди, ҳис қилди.
4. **Рухий ҳолат феъллар:** кулди, хурсанд бўлди, қайғурди, изтироб чекди.
5. **Нутқ феъллари:** гапирди, сўзлади, баён қилди, ифода қилди, минғирлади, дўнғиллади.
6. **Ишора феъллари:** имо қилди, лабини бурди, кўзини қисди ва бошқалар.
7. **Жисмоний ҳолат феъллари:** оғриди, иситма чиқди, хасталанди, соғайди, кучайди, чарчади каби.
8. **Табий ҳолат феъллари:** эриди, музлади, етди, ухлади ва бошқалар.
9. **Кўриш феъллари:** қаради, кўрди, боқди, термулди.

Юқоридаги феъл турларининг ҳар қайсиси бир неча феълларни ўз ичига олади. Бу феъллар ҳаракат-ҳолат маъносини қандай ифодалаши билан бир-биридан фарқ қилади. Куйидаги фарқланишларни кузатиш мумкин:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг кучли-кучсизлигига кўра фарқланиши: жилмаймоқ — кулимсирамоқ — кулмоқ.
2. Ижобий ва салбий баҳога эга бўлишлигига кўра: кулмоқ — тиржаймоқ; сўзламоқ — тўнғилламоқ, минғирламоқ.
3. Услубий хосланишига кўра: кулмоқ (умумистеъ-молдаги сўз) — табассум қилмоқ (бадий услубга хос), сўзламоқ (умумистеъмолдаги сўз) — нутқ ирод этмоқ (бадий услубга хос) каби.

Юқоридаги феълларнинг ҳар қайсисини ўз ўрнида ишлатиш нутқнинг равлони, аниқлиги ва ифодалилигини таъминлайди.



Савол ва топшириқлар

1. Феъл деб қандай сўз туркумига айтилади?
2. Феълларнинг қандай маъно турларини биласиз?
3. Бир маъно гуруҳига мансуб феъллар қандай белгиларига кўра фарқланади?



294-машқ. Топишмоқларни ўқинг. Феълларни ҳаракат билдирувчи ва ҳолат билдирувчи феълларга ажратиб ёзинг.

Дам олади кундузи, хонадоннинг юлдузи. Кечаси очилур, осмонга сочилур. Осмонда у ярақлаб, кулиб

турар чарақлаб. Ойна эмас жимирлар, тек турмасдан қимирлар. Кундалик тарих ўзи, ҳар ерда унинг сўзи. Катта оппоқ дастурхон, ер юзини қоплаган. Тунда кўриб чўғ дейсан, Тонгда кўриб йўқ дейсан. Танга-танга тўни бор, митти кўзи унга ёр. Юрса сувлар жимирлар, Қамишлар ҳам қимирлар. Кулочида қўш-қўш ҳалқа, Хизмат қилар чарчамай халққа. Кулиб турар мисоли офтоб, Ҳамроҳидир чанг, тор ва рубоб.



295-машқ. Феълларни ҳаракат-ҳолат ифодалашига кўра гуруҳларга ажратинг, ҳар бир турига ўнтадан мисол ёзинг.

юмуш	та- фак- кур	се- зиш	руҳий ҳолат	нутқ	ишо- ра	жис- мо- ний ҳолат	та- бий ҳолат	кў- риш	юриш

296-машқ. Ўзбек тилида феъллар лексик-грамматик хусусиятларига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади: мустақил феъллар, ёрдамчи феъллар. Сиз ҳам қуйидаги матн ичидан мустақил феъл ва ёрдамчи феълларни ажратиб ёзинг, шахс-сон қўшимчаларини аниқланг.

ЗУЛФИЯХОНИМ

Дунё қадим-қадимдан шарқ аёли, туркий аёлларни яхши таниган. Тарихнинг барча босқичларида улар дунёга ўзининг борлигини гоҳ мардлик, жасорат билан, гоҳ тадбиру оқиллик билан, гоҳ шеърят билан билдириб, танитиб, тан олдириб келганлар. Ана шу зотлардан бири Зулфияхоним бўлиб, у эл муҳаббатига, аёллар ишончига тасодифий бир ҳолатда муяссар бўлган эмас. Опанинг ҳузурига олис қишлоқлардан юзлари қуёшда қорайиб кетган, ажинлари болалаган аёллар қўлларида гўдаги билан мадад сўраб келарди. Устоз уларнинг бошини силар эди, юпатар эди.

«Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман», — дейди Зулфияхоним шеърларининг бирида.

Мен денгизнинг лабида турдим,
Денгиз тўлиб чайқалди юрак.

Халқнинг оғриқларига, қувончларига жони билан
туташмаган шоира бундай ёза олмайди.

Биз шоиранинг овозларини, чиройли қарашлари-
ни, иссиқ қўлларини соғинган эдик. Улар хонага
кирганда бир қалқиб тушиб, ўзимизни ўнглаб олар
эдик.

Балки, Президентимиз фармони билан адабиёти-
мизга кириб келаётган янги Зулфия қизларининг куч-
ли овозлари бу соғинчимизни босар. Балки, устозни
кўрган кўзларимиз билан бир-бирларимизга терму-
либ, бу соғинчга малҳам топармиз. Нима бўлганда
ҳам биз «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали» деган
таскин билан яшаймиз.

(Қ. Раҳимбоева)

297-машқ. Шарқ тафаккури хазинасидан олинган «Ватан» ҳақида
берилган сатрлардан ўкинч феълларини топинг, замонини аниқ-
ланг.

Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,
Ватанни душманга бермаймиз асло!

Абулқосим Фирдавсий

Қафас хоҳ фил суякдир, хоҳ тилло,
Чекар қуш бўстон дардини, танҳо.

Хусрав Деҳлавий

Кимки ганимат деб ватандин кучар,
Бошқага ҳам кўнгил қўёлмай ўтар.
Учқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,
Қанча ардоқлама, бари бир учар.

Абдуқодир Бедил

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

Алишер Навоий



298-машқ. Қуйидаги балладанинг мазмунини насрий йўл билан оғзаки баён қилинг. Сўнг феъл майлларини аниқланг, уларни алоҳида кўчириб ёзинг.

ЎҒИЗХОН ВА ЁВУЗХОН

...Кучли рақиб — қўшни хондан
Мактуб олмиш Ўғизхон.

Унда шундай битилганмиш:

«Тингла, сўзимни, эй хон.

Дулдулингни ёқтирганман,

Уни юборгин менга.

Йўқса, қўшин тортгайдирман

Юртингга — маконингга!»

Беҳуда қон оқмасин деб

У ютиб фиғонини

Юборибди рақибига,

Севган арғумоғини.

Бироз фурсат ўтиб ул хон

Яна мактуб йўллабди.

Ундаги шарт — мисли тўфон,

Барчани ўйлатибди:

«Хогинингни суйиб қолдим,

Уни тортиқ эт менга.

Йўқса қўшин тортгайдирман,

Манзилу маконингга».

Ҳақоратдан баттар эди,

Гарчи бу шарт, бу сўров.

Маликадан воз кечди у,

Қон тўкмасин дея ёв.

Ёв тўймаган ялаб тўймас,

Деганича бор экан.

Ул ёвуз хон тағин шундай

Мактуб юборган экан:

«Фалон еринг маъқул кўрдим,

Уни инъом эт менга.

Йўқса қўшин тортгайдирман,

Сени туққан Ватанга!»

Ҳар галгидек машваратга,

Йиғилган оқсоқоллар.

«Майли, бергин», деб айтишди

Суриб оғир хаёллар:

«Балки унинг нафси қониб,

Шу билан даф бўлгайдир.

Бир парча ер кетса, мулкинг

Камайиб қолмагайдир...»
— Йўқ! — дея шитоб билан
Туриб кетди Ўғизхон.
— Аждодларим ётган хокни,
Бермагайман ҳеч қачон!
Бу заминнинг ҳар зарраси,
Қалбимга илдиз отган.
Магар уни ёвга берсам,
Куёш биз учун ботган...»
Шундоқ дея шоҳ Ўғизхон,
Қиличини суғурди.
Лашкар тортиб, рақибини,
Қони билан суғурди...
Зафар билан қайтаркан у,
Онажон — тупроғига.
Шундай сўзлар ёздирибди,
Юртининг байроғига:
«Боболарим руҳи кезган,
Ҳар қарич ер — муқаддас.
Юрагимиз унга қалқон,
Бўлсин то сўнгги нафас!..»

(Тошпўлат Аҳмад)

Таянч тушунчалар:

феъл, юмуш феъллари, тафаккур феъллари, сезги феъллари, руҳий ҳолат феъллари, нутқ феъллари, ишора феъллари, жисмоний ҳолат феъллари, табиий ҳолат феъллари, кўриш феъллари.

30-д а р с

НИСБАТ ШАКЛЛАРИ УСЛУБИЁТИ МАЙЛ ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

30.1. НИСБАТ ШАКЛЛАРИ УСЛУБИЁТИ

Д а р с м а қ с а д и: Нисбат шакллари ҳақида ўрта умумий таълимда олган билимларни мустаҳкамлаш.

Нисбат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:**
- * Нисбат шакллари ҳақида маълумот.
 - * Нисбат шакллари таснифи.
 - * Нисбат шаклларида ўзаро вазифавий алмашинуви ва унинг услубий хусусиятлари.



Топшириқ: Ёзда феълидан -иш, -ил, -дир қўшимчалари орқали турли нисбат шакллари ҳосил қилинг. Ҳар қайси нисбат шакли қўшилганда маънода қандай ўзгариш рўй бераётганлигини айтинг.

Ўқиди, ўқитди, ўқишди, ўқилди феълларининг ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор беринг. Уларнинг ҳаммаси бир хил ўзакдан иборат. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси бир хил замон шаклига (-ди) эга. Шундай бўлишига қарамай, улар бир-биридан маълум маъноларига кўра фарқланади. Иккинчи феълда феъл ўзагига -т қўшимчаси қўшилиб, бир шахс бошқа шахсга ўқиш ҳаракатини бажартирганини билдиради.

Учинчи феълда эса феъл ўзагига -ш қўшимчаси қўшилиб, феъл ўзагида ифодаланган ўқиш ҳаракатининг биргаликда бажарилганини, тўртинчи феълда эса феъл ўзагига -л қўшимчаси қўшилиб ўзакдан англашилган ўқиш ҳаракатининг ким томонидан бажарилгани номаълумлигини ифодалайди.

Кўринадики, юқоридаги феълларнинг ҳаммаси ҳара-

кат билан шу ҳаракатни юзага чиқарувчи шахс ўртасидаги муносабатни қандай ифодалашига кўра ўзаро фарқланади.



Феълдан англашилган ҳаракат-ҳолат билан шу ҳаракатни юзага чиқарувчи шахс ўртасидаги муносабатни ифодаловчи феъл шаклларига нисбат шакллари, шундай шакллар тизимига эса нисбат категорияси дейилади.

Нисбат шакллари ва уларнинг маъноларини қуйидаги жадвалда кўринг:

ТГ р	Нисбат турлари	Нисбат шакллари	Маънолари	Мисоллар
1	Бош нисбат	Ø	Ҳаракатнинг эга орқали ифода- ланган шахс томо- нидан бажарили- шини билдиради	ўқиди, келяпти
2	Биргалик нисбат	-иш, -иш	Феъл ўзагидан ифодаланган ҳара- катнинг бир неча шахс томонидан бажарилганини ифодалайди	ўқ и ш д и , келиш а п т и
3	Орттирма нисбат	-дир(-тир), -гиз, (-қиз, -ғиз), -каз, қаз), -т, -из -ар, -сат	Феъл ўзагидан ифодаланган ҳара- катга даъват қилинган шахс маъносини билди- ради.	қолдирди, келтирди, киргизди, ў т к а з д и (ўткизди), ў қ и т д и , томизди, қайтарди, кўрсатди
4	Ўзлик нисбат	-л(ил), -н (-ин)	Ҳаракатни бажару- увчи шахс билан ҳаракат тушган объект бирлашган ҳолда бўлади	ю в и н д и , кийинди, қўзғалди
5	Мажҳул нисбат	-л(-ил), -н (-ин)	Ҳаракатни бажару- увчи шахс но- маълум бўлади	ю в и л д и , қилинди, бажарилди

Баъзан бир нисбат маъноси ўрнида бошқа нисбат шаклларидан фойдаланилади. Хусусан, бош нисбат маъносида биргалик нисбат шакллари ишлатилиши мумкин. Масалан, *келди — келишди, келяпти — келишяпти*. Шунингдек, бош нисбат маъносида мажҳул нисбат шаклларидан фойдаланилади: *қилдим ўрнига қилинди, бажардим ўрнига бажарилди, киринг ўрнига кирилсин* каби. Бундай ҳолат маълум услуб-эмоционал маъно талаби билан рўй берди. Кўпинча кейинги ҳолат ҳурмат, камтарлик маъноларини ифода-лайди.



299-машқ. Феълнинг аниқ, мажҳул, ўзлик, биргалик ва ортгирма нисбатларини аниқланг. Нисбат ҳосил қилувчи қушимчалар остига чизинг. Феълнинг қайси нисбатда эканлигини қисқача ёзиб қўйинг.

Н а м у н а: У оҳиста тебранди (ўзлик нисбатда).

1. Қаюмхон Олимовичнинг уйида зўр тантана. Шаҳарнинг кўзга кўринган одамлари таклиф этилган. Икки қаватли коттежнинг ҳовли-си тахта сўрилар, институт ошхонасидан келтирилган стол-стуллар билан безатилган. (*Т. Маҳмуд*)

2. Студентлар бир чекада самовар қўйган, чойнак-пиёлаларни ювиб, артишган, қўли тўртта, оёғи олтига бўлиб у ёқдан бу ёққа нарсга ташиган, домланинг кўз қири тушиб қолармикан деган ниятда кўнгил эриб хизмат қилишарди. Меҳмонлар кечроққа таклиф этилган эди. (*Т. Маҳмуд*)

3. Лаган-тавоқнинг бири-бирисига теккан товуши эшитилиб, Отабек ўзини оҳистагина йўлакка олди. (*А. Қодирий*)

4. «Сароб» романи 1953 йилда Сталин ўлгач, мамлакатда бошқа-ча — илиқ шабадалар эса бошлаган, КПСС XX съезди «дохий» шах-сига сиғиниш ва унинг ўтказган сиёсатини қоралаган бир пайтдагина қайта қўлга олинди. (*Р. Қўчқор*)

5. Аҳмоқ ёлғонга тўн кийгизди боғлаб, бор-йўғи бир ҳамроҳ эмиш-а, қайси нодон ишонар бунга (*А. Дилмурод*)

6. Бизнинг асабимиз неча минг йиллар,
Кишанлар остида шу қадар пишдики,
Шунча оғирлик остида асло
Шошмадик, душманлар ҳайрон қолишди!
Ўн олти мартаба тўпландик бизлар
Режалар тортишдик янги ишларга,
Нима дейишни билмайди душман,
Бир режа бўйича югуришларга!

(Абдулҳамид Чўлпон)



300-машқ. Феъл нисбатлари бўйича гуруҳлараро «Бу бизники» грамматик ўйин-топшириғини бажаринг.

I гуруҳ аниқ
ва мажҳул
нисбат

II гуруҳ ўзлик ва
биргалик нисбати

III гуруҳ орттир-
ма нисбат

СЎЗЛАР

Ташиди, кийинди, тортди, торттирди, таниш, безалди, безатди, ташланди, ташландик, ўқиш, илит, илитилди, пуфланди, чалинди, чалдирди, тинглашди, чиқди, чизилди, бойиди, қўлланма, қўллади, қўллаттирди, ортди, эслашди, ачинди, ачитқи, айтишди, тушунтирди, ишлаш, олқиш, сўзлашди, сўзлашишди, уқтирилган, тиклатилди, бўлинди, қалтиради, очилди, очди, суҳбатлаш, тошди, пишди, тингланди, тинглаш, ўрнатишди, тўлашди, далиллаш, ўтириш, ўтиришди, сезд, сесканди, кечиртирди, талтайтирди, билгизди, чинқиртирди, силтатди, чувилди, тугалди, тирмашди, топишди, ўзгарилди.

301-машқ. Навоий асарлари луғатидан келтирилган мисолларни диққат билан ўқинг. Сўнгра *бош* сўзи билан боғлиқ бўлган феъллар синонимиясига эътибор бериб ёзинг.

Бош оқармоқ — сочи оқармоқ, қартаймоқ

Бош олиб чиқмоқ — ҳамма нарсанинг баҳридан ўтмоқ, кечмоқ, тарк қилмоқ.

Бош учурмак, бош туширмақ — ўлдирмақ, бошини кесмақ;

Бош ура киришмақ — кўрина бошламақ

Бош ўғирламақ — бош олмоқ, ўлдирмақ;

Бош ўйнамақ — ўйинда бошни тикмақ, қурбон бўлмақ;

Бош индурмак — 1. таъзим қилмақ; 2. писанд қилмақ.

Бош тортмақ — кўтарилмақ, юқорилашмақ

Бош чиқармақ — ўзини тортмақ, ўзини аямақ, сақламақ.

Оллида бош қуймақ — ўзини кичик олмоқ, итоат қилмақ, илтижо этмақ.

Бошидин қуймақ — эсидан, ёдидан чиқмақ.

Бошдин қуймақ — баҳридан ўтмақ, кечмақ, тарк қилмақ.

Бошига етмоқ — тепасига келмоқ, олдига келмоқ.
Боши фалакдин ўтмоқ — улуғ мартаба ҳосил қилмоқ.

Хотиндин бош кўтармак — итоатда бўлмоқ, чизган чизигидан чиқмаслик.

Таянч тушунчалар:

феъл нисбатлари, бош нисбат, биргалик нисбат, орттирма нисбат, ўзлик нисбат, мажҳул нисбат.

30.2. МАЙЛ ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Майл шакллари юзасидан талабаларнинг ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш.

Майл шаклларида нутқда ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: * Майл шакллари ҳақида маълумот.

* Майл шакллари таснифи.



Топшириқ: Кел... сўзи охиридаги нуқталар ўрнига -са, -ай (-гин, -син), -моқчи шакллари-ни қўйинг. Ҳар қайси шаклда қандай маъно ифодаланаётганини айтинг.

1. *Бордим, бординг, борди;* 2. *Борай, боргин, борсин;* 3. *Борсам, борсанг, борса;* 4. *Бормоқчиман, бормоқчисан, бормоқчисиз* сингари *бормоқ* феълининг турли шакллари маъносига эътибор беринг. Булардан биринчи гуруҳдагилар билан иккинчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳдагилар замон маъноси билан фарқ қилади. Биринчи гуруҳдагилар ўтган замонни, қолган гуруҳдагилар келаси замонни билдиради. Улар ўртасидаги фарқ фақат шу билангина чекланмайди.

Юқоридаги тўрт гуруҳдаги феъллар сўзловчининг ҳаракатга бўлган муносабатига кўра ҳам фарқ қилади. Биринчи гуруҳдаги феъллар ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилган вақти билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги аниқ билиниб туради.

Иккинчи гуруҳдаги феълларда ҳаракатни бажаришга буйруқ маъноси, учинчи гуруҳдаги феълларда ҳаракатнинг бажарилиш шарти маъноси, учинчи гуруҳда эса ҳаракатнинг бажарилиш маъноси ифодаланади ва бу гуруҳнинг ҳар қайсиси ана шу маъноларига кўра ўзаро фарқланади.



Феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг билдирган феъл шаклларига майл шакллари, шундай шакллар тизимига эса майл категори-яси дейилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида юқоридаги маънолар-га мувофиқ келадиган тўрт турдаги майл шакллари мавжуд. Уларни қуйидаги жадвалда кўринг:

Т/р	Майл турлари	Майл курсаткич-лари	Мисоллар	Маънолари
1	Ижро майл	Ø	Кўрдим, кўряп-ман, кўраман, кўрдинг, кўряп-сан, кўрасан, кўрди, кўряп-ти, кўради	Ҳаракатнинг ижро қи-лиш -қилин-маслигини билдиради
2	Буйруқ-истак майли	-й(-ай) -йлик (-айлик), -нг (-инг), -инг, -нгиз (-инглар), -син, -синлар	Ёзай, тўқий, ёз, ёзинг, ёзгин, ёзингиз, ёзсин, ёзсинлар	Ҳаракатни бажаришга даъват этиш маъносини билдиради
3	Шарт майли	-са	Ёзсам, ёзсанг, ёзса	Шарт бўлган ҳаракатни ифодалайди
4	Мақсад майли	-моқчи	Ёзмоқчиман, ёзмоқчисан, ёзмоқчи	Ҳаракатнинг бирор мақ-садда бажа-рилишини билдиради

Юқорида феъл шаклларидан ўринли фойдала-ниш нутқингизни аниқ, равон ифодалашга ёрдам беради.



302-машқ. Гапларни ўқинг, феъл майлларини аниқланг.

Энди, сен, эй аянч масхарабоз ва ўзингники бўлмаган ишларга араллашиб юрадиган телба, сен энди мени кечир! Қўнгилларга алам беришни бас қилинг. Дамингизни чиқармасдан туринг: мен сизни юрагингизга бир алам бермоқчиман: агарда у юрак ҳеч нарса кор қилмас бир маъдандан иборат бўлмаса, агарда жиноятга кўникиш орқасида ҳар қандай ҳисдан маҳрум бир мисга айланмаган эса, мен унга ачитиби-ачитиб бир алам берайин дейман. (*Абдулҳамид Чўлпон*)

2. Навоий замонида бўлиб ўтган бир галги мушоирада давра иштирокчиларидан бири шеърни чунонам дабдабали оҳангда ўқибдики, унинг бу қилмиши кўпчиликка маъқул тушмабди. Шунда машҳур донишмандлардан бири у кишига: — Мавлоно, сиз шеър ўқийдирсизму ёки одам кўрқитасизму? — дея танбеҳ берган экан. (*3. Васифий.*)

3. Кесак десангиз ҳам майлига, лекин сансираманг, Арслонбек. Мен сиздан икки ёш каттаман. Шу ерда бўйига етган, қизим, бола-чақали ўғлим ўтирибди. Козимбекнинг орзусини кўринг, сансираманг. (*Абдулла Қаҳҳор*)

303-машқ. «Тонгда турмоқликнинг хосияти» мавзусида матн тузинг, бунда синоним феъллардан унумли фойдаланинг.



304-машқ. Матни ўқинг. Феъл майли қўшимчаларини ажратиб ёзинг ва услубий вазифаларини аниқланг.

ЭНГ ЯХШИ ДОРИ

Шундай хасталар бўладики, уларни фақат сўз билан даволамоқ зарур. Абу Али Ибн Синонинг фикрига қараганда, беморни дори-дармон билан бирга сўз билан даволаган ҳам афзал, чунки сўз шунчалик сир-синоатга эга бир мўъжиза ҳисобланади.

Бир оғиз ширин сўз. Сиз бу сўзнинг нақадар умидбахш ва катта қудратга эга эканлигини ҳис қилганмисиз? Қизиқ, баъзан ноёб дори-дармонлару замонавий медицина асбоб-ускуналари ҳам ожизлик қилиб қолганда ана шу бир оғиз сўз беморга руҳий далда, жисмоний қувват бағишлайди! Чунки сўз хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, аввало, бош мияга таъсир

қилади. Бош мия эса организмдаги бутун жараёнларни бошқаради ва назорат қилиб туради. Ёмон сўз орқали асабийлашганда, одамнинг афт-ангори ўзгаради, ранги ўчади, қўл ва оёқлари титрайди, қулоққа сўз кирмайди, нафас олиши ва юрак уриши тезлашади. Шу пайт киши ўзини босиб ололмаса, ёмон касалликка чалиниши мумкин.

Ривоят қилишларича, бир куни Луқмони Ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир қиз дам-бадам қон туфлармиш. Ҳаким қиз уйига кириб кетгач, унинг орқасидан кирди. Луқмони Ҳаким қизнинг отасига: «Қизингиз бедаво дардга учрабди, афсуски, муолажанинг иложи йўқ», — дебди. Унинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орқасида эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва ҳушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз руҳий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

...Кунларнинг бирида қизнинг отаси Луқмони Ҳакимни учратиб қолибди. Шунда ота:

— Тақсир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билиб эдингиз? — деб сўрабди. Луқмони Ҳаким дебди:

— Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Бу жавобни эшитган чол шарт этиб, ўз пешонасига урибди. Кейин сал ўзига келгач:

— Э, аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди, сиз кўрган тупик шотут шарбати эди-ку! Э аттанг! — дебди.

Ҳаким чол олдида тиз чўкиб, узр сўрабди:

— Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки беморни оёққа турғизиб юбориш мумкин экан! Юнонликлар: «Дардни билмасанг, яхшиси сен беморни тинч қўй», — деб бежиз айтмаган эканлар.



305-машқ. Кўчиринг. Феълларни ажратиб, майлини ҳамда замонини аниқланг.

Сарой аҳли уч тоифага бўлинади, — деди Ўғдилмиш. Биринчиси — сендан улуғлар, уларни улуғлаб, сўзларини қадрла. Донолар бек ҳақида жуда яхши дейишган:

Кичикка улуғлик улуғдан бўлар,
Улуғга эгилса, кичик қут олар.

Улуғлар сўзин тут, юмуш қил, югур,
Улуғ сўзин тутсанг, тилак тез келур.

Булардан бўлаги сенинг тенгдошларинг. Уларни ўзингдан узоқлаштирсанг ёв, яқинлаштирсанг қадрдон дўст бўлишади. Охиргиси — сендан кичиклар. Барча аччиқ-чучук улар билан бўлади. Улар ишини ўринлатса, тақдирлаш, гуноҳ қилса, тартибга чақириш лозим. Ёшларни бекор, беҳуда қўймаслик, ишларини сўраб-суриштириб туриш шарт. Уларни менсимай қўйиш хаёлингга келмасин. Уларга айтиладиган сўзларингни тийиб тур. Қўлдошларинг қайси йўлни тутса, сен ҳам ўшандай қилгин, токи улар бундан севинч топишсин. Ўзингга тенгларни яқин тут. Тенгдош тенгдош учун — кўрк. Ёмон феъл-атвор эгаларини зинҳор яқин тутмагин.

Дўстлик, яқинлик 2 хил бўлади: бири эзгу ниятлар туфайли юзага келса, бошқа бир дўстлик шахсий манфаатларни деб бўлади. Ўз нафини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дўст кишининг шундай ҳикматли гапи мавжуд:

— Дўстни фойда-зарар ичида синаш керак. Сен дўст бўлиш учун оёқ қўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстнинг ҳақиқий дилини билмоқчи бўлсанг, синаш учун унга тилингга газаб қилиб ёки юзингни тутиб, яъни қовонингни солиб кўр.

Дўстнинг сенга қанчалик муҳаббати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарсасини сўра, шунда ҳамма нарса аён бўлади. Шу иккаласидан кейин ҳам у қовоғини солмаса, бундай дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак.

(Юсуф хос Хожиб)



306-машқ. Икки гуруҳга бўлининг. Берилган феълларга қайси гуруҳ кўп синонимлар топа олади.

Топшириқ: келди... ва тура... феъллари охиридаги нуқталар ўрнига учта шахс ва бирлик-кўпликка мансуб қўшимчаларни қўйинг. Уларнинг маъноларини айтинг.

Ичмоқ, отмоқ, сўзламоқ, чопмоқ, эшитмоқ, қарамоқ.

Таянч тушунчалар:

феъл майллари, ижро майли, буйруқ-истак майли, шарт майли, мақсад майли.



ЎТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Ҳаракат феъллари берилган қаторни топинг.

- A. Кема, олма, тама
- B. Бормоқ, юрмоқ, кетмоқ
- C. Димлама, қайнатма, қатлама
- D. Эгма, қўлланма, ўзлашма
- E. Барча жавоблар тўғри

2. Ўтимли феъл берилган гапни аниқланг.

- A. Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга.
- B. Саломатлик — туман бойлик.
- C. Ота-онангни ҳурмат қил.
- D. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл.
- E. Дангасага иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.

3. Айтилган вақтга етиб келинди. Феъл нисбатини аниқланг.

- A. Аниқ нисбат
- B. Ўзлик нисбат
- C. Биргалик нисбат
- D. Орттирма нисбат
- E. Мажхул нисбат

4. Ўзлик нисбатини ҳосил қилувчи қўшимча қайси қаторда тўғри берилган.

- A. -н, -ин, -л, -ил
- B. -л, -ил, -н, -ин
- C. -ш, -иш.
- D. -т, -дир, -тир
- E. -газ, -каз, -каз

5. Келажақда қурувчи бўлмоқчиман. Феълнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Аниқловчи

D. *Тўлдирувчи*

E. *Ҳол*

6. Феълга хос бўлмаган белги қайси қаторда берилган.

A. *Тусланади*

B. *Замонга эга*

C. *Вазифадosh шакллари мавжуд*

D. *Майл кўрсади*

E. *Барча жавоблар тўғри*

7. Феъл ясовчи қўшимчаларни топинг.

A. *-лан, -сиз, -ий*

B. *-и, -сира, -ай*

C. *-л, -ил, -т*

D. *-ган, -кан, қан*

E. *-иб, -ган, -гунча*

8. Юмуш феъллари берилган қаторни топинг.

A. *Сўзладик, гапирдик, қайнади*

B. *Ўйладик, эсладим, қайтдингми*

C. *Ишлади, ювдик, пиширдилар*

D. *Келсам, бормоқ, юрган*

E. *Ўтишди, ўсмоқ, ёғди*

9. Бизлар обод ва озод Ватан барпо этмоқдамиз. Ушбу гап ичида келаётган феълнинг қайси майлда эканлигини аниқланг.

A. *Ижро майлида*

B. *Шарт майлида*

C. *Буйруқ — истак майлида*

D. *Мақсад майлида*

E. *Майли аниқ эмас*

10. Турсун, Тўхтасин, Кўпайсин каби феълларга қайси қаторда тўғри таъриф берилган?

A. *Буйруқ — истак майлидаги феъллар*

B. *Феълдан ҳосил қилинган атоқли отлар*

C. *Феълнинг бош шакллари*

D. *Феълнинг вазифадosh шакллари*

E. *Отлашган феъллар*

31-д а р с

ШАХС-СОН ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. ЗАМОН ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

31.1. ШАХС-СОН ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Талабаларнинг шахс-сон қўшимчалари юзасидан ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш. Шахс-сон қўшимчаларидан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: *Шахс-сон қўшимчалари ҳақида маълумот.
* Шахс-сон қўшимчаларининг ўзаро вазифа жиҳатидан алмашинуви ва унинг услубий хусусиятлари.



Топшириқ: *Ўқиди... ва бора... феъллари охиридаги нуқталар ўрнига учта шахс ва бирликнинг кўпликка мансуб қўшимчаларини қўйинг. Уларнинг маъноларини айтинг.*



Феълнинг шахсларга муносабатини билдирган қўшимчаларга шахс-сон қўшимчалари дейилади. Масалан, *келдим, ёздинг, бораман сўзларидаги -м, -нг, -ман* қўшимчалари.

Бундай қўшимчаларнинг шахс-сон қўшимчалари деб юритилишига сабаб шуки, шахс қўшимчалари айтилган пайтда сонни ҳам билдириб туради: ё бирлик, ё кўплик шаклида бўлади. Масалан,

Бирлик

ёзди-м
ёзди-нг
ёзди-

Кўплик

ёзди-к
ёзди-нгиз (ларинг)
ёзди-лар (ёзишди)

Баъзи ҳолатларда биринчи шахсни ифодалаш учун иккинчи шахс қўшимчаси, шунингдек, бирлик маъносини ифодалаш учун кўplik қўшимчалари қўлланиши мумкин. Бундай ҳолатлар маълум услубий мақсадда рўй беради. Масалан, *Юрасан, юрасан, ҳеч масофа камаймайди — юраман, юраман, ҳеч масофа камаймайди.*

Иккинчи ва учинчи шахс бирлик шакллари ўрнида кўplik шакли қўлланилса, шахс кўплиги эмас, балки шахсга ҳурмат маъноси ифодаланади. Масалан, *Дадам келдилар. Сиз жуда ёқимли куйладингиз. Сузланг* (А. Қодирий)

Айрим ўзбек шеваларида шарт майлидан кейин қўшиладиган шахс-сон шакллари ўрнига ўтган замоннинг — ган шакли, ҳозирги ва келаси замон шаклларидаан кейин ишлатиладиган шакл қўлланилади. Масалан, *борса ўрнига борсамиз, борсавуз.*

Шахс-сон қўшимчаларини қуйидаги жавдалда кўринг:

Т/ №	шахс-сон асоси	шахс	шахс-сон шакллари		мисоллар	
			бирлик	кўplik	бирлик	кўplik
1	а) ўтган замон аниқ майлнинг — ди шакли б) келаси замон шарт майли	I II III	-м -нг -о	-к -нгиз -лар	келдим келсам келдинг келсанг келди келса	келдик келсак келдингиз келсангиз келдилар келсалар
2 3	а) ўтган замон аниқ майлнинг — ган шакли б) ҳозирги замон аниқ майлининг шакллари в) келаси замон аниқ майли	I II III	-ман -сан -ади	-миз -сиз -адилар	келганман келяпман келамаан келгансан келяпсан келяпти келамаан келасан келади	келганмиз келяпмиз келамиз келгансиз келяпсиз келяптилар келамиз келасиз келадилар

а) келаси замон буй- руқ-истак майли	I	-ай, -й -гин, -син	-айлик, -йлик, - н г и з (лар), — синлар	келай келгин келсин	келайлик келинг(из келсинлар
---	---	--------------------------	---	---------------------------	------------------------------------

II шахс буйруқ майли қўшимчалари ўрнига III шахс буйруқ майли қўшимчаси ишлатилади. Масалан, *киринг ўрнига кирсинлар, ўтиринг ўрнига ўтирсинлар*. Бундай ҳолат ўзидан катта ёки обрўли кишиларга нисбатан қўлланилиб, ҳурмат маъноси ифодаланади.



307-машқ. Ўқинг. Феълларни кўчириб, уларнинг ҳар бирига тўла таъриф беринг, қайси майлда келатганига диққат қилинг.

Н а м у н а: Югурди — ҳаракатни билдиради: бўлишли, ўтган замонда, аниқ нисбатда, хабар майлида, содда феъл, кесим вазифасида

1. Одам одамдан қутулар, ўз феълидан қутилмас. 2. Камтар керилмайди, мол-дунёга берилмайди. 3. Сен ўзингни мақтама, сени биров мақтасин. (*мақоллар.*) 4. Ҳеч бир кишилиқ маданияти шеърсиз мавжуд бўла олмайди. (*Э. Талабов.*) 6. Ҳақиқатан ҳам шўролар даври мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бошқача қилиб айтганда, боқимандалик тушунчасини сингдириб келган эди. Бундай ёндашиш кишиларда ташаббусни бўғиб қўярди, чунки киши ўзининг самарали меҳнатидан манфаатдор бўлмаса, унда ҳалол меҳнатга интилиш, иш натижаси учун маъсулиятни ошириш туйғуси йўқолади. (*Н. Жўраев.*)



308-машқ. Уйга топшириқ. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърини бадийий ўқиш санъатига риоя қилиб ўқинг, ёд олинг. Уни насрий йўл билан баён қилинг. Феъл ва феъл шаклларини топиб, остига чизинг.

ЮРТИМ, АДО БЎЛМАС АРМОНЛАРИНГ БОР

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.
Айбин билмай кетган Акмал Икромлар,
Файзуллодек марди-майдонларинг бор.

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Кўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайин барглар ёпиб қаро кўзини,
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —
Меҳробдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг, менинг фиғоним,
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтмас адо бўлмас дostonларинг бор.

(Муҳаммад Юсуф)



309-машқ. Кўчиринг. Феъл майларини аниқланг.

1. Расулуллоҳ айтмишлар: «Аллоҳ тоало: «Мен дунёдаги ҳамма борлиққа раҳм қилувчи Раҳмонман ва раҳми яратдим», — демиш. 2. Абу Хурайра айтдилар: «Расулуллоҳ: «Агар мамлук (қул) ўғрилиқ қилса, уни йигирма тангага бўлса ҳам сотиб юбор», — дедилар. (Имом ал-Бухорий). 3. Бир баландга чиқиб, урдуни мулоҳаза қилиб, буюрдуқким, урду тевасини санагайлар» («Бобурнома»дан.) 4. Зайнаб бир турлуқ ҳолга тушди, кучлангандек қилиб: «Улар нега кетсинлар!» — деди. 5. Отабек кейин онасининг фикри қисман қўшилиб: «Агар мен сизнинг талабингизни маъқул қиладирғон бўлсам, айниқса, қизингизнинг кўнглига шубҳа келадир... Сизга айтқулиги йўқ, бу тўғрига маним аралашмоғим.



310-машқ. «Ювош йигит сизга ёқадими?» мавзусини мунозарага эпиграф қилиб олинг.

Жуда ювошсан деб айтавериб биз
 Қўйга айлантирдик хуркак олқорни,
 Жуда ишлайди деб мақтайвериб биз
 Эшак қилиб олдик учқур тулпорни.
 Энди айтишим шарт шундайин сўзлар:
 Қўйлар ўхшасинлар хуркак олқорга.
 Токи бу сўзимни тинглаган кезлар
 Эшаклар айлансин тагин тулпорга

(А. Мўминов)

Юқорида ишлатилган феълларга тавсиф беринг.

Таянч тушунчалар:

шахс-сон қўшимчалари, тусловчи қўшимчалар, бирлик сон, кўплик сон, шахс-сон асоси.

31.2. ЗАМОН ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Замон қўшимчалари юзасидан ўрта умумий таълимда олган билимларни мустаҳкамлаш. Замон қўшимчаларидан нутқда ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: * Замон қўшимчалари ҳақида маълумот
 * Замон қўшимчаларининг таснифи.
 * Замон қўшимчаларининг ўзаро вазифавий ал-
 машинуви ва унинг услубий хусусиятлари

Келдим, келяпман, келаман феълларининг учаласи ҳам I шахсни билдиради, лекин улар ҳаракатнинг нутқ моментиға нисбатан қачон бажарилиши ёки бажарилмаслиги билан фарқ қилади.



Феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ моментиға нисбатан бажарилиши ёки бажарилмаслик пайтини билдирадиган шаклларға замон шакллари, ана шундай шакллар тизимиға замон категорияси дейилади.

Замон турини белгилашда сўзланаётган нутқ вақти асосий таянч нуқта бўлиб ҳисобланади. Ана шунга кўра

уч замонга бўлинади: 1) ўтган замон, 2) ҳозирги замон, 3) келаси замон.



Феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ сўзланаётган вақтдан олдин бўлиб ўтганлигини билдирган шакллар ўтган замон шакллари саналади. Ўтган замон шакллариға қуйидаги шакллар киради: *-ди, -ган, -иб, (-ман, -сан, -ди)* каби, Масалан, *келди, келган, келибман, келибсан* ва бошқалар.

Бу шакллар гарчи «ўтган замон» умумий маъноси асосида бирлашса ҳам, лекин уларнинг ҳар қайсиси бир-бири билан маълум маъносига кўра фарқ қилади: *-ган* шакли *-ди* га нисбатан ҳаракатнинг нутқ сўзланган вақтдан анча олдин рўй берганини, билдирди.

-ибди -ибман, -ибсан шаклари эса сўзловчи нутқ моментидан олдин рўй берган ҳаракатни бошқа шахсдан эшитганлигини ёки олдиндан кутилган ҳаракатнинг амалга ошганлигини билдиради. Масалан, *Ўғрини эшакка тесқари миндирибди.* (эртакдан).

-ди шакли, умуман, ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бажарилганлигини билдиради.

Солиштиринг:

Келди
Келган
Келган эди
Келибди



Феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг нутқ сўзланаётган вақтда рўй бериши ёки бермаслигини билдирган шаклларға ҳозирги замон шакллари, шундай шакллар тизимига эса ҳозирги замон категорияси дейилади. Ҳозирги замон маъноси *-япти, -ётир, -моқда* сингари қўшимчалар қўшиш орқали ифодаланади. Масалан, *ёзаяпти, ёзмақда, ёзаётир.* Булардан *-япти, -моқда, феъл* асосларига, *-ётир* эса феълнинг равишдош шаклиға қўшилади.

Ҳозирги замон шакллари маълум услубға хослангани билан ўзаро фарқланади, *-япти* услубий бетараф (нейтрал) шакл бўлса, *-моқда, -ётир* ёзма нутқ услубига хосдир.



Феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг нутқ сўзланаётган вақтдан сўнг рўй бериш-бермаслигини билдирган замон шакллариға келаси замон

**шакллари, шундай шакллар тизимига эса келаси
замон категорияси дейилади.**

Келаси замон маъноси феълнинг *-а* равишдош шаклига *-ди, -жак*; феъл асосларига *-ар, -ур, -гуси, қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Масалан, келади, келажак, келар (ур), келгуси* каби.

Булардан *-ади, -ар* услубий бетараф шакллар бўлса, *-жак, -гай (-гай), -ур, -гуси* шакллари бадиий ва публицистик услубга хосдир.

Услубий бетарафлик белгисига кўра *-ади* ва *-ар* шакллари бир гуруҳни ташкил қилса ҳам, улар ифодаланаётган ҳаракатга гумон — тахмин маъносини билдириш-билдирмаслигига кўра бир-биридан фарқ қилади. Биринчиси бундай маънога бетараф бўлса, иккинчи шакл гумон тахмин маъносига эга.

Солиштиринг: *келади-келар*.

Баъзан турли замонга мансуб бўлган шакллар ўзаро алмашилиши мумкин. Масалан, *Танклар, замбараклар ағанаб ётибди. Бир жангчининг пешонаси боғланган, бир жангчининг эса елкасидан қон оқмоқда.* (Шухрат)

Ўтган замонда бўлиб ўтган воқеаларга тингловчини олиб кириш, уларни унинг кўз олдига олиб келиш мақсадида ҳозирги замон шакли ишлатилган.

?

Савол ва топшириқлар

1. Замон шакллари деб қандай шаклларга айтилади?
2. Замон шакллари неча турли бўлади? Уларнинг бир-биридан фарқини айтинг.
3. Замон қўшимчаларининг ўзаро алмашинуви ва бунинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

311-машқ. Берилган гапларнинг хатосини топинг.

1.1227 йили Ботухоннинг укаси Беркахон Олтин Ўрда тахтига чиқаяпти. 2. 1996 йил Президент Ислон Каримовнинг фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилинмоқчи эди. 3. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмоқчи. 4. Пойдеворсиз иморат бўлмаганидек, ўқилдизсиз дарахт юксакликка бўй чўзади, бўронларга дош берапти. 5. Оиладаги меҳнат тарбияси болаларни уй юмушига жалб этишдан бошлаймиз. 6. Кўзимиз ёруғ жаҳонни кўрган эди. Камалакнинг товланиши — етти тусни бир-биридан ажрата олмоқчи эдик.



312-машқ. Келтирилган феъллар қандай (расмий, сўзлашув, бадий) услубга хослигини ёзинг.

Мингирламоқ, озод этилмоқ, қарор қабул қилмоқ, газабланмоқ, хушнуд бўлмоқ, валдирамоқ, сайр айлади, изҳор қилди, гимириламоқ, нишонлади, эътироз билдирмоқ, гап отмоқ, нутқ сўзламоқ, ташриф буюрмоқ, хитламоқ, сўппаймоқ, овоз бермоқ, тасдиқлади, дардига дармон бўлди, сўзга чиқмоқ, маза қилмоқ, масхараламоқ, куюнмоқ, вужудга келмоқ, инкор қилмоқ, жилваланмоқ, маҳлиё этмоқ.



313-машқ. Матни кўчиринг. Феълларнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон шакллари аниқлаб, устига ёзиб кўрсатинг, маъно оттенкасини изоҳланг.

ҲАДИСИ ШАРИФ

Ислом шариатининг асосий манбаларидан иккинчиси суннатдир. Суннат Расулуллоҳдан нақл қилинган ҳадиси шарифлар орқали шаклланади. Ҳадиси шарифларда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу уч хил услубнинг ҳар бири суннат дейилади.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёйган. Ислом оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналган шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий ва Имом ибн Можа-лар тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзаминлик бўлгани билан бутун ислом дунёси миқёсида фахрлансак арзийди.

Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат ишки, у кишидан заковат, куч-қувват, фидоийлик, юксак иқтидор ва кучли қувваи ҳофизани талаб қилади.

(«Ватан туйғуси»).



314-машқ. Гапларни ўқинг. Феълларни кўчириб, нисбат, майл, замон, шахс ва сонини изоҳланг.

1. Томирида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур қони жўш урган паҳлавон ўғлонларимиз омон бўлишсин. 2. Бизнинг ходимларимиз банкдаги ҳар бир мураккаб жараёнларни ҳам бемалол уддалашди. 3. Авваллари битта яримта ёш-ялангларнинг чекиши ҳам бизга ғайри оддий ҳол туюларди. 4. Анжуман юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқилиб, иштирокчиларга тарқатилди. 5. Воҳада ислоҳатларни чуқурлаштириш, иқтисодиётини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 6. Бир нарса кишида умид уйғотади: фарғоналиклар нафақат асримизнинг сўнгги йилини, балки янги минг йилликни муносиб кўрсаткичлар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. 7. Истиклол туфайли чекка қишлоқларда ҳам ҳавасланса арзигулиқ корхоналар яратилди. 8. Корхонамиз ишга тушгач, Ўзбекистон тамғаси битилган маҳсулотлар ички бозорга дадил кириб боради. 9. Мустақилликнинг зафарли қадами, ҳузурбахш насими бутун мамлакатда бўлгани каби Андижоннинг Кўмакай қишлоғини ҳам ўзгартириб юборди.



315-машқ. Матнни ўқинг, феълларни топиб изоҳланг. Ўзбек тилининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган яна қандай тилшунос олимларни биласиз, улар ҳақида сўзлаб беринг.

ШОНАЗАР ШОАБДУРАҲМОНОВ (1924)

Филология фанлари доктори (1964), профессор (1967), Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги (1974), Шоназар Шоабдурахмонов ўзбек тили фонетикаси, ўзбек тилининг бадиий-эстетик вазифаси, лексикографияси, морфологияси, диалектологияси юзасидан қатор салмоқли асарлар яратди. Жумладан, «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» (1953), «Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» (1953), «Ўзбек тилида пунктуация» (1955), «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» (1962) каби асарлари ўзбек тилшунослигининг ривожи учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Академик Ш. Шоабдурахмонов ўрта ва олий таълим-да ўзбек тили ва тилшунослигини ўқитишни такомил-лаштириш борасида ҳам самарали меҳнат қилди. Ай-никса, унинг В. Решетов билан ҳамкорликда олий мак-табларнинг ўзбек филологияси факультети талабалари учун чиқарилган «Ўзбек диалектологияси» (1962, 1969, 1978) дарслиги, шунингдек, ўрта мактабларнинг IX синфи учун ҳаммуаллифликда ёзилган «Ўзбек тили» (1977, 1978, 1980, 1982) ҳамда Олий ўқув юртлари учун яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1980) дарс-ликлари алоҳида аҳамиятга эга.

316-машқ. «Феъл» сўз туркуми юзасидан олган билимларингизни синаш мақсадида грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг ва ёзинг.

1. Бармоқда, қармоқда,
Қайтмоқда ҳам айтмоқда.
Қайси сўз от, қайси феъл,
Ҳам бўлишли қайси феъл?

2. Ўқиш, олқиш, қурилиш,
Чиқиш, қамиш, муюлиш,
Сўзида бор -ш, -иш лар,
Уларни ким изоҳлар.

3. Ўйин, қийин сўзига
Феъл ясовчи —а қўшсак,
Нимадир тушиб қолар,
Ўйин, қийин сўзидан?

4. Тирикликнинг шарти бор,
У ҳам бўлса ҳаракат.
Шун-чун дейди донолар,
Ҳаракатда баракат,
Ҳаракатнинг номи бор,
Яловчилари ҳам бор,
Топиб беринг, Ўйтибор.

5. Ўйин, қийин, паст, сон, от
Сўзлари ўзгарибди.
Ўйна, қийна ҳам ата,
Пасай, сана бўлибди.
Ўйлаб топинг, болалар,
Нега шундай бўлибди?

6. Ёшликда ниҳол ўтказ,
Асра, вояга етказ,
Дарахтинг кучга тўлсин,
Ғуж-ғуж меваси бўлсин,
Офтоб хил-хил пиширсин,
Дўсларинг тўйиб есин.

Сенга раҳматлар айтсин.
Бунда бор қандай феъллар,
Қандай маъно билдирар?

7. Ишла, ўйла ҳам ялла,
Сайла, бола ҳам алла.
Олти сўзда олти -ла,
Феъл ясовчи қайси-ла?

8. Сон-саноғин бўлибди,
Онг-англагин бўлибди.
«Сон», «онг» сўзларида «о»
Юмалаб «а» бўлибди.
Ким доно бўлса топсин,
Нега шундай бўлибди?

9. Ўзак — негизида -иб
Гоҳида бўлади -б
Сўнг қўшилар шахс -сон,
Қандай феъл, қайси замон?

10. Терди ҳам тердиришди.
Тердирилди, тердирди
Феъллар қайси нисбатда
Ким топади бир пасда?

Топишмоқларнинг жавоблари:

1. Қарамоқда, қайтмоқда, айтмоқда — феъллар, бармоқда — от.

2. Ўқиш, қурилиш, чиқиш сўзлари — ҳаракат номлари, олқиш қамиш, муюлиш сўзлари — от.

3. Ўйин, қийин сўзларидаги «и» туширилади.

4. -моқ, -ш, -иш, -в, -ув.

5. Ўйин, қийин, паст, сон, от сўзларидан феъл ҳосил қилинганда ўйин, қийин сўзлардаги *и* унлиси туширилади, паст сўзидаги *т* туширилади, сон, от сўзларидаги *о* товуши *а* билан алмашади.

6. Буйруқ майлидаги феъллар.

7. Ишла, ўйла, сайла сўзларидаги -ла.

8. Сон, онг сўзларига *-а* қўшимчаси қўшилса, *о* унлиси *а* билан алмашади.

9. Ўтган замон ҳикоя феъли *-б* қўшимчаси ундош билан тугаган феъл ўзак-негизига *-иб* тарзида қўшилади.

10. Аниқ, биргалик ва орттирма нисбатдаги феъллар.

317-машқ. Ҳикматлардаги феълларни аниқланг. Уларнинг вазифасини услубий жиҳатдан иборалар ҳам бажара оладими? Ўрнини алмаштириб ёзинг.

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Бир донишманд айтган экан: «Имонсиз одам ўзининг ёмонлигини билмайди, агар билса, у яхши одам бўлишга ҳаракат қиларди».

Бир оқил ва ҳазилкаш одам саёҳат вақтида олис шаҳардаги дўстига кўнглидаги нозик фикрларини айтиб, мактуб ёзаётган эди. Бир бефаросат ҳамроҳидан берухсат ҳадеб мактубда нималар ёзилганига қарайверибди. Оқил одам мактубига мана бу сўзларни қўшиб қўйибди:

«Агар ёнимда бир бефаросат, бировларнинг хатига қизиқувчи тентак бўлмаганда эди, яна бошқа гапларни ҳам ёзар эдим».

Ҳалиги бефаросат бу сўзларни ўқиб, жаҳли чиқди ва эътироз билдирди:

— Қачон хатингга қарабман?

Униси эса жавоб берибди: «Сенинг ҳақингда ёзганимни қаёқдан билдинг?»

Бир ҳурматли одам касал бўлиб, уйида ётган эди. Беш-олтита хира, ғашга тегувчи одамлар беморни кўришга бордилар. Улар бемор ёнида узоқ ўтириб, ҳар хил маза-бемаза гаплари билан уни толиқтириб қўйдилар. Охири, кетаётганларида бир бефаросат одам бемордан:

— Бизга васият тариқасида насиҳатларингизни айтсангиз, — деб сўради.

Ҳурматли одам ҳалиги бефаросат зиёратчиларга қараб бундай деди:

— Сизларга васиятим шуки, бирор дўстингиз ёки устозингиз касал бўлиб қолганида, уни маза-бемаза гаплар билан толиқтириб қўйманглар.

Бир неча ҳазилкаш одамлар бир қизғанчиқ, хасис одамнинг уйига меҳмонга бормоқчи бўлибди, аммо дарбоза тақиллатганларида хасис одамнинг хизматкори

чикди. Меҳмонларни кўриб, ичкарига кириб кетди. Сўнг қайтиб чиқиб айтди:

— Кечирасизлар, хојамиз кеча кечқурун ўлган эдилар. Эрта тонгда дафн этиб келган эдик:

Ҳазилкаш меҳмонлар бунга ишонмадилар ва айтдилар:

— Ҳожангиз раҳматли, биз учун жуда азиз, қадрли одам эдилар. Уларнинг жанозасида бўлиш бизга насиб этмади, энди уйларига кириб, фотиҳа ўқиб кетмасак бўлмас.

Бояги хасис хожа меҳмонларни қабул қилишдан бошқа иложи қолмабди.

(*Фахриддин Али Сафий*)

318-машқ. Берилган феълларни бошқа нисбатга айлантинг, гапда қандай ўзгариш бўлганини тушунтинг.

1. «Дунё» кўшиғининг сўзларини фарғоналик шоир Охунжон Ҳақимов ипга терилган дур мисол қоғозга туширган. «Бир кам дунё, кимни севиб, кимни хор қиласан?». Дарҳақиқат, инсоният яратилибдики, оддийгина, жўнгина, соддагина туюлган шу жумбоқ ечимини тополмай овора. (*Газетадан*)

2. Ойқиз кекса боғбонни елкасидан ушлаб, меҳрибонлик билан жойига ўтказди. (*Ш. Рашидов*). 3. Ўрик дарахти остидаги супада ётган Муротали, одатдагидек, тонг саҳарда уйғонди. (*Ш. Рашидов*). 4. Тил — миллатнинг энг муҳим белгисидир (*А. Фитрат*). 5. Равшанлик тилнинг асосий фазилати ҳисобланади. (*Арасту*.) 6. Ёмғир, сув тўлқини ҳам, сув кўпиғи ҳам асосан сув бўлганлиги учун яна сувга қайтадилар. (*Ш. Зуннун*). 7. Сабр қилинг, ҳурматли китобхон, олдин қишлоқ билан танишайлик. (*И. Раҳим*). 8. Йигит ўзини четга олишга тиришди, халқ тўлқини уни суриб кетди. (*Ойбек*). 9. Мен ўйлайманки, бутунги кун сизнинг ҳаётингизда ўчмас из қолдиради. Ватан олдидаги, ўтганлар руҳи олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчингизни яна бир бор эслатиб ўтди. (*Газетадан*)

319-машқ. Феъл нисбати ясовчи қўшимчалар ўзаро синонимик қатор ҳосил қиладиганларини ёзинг. Уларга мисоллар келтиринг.



320-машқ. Буйруқ ва шарт майлларининг қўшимчалари айрим нуқт услубларини ҳар хил ифодалашда аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам куйидаги матнни ўқиб, юқоридаги қўшимчалар гапга қандай услубий бўёқ бераётганлигини тушунтиринг.

ОФТОБ ОЙИМ

(Онам ҳақида)

Исмингизни ким қўйибди, Офтоб ойим?! Исмингиздай юзингиз, кўзингиз, сўзингиз иссиқ, нурли ҳароратли.

Офтоб ойим, Сиз бугун момосиз. Оппоқ сочларингиз оқ ипакдир, кўзлардаги меҳр, меҳнаткаш қўллардаги саховат, бекаликдаги маҳоратга таъриф йўқ. Сиз бир пайтлар келин бўлгансиз. Сумбул сочларингиз тақимини ўпиб елкаларингизга сиғмаган, ўсмадан пайваста қошлар парвози, истараси иссиқ буғдой ранг юзлар, кулиб турувчи кўзлар, маъно мағизли сўзлар Сизники бўлган.

Болалар, гулу лолалар, ортингиздан суқ билан қараётган оқ гул, қизил гулларни кўриб суконгансиз. Бағрингиз тўлиб, ёлғизлигингиз ҳам билинмаган-да, фаҳм-фаросат сизда нақд эди. Андишани тож деб билгансиз. Турмушда тоғ бўлдингиз, бору йўққа кўндингиз. Дилбандларни оқ ювдингиз, ҳалол панду қанд бердингиз.

Офтобойим, Сиз мулойим, бегойимсиз. Ҳамон фаришталисиз, кулсангиз дил ёришади, юрсангиз гул очилади. Гулларингиз гунчалади, чирой очди. Гулга ошносиз, дўстга ташнасиз. Меҳр излайсиз, аста сўзлайсиз. Жонга жонсиз, бутун имконсиз.

Офтоб ойим, сиз давлатим, шифо савлатим, шеърим нафосатимсиз. Келинг, иссиқ юзингизга юзим босай, ҳаёт, тафт олай, меҳнаткаш қўлингиз ўпай, силаб бир суяй, пойингизга саждалар қилай, умрлар тилай. Бизни кутасиз, илинасиз, соғинасиз — юрак бисотингиз, бойлигингизни. Меҳрлисиз, меҳр берасиз, меҳрга талпинасиз. Уйғоқ яшайсиз, гамлар келса ҳам, уларга қилич соласиз, ҳаромга йўлиқсангиз ҳазар қиласиз. Сиз борки, дарвозалар очиқ, гулу райҳонлар хандон, қуёш ҳам кулар, уйлар ҳам тўлар.

Офтоб ойим, Сиз кечиримли, бардошли, жонсарақ она. Беш қиз, ўғилни яратган она, эртаклару ривоятлар яратган она. Тонг саҳарлаб уйқудан туриб, ойдин бахту ризқ-рузлар сўраган она. Исмингизни сўрасалар, хосиятли, инсоф-диёнатли, қалбингиз гўзал. Сиз муҳтарам, чин волидам, Маккатиллоимсиз, менинг онам — Офтоб ойимсиз.

(М. Ғанижон қизи)

Танч тушунчалар:

феъл замонлари, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.

32-д а р с

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ, ҚЎШИМЧАЛАР ЁРДАМИДА ФЕЪЛ ЯСАШ. СЎЗ ҚЎШИШ БИЛАН ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ ВА УНИНГ СИНОНИМИЯСИ

32.1. ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ. ҚЎШИМЧАЛАР ЁРДАМИДА ФЕЪЛ ЯСАШ

Д а р е м а қ с а д и: Феълларнинг ясалиши бўйича ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.

Р е ж а: * Феълларнинг ясалиши ҳақида.

* Феъл яшашнинг йўллари.

Феъллар ҳам бошқа мустақил сўз туркумлари каби туб ва ясама бўлади. Масалан, *кел, кет, юр, ўқи* сингари феъллар туб феъллар: *ишла, ўйна, жонлан, тасдиқ қилди, касал бўлди* каби феъллар ясама саналади.



Ясама феъллар яшашга асос қисмга маълум ясовчи восита қўшиш ёрдами билан ҳосил қилинади. Ясовчи восита қўшимча ёки сўз бўлиши мумкин. Жумладан, юқорида келтирилган мисоллардан охирги иккитаси яшашга асос қисмга (*тасдиқ, касал*) сўз ҳолидаги ясовчи восита (*қилди, бўлди*) қўшиш ёрдамида ҳосил қилинган. Бошқалари эса қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалган. Шунга кўра, феъл ясалиши икки гуруҳга бўлинади:

а) қўшимчалар қўшиш йўли билан (аффиксация);

б) сўз қўшиш йўли билан (композиция)

Биринчи йўл билан ясалган феъллар содда феъллар, иккинчи йўл билан ясалган феъллар қўшма феъллар ҳисобланади.

1. Ясама феъл деганда қандай феълларни тушунасиш?
2. Ясама феъллар қандай усуллар билан ҳосил қилинади?
3. Содда ва қўшма феълларга мисоллар келтиринг ва қўшма феълларнинг қандай йўл билан ҳосил бўлганини тушунтиринг.

Феъл яшашнинг энг кенг тарқалган тури қўшимчалар қўшиш йўли билан феъл яшаш саналади. Бундай усул билан феъл бўлмаган сўзлардан феъл ясалади. Ҳозирги ўзбек тилида энг фаол феъл ясовчи қўшимча — ла қўшимчасидир. Бу қўшимча сондан бошқа барча сўз туркумларига қўшилиб феъл ясай олади. Масалан, *оқла, ишла, текисла, тезла, додла, войвойла* каби.

1. -ла қўшимчаси отларга қўшилиб феъл ясаганда, куйидаги маъноларни билдиради:

а) яшашга асос қисмдан англашилган нарса — предмет билан таъминлаш: *ўғитла, мойла*;

б) нарса — қурол билдирувчи отларга қўшилиб, шу асбоб билан бажариладиган ҳаракатни билдиради: *қайчила, аррала, эговла, кетмонла*;

в) яшашга асос қисмдан англашилган нарсани юзага келтириш маъносини билдиради: *уруғла, болала* каби;

2. сифат ва равишларга -ла ясовчи қўшимчаси қўшилганда яшашга асос қисмдан англашилган тус, ҳолатга кириш ҳаракатини билдиради. Масалан: *текисла, силлиқла, тўғрила, тезла, тозала* каби.

3. -ла қўшимчаси ундов сўзларга қўшилиб, яшашга асос қисмдан ифодаланган ҳис-ҳаяжон, буйруқ — хитобларнинг бажариш ҳаракатини билдиради: *ҳиҳила, уфла, додла*, каби.

4. -ла қўшимчаси тақлид сўзларга қўшилиб, яшашга асос қисм ифодалаган товушнинг юз беришини ифодалайди: *гумбурла, тарақла* каби.

Сифат, равиш, ундов ва тақлид сўзларга -ла ясовчи қўшимчаси қўшилиб феъл ясалганда, ясовчи қўшимча *қил, эт, де* сингари кўмакчи феъллари билан синонимик муносабатда бўлади ва уларни кўпинча бири ўрнида иккинчисини қўллаш имконияти бўлади. Масалан: *текисла-текис қил, силлиқла-силлиқ қил, уфла -уф де, додла -дод де, гумбурла -губур эт, тарақлади-тарақ этди* каби. Лекин доимо эмас. Масалан: *тезла* ни *тез қилга* алмаштириб бўлмайди.

Эслатма: 1. -ла феъл ясовчи қўшимчаси баъзан -та

(изла -иста), -га, -ка (ҳидла — иска) ҳолида ҳам талаффуз қилинади.

2. -ла феъл ясовчи қўшимчаси баъзан билан қўшимчасининг қисқарган шакли -ла (қўл-ла бажариб бўлмайди) ҳамда -ла (-оқ, -ёқ юкламаси билан маънодош) юкламаси билан омонимлик муносабатида бўлади. Шунинг учун -ла ясовчисини сўзга кучайтирув-таъкид маъносини юклайдиган -ла юкламасидан фарқ қилиш керак. Масалан, келиб -ла кетди — келиб кетди; қўлла, (мадад қил) ва қўл-ла (қўл билан).

Ҳозирги ўзбек тилида — ла қўшимчасидан ташқари яна қуйидаги қўшимчалар ёрдамида феъл ясалади:

— и: бой-бойи, тинч-тинчи, чанг-чанги каби

— илла: чирқ-чирқилла, ув-увилла, гув-гувилла каби

— ира: ярқ-ярқира, чирқ-чирқира каби

— (а)й: паст-пасай, суст-сусай, кўп-кўпай, оз-озай

— (а)р: кўк-кўкар, сариқ-сарғай, эски-эскир, қисқа-қисқар каби

— сира: сев-сувсира, ёт-ётсира, туз-тузсира каби

— (и), (и)қ: йўл-йўлиқ, кеч-кечик, зўр-зўриқ ва бошқалар.



Савол ва топшириқлар

1. Қўшимчалар қўшиш йўли билан феъл ясалиши ҳақида гапиринг.

2. -ла қўшимчасининг синонимлари ва омонимларини айтинг.

2. Феъл ясовчи қўшимчаларни сананг ва уларнинг ҳар қайсисига мисоллар келтиринг.

321-машқ. Қуйидаги феъл ясовчи қўшимчаларни ёзинг. -ла, -а, -й, -илла, -р, -ир, -ар, -ай, -са, -сира, -имсира, -ик, -ик. Юқоридаги қўшимчаларни иштирок этказиб гаплар тузинг. Ёзган гапларингизда -а, -й, -ир, -ар, -ай, -ик, -ик каби қўшимчалардан феъл ясалмасин.



322-машқ. Мақолларни ўқинг ва ёд олинг. Нуқталар ўрнига феъл ясовчи қўшимчаларни қўйиб кўчиринг.

1. Виждонсиз кишидан ўпка...ма.

2. Ёмон билан йўлдош бўлсанг.

Ёмондан бурун ўласан.

Яхши билан сирдош бўлсанг,

Яхшилик билан ун...сан

3. Охир замон бўлса, тоға жиян билан қози...ар

4. Ёмонга йўл ...санг, «ёв келди» қилар.

5. Душман сирингни ўғирлар.
Дўст хатоингни тўғри...р
6. Чин дўст борингни оширар,
Йўғингни яш..ар
7. Йўлда юрсанг, туя иш...т,
Элда юрсанг — мия
8. Ақлига айтдим, анг...ди — билди,
Ақлсизга айтдим, шақ...б кулди.
9. Ит ир...шни онасидан ўрганар.
10. Катта есанг ҳам, катта гап...ма.
11. Қариндошингни ёмон ...б,
Қайдан туққан топарсан.

323-машқ. Ясама феълларни топиб, кўчириб ёзинг. Сўнгра таркибларга ажратинг.

1. Чин дўст улдирким, дўстидан ҳеч қачон ранжи-майди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.
2. Бирор мамлакатда жабр-зулм ва фисқ-фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиши лозим.
3. Зулмнинг ном-нишонини йўқотгин.
4. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.
5. Подшоҳ ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгли хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.
6. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораи тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.
7. Сипоҳнинг тарқоқлиги салтанатнинг кучсизланишига олиб келади.
8. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб... сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Дўсту душман билан келишиб яшадим.

Таянч тушунчалар:

феъл ясалиши, феъл ясовчи қўшимчалар, ясовчи восита, аффиксация усули билан феъл яшаш, яшашга асос қисм.

32.2. СЎЗ ҚЎШИШ БИЛАН ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ ВА УНИНГ СИНОНИМИЯСИ

Д а р с м а қ с а д и: Сўз қўшиш йўли билан феъл ясалиши бўйича ўрта умумий таълимда олган билимларни мустақамлаш ва чуқурлаштириш.

Р е ж а: * Сўз қўшиш йўли билан феъл ясаш ҳақида маълумот
* Қўшма феълларнинг таркибига кўра турлари
* Етакчи ва кўмакчи феъллар

Ясашга асос қисмга ясовчи восита сифатида *айламоқ, қилмоқ, этмоқ, олмоқ, бермоқ* сингари сўзлар қўшилиб янги феъл ясалиши ҳам мумкин. Масалан, *жавоб берди, олиб келди, баён қилди, касал бўлди* ва ҳоказо.

Бундай йўл билан, одатда, қўшма феъллар ҳосил бўлади.

Қўшма феъллар таркибига кўра икки турли бўлади: а) от+феъл тузилишидаги қўшма феъллар. Масалан: *тасдиқ қилди, вайрон бўлди* каби. б) феъл+ феъл тузилишдаги қўшма феъллар. Масалан, *бориб келди, кириб чиқди, олиб келди* каби.

Феълдан бошқа сўзларга *қилмоқ, айламоқ, этмоқ, бўлмоқ* феълларининг қўшилишидан ҳосил бўлган қўшма феъллар от+феъл тузилишидаги қўшма феълларни ҳосил қилади. Масалан, *баён қилмоқ (этмоқ, айтмоқ), турмуш қилмоқ, ўсал бўлмоқ, ўсал қилмоқ, байрам қилмоқ (этмоқ), янги бўлмоқ, шундай бўлди, тарақ этди* каби.



Икки феълнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган феъллар феъл+феъл тузилишидаги қўшма феъллар саналади. Бундай қўшма феълларнинг биринчи қисми феълнинг *-б (-иб), баъзан -а* равишдош шаклида бўлади. Шахсон, замон, бўлишли-бўлишсизлик сингари қўшимчалар қўшма феълнинг иккинчи қисмига қўшилади. Масалан, *сотиб олмоқ, олиб келди (ола келди).*

От+феъл тузилишидаги қўшма феълларда иккинчи қисмни ташкил этган *айла* услубий хосланган бўлиб, фақат бадий услуб доирасида қўлланилади. *Қилмоқ, этмоқ, бўлмоқ* феъллари эса услубий бетараф сўзлардир. Масалан, *жавоб қилди, жавоб берди, жавоб этди, жавоб айлади* каби қўшма феъллар ўзаро синонимик муносабатда бўлиб, улар услубий жиҳатдангина фарқланади. *Жавоб айлади* бадий услубга хос, қолганлари услубий бетараф сўзлар саналади.

33-д а р с

КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗЛИК ШАКЛЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

33.1. КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ишлаб чиқди, ишлаб бўлди, ишлай бошлади, ишлаб юрибди, ишлаб қўйди, ишлаб юборди, ишлаб ёзди, ишлаб турибди, ишлаб кўрди сингари сўзларга эътибор берсангиз, уларнинг ҳаммаси бир умумий маънони — «ишламоқ» маъносини ифодалайди. Бу маъно, асосан, равишдош шаклидаги биринчи қисмдан англашилади. Иккинчи қисм эса биринчи қисмдан англашилган лексик маънога турли қўшимча маъноларни (ҳаракатнинг бошланиши, давомийлиги, тугалланиши, осон бажарилганлиги, тез бажарилганлиги, ҳаракатни бажаришга уринганлиги каби) маъноларни юклайди.

Бундай сўзлар ҳам тузилишига кўра феъл+феъл тарзида бўлади. Биринчи феъл сўзнинг асосий лексик маъносини ифодалайди. Шунинг учун у етакчи феъл саналади. Иккинчи қисми эса биринчи қисмга (етакчи феълга) қўшилиб, унга турли хил қўшимча маъноларни юклайди, лекин етакчи феълнинг лексик маъносини ўзгартириб юбормайди.



Ундан янги феъл ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бундай феълларга кўмакчи феъллар дейлади.

Шуни таъкидлаш керакки, фақат кўмакчи феъл вазифасини бажарувчи алоҳида феъллар мавжуд эмас. Бир қатор мустақил феъллар етакчи феъл қўшилганда кўмакчи феъл вазифасида келади.

Уларга куйидагилар киради: *бошла, ёт, тур, бор, ўтир бўл, битир, бит, ол, бер, қол, қуй, чиқ, бор, кел, кет, юбор, ташла, сол, туш, ёт, қара, боқ* ва бошқалар.

Юқоридаги феъллар фақат етакчи феълга қўшилгандагина кўмакчи феъл вазифасида келади. Етакчи феъл эса равишдошнинг *-(и)б* ва *-а, -й* шаклларида бўлади.

Масалан,



Кейинги сўзлар кўмакчи феъллар бўлиб, улар равишдош шаклидаги етакчи феълга қўшилиб, турли хил қўшимча маъноларни англатмоқда.



Савол ва топшириқлар

1. Етакчи ва кўмакчи феъллар қандай феъллар эканлигини тушунтиринг.
2. Юқорида мисоллардан фойдаланган ҳолда ухламоқ, ўйнамоқ, қарамоқ феълларини етакчи шаклга киритиб, уни кўмакчи феъллар билан бириктиринг, маъносини тушунтиринг.



324-машқ. Қўшма феълларни топиб, ясалишини тушунтиринг. Ясалиш ҳолатларига диққат қилинг.

Подшо хизматкорини қошига чақириб деди:

— Ушбу шаҳардаги барча тентакларнинг номини қоғозга битиб кел!

— Бош устига, — деди хизматкор, лекин бир шартим бор: рўйхатни олганингиздан кейин мени жазоламайсиз.

Подшо рози бўлди.

Хизматкор эртасига рўйхатни келтиргач, подшо унга кўз югуртирмасданоқ ўшқирди:

— Нега менинг номимни биринчи қилиб ёзиб қўйдинг. Ҳозироқ дорга осиласан. Уни ўчириб ташла!

— Мени авф этинг, — деди тиз чўкиб хизматкор, — номингиз, албатта, ўчирилади.

ШИЖОАТЛИ ЧУМОЛИ

Чумоли жон-жаҳди, билан ўзидан ўн баровар катта чигирткани судраб борар эди. Кўрганлар таажжубландилар.

— Чумолини қаранглар-а, қилтириқ ҳолида ҳам шундай оғир юкни судраб кетяпти-я?!

Чумоли бу гапдан кулди ва шундай деди:

— Мардлар юкни юссаси ва қудрати билан эмас, балки ғайрат ҳамда шижоати билан тортадилар.



325-машқ. Кўмакчи феълли сўз қўшилмаларини аниқланг ва уларга изоҳ беринг.

1. Тоғлар лоқайд бир улуғворлик билан сукут сақлашар ва бағридаги одамларнинг яхши-ёмон ишларига тилсиз гувоҳ бўлиб туришар эди (П. Қодиров).
2. Ердан азиз нарса йўқ! Отамиз раҳматлик, боболаримиз, ундан нарилар — ҳаммаси бир шапалоқ ердан ризқини чиқариб келган... Ростми? (*Абдулҳамид Чўлпон*).
3. Шундоқ бекат рўпарасида икки қаватли универмаг ойнаванд эшикларини очган, харидорлар чумолидай гимирашиб кириб-чиқиб туришарди (*Ў. Ҳошимов*).
4. Турғуной ёввойи куёндай ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракатдан ҳуркиб ўтирар ва то Мас-тон олиб бермагунча қўл узатиб бир нарса олмас эди. (*А. Қаҳҳор*). Киши яхши нарсага интилади, ёмон нарсадан қочади. Турғунликка, айниқса, узоқ давом этган турғун ҳолатга кўникади. Иллатга кўникиш эса қабоҳатга олиб келади. (*Файбулла-ас-Салом*)

Оқил маъно гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолигдин.
Ким, буларга гадолиғ ортиқдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин.

(Навоий)



326-машқ. Кўмакчи феълли сўз қўшилмаларини ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб олинг ва уларга тавсиф беринг.

Эшик очилганда Шерзод мудраб ётарди. У илдам қаддини ростлади-ю, ичкарига кириб келаётган бўлим мудирини кўрди. Мудир халатининг тугмаларини ечиб юборган, ингичка бўйнидаги гулдор галстугининг боғичини бўшатиб қўйган, тез юриб келганидан бўлса керак, ёноқлари туртиб чиққан, юзи қизариб кетган эди.

«Жойнинг эгасини олиб келаётган бўлса керак», деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. Бўлим мудир палата ўртасида тўхтади-да, эшик томон қараб гапирди:

— Сайфи Соқиевич! Марҳамат, кираверинг.

У бу гапни худди азиз меҳмонни уйига чорлаган мезбон сингари ички ҳурмат билан ийманиб айтди...

(У. Ҳошимов)

Уйга топшириқ. Куйидаги кўмакчи феълли сўз қўшилмалари иштирокида гаплар тузинг. Уларни ҳар хил кўри-нишларда қўллаб кўринг.

Айтиб	турмоқ	туриб айтмоқ
Югуриб	турмоқ	туриб югурмоқ
Олиб	турмоқ	туриб олмоқ
Ўйлаб	турмоқ	туриб ўйнамоқ
Ўйнаб	турмоқ	туриб ўйламоқ
Ўқиб	турмоқ	туриб ўқимоқ

Таянч тушунчалар:

қўшма феъл, сўзларни қўшиб феъл яшаш, етакчи феъл, кўмакчи феъл

33.2. БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Ўқувчиларнинг ўрта умумий таълимда феълнинг бўлишли ва бўлишсизлик шакллари юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.

Феълнинг бўлишсизлик шаклларидан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:** * Феълнинг бўлишли ва бўлишсизлик шакллари ҳақида маълумот.
 * Феълнинг бўлишсизлигини ифодаловчи воситалар.
 * Феълнинг бўлишсизлик шакллари ўртасидаги мазмуний ва услубий фарқланишлар.



1-топшириқ: Ўқи феълининг бўлишсизлик шаклларини топинг. Бу шаклларнинг бир-биридан фарқини айтинг

2-топшириқ: -ма, йўқ, эмас шаклларини феълга қўшинг. Уларнинг ўзаро маъно фарқланишини айтинг.

Борди, бормади, борган эмас, боргани йўқ феъл шакллариغا эътибор берсангиз, биринчи шакл билан қолган шакллар бўлишли-бўлишсизлик маъносини ифодалашларига кўра бир-биридан фарқ қилаётганини кўришингиз мумкин.



Феъл асосидан ифодаланган ҳаракатнинг рўй бериш ёки бермаслигини билдирган шаклларга бўлишли-бўлишсизлик шакллари, шундай шакллар системасига бўлишли-бўлишсизлик категорияси дейилади.

Бўлишсизлик маъноси махсус шаклларга эга. Бўлишлилик маъноси эса, аксинча, бундай шаклларга эга эмас.

Масалан, *келди* — бўлишли; *келган эмас, келган (и) йўқ* — бўлишсиз.

Бўлишсиз феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши ўзига хос хусусиятга эга. Бўлишсизлик маъноси эмас ёрдамида ифодаланганда шахс-сон қўшимчаси ундан сўнг, *йўқ* ёрдамида ифодаланганда эса олдин қўлланилади. Қиёсланг:

келдим	келмадим	келдинг	келмадинг
	келган эмасман		келган эмассан
	келганим йўқ		келганинг йўқ

келди	келмади
	келган эмас
	келган (и) йўқ

Айрим шеваларда шахс-сон қўшимчалари *йўқ* дан сўнг қўшилади. Масалан, *борганим йўқ* ўрнига *борган йўқман, борганинг йўқ* ўрнига *борган йўқсан*.

Бўлишсизликнинг юқоридаги учта шакли (-ма, эмас, йўқ) ўртасида ҳам маълум маъно фарқланиши бор. Сифатдошнинг -ган шакли уч хил бўлишсизлик шаклига эга: 1. *Борганим йўқ* — феълдан англашилган ҳаракатнинг оддий инкори («бориш керак эди, лекин бормади») маъносини билдирмоқда. 2. *Борган эмасман* — умуман борилмаганликни ифодаламоқда. 3. *Бормаганман* — қатъий инкорни англатмоқда.

Келиб кетди, ёзиб қўйди сингари етакчи ва кўмакчи феъл қолипидagi феълларда бўлишсизлик қўшимчалари икки қисмнинг биттасига (ё етакчи қисмга, ё кўмакчи қисмга) ёки ҳар икки қисмга қўшилиб келиб, турли маъноларни ифодалайди.

1. Феълнинг етакчи қисми бўлишсиз шаклни олади:

Ўқиб қўйди

Ўқимай қўйди

2. Феълнинг кўмакчи қисми бўлишсиз шаклни олди:

Ўқиб қўйди

Ўқиб қўймади

3. Феълнинг ҳар икки қисми бўлишсиз шаклга эга бўлади:

Ўқиб қўйди

Ўқимай қўймади

Биринчи ҳолатда бўлишсиз шакл давомий бўлишсизлик маъносини, иккинчи ҳолатда бир марталик ҳаракат инкорини, учинчи ҳолатда эса тасдиқ маъносини ифодалайди.



327-машқ. Матн ичидан бўлишсиз феълларни топинг, уларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ҳосил бўлиш йўллари тушунтиринг.

ҲАСАД КЕМИРМАСИН ЮРАГИНГИЗНИ...

Ҳа, ҳасад — ёмон касаллик. Ахир, ҳасадгўй учун дилидагини айтмоқлик осон эмас. Ваҳоланки, қора рангларга бўямоқ, лой, балчиқ сувамоқ роҳат унга.

Бировга яхшилик қўл ёки пул билан, ё тил билан қилинади. Орамизда касбдошингиз ютуғи, обрўси, мол ва дунёсини кўролмай, дуч келганга ёмонлагувчилар бор. Улар олдингизда ясама кулиб, таъзим ила бир хил сўзлайди, аммо орқангиздан гўрингизга гишт қалайди. Қандоқ қилиб пойингизни қирқишни ўйлайди, шу-

нинг учун тунлари ухламайди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам қилар иши қолиб, яхшилар йўлига ғов излайди, тирноқ остидан кир қидиради ҳамда топган-тутганини дoston қилиб сўзлайди. Сўзлаганда изтиробда кўзлари киртайиб, лаблари учади ва танаси қалтирайди. Бетобланади, зир югуради, даво излайди, дори-дармон топади-ю, ammo дардига малҳам топа олмайди. Аслида ҳасад юракни кемиради. Эй ҳасадгуйлар, яхшиси, кенгроқ бўлинг. Беш кунлик дунёнинг ғаниматлигини ўйланг. Қўлингиз билан мол-давлат ёки пул берманг. Тоза юрак, ширин тил билан яхшилик қилинг.



328-машқ. Гаплардан бўлишсизлик маъносини ифода этувчи феълларни топинг ва ана шу қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Мағрур, мутакаббир, ёлгончи бўлмайлик ва шунга ўхшаш ярамас иллатлардан пок бўлайлик. 2. Мен у одамга берган баҳоимда янглишмадим, тўғри сўзладим. 3. Сизлар бойлигингиз, куч-қувватингизга мағрур бўлиб, айш-ишрат билан машғулсиз. Эл-юрт аҳволидан хабар олмайсиз, фақат ўз манфаатингизни ўйлайсиз, эл-юрт манфаатини кўзламайсиз. (Ш. Зуннун). 4. Душман чақирса, борма, дўст чақирса, қолма. 5. Ёмонга ўлим йўқ, яхшига — юрим. 6. Ёмонга ёндашган йиқилмай қолмас, охири чуқурга тикилмай қолмас. 7. Ёмонни ишга эмас, ошга чақир. 8. Айтмаган сўзни айттириб бўлмас, айтилган сўзни қайтариб бўлмас. 10. Одам ўзидан кетмаслиги керак.



329-машқ. Берилган гапларни ўқинг. Бўлишсизлик маъносини ҳосил қилувчи қўшимча ва сўзларни топинг.

1. Кўз милклари яллиғланиши ва кўз олмасининг қизариши витаминлар етишмаслиги натижасида пайдо бўлиши мумкин. 2. Кимёвий толалардан тўқилган матолар дазмоланаётганда дазмол қаттиқ қиздирилмаслиги керак. Пахта ва зиғир толасидан тайёрланган матолар намлаб ёки сув пуркаб, яхши қуритмай дазмолланади. 3. Қиш узоқ давом этганлиги учун баҳорнинг биринчи чечаклари ҳам кўз очишга чоғланмайроқ турибди. 4. Баҳор борлиққа ўз сепини ёйиб улгургани йўқ. 5. Бир умр эзгуликни излаб, бошқаларга маърифату маънавият улашаётган инсонларнинг ҳаёт йўллари-да ибратли эканлигини кўпинча сезавермайсиз. 6. Битта ўғлимни қолдиришга кўзим қиймаяпти-ю, иккалангни қандоқ ташлаб

кетаман. Йўқ, яхшиси Саидахмад билан иккаламиз тушамиз. 7. Ойни этак билан ёпиб бўлмас. 8. Бир бадавлат донишманддан сўрадилар: Турмушингиз фаровон бўлса ҳам, нима учун сизни хурсанд бўлиб юрганлигингизни кўрган эмасмиз. У шундай жавоб берибди: «Чунки оч-яланғоч яшаётганларни мен ҳеч қачон унутолмайман» (*Газетадан.*) 9. Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин, икки жаҳон демаки жон бўлмасин. (*Навоий*). 10. Зўрни кўриб тан беришни ўрганинг. Чиркин фикрларни, фисқ ва фасодларни, игво-ғийбатларни, энг ёмон ҳасад халталарини тилсиз шамолларга топширинг, еллар ҳеч кимга айтмай узоқ-узоқларга олиб кетсинлар. (*М. Ғанижон қизи.*)



330-машқ. Гаплар ичидан бўлишсиз феълларни аниқланг. Уларни таркибига кўра таҳлил қилинг.

1. Биз она юрт, азиз Ватан дебон соғинч ва орзиқшларда яшаймиз. Шу боис мўътабар тупроғимизнинг ҳар заррасини, ҳар гиёҳини нега энди дийдамизга суртмаймиз? 2. Бу шунчаки бир ҳикоят ва ё ривоят ёхуд тириклик кўйида айтилган қўшиқ эмас. 3. Мен сизга бекорга ўзбекча қочирим қилганим йўқ. 4. Одамлар гурур, чегарасиз манмансираш туфайли не-не кулфатларга дучор бўлмаган дейсиз, шунинг учун ҳам Ислом тафаккурининг буюк натижаси ҳисобланган сўфизмда инсон ўз «мен»идан кечмай туриб Оллоҳни танимайди, деган ақида бор эди. 5. Инсон сирлилигича қолаверади, аммо одамзот бир-бирини англаб етмагунча, олам тинч, дунё фаровон бўлмайди.

(*С. Мўмин*)

Таянч тушунчалар:

бўлишли феъл, бўлишсиз феъл.

УТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Шахс-сон қўшимчалари қўшимчаларнинг қайси турига киради?

- A. Сўз ясовчи
- B. Сўз шакли ясовчи
- C. Турловчи
- D. Сўз ўзгарттирувчи
- E. Феъл ясовчи

2. Ўтган замон давом феъли қайси восита ёрдамида ҳосил қилинади?

- A. — *ди+шахс* — *сон қўшимчалари*
- B. — *ган эди*
- C. — *р, — ар эди*
- D. — *моқчи эди*
- E. — *б, — иб эди*

3. Юртимизда муҳташам бинолар қурилмоқда. Феълнинг замони-ни белгиланг.

- A. *Ўтган замон феъли*
- B. *Ҳозирги — келаси замон феъли*
- C. *Ҳозирги замон давом феъли*
- D. *Келаси замон мақсад феъли*
- E. *Келаси замон гумон феъли*

4. Келаси замон гумон феъли иштирок этган гапни белгиланг.

- A. *Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.*
- B. *Қолган ишга қор ёғар.*
- C. *Ҳали бундан ҳам яхши замонлар келар.*
- D. *Ўтган қайтиб келмайди.*
- E. *Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан.*

5. -ш, -иш, -в, -ув, -моқ қўшимчалари билан қандай шакли ясалади?

- A. *Ҳаракат номи*
- B. *Равишдош шакли*
- C. *Сифатдош шакли*
- D. *Замон шакли*
- E. *Ҳеч қандай шакл ясалмайди*

6. Бўлмаганга бўлишма. Сифатдошнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

- A. *Эга*
- B. *Кесим*
- C. *Тўлдирувчи*
- D. *Аниқловчи*
- E. *Ҳол*

7. Мақсад равишдоши ясовчи қўшимчани белгиланг.

- A. *-гач, -кач, -қач*
- B. *-а, -й, -моқ.*
- C. *-гани. -кани, -қани*
- D. *-деб, токи, гарчанд*
- E. *-гунча, -кунча, -қунча*

8. Содда феъл қайси қаторда берилган?

- A. Йиғлагудек
- B. Айтди-қўйди
- C. Уйнаб қолди
- D. Айтмоқчимиз
- E. Утиб кетди

9. Феълнинг қайси шакли отлашиши мумкин?

- A. Ҳаракат номи
- B. Сифатдош
- C. Равишдош
- D. А ва Б жавоб тўғри
- E. Феъл шакллари отлашмайди

10. Ясама феъллар берилган қаторни топинг.

- A. Келтирди, юбордик, сўзламоқ
- B. Пасайди, тинчитди, бойимоқ
- C. Юборилди, кўришдик, оқарди
- D. Тўкишди, қайнамоқ, чиқишди
- E. Ошкор айлади, йиғлаб юбормоқ, кўкармоқ

11. Қўшма феъл берилган қаторни аниқланг.

- A. Уқиб чиқди
- B. Югуриб турибди
- C. Олиб қўйди
- D. Бориб келди
- E. Барча сўзлар қўшма феъл саналади

12. Кўмакчи феълли сўз қўшилмаси берилган қаторни топинг.

- A. Кеча Тошкентга бориб келди.
- B. Девордан ошиб тушди.
- C. Айтилган китобни олиб келди.
- D. Утмишини эслаб кўрди.
- E. Барча қаторларда кўмакчи феълли сўз қўшилмаси мавжуд.

34-д а р с

РАВИШЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

Д а р е м а қ с а д и: Талабаларнинг ўрта умумий таълимда равиш юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.

Талабаларда равишлардан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:**
- * Равиш ҳақида умумий маълумот.
 - * Равишларнинг маъно турлари.
 - * Туб ва ясама равишлар, равиш ясовчи қўшимчалар ва уларнинг услубий хусусиятлари.



1-топшириқ: Секин, тез, зўрға сўзлари иштирокида гап тузинг. Юқоридаги сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

2-топшириқ: Оз, кўп, анча сўзларини гап ичида келтиринг. Уларнинг маъноси ва гаптаги вазифасини айтинг

Бугун, кеча, ҳозир сингари сўзлар қачон? сўроғига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, **олисда, яқинда, настда** сингари сўзлар қаерда? қаердан? каби сўроқларга жавоб бўлиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, **секин, тез, аранг, зўрға** каби сўзлар қандай? сўроғига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, **оз, кўп, анча** сингари сўзлар қанча? сўроғига жавоб бўлиб ҳаракатнинг даража-миқдорини, **атай, қасддан** сингари сўзлар ҳаракатнинг мақсадини билдиради.



Ҳаракатнинг белгисини (пайт, ўрин, ҳолат-тарз, миқдор, мақсад каби белгиларни) билдирган сўз туркумига равиш дейилади.

Равишларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги жадвалда кўринг.

Т/б №	равиш- ларнинг маъно турлари	маъноси ва қоидаси	синонимик сўроғи, вазифаси	мисоллар
1.	Ҳ о л а т равиши	Ҳаракатнинг қай тарзда ба- жарилишини билдирган ра- в и ш л а р г а ҳолат равиши дейилади.	қ а н д а й ? қанақа?	қўққисдан, бехосдан, се- кин, тез, (да, -дан), яёв, пиёда, дарҳол каби- лар.
2	Пайт ра- виши	Ҳаракатнинг бажарилиш пай- тини билдирган ра- в и ш л а р г а пайт равиши дейилади.	қачон? қачонгача? қачондан?	бугун, кеча, аввал, ҳозир, доим, эрта- и н д и н , яқинда каби- лар.
3	Ўрин ра- виши	Ҳаракатнинг бажарилиш ўр- нини билдирган ра- в и ш л а р г а ўрин равиши дейилади.	қаер? қаер- да? қаердан? қаерга?	олдинда, олисда, у з о қ д а н , я қ и н д а н , ю қ о р и г а , пастга.
4	Миқдор- д а р а ж а равиши	Ҳаракатнинг миқдор-дара- жасини билдирган ра- в и ш л а р г а миқдор-дара- жа равишлари дейилади	қанча? қан- чача?	оз, кўп, анча, пича, сал-пал ка- билар.
5	Мақсад равиши	Ҳаракатнинг бажарилиш мақ- садини билдирган ра- в и ш л а р г а мақсад ра- вишлари де- йилади.	нимага? на- хот? нега?	атай, атай- лаб, қасддан, ўртача каби- лар.

Ҳолат равишлари таркибига кирган *қўққисдан*, *тўсатдан*, *бирданига*, *бирдан* сингари равишлар ҳаракатнинг кутилмаган пайтда тез юзага келганини ифода-лайди.

Тўсатдан равиши айрим шеваларда *тўсиндан* ҳолида ҳам талаффуз қилинади. Бунда у диалектал вариант саналади.

Ёки *яқинда*, *узоқ* равишлари ҳаракатнинг бажарилиш пайти ёки ўрни маъноларини ифодалайди. *Яқинда келди-яқинда жойлашган* сўзларидаги *яқинда* сўзи икки-та мустақил лексема саналади.

Равишлар туб ва ясама равишларга бўлинади.

Ҳеч қандай ясовчи қўшимчаларсиз қўлланиладиган равишларга туб равишлар дейилади. Масалан, *кўп*, *тез*, *аввал*, *кейин*, *бирпас* ва бошқа



Ясашга асос қисмга ясовчи воситалар қўшиб ҳосил қилинган равишларга ясама равишлар дейилади. Масалан, хотинчасига, болаларча, мардона каби.

Ясама равишлар ясашга асос қисмга ясовчи қўшимча қўшиш ёрдамида ёки сўзларни бир-бирига қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Ясашга асос қисм от, сифат, олмош, сифатдош ва баъзан равиш бўлиши мумкин. Қуйидаги қўшимчалар равиш ясаш учун хизмат қилади:

-ча: *янгича*, *эскича*, *ҳозирча*, *унингча*, *шунча*, *ўзбекча*
каби

-ларча: *мардларча*, *дўстларча*, *қардошларча*

-лаб: *ҳарфлаб*, *ҳафталаб*, *тонналаб*

-она: *итоаткорона*, *мардона*, *мағрурона*

-лай (-лайн): *тириклай*, *тириклайн*, *бутунлай*

-н (-ин, -ун): *эртан-кечин*, *қишин-ёзин*, *очин-тўқин*,
остин-устун

Равиш ясовчи -ларча қўшимчасидаги -ча қисми *каби*, *сингари* кўмакчилари билан синонимик муносабатда бўлади. Шунинг учун улар кўпинча алмаштириб қўлланилади.

Масалан, *мардларча* — *мардлар каби*, *ёвузларча* — *ёвузлар сингари*.

Шунингдек, равиш ясовчи -ча қўшимчаси отлардаги кичрайтириш-эркалаш қўшимчаси бўлган -ча билан омонимик муносабатда бўлади. Масалан, *ёш йигитча* — *йигитча ишлади*

Бу ўринда -ча қўшимчасининг омонимлиги асосида

лексема омонимлиги вужудга келган: йигитча: 1. *Кичкина йигит*. 2. *Йигит каби*

-ча нинг бу икки вазифаси урғу билан ҳам фарқланади. Кичрайтириш-эркалаш маъносини билдирувчи -ча қўшимчаси урғу олади. *Йигитча, қизча, кучукча* каби. Равиш ясовчи -ча қўшимчаси эса урғу олмайди. Урғу сўзнинг бу қўшимчадан олдинги бўғинига тушади: *йиги'тча, хоти'нча, эрка'кча* каби.

-ча қўшимчасини тушириб қолдириб, бу қўшимчани олган сўз олдидан кичкина сўзини қўйиш мумкин бўлса, -ча қўшимчаси отнинг кичрайтириш-эркалаш шаклини ҳосил қилувчи қўшимча саналади. Масалан, *қутича — кичкина қути, уйча — кичкина уй* каби.

-ча ўрнига -дек, *каби, сингари* кўмакчиларини қўйиш мумкин бўлса, у равиш ясовчи қўшимча ҳисобланади. Масалан, *йигитча — йигит каби (сингари)*

Сўзларни такрорлаш ва жуфтлаш йўли билан ҳам равиш ясаш мумкин.


М а с а л а н, *нари-бери, ҳали-бери, наридан-бери, эрта-индин, тез-тез, жуда-жуда, қадам-бақадам* сингари равишларга эътибор берсангиз, уларда бир сўзнинг такрорланишини ёки ўзаро маънодош ва зид маъноли икки сўзнинг жуфт келтирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Масалан, *тез-тез* (бир сўзнинг такрори), *эсон-омон* (маънодош сўзларнинг жуфтлашиши), *аввал-охир, эрта-кеч* (зид маъноли сўзлар жуфтлашиши).

Бундай равиш қисмлари ўртасига ёзувда доимо чиқиқча қўйиб ёзилади.



Савол ва топшириқлар

1. Қандай сўзларга равиш дейилади?
2. Равишларнинг қандай маъно турлари бор?
3. Ясама равишлар қандай воситалар ёрдамида ясалади?
4. -ча қўшимчасининг маъноларига мисоллар келтиринг.



331-машқ. Матн ичидан равишларни топиб, маъносига қўра турларга ажратинг. Тарз, ўрин, пайт, мақсад равишларига ажратиб ёзинг.

Куз... Ёмғирлар фасли тугамай, совуқ, изғиринли мавсум бошланади. Тунд булут хўмрайиб, ғарб томондан аввал муздек шамол аралаш қор учқунларини суриб учириб келди.

Пешин чоғи эса қишлоққа яқин яйловда очиқ далада қор тўзиб, ер оқара бошлади.

Оқйўл камгап, дилтортар нарсаларни хушловчи бола, шомга яқин қор кўргани уйдан ҳовлига чиқди. Ҳозир қараб англаб бўлмайдиган томонда уфқ қон-талаш эди. Кун ботиш пештоқида чархланган, ясси булутлар тоғ чўққиларига соябон, аммо бу ҳол унинг кўнглини равшан этармиди? Буни ҳеч ким айтолмасди. Совуқ кимга ҳам ёқарди? Эртасига азонда уни отаси уйғотди. Ташқаридаги аҳволни у қарамаса ҳам биларди. Совқотмаслиги учун отаси этик кийиб чиқишни буюрди.

Оқйўл айвонга чиқиб, ўчоқ олдида борди. Бурчакда эски-тускилар сақланадиган қоп бор эди. Товони ёри-либ, қийшайиб кетган кирза этигини шу қопнинг ичидан топди. Унга эриниб «уф» тортиб, оёқ панжаларини тикаётганини кўрган отаси ўзининг пойафзалига, устбошига пишиқ-пухта эмаслигидан ранжигандай қараб қўйди.

— Эскиргани учун орқаси чирибди, — деб гудранди отаси, боланинг ёнидан сал нари юриб, — энди сув киради. Йигит бўлиб қолдинг, ўйлагин-да! Эрта-индин тўй қиламиз, ҳадемай мактабга борасан.

Бола отасининг кескин гапларидан ранжимасди, аксинча, ғурурлантирувчи оҳангда «йигит»га ишора қилганини тушуниб сўзларига жиддий туриб қулоқ солди.

Йигитликка даъвогар бола энди ҳовлига чиқиб қор курайди, йўлакларни очади, тозалайди, супуради. Отаси «муштдеккина» ўғлининг ҳаракатларини кўриб қувонса ажабмас.

Тушга яқин, иссиқ кийиниб олиб, ҳовлида ўйнаб юрган Оқйўл кўча дарвозаси олдида оёқ товушларини эшитди. Ирғиб ўрнидан турди. Яқин бориб кўришди. Аммо унинг нигоҳи бошқа жойга қадалганди. Тоймисан, той экан!

Боланинг хаёли тойчоқда бўлиб, отаси билан тоғаси қанча суҳбатлашиб ўтирганини ҳам унутди.

Оқйўл отаси билан тоғасини кузатишаркан, тойчоқни нима учун қолдириб кетаётганини сира хаёлига келтирмаса-да, ич-ичидан қувонди.

(Ш. Жалил)



332-машқ. «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзусида мунозара ўтказинг. Нутқимизда равишларнинг ишлатилишига диққат қилинг.

333-машқ. Берилган гаплардан равишларни топинг. Унда ишлатилган келишиқ, эгалиқ қўшимчаларининг қандай вазифада келганлигини айтинг (Ўз маъносидами ёки вазифасини йўқотганми?).

1. Ота-онанинг розилиги умрни зиёда қилади. 2. Исҳоқ бирданига кеча бўлиб ўтган воқеани эслади. 3. Яқинда Оқсарой бекатида бўлиб ўтган воқеа ҳаммамизни ўйлан-тириб қўйди. 4. Бирдан эшиқ очилди. Чалқанчасига ёнбошлаб, бағрини совуқ кўрпага буркаб ётган чолнинг кўзлари хира тортиб қолган, нурсиз эди. 5. Отам керза этиги кўнжидан тўсатдан суяк дастали, дастасига шиша кўзлар қадалган пичоқни суғурди. 6. Тўрткўз оёқ босиб турди ва шиддат билан узоқларга кимсасиз қир томон чопди.

(Ш. Жалил)



334-машқ. Қуйидаги омоним қўшимчаларга мисоллар ёзинг. Улар икки хил сўз туркумини ифода этсин.

-лаб, -ча, -ларча, -да, -дан, -лар.

335-машқ. Ёзув тахтасининг икки томонига 2 хил гап ёзинг. Таркибида иштирок этган равишларни синоним равишлар билан алмаштиринг.

1. Ёмғир суви тез оқади. 2. Ёмғир суви секин оқади.



336-машқ. Нуқталар ўрнига равишларни қўйиб кўчиринг.

ҲАЁ

Ҳаё инсон ҳаётининг... ҳисобланади. Ҳаё, ибо комил хулққа эга бўлган киши руҳининг тафаккури, маънавий тимсолидир. Пайғамбаримиз: «Ҳаё имондадир, имон эса жаннатга элтади, — демиш.

...аёл — ҳаё рамзи сифатида қадрланиб келинади. Ривоят қилишларича ўлимга маҳкум этилганлар ичида бир аёл ҳам бор экан. Уларни ўлимга олиб кетишаётганда аёл йўлда ип ва игна беришларини сўрайди.

— Нима қиласан шу игнани? — сўрабди жаллодлар.

— Тиззамнинг чоки сўкилибди, шуни чандиб олай, — дебди аёл.

— Ахир, сен ... ўласан-ку! — дебди посбонлар

— Мен аёлман, шарм-ҳаёимни ... сақлашим керак. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ ... аёлдай чиқишим керак, — дебди аёл.

Аёл хонадон равнақидир, чунки у оила аъзоларини тушунади, ... билан иш олиб боради, ҳаётнинг аччиқ-чучукларига чидаб, ... яшайди. Бундай аёлларни халқимиз ҳаёли, вафоли деб билишган. Шунинг учун ҳам ўзбек хотин-қизлари учун ҳаё асосий фазилат бўлиб келмоқда. Ҳаётдаги ҳар бир нарсани кўриш, билиш унинг қадр-қимматини идрок этиш, ўйлаб иш юритиш бу ҳаё туйғусининг ... тушунча эканлигини кўрсатади.

(У. Маҳкамов)

337-машқ. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси муборақларига ёзилган шеърӣ иқтибосидан келтирилган намуналарни ўқинг, уни насрий баён қилинг, равишларнинг ишлатилишига, маъносига эътибор беринг.

1. Қалбига раҳмли, қудратли Оллоҳ
Раҳму шафқат нурын солмаган инсон
Элга зиёнкордир ҳар ерда, ҳар чоғ
Ҳасрат, надоматда қолгувчи ҳар он.

2. Кимники одамлар ишорат қилиб
Қўли билан кўрсатса доим.
Ёмон одамлиги шундан аёндир
Бундайин «шуҳрат»дан асра, Худойим.

3. Мазлум қарғишидан қўрқинг ҳамиша
У хоҳ кофир бўлсин ва хоҳ мусулмон.
Оламдаги барча пардаю девор
Мазлум дуосига бўлолмас тўғон

4. Замон сўнгидаги мулкнинг ёмони
Қул ушламоқ эрур, билиб қўй, мўмин.
Эркидан айирмоқ одам фарзандин
Оллоҳга хуш келмас, яхши ўйлагин

5. Замонлар келарки, умр тез ўтиб
Кўпайгай ишсизлар — ночор, дарбадар.
Ҳасислик авж олур саховат кетиб,
Қотилликлар ортар элда муқаррар.

6. Бир мискин сўраса агар садақа,
Оллоҳ номин қўйиб ўртага ногоҳ.
Ноумид қайтарган ҳар қайси инсон —
Одамлар ёмони, бегумон гумроҳ.

7. Мўминга ким қасддан зиён келтирса,
Унга фириб берса кунлардан бир кун,
Ёмонлар ёмони ўшадир, билгин
Ўша нобакордир, малъундир, малъун!

8. Кимки бераҳмдир — раҳм қилинмас,
Кечирмаганларни кечирмас Оллоҳ.
Жазодан қутилиб қололмас асло
Йўлидан қайтмаса қилганлар гуноҳ.

9. Неки маст айласа ва ёки сархуш,
Неки бўшаштирса ё қилса беҳуш
Узоқ бўл улардан, ихтиёр этма,
Оғзингга олмагин сенда бўлса хуш.

10. Ярим кеча маҳал сафардан қайтиб
Хонадон эшигин қоқмагин қаттиқ;
Қўшнилар кўнглини безовта қилиб
Оилангга қўрқув солишинг аниқ.



338-машқ. «Хуш калом камолдир» мавзусида матн ту-
зинг.

Унда жуфт ва қўшма равишларини ҳам ишла-
тинг.

339-машқ. Равиш сўз туркумига оид грамматик топилмоқлар-
нинг жавобини топинг.

1. Иш — ҳаракат, ҳолатнинг.
Пайтин кўрсатган сўзлар
Гапда қайси бўлакнинг
Вазифасида келар?

2. Иш — ҳаракат, ҳолатнинг
Кўп-озлигини билдирад
Қанча хизмат қилса ҳам,
Феъл сўзларига эргашар.

— Ахир, сен ... ўласан-ку! — дебди посбонлар

— Мен аёлман, шарм-ҳаёимни ... сақлашим керак. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ ... аёлдай чиқишим керак, — дебди аёл.

Аёл хонадон равнақидир, чунки у оила аъзоларини тушунади, ... билан иш олиб боради, ҳаётнинг аччиқ-чучукларига чидаб, ... яшайди. Бундай аёлларни халқимиз ҳаёли, вафоли деб билишган. Шунинг учун ҳам ўзбек хотин-қизлари учун ҳаё асосий фазилат бўлиб келмоқда. Ҳаётдаги ҳар бир нарсани кўриш, билиш унинг қадр-қимматини идрок этиш, ўйлаб иш юритиш бу ҳаё туйғусининг ... тушунча эканлигини кўрсатади.

(У. Маҳкамов)

337-машқ. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси муборақларига ёзилган шеърӣ иқтибосидан келтирилган намуналарни ўқинг, уни насрий баён қилинг, равишларнинг ишлатилишига, маъносига эътибор беринг.

1. Қалбига раҳмли, қудратли Оллоҳ
Раҳму шафқат нурин солмаган инсон
Элга зиёнкордир ҳар ерда, ҳар чоғ
Ҳасрат, надоматда қолгувчи ҳар он.

2. Кимники одамлар ишорат қилиб
Қўли билан кўрсатса доим.
Ёмон одамлиги шундан аёндир
Бундайин «шуҳрат»дан асра, Худойим.

3. Мазлум қарғишидан қўрқинг ҳамиша
У хоҳ кофир бўлсин ва хоҳ мусулмон.
Оламдаги барча пардаю девор
Мазлум дуосига бўлолмас тўғон

4. Замон сўнгидаги мулкнинг ёмони
Кул ушламоқ эрур, билиб қўй, мўмин.
Эркидан айирмоқ одам фарзандин
Оллоҳга хуш келмас, яхши ўйлагин

5. Замонлар келарки, умр тез ўтиб
Кўпайгай ишсизлар — ночор, дарбадар.
Ҳасислик авж олур саховат кетиб,
Қотилликлар ортар элда муқаррар.

6. Бир мискин сўраса агар садақа,
Оллоҳ номин кўйиб ўртага ногоҳ.
Ноумид қайтарган ҳар қайси инсон —
Одамлар ёмони, бегумон гумроҳ.

7. Мўминга ким қасддан зиён келтирса,
Унга фириб берса кунлардан бир кун,
Ёмонлар ёмони ўшадир, билгин
Ўша нобакордир, малъундир, малъун!

8. Кимки бераҳмдир — раҳм қилинмас,
Кечирмаганларни кечирмас Оллоҳ.
Жазодан қутилиб қололмас асло
Йўлидан қайтмаса қилганлар гуноҳ.

9. Неки маст айласа ва ёки сархуш,
Неки бўшаштирса ё қилса беҳуш
Узоқ бўл улардан, ихтиёр этма,
Оғзингга олмагин сенда бўлса хуш.

10. Ярим кеча маҳал сафардан қайтиб
Хонадон эшигин қоқмагин қаттиқ:
Қўшнилари кўнглини безовта қилиб
Оилангга қўрқув солишинг аниқ.



338-машқ. «Хуш калом камолдир» мавзусида матн ту-
зинг.

Унда жуфт ва қўшма равишларини ҳам ишла-
тинг.

339-машқ. Равиш сўз туркумига оид грамматик топишмоқлар-
нинг жавобини топинг.

1. Иш — ҳаракат, ҳолатнинг.
Пайтин кўрсатган сўзлар
Гапда қайси бўлакнинг
Вазифасида келар?

2. Иш — ҳаракат, ҳолатнинг
Қўп-озлигини билдирар
Қанча хизмат қилса ҳам,
Феъл сўзларига эргашар.

3. Равиш билан равишдош
Бир-бири билан касбдош
Иккаласи феъл билан
Иноқ, чин дўст ҳам сирдош.
Нега иккиси касбдош?

4. Маъносида даража — миқдор
Қай даражада? сўроғи ҳам бор.
«Кўп тингланг-у оз гапиринг»
Деган халқнинг мақоли бор.

5. Ботирларча, китобча.
Уйча, қаҳрамонларча.
Тўрт сўзда бор тўртта-ча
Фарқи борми сизнингча.

6. Тасодифан, мажбуран,
Анжуман ҳам умуман.
Тўртта сўзмиз иноқмиз,
Фарқи борми сизнингча?

7. Қизилроқ, кечроқ, бироқ,
Эртароқ, кўкроқ, қуроқ.
Ҳар сўз охирида — роқ
Равишни топинг тезроқ.

8. Тезпишар ҳам тез пишар,
Тинчоқар ҳам тинч оқар.
Шакли бир хилдир сўзлар,
Фарқини кимлар топар?

9. Яхши ювгин, яхши егин.
Яхши дегин, яхши бола.
«Яхши» сўзин фарқин дегин?

10. Аста-секин юради,
Ҳам ёнма-ён туради?
Қайси олдин юради?

Топишмоқларнинг жавоби:

1. Пайт равиш гапда пайт холи вазифасида бўлади
2. Даража-миқдор равишлар
3. Феълга эргашгани ва ўзаги феъл бўлгани учун
4. Даража-миқдор равишлари

5. Ботирларча, қахрамонларча — равишлар, китобча, уйча,
от
6. Тасодифан, мажбуран — равиш
7. Қизилроқ, кўкроқ — сифат, кечроқ, эртароқ — равиш
8. Тез пишар, тинчроқ — сифат, тез, тинч — равиш
9. Биринчи ва учинчи яхши — равиш, тўртинчи, бешинчи
яхши — сифат.
10. Равиш



340-машқ. Куйида берилган грамматик эртакни ўқинг. Сиз ҳам намунадан фойдаланиб, равиш сўз туркуми ва унинг нутқимизда ишлатилишига оид эртак ёзинг.

ҚЎШИМЧАВОЙЛАР

Бор эканда, йўқ экан, қадим ва ҳозирги замонда учта ака-ука қўшимчалар яшаган эканлар. Уларнинг исмлари ўзига хос экан. Биринчисининг исми Ясовчибек, иккинчисиники Ўзгартирувчибек, учинчисиники Шакл ҳосил қилувчи экан. Кунларнинг бирида улардан биттаси шундай дебди: «Нега бизни одамлар қўшимчалар деб аташади?» Шундай деб улар хафа бўлиб ўтиришганда, Ўзак, Сўз, Негизвойлар келиб қолибди. Улардан бири гап бошлабди: «Биз сўзнинг асосий қисмимиз, сизлар эса қўшимчалар», — деб мақтанибди. Шунда бечора қўшимчалар баттар ўксинибдилар ва ҳатто йиглаб ҳам юборибдилар. Шу пайт аста-секин даврага Гап хола келиб қолибди. Ака-укалар унга воқеани айтиб беришибди. Ўзак, Негиз, Сўзлар қўшимчаларни ажратиб ёлғизлатиб қўйишибди. Шунда Гап хола уларнинг олдида бориб, аввал Ўзакдан:

— Қани, Ўзаквой, берган топшириғимни бажардингми, менга бир неча гап тузиб бергин, дегандим, — дебди. Шунда Ўзаквой дарров қўшимчаларни излабди, аммо Гап хола уларни ахтариб ҳеч қаердан топа олмабди. Ўзаквой ҳар қанча уринмасин, гаплар, сўзлар, маъносиз чиқибди. Шунда Сўз, Ўзак, Негизлар Гап холага ялиниб, узр сўрашибди. Гап хола эса уларни кечирибди. Сўнг Ўзаквой Қўшимчалар билан бирга бўлиб, бемалол гаплар тузибди, шеърлар тўқибди.



Ўтилганлар юзасидан тест топшириқлари

1. Ҳолат равишлари берилган қаторни белгиланг.

- A. Кеча, бугун, эрталаб
- B. Кўп, оз, анча
- C. Аста, бирдан, жўрттага
- D. Дўстона, қутилмаганда, ёппасига
- E. Уйнаб, юборган, оҳиста

2. Ҳам равиш, ҳам сифат ясовчи қўшимчаларни топинг

- A. -она, -ларча, -лаб
- B. -сиз, -ча, -ин
- C. -ий, -вий, -сира
- D. -к, -иқ, -ган
- E. ба-, бе-, сер-

3. Қўшма равиш берилган қаторни топинг

- A. Ҳеч қанақа
- B. Ҳар бир
- C. Алакимга
- D. Ҳар қаёққа
- E. Биров

4. Равиш тўлдирувчи вазифасида келган гапни белгиланг

- A. Кўп юртларни пиёда кезиб чиқмоқ.
- B. Келажакдан умидларимиз кўп.
- C. Кўпчилик унинг фикрини маъқуллади.
- D. Кўпи кетиб, ози қолди.
- E. Кўндан қолма, кейин пушаймон бўласан.

5. Содда туб равишлар қайси қаторда берилган.

- A. Мардона, бирдан, тўсатдан
- B. Кўп, бугун, анча.
- C. Озгина, эртароқ, барвақт
- D. Остин-устун, бор, ишла
- E. Нодон, ваҳшийларча, инглизча

6. Равишларга хос бўлмаган хусусият қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Ясалади
- B. Содда, қўшма, жуфт шаклларда ишлатилади
- C. Тусланади
- D. Асосан, ҳол вазифасида келади.
- E. Ҳаракатнинг белгисини кўрсатади

7. Ясама равишда берилган қаторни топинг

- A. Бир йўла, биров, ҳар қачон
- B. Хомлигича, бутунлай, ўзича
- C. Сувсиз, шубҳали, беўрин
- D. А ва Б жавоблар
- E. А, Б, С жавоблар

8. Эл-юрт манфаати учун астойдил меҳнат қилайлик. Равишнинг гаптаги вазифасини аниқланг

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Аниқловчи
- D. Тўлдирувчи
- E. Ҳол

9. Равиш гапта, асосан, қайси сўз туркумига боғланиб келади.

- A. Феълга
- B. Отга
- C. Олмошга
- D. Сонга
- E. Барча сўз туркумларига

10. Пайт равишлари берилган қаторни топинг.

- A. Астагина, тезроқ,
- B. Шу ерда, ўтган йили
- C. Ҳозирда, шунда
- D. Онда-сонда, баъзан
- E. Кеча, қасддан

Таянч тушунчалар:

равиш, ҳолат равишлари, пайт равишлари, ўрин равишлари, даража-миқдор равишлари, сабаб ва мақсад равишлари, содда туб равишлар, содда ясама равишлар, қўшма равишлар, жуфт равишлар

35-д а р с

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР. КЎМАКЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг таснифи, кўмакчилар юзасидан олган билимларини чуқурлаштириш.

Р е ж а: *Ёрдамчи сўзлар ҳақида.
* Ёрдамчи сўзлар таснифи.
* Кўмакчилар ва уларнинг вазифаси.
* Кўмакчилар ва келишикларнинг ўзаро алма-
шиниб қўлланилиши ва уларнинг услубий хусу-
сиятлари.



Топшириқ: Қуйида берилган гап таркибидаги ёрдамчи сўзни топинг. Унинг гапдаги вазифасини тушунтиринг. Сен туфайли уйимиз нурга тўлди.



Лексик маъносини йўқотиб, грамматик маъно ифодалашга ўтган, маълум сўроққа жавоб бўлмайдиган сўзлар борки, бундай сўзлар ёрдамчи сўзлар деб юритилади. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар билан қўшимчалар оралиғида турган грамматик воситалардир. Масалан, *Ҳаммасини тинглардим, аммо ўхшашини топмасдим асло (Ҳ. Олимжон).*

Ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи ва юк-
ламалар мансубдир.

КЎМАКЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ватан учун тўккали йўқми бир қошиқ қонинг? (Ҳ. Олимжон).

Юқоридаги гапда *Ватан* сўзини *тўккали* феълига грамматик ва мазмуний томондан боғлаш мақсадида учун ёрдамчиси ишлатилмоқда.



Сўзларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатини ифодалаш учун ишлатиладиган ёрдамчи сўзларга кўмакчилар дейилади. Масалан, *Ойни этак билан ёпиб бўлмас* (Мақол).

Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар бўлиб, ҳозирги кунда лексик маъносини йўқотган ва грамматик маъно ифодалашга ўтган сўзлардир. Мустақил маъносини йўқотиш даражасига кўра, кўмакчилар икки гуруҳга бўлинади: 1) соф (асл) кўмакчилар; 2) вазифадош кўмакчилар.



Лексик маъносини тамоман йўқотиб, фақат грамматик маъно ифодалашга ўтган кўмакчиларга соф (асл) кўмакчилар дейилади. Бундай кўмакчиларга *каби, сингари, билан, бирга, учун, сайин, ҳақида, ҳолда* каби кўмакчилар киради.



Лексик маъносини сақлаган ҳолда, гапда грамматик маъно ифодалаш вазифасини бажарувчи сўзларга вазифадош кўмакчилар дейилади. Бундай кўмакчиларга *устид* (*иш устид*), *остид* (*озодлик байроғи остид*), *олдид* (*виждони олдида*), *орасид*, *орасига* (*халқ орасид*), *бошида* (*йўл бошида*), *қараб* (*Тошкентга қараб юрмоқ*), *бўйлаб* (*дарё бўйлаб*) сингари кўмакчилар киради.

Вазифадош кўмакчилар кўмакчилашаётган от ва феъллардир. Шунга кўра бундай сўзлар мустақил сўз вазифасида ҳам келиши мумкин бўлади. Масалан, *китоб телевизор устид* *турибди* — *телевизор устид жанжаллашди*. *Девордан бўйлаб қаради* — *Ариқ бўйлаб кетди* ва ҳ.


Кўмакчилар бир мустақил сўзни иккинчи мустақил сўзга тобелаштириб боғлаганлиги учун келишиқ кўшимчалари билан бир хил вазифа бажаради, шунинг учун соф кўмакчиларни кўп ҳолларда келишиқ кўшимчалари билан алмаштириш мумкин бўлади. Масалан, *Болалар боғчасига ҳадя қилдим*. *Болалар боғчаси учун ҳадя қилдим*.

Меҳнатсеварлигидан халқ ўртасида обрў-эътибор топди. *Меҳнатсеварлиги учун халқ ўртасида обрў-эътибор тонди*.

Далага кетди — *дала томон кетди*.

Келишиқ кўшимчалари билан кўмакчилар ўртасида мазмуний умумийлик бўлсагина бири ўрнида иккинчиси кела олади. Биринчи гапда ҳар иккисида аташ маъноси, иккинчи гапда сабаб маъноси, учинчисида йўналиш маъноси мавжуд. Ана шу умумий маъно уларнинг ўзаро алмашинувиға имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур умумий маънони қандай ифодалашда келишик билан кўмакчи маълум даражада бир-биридан фарқланади. Келишик қўшимчаси орқали ифодаланган маъно аниқ, кўмакчи орқали ифодаланган маъно эса умумийроқ, ноаниқроқ бўлади. Айниқса бу фарқ йўналиш маъносини билдиришда аниқ сезилади. Солиштиринг: *Самарқандга кетди — Самарқанд томон(га) кетди.*



Савол ва топшириқлар

1. Қандай сўзларга ёрдамчи сўзлар дейилади?
2. Кўмакчилар деб нимага айтилади ва улар гапда қандай вазифа бажаради.
3. Кўмакчилар қандай турларга бўлинади?
4. Кўмакчилар билан келишиклар ўртасидаги умумийлик ва ўзига хос томонларни тушунтиринг.



341-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни топиб, ўзидан олдин келган сўзлар билан бирга кўчиринг ва гапда қандай синтактик муносабатларни ифодалашини айтинг.

1. Яхши китоб муаллифнинг одамзод учун аталган тортиғидир. 2. Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар (А. Темур). 3. «Эй фарзанд, илм олмоқнинг фазилатлари кўпдирким, илм орқали ҳаётнинг фароғатда, юриштиришинг ҳурматда бўлур (А. Самарқандий). 4. Сабрли бўлиш каби фазилатларни ўзингизда мужассам этинг. 5. Имонли киши ақл-заковат соҳиби бўлиш билан бирга инсоний, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этади. 6. Инсоф ва инсофли бўлиш сингари тушунчалар айрим диёнатсиз одамлар учун қадр-қимматсиз бўлиб қолгандек бўлиб кўринади. 7. Вақт ўтган сари одам яхшилик, эзгулик каби умр ишларига ташна бўлиб яшайди. 8. Худбин одам адолат юзасидан эмас, шахсий манфаатлари, инжиқлиги ва худбинлигидан келиб чиқиб ҳаракат қилади.

(Ў. Маҳкамов)



342-машқ. Берилган тўртликларни ўқинг. Маъносини изоҳланг. Кўмакчиларни топиб, уларнинг грамматик хусусиятларини тушунтиринг.

Ҳар неки гӯё йўқ шамол каби кўринмас зинҳор,
Ҳар неки гӯё бор омонатдир, емирилар абгор.
Кўргин, ҳар нимаки оламда бор, охири йўқдир.
Билгин, ҳар нимаки оламда йўқ, аслида бор, бор...

Инсоф адолат-ла қилади амал,
Барчага саломин этмайди канда.
Садақа улашар ўзи камбағал,
Ўшадир имони мукаммал банда.

Тириксан, яхшилик йўлларини тут,
Яхшилик умрингни безагувчи қут.
Мард бўлсанг, озоринг учун узр айт,
Ўзгалар озорин батамом унут.

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,
Майсалар кипригин айлажакмиз нам.
Ногоҳ хазон мисол тўқилганда ҳам,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

(Т. Холматов)



343-машқ. Берилган гаплардаги кўмакчиларни келишиклар билан алмаштириб кўчининг.

1. Зарина сўзлар, саккиз ўғил ўртасида ёлғиз қиз бўлгани учун эркакшода бўлиб ўсганди, ҳеч нарсадан тап тортмай сўзлайверарди ҳам. Гап орасида менга қарата: «Сен ўлгур менга бугундан бошлаб икки томонлама яқин бўлиб қолдинг», — деб юборди. 2. Сизнинг соғлигингиз, сизнинг бахтингиз учун гапирсак арзийди. 3. Менинг кўнглим сезган эди, шу сабабли тушликни чала-чулпа қилиб, уй томон югурган эдим. 4. Палатага кириб борганим сари мени ваҳима босарди. 5. Сиз гўдаклардек пишиллаб ухлардингиз, тимқора ва қуюқ сочларингиз оппоқ ёстиқ устида ёйилиб ётарди. 6. Воқеалар тизимидан сал илгарилаб кетдим, шекилли, бу ҳақда мактубимнинг кейинги саҳифаларидан бирида алоҳида тўхтаб ўтарман. 7. Касбим шарофати билан барибир қайси жумлангиз ёлғон эканини гапингиз оҳангидан билиб оламан. 8. Она уруғим ҳақида бошқа нарсани билмайман, билганим шуки, онамлар Сиз каби бўлишни ҳуш кўрадилар.

(А. Иброҳимов)

344-машқ. Куйидаги кўмакчилар иштирокида гаплар тузиб, ёзинг.

Бўйи, ҳақида, тўғрисида, туфайли, узра, мисли, мисоли, учун, сингари, каби, сари, томон, орқали, бўйлаб, қараб, қараганда, кўра, яраша...



345-машқ. Нуқталар ўрнига зарур кўмакчиларни қўйиб, сўз бирикмалари ҳосил қилиб кўчиринг.

Ўқиш... интиломқ, отаси... бормоқ, тест... баҳслашмоқ, эрк... суҳбатлашмоқ, лецейга ... юрмоқ, жаҳон... юксалмоқ, осмон ... ҳилпирамоқ, тоғ ... бормоқ, қизимдан ... баландроқ, жаҳон... янграмоқ, кўз ... гаплашмоқ, қарорга ... ҳайдалмоқ, кечадан ... тайёрланмоқ, қозон ... қуйилди.

346-машқ. Нуқталар ўрнига гапларнинг талабига мос кўмакчиларни қўйиб кўчиринг.

1. қимматли фикрлар ҳозирда, саҳнага чиқаётган ёш истеъдод соҳибларига саҳна сирларидан сабоқ олишлари... ёрдам бериши шубҳасиз. 2. Ёшларимизнинг билимли, касб-ҳунарли бўлишга, Ватанга садоқат. ... хизмат қилишга ундаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. 3. Миллий қадриятларга таяниб, дунёвий билим ва ҳунарларни эгаллаб олаётган ёшларимизнинг фазилатлари... соатлаб гапириш мумкин. 4. Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган ўғлонларимизнинг оналари аччиқ изтироб, оғир айрилиқ... туриб ҳам мардоналик... истиқлол... кўксини қалқон қилган фарзандлари... фахрланиб гапирганини ҳаммамиз эшитдик. 6. Қишлоқ ... таралаётган куй қизнинг юрак-бағрини эзаётган эди. 7. Ундан ... онангни бир бор йўқлаб, асрлар... сайқаллашиб келаётган удумимизни сақлаб қолмабсан-да. 8. Сен ... менинг ниятларим кун... орқага кетаётганлигини ҳис қила бошладим. (Газетадан).



347-машқ. Матн ичидан кўмакчиларни топиб, қайси сўз туркумидан кейин келганини ва турини айтинг. Одатдаги шаклдан бошқача қўлланган кўмакчиларнинг тагига чизиб, ёзилишини тушунтиринг, улар нутқнинг қайси услубига хослигини айтинг.

Оқил, донолардан Ҳожимурод Одилий айтади:

— Бир олим, фозил одам ёмон феъл-атворга эга бўлган қўпол табиатли одам бирла бир қанча вақт суҳбатдош бўлиб умр ўтказди. Унинг қўпол муомаласига барча каби чидаб келди. Бир куни ҳалиги қўпол табиатли одам сафар томон чиқиб кетди. Олим одам кун бўйи тоқатсизланиб йиғлади. Одамлар таажжубланиб:

— У бадфеъл одамдан қутулганингизга севинмасдан йиғлаганингиз қизиқ. Ахир сассиқсўз, шу қадар қўпол муомалали шеригингиздан қутулганингиз кўнглингизга шодлик, жонингизга ҳузур-ҳаловат эмасми? — деб олимдан сўрадилар.

Олим, фозил одам у ҳақда шундай жавоб берди:

— У бадфеъл шеригимдан ажралганим учун эмас, балки у бечорага ачинганимдан, унга раҳмим келганидан йиғлайман, чунки шунча суҳбатларимдан фойдаланмай, ёмон феъл-атворини ўзи бирла бирга олиб кетди, мана шу сабабдан ачиниб кўз ёш тўкаман.

БАЙТ:

Мурда диллар бирла суҳбатдош бўлишдан қайтсин ҳар киши, ҳеч тирилмайди ўлик, ҳар қанча тўксанг кўз ёши.



348-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни топинг. Қайси келишикдаги мустақил сўзлар билан бирга келганлигини айтинг, маъно хусусиятларини тушунтиринг.

БАТАН ҚАЙҒУСИ

Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам, миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турардур!

Эй мунгли хотун, сен кимсан! Эй ғамли она, нечук мунгдан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг ёш ёмғирлари нечун тўкадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан? Оҳ... Билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанинг мунгли хаёлисан. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур.

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен. Борлиғим билан сенга кўмак қилурга ҳозирман. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози. Қоф тоғлари йўлимда тушса, тамуғ оловлари қаршимда чиқса, яна сен сари кетарман.

Мен сенинг учун туғилдим, сенинг учун яшарман, сен учун ўларман. (А. Фитрат)



349-машқ. Уйга топшириқ. «Донолар бисотидан» номли боғланишсиз матнни ўқинг, кўмакчиларни топинг, уни боғланишли матнга айлантириб ҳикоя қилинг. Сарлавҳа қўйиш ҳам ёдингиздан чиқмасин.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

— Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?

— Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.

— Кимдан ҳазар қилиш лозим?

— Мақтанчоқдан, чақимчидан ҳамда хасис бойдан.

— Кимни бадбахт дейиш керак?

— Такаббур одамни.

— Энг оқил киши ким?

— Кўп билиб, оз сўзлайдиган одам.

— Фосиқнинг қандай белгилари бор?

— Фосиқлар кўришганда лаганбардорлик, орқаваротдан эса гийбат қиладилар, бошингизга мусибат тушганда хурсанд бўладилар.

— Нималар ғам-койишни йўқотади?

— Дўстлар билан кўришиш ва замон фозиллари, оқиллари билан суҳбат қилиш.

— Илмнинг офати нимада?

— Истамаган кишига илмдан гапириш, сўзга тунунмайдиган кишиларга ўринсиз илм ўргатиш илмнинг офатидир.

— Бефойда нарсa нима?

— Амалга ошмайдиган ишлардан умид қилиш бефойдадир.

— Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнайидиган одамлар кимлар?

— Ундай одамларнинг беш тоифаси бор: Бошқаларга ақл ўргатувчи нодон, беҳуда нарсаларни орзу қилиб юрувчи хаёлпараст, ҳеч ким билан маслаҳат қилмайдиган ҳукмдор, қўлидан келмайдиган ишларга уринувчи мақтанчоқ, шоҳ хизматидаги хиёнаткор.



350-машқ. Уйга топшириқ. Қуйидаги кўмакчиларни қатнаштириб, «Самарқанд сайқали» номли матн тузинг.

Билан, учун, сари, сайин, каби, сингари, орқали, янглиғ, оша, уйлаб, ичра, чамаси, ҳақида, томон, кўр.



351-машқ. Матнни ўқинг, кўмакчиларни топиб улар боғланган сўзлар билан биргаликда кўчириб ёзинг.

АССАЛОМ, КЕЛАЖАК!

Эй сен, шошиб, ҳовлиқиб, дам-бадам қўлидаги соатига қараб бораётган инсон! Билармисанки, қўлингга

боғлаб олганинг соат эмас, сендаги саноқсиз занжирларнинг биридир.

Бу занжир ила сенинг инсониятга туташлигинг бор. Томчи бўлиб дарё билан оқаётирсан, зарра бўлиб коинот билан чарх ураётирсан. Бу занжир ила замонга дахлдорсан ва сен ҳам аҳли олам қатори учинчи минг йилликда яшамоқдасан.

Башарият тарихи коинот умрининг ўн беш дақиқаси эмиш. Бу замон ичида у не қадар камол топди? Мамонт тўшини талашиб бир-бирини мажақлаган аждод билан дину ирқ талашиб, мазҳаб талашиб яшаётган авлод ўртасида тафовут қанча?

Бу хаёллар ва бу саволлар, янги минг йилликда мени қийнаб турган ҳислар, ёзилмаган шеърларимдир.

Чексиз, абадий макону замон ичра мавжудлик улуғ бахтим ва оламу ўзни англамаслик улуғ дардимдир.

Мен зарраман, Зарранинг коинот билан бир бутунлиги ва танҳолиги бор. Сайёралар каби ўз осмони, ўз ҳаёти, ўз меҳвари, ўз дарвозаси бор. Замоним — асрим, маконим — ватаним. Шу маконнинг эрки менинг эрким, занжирлари менинг занжирларимдир.

Эй, менинг буюк ва озурда юртим, қудратли ва жафокаш Ватаним! Сен ўз занжирларинг ичида энг уқубатлиси, энг оғриқлиси бўлган тобелик ва мутелик занжиридан халос бўлдинг. Озодлик кунинг аср деса аср, минг йиллик деса минг йиллик ичида энг буюк кундир. У сенинг янги тарихинг, менинг янги умрим бошланган кун.

Эй, менинг суюкли Ўзбекистоним! Замонлар келарки, ботиний занжирларинг ҳам ечилар. Келажак ҳақиқий ҳур дунё ичида сен ҳам чинакам озод мамлакат бўларсан. Замонлар келарки, инсоният можароларни, қон тўкишларни унутар, оламда меҳру саховат, поклик ва эзгулик ғолиб бўлар.

Бизнинг бу ғурбат тўла асрда матонат билан яшаган авлоднинг уйғоқ руҳи ул замон айтар: Ўлмаган қул шундай кунга ҳам етиб келди-я!».

Шу умидбахш туйғу туфайли бугун: «Ассалом, келажак!» дея ҳайқиргим келади.

Таянч тушунчалар:

ёрдамчи сўзлар, кўмакчилар, соф (асл) кўмакчилар, ва-зифадош кўмакчилар.

36-д а р с

БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р е м а қ с а д и: Боғловчилар юзасидан ўрта умумий таълимда талабалар олган билимларини кенгайтириш. Талабаларнинг нутқида боғловчилардан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:** * Боғловчи ҳақида маълумот.
* Боғловчиларнинг турлари.
* Боғловчиларнинг услубий хусусиятлари.



Топшириқ: Қуйида берилган гапдан боғловчини аниқланг ва унинг маъноси ҳамда вазифасини айтинг: *Меҳнат қилиш энг яхши одат, чунки меҳнат бизга берур саодат.*

Ҳаммасини тинглардим, аммо ўхшашини топмасдим асло. Омон сўзлар ва Зайнаб қалби тол баргидай дир-дир қалтирар (Ҳ. Олимжон).

Келтирилган гапларнинг биринчисида аммо ёрдамчиси ўзаро зид маъноли бўлган *тинглардим* гап бўлаги билан *ўхшашини топмасдим* бўлагини; иккинчи гапда ва бир пайтда рўй бераётган воқеа ҳақида ахборот берувчи икки гапни ўзаро боғлаш учун қўлланган.



Икки ва ундан ортиқ гап бўлаги ёки гапларни ўзаро боғлаб келувчи ёрдамчи сўзларга боғловчилар дейилади.

Гап бўлаги ва гапларни қандай боғлашларига кўра боғловчилар икки турли бўлади:

- а) тенг боғловчилар; б) эргаштирувчи боғловчилар.



Ўзаро тенг муносабатда бўлган гап бўлаклари, гапларни боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар тенг боғловчилар ҳисобланади. Тенг боғловчиларга ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ё, ёки, ёхуд, ё... ё, гоҳ... гоҳ сингари боғловчилар киради.



Ўзaro тобе муносабатда бўлган гап бўлаги ва гапларни боғлаш учун ишлатиладиган боғловчиларга эргаштирувчи боғловчилар дейилади. Бундай боғловчиларга *чунки, сабабли, туфайли, шунинг учун, шу боис (сабаб, сабабли), яъни, -ки* сингари сўзлар киради.

Тенг боғловчилар ҳам, эргаштирувчи боғловчилар ҳам ўз ичида бир неча маъно гуруҳларига бўлинади. Буни қуйидаги жадвалда кўринг:

Боғловчи турлари	№	Боғловчиларнинг турлари	Вазифаси	Боғловчилар
Т е н г боғловчилар	1.	Бириктирув боғловчилари	Уюшиқ бўлак ва боғланган қўшма гап қисмларини боғлаб, бириктирув муносабатини ифодалайди.	ва, ҳамда, боғловчи вазифасида келган билан кўмакчиси, ҳам юкламаси
	2.	Зидлов боғловчилари	Ўзaro зид маъноли уюшиқ бўлакларни ва қўшма гап қисмларини боғлайди.	аммо, лекин, бироқ, лек, вале
	3.	Айирув боғловчилари	Уюшиқ бўлак ва қўшма гап қисмларини боғлаб, айирув ва галмагаллик муносабатини билдиради.	ё, ёки, ёхуд, ёинки, ё...ё, гоҳ...гоҳ, дам.. дам, баъзан... баъзан
Эргаштирувчи боғловчилар	1.	Аниқлов боғловчилари	Ажратилган бўлакларни ажратилмиш бўлакка, эргаш гапни бош гапга боғлаб аниқлов муносабатини билдиради.	яъни, -ки (-ким)
	2.	Сабаб боғловчилари	Сабаб эргаш гапни боғлаб, улар ўртасидаги сабаб-натижа муносабатини ифодалайди.	чунки, шунинг учун, шу сабаб (дан) шу сабабли, шу туфайли

	3.	Шарт боғловчилари	Шарт, тўсиқсиз ҳол ҳамда эргаш гапларни ҳоким булак ёки бош гапларга боғлаб, улар ўртасидаги шарт ва тўсиқсизлик муносабатини ифодалайди.	агар, башарти, мабодо, гарчи
	4	Чоғиштирув боғловчилари	Гап бўлаклари ва гапларни ўзаро боғлаб, улар ўртасидаги боғланишда қиёслаш маъносини ифодалайди.	гўё, гўёки, худди

Юқорида келтирилган боғловчиларнинг ҳар бир маъно турига бир неча боғловчилар мансуб. Ҳар қайси гуруҳга мансуб бўлган боғловчилар бир-биридан услубий хосланишга эгаллиги билан фарқ қилади.

Бириктирувчи боғловчи сифатида оддий сўзлашув услубида кўпроқ *билан* (минан) кўмакчиси ишлатилади. *Ва, ҳам, ҳамда* ёрдамчилари эса ёзма нутқ услублари учун хосланган.

Зидлов боғловчиси сифатида сўзлашув услуби учун *аммо, лекин* боғловчиларининг бириккан ҳолида *аммо-лекин* (аммолек) шакли кўпроқ ишлатилади. *Лекин* боғловчисининг *лек, вале* (валекин) шакллари ҳам бадиий услуб учун хосланган.

Айирув боғловчиларидан *ёхуд, ёинки* ёзма нутқ услуби (публицистик, бадиий услуб)дагина қўлланилади. Аниқлов боғловчилари фақат ёзма нутқ услубида қўлланилади.

Сабаб боғловчиларидан *чунки, шу сабаб, шу туфайли* кўпроқ ёзма нутқ услубида қўлланилади.

Шарт боғловчиларидан *гарчи* ёзма нутқ услуби учун хосланган. Чоғиштирув боғловчиларидан *худди* услубий бетараф, *гўё* ёзма нутқ учун хосланган.



352-машқ. Ўқинг. Боғловчиларни топиб, маъно гуруҳларига кўра турини қавс ичига ёзинг.

Савол ва топшириқлар:

1. Қандай ёрдамчи сўзлар боғловчи ҳисобланади?
2. Боғловчиларнинг турларини айтинг ва уларнинг ўзаро фарқини тушунтиринг.
3. Боғловчиларнинг услубий хосланишини тушунтиринг.

1. Аёл ва ижод тушунчалари аёл ва баҳор каби бирига яқин, уйғун. 2. Ипак кийим-кечаклар дазмолланмаслиги маъқул, агар зарур бўлса, тескари томонидан ёки устига зиғир толасидан тўқилган мато қўйиб, қаттиқ қизимаган дазмол билан дазмолланади. 3. Алла айтинг, шундай айтингки, болангиз улғайиб, дунёни меҳрга чулғасин. 4. Кўзгалган касалликни енгиш учун тирик танда «антитанача»лар ҳосил бўлади, аммо бу касалликни енгиш учун ҳар доим ҳам микроорганизмларнинг самарадорлиги сезиларли бўлмаслиги мумкин. 5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида шунчаки бакалавр эмас, балки қўш ихтисосликни кўзда тутган бакалавр — мутахассис зарурлигини ҳисобга олиш ва барча ҳужжатларни шу йўналишга мослаштириш керак. 6. Муаллифнинг Ватан, давлат ва жамият олдидаги масъулияти шу қадар юксакки, шахсий манфаат, мукофот ёки лавозим илинжига ўрин қолмасин. 7. Нобель нефть ва портловчи моддалар ишлаб чиқаришдан орттирган бойлигини нафақат физик ҳамда химикларга, балки врачлар, адабиётшунослар ва тинчликпарварларга ҳам берилишини васият қилиб кетди. 8. Мустақиллик! Сени баётим билан ҳам, санъатим, шеърим билан ҳам асрайман (Газетадан).

9. Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.

(Э. Воҳидов)



353-машқ. Қуйида берилган ҳикоятни ўқинг. Тенг ва эргаштирувчи боғловчиларни топиб, уларнинг турини, грамматик вазифасини қавс ичига ёзинг.

САДОҚАТ

Қадим замонларда шундай бир юрт бор эканки, унинг халқи меҳнаткаш, подшоси одил, ҳаёти тинч экан. Шу боис, бошқа бир мамлакатнинг шоҳи ғайир-

лиги келиб, ўша юртни босиб олмоқчи бўлибди. Бироқ дафъатан хужум қилишга журъат этолмай, ўша юртга ўз хуфиясини юборибди. Хуфия ўша юртга борибди ва мулозимлари сафига кирибди. Сўнг ўз мамлакатига бориб, шоҳига бу юртни олиб бўлмасликни айтибди. «Қалъаси мустаҳкам эмас, лашкари ҳам кўп эмас», — деб ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб берибди:

Бир куни ўша подшо шикорга чиққан эди: мен ҳам, йигитлар ҳам бирга бордик. Подшо учқур бир кийик ортидан от қўйди. Шу боис, ҳаммамиз унга эргашдик, бироқ кийик нариги чўққига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Терлаб кетган подшо рўмолча билан пешонасини артмоқчи эди, ногаҳон шамол келиб, рўмолчани дарага учуриб кетди. Шу сабабли қирқ йигитнинг ҳаммаси ўзини тубсиз жарликка отди. Қанчаси майиб-мажруҳ бўлди, аммо омон қолган бир йигит рўмолчани олиб чиқди ва подшога топширди...

У юртда бундай йигитлар кўп, шунинг учун ҳам бунақа юртни енгиб бўлмайди.

(У. Ҳошимов.)



Топшириқ: Сиз ҳам юқоридаги матнга асосланиб, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг.



354-машқ. Берилган матнни ўқитувчи аста-секин ўқийди. Талабалар эшитганлари асосида фақат боғловчиларни дафтарларига ёзадилар.

ЭЗГУЛИК УРУҒЛАРИ

Ҳаётда ҳеч нарса абадий эмас. Вақти келса, тоғлар ҳам емирилади, аммо ёшликда инсон қалбига экилган эзгулик уруғлари тоабад завола билмайди. Ўғил-қизларимиз биз етолмаган орзуларга эришиши, шунингдек, биз чиқолмаган чўққиларни забт этиши муқаррар, чунки уларнинг жўшқин қалбида жаҳоний ақл ва тафаккур машъали ёлқинланиб турибди. Кейинги йилларда илм-фан, спорт, ижод, санъат, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда эришилган оламшумул ютуқларимизни эсга олинг. Демокчиманки, айнан мустақиллик даврининг ёшлари фидойи меҳнати ва изланиш орқали Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда, унинг обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Замон ҳам, дунёқараш ҳам ўзгаряпти. Сиз билан биз ушбу янгиланиш силсила-

сидамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, авлодлар ўртасида ўзига хос «кўприк» бўлишимиз лозим. Токи ота-боболардан мерос қолган шу юрт, шу тупроқ, шу азиз Ватанни ишончли қўлларга топшира олайлик.

... Мақоламга сўнгги нуқтани қўярканман, ҳазрат Навоийнинг қуйидаги сатрларини яна бир бор эслагим ва эслатгим келди:

Эл нетиб топқай мениким,
Мен ўзимни топмасам...

(Н. Тошев)



355-машқ. Гаплар ичидан билан, ҳам сўзларининг қайси ўринларда боғловчи, қайси ўринларда бошқа ёрдамчи сўз вазифасида қўлланиганини аниқланг, ундаги фарқни тушунтириб беринг

1. Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганида, бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасидан кўра тўлароқ кўринар эди.

2. Мулойим кишида инсоф ҳам, диёнат ҳам, эътиқодга содиқлик ҳам, виждон ҳам, садоқат ҳам — ҳаммаси бўлади.

3. Аҳмад Яссавий кўнгил ва тил бирлигини қадрлаган.

4. Бинолар қурилди, бироқ тадбиркорлик ишлари қандай олиб борилмоқда?

5. Шеър билан куйнинг ҳамоҳанглигига эришмоқ зарур.

6. Она баъзан фарзанди бошида парвона бўларди, баъзан бешикка бош қўйганича ухлаб қоларди.



356-машқ. Сўзлашув услубида ишлатиладиган минан, омалекин, валекин, лек, шун-чун каби боғловчилар иштирокида гаплар тузинг. Сўнгра уларни ёзма нутқ услубида ёзинг.



357-машқ. Матнни ўқиб, боғловчиларни топинг, уларни таҳлил қилинг.

Н а м у н а:

Ҳамдардлик — бир одамнинг қайғу-ҳасратларига ачиниб, ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишидир, лекин қуруқ ҳамдардлик фойда бермайди.

Лекин — боғловчи, тенг боғловчи, зидлов боғловчиси яқка ҳолда қўлланган, 2 та гапни боғлаш учун хизмат қилган.

1. Ақл ва фаросат қуёшга ўхшайди, бепарволик туфайли тушиш мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди. 2. Могу давлатингиз билан эмас, балки илм-

хунарингиз, гузал хулқ-атворингиз билан фахрланинг. 3. Биров одоб ўргатса, ўрганмаган киши ҳайвон, аммо узр сўраса, қабул қилмаган киши шайтондир. 4. Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, шунинг учун ҳам у ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади. («Ҳикматлар»дан). 5. Унинг гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устин қилиб қўшиқ айтгиси келарди (С. Аҳмад).



358-машқ. Қуйида берилган фикрни изоҳланг. Унга ҳикоят ва ҳикматлардан мисоллар келтириб, боғловчиларни ҳам иштирок этказинг.

Тил бор, бол келтирар,
Тил бор, бало келтирар.



Савол ва тошпириқларни бажаринг

1. Ҳаракат номидан кейин келган кўмакчиларга мисоллар ёзинг.
2. Янглиғ сўзи қайси кўмакчилар билан синоним бўла олади.
3. Ўхшашлик, қиёслаш маъноларини билдирувчи кўмакчиларни ёзинг, улар иштирокида гаплар тузинг.
4. Туфайли, чоғли, оша, бўйлаб, бўйича, узра, ҳолда, йўсинда кўмакчилари иштирок этган гаплар тузинг.
5. Нутқимизда қайси кўмакчилар жўналиш келишигидаги сўзлар билан қўлланади?
6. Бириктирув боғловчилари қандай вазифа бажаради?
7. Боғловчи ўрнида келадиган қўшимчаларни айтинг ва уларга мисоллар ёзинг.
8. Агар, гарчи, чунки, гўё, гўёки, башарти, мабодо каби боғловчилар иштирокида гаплар тузинг, уларнинг услубий вазифасини тушунтиринг.

Таянч тушунчалар:

боғловчилар, тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар, бириктирув боғловчилари, зидлов боғловчилари, айирув боғловчилари, аниқлов боғловчилари, сабаб боғловчилари, шарт боғловчилари, чоғиштирув боғловчилари.

37-д а р с

ЮКЛАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р е м а қ с а д и: Талабаларнинг юкламалар юзасидан олган билимларини кенгайтириш.

Юкламалардан нутқда ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

- Р е ж а:**
- * Юкламалар ҳақида маълумот.
 - * Юкламалар таснифи.
 - * Юкламаларнинг услубий хусусиятлари.

Ёрдамчи сўзлар деб юритилувчи гуруҳ таркибида шундай ёрдамчилар борки, улар сўз ва гапларни бири-бирига бўлган синтактик муносабатини ифодаламайди. Масалан, *фақат ўқишни ўйлайди* жумласидаги *фақат* ёрдамчиси *ўқишни* сўзини бошқалардан айириб, бўрттириб, таъкидлаб келаяпти. Шунинг учун ҳам бу жумла замирида *бошқа нарсани ўйламайди* деган маъно ҳам яширингандир. Ана шу яширин маънога ишора *фақат* ёрдамчиси орқали сезилади. Агар мазкур жумла таркибидан *фақат* ёрдамчисини олиб ташласангиз, юқоридаги яширин маъно ҳам хиралашади.



Сўз ва гапларга қўшилиб, уларга қўшимча маъно юкловчи ёрдамчиларга юкламалар дейилади.

Юкламаларнинг кўпчилиги қўшимча шаклида, айримлари эса сўз шаклида қўлланилади. Ана шу белгисига кўра юкламалар икки гуруҳга бўлинади:

1. Сўз юкламалар: *фақат, ҳатто, наҳотки* каби
2. Қўшимча юкламалар: *-ми, -чи, -а (-я)* каби

Э с л а т м а: аслида, иккинчи гуруҳдаги юкламалар қўшимчалар экан, уларни сўз туркумлари таркибида ўрганиш шартлидир, чунки сўз туркумларига бўлиниш учун у, албатта, сўз мақомига эга бўлиши керак.

Юкламаларнинг қандай маъно гуруҳларига бўлинишини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Юклама-ларнинг маъно турлари	Суроқ ва таажжуб	Кучайти-рув ва таъкид	Айирув — чегаралов	Гумон юкламаси	Инкор юкла-маси
Юклама-лар	-ми, -чи, -а, (-я)	-ку, -у, (-ю), -да, -оқ (- ё қ) ҳ а м, ҳатто	-гина, (-кина, -қ и н а), фақат	-дир	на... на

Юқорида келтирилган юкламалардан *-ку, на... на* юкламалари ёзма нутқ услуби учун хосланган бўлса, қолганлари услубий бетараф юкламалар саналади.

Ҳам юкламаси боғловчи вазифасида ҳам қўлланилади. Бундай вақтда қайси вазифада (юклама ёки боғловчи вазифасида) келаётганлигини фарқлаш керак бўлади.

Иккита ўзаро тенг муносабатга киришган сўзларни боғлаб, *ва* боғловчиси билан алмаштириш мумкин бўлса, *ҳам* боғловчи вазифасида қўлланган бўлади. *Ҳам* ёрдамчиси қўлланилган жумла таркибига *ҳатто* ёрдамчиси-ни ҳам қўллаш мумкин бўлса, *ҳам* ёрдамчиси юклама, вазифасида, яъни ўз вазифасида қўлланилган бўлади. Солиштиринг: *Соли ҳам Карим келди. Ҳатто Карим ҳам келди.*

Юкламалардан *-ми, -гина (гина, қина), -оқ (ёқ)* ўзи қўшилаётган сўзга қўшиб ёзилади. Қолганлари ўзи бирикиб бир сўзни келаётган сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади.

Кўп ўринда бир юкламанинг ўрнида иккинчи алмаштириш мумкин бўлади. Масалан, *Фақат (ёлғиз) сен келмадинг.*

?

Савол ва топшириқлар

1. Қандай ёрдамчи сўзларга юклама дейилади?
2. Юкламаларнинг боғловчилар билан ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.
3. Юкламаларнинг услубий бетараф ва услубий хосланган турларини баён қилинг.

Э с л а т м а: -гина (-кина, -қина) шакллари от, сифат, равишга, қўшилиб, маънони кучайтириш, эркалаш, таъкидлаш учун ишлатилади. Масалан, *укагинам, қизгина, яхшигина, секингина, кўпгина, озгина* ва бошқалар.



359-машқ. Куйидагиларни кучиринг. Гапга сўроқ, ҳис-ҳаяжон, таажжуб, таъкид, кучайтирув, айирув маъноларини берувчи сўз ва қўшимчаларни топиб, уларнинг остига чизинг

1. Ўшанда Асадбек ундан норизо бўлганида «Икки киши ўрнига битта одам ўтиргани дуруст эмасми?» деб ўзини оқлади. 2. Кетма-кет равишда минг марта, балки ундан-да кўп ҳарифларининг курагини ерга теккизган полвон агар доно бўлса, ўзига бино қўймайди, минг биринчи ҳарифни ҳам албатта мажақлайман, деб катта кетмайди. 3. Агар Филай тирсаги билан туртиб юборса, тўппончаси иш бермай қолиши, ҳатто Бўтқанинг ўтирилишга ҳам улгурмаслиги мумкинлигини ўйламади. 4. «Қарғалар совуқдан кўрқмайди-я, мен ахир йигит бўлиб қолган бўлсам» ўйлади Рискитилла ва қарғага қараб «ҳов, ҳов, ҳа, ҳа» дея қўлларини юқорига ниқтади. Унга бепарво қараб турган қарға Рискитилланинг иззат-нафсига тегдими, у шартта оёқларини этикдан чиқариб ўрикка чирмашди-да, пичоқ турган шохга олмахондай лип этиб чиқиб олди. 5. Йиғи аралаш ерга тушмоқчи бўлдими, ё қирқаётган шохининг қанчалик «жони» қолганини синаб кўрмоқчи бўлдими жойидан кўзғалишини билади — шох қасир-қусур қилиб пастга ағдарилди. 6. Худо асраган экан, пичоқ қор ичида нақ унинг елкаси тушган жойда ётарди. 7. Жардаги ариқларда бир пайтлар тўлиб сув оққанини биласан-а?! (*Т. Малик*).



360-машқ. Берилган гапларга ўзингиз юкламалар қўйинг. Уларнинг гапдаги ўрнини ва вазифасини тушунтиринг. Услубий жиҳатдан қандай қўшимча маъно бераётганлигича диққат қилинг.

ХОСИЯТ БУВИ

Хосият буви неварасини боғчадан олиб келди, ўзини беҳол сизди. Атрофида нималарнидир жавраётган боланинг сўзлари қулоғига кирмай, кўз олди хиралашиб, тиззалари титради, хонтахта чеккасига чўккалаб, ҳушидан кетди... Бир замон кўзини очса касалхонада ётар, ёнида ўғли, келини термулиб ўтиришарди. У болаларига базўр қараб қўйди, кўзларини юмди.

Беморга тикилиб ўтирганларнинг кўнглидаги ваҳима ўрнини аллақандай илинж эгаллай бошлади. Хосият бувининг ўғли «Ҳайрият!» деб чуқур нафас олди, хотинига нималардир пичирлаб ўрнидан турди. Кампир ўғлининг қўзғалганини сизди, лекин кўзини очишга қуввати бўлмади, юраги ўғлининг йўлакдан узоқлашаётган қадам товушидай дук-дук ура бошлади. «Отаси ҳам худди шунақа тез-тез юрарди», — хаёлидан ўтказди у.

Бола-чақаларининг елиб-югуриб қолганидан Хосият буви аҳволи анча оғир эканлигини тушунди. Кўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар серқатнов бўлиб қолишди. Гоҳида ўғли, асосан, келини бошида навбатчилик қилишарди.

Хосият бувининг икки синглиси бор. Кичиги шанба куни келди. У уйида усталар ишлаётгани учун тез-тез келолмаётганидан ўкинган синглисини кўриб ўша куни кеч кетди. Эртасига яна келди.

Хосият бувининг ўғли холасининг бунчалик меҳри товланиб қолганидан қувониб кетди. (*Т. Маҳмуд*).



361-машқ. Матнини ўқинг. Юкламаларнинг маъноси ва ёзилишига изоҳ беринг.

БАТАН МАДҲИ

Ватандан ширинроқ ҳеч нарса йўқ. Ахир, одамлар ниманики муқаддас деб ҳисобласа, ниманики теран мазмун билан сугорилган, деб билса, буларнинг барини уларга Ватан ўргатган эмасми? Майли, кўпгина одамлар ўзга юртларнинг қудратию ажойиботидан завқлансин, иморатларнинг дабдабаю васвасасига қойил бўлсин, лекин ҳамма Ватанини севади. Ўзга юртларнинг беҳисоб мўъжизаларини кўпчилик кўрган, аммо ҳеч ким уларга маҳлиё бўлиб ўз юртини унутиб қўйган эмас-ку?!.

Барча одамлар Оллоҳдан Ватанини фаровонликда бошқа шаҳарларга тенг қилишни сўрайди-ю, лекин танлашга келганда ҳар қанча фақир кўримсиз бўлса-да, фақат ўз Ватанини танлайди.

Ватан ҳамма одамлар учун шу қадар азизки, қонун чиқарувчилар ҳамма жойда энг катта жиноятлар учун олий жазо сифатида Ватандан бадарға қилишни белгилаб қўйишган. Ахир, жангларда сафда турганлар учун энг олий, энг улуғ хитоб — Ватан учун жангга ундайдиган

хитобдир. Бу хитобни эшитган ҳеч бир одам ундан бўйин товлашни ўзига муносиб билмайди-да. Негаки, «Ватан» сўзи ҳуркак одамга ҳам жасорат бағишлайди.

(Лукиан).



362-машқ. -ми, -чи, -а, -я, -ку, -ҳам, -у (-ю) -да, -оқ, -ёқ, -ки (-ким), ахир, ҳатто, наҳотки, -гина (-кина, -қина), фақат, нақ, на юкламалари иштирокида гаплар тузинг, уларни имло қоидаларига риоя қилиб ёзинг.



363-машқ. -чи юкламаси сўроқ, буйруқ, илтимос, хо-ҳиш, таъкид (уқтириш) маъноларини билдиради. Шунга кўра Сиз ҳам юқоридагидек ҳиссий бўёқ берадиган гаплар тузинг ва ёзинг.

Ёрдамчи сўзларга оид грамматик топишмоқларнинг маъносига эътибор беринг, жавобини топинг.

1. Ёрдамчи сўз ўзлари
Қўшимчадек сўзлари.
Маъноси нуқул сўроқ,
Охирида бор ўроқ?
2. Қалам билан ёзамиз,
Мен билан сен ёзамиз.
Бунда икки «билан» бор.
Бир-биридан фарқи бор,
Топинг, қандай фарқи бор?
3. Шу сўзи учун, билан,
Учун ҳам шунинг билан
Қачон бўлар боғловчи?
Мисол топиб айтинг-чи?
4. Билан, учун сўзлари
Қачон бўлади -чун, -ла?
Ўйлаб топинг мисоллар
Қўллансин -чун ҳамда -ла
5. Бир хил сўроқли сўзлар
Ўртасида қўлланар
Боғловчи -ла алмашар,
Белги бўлиб кўринар?
6. Сен ҳам мен хатни ёздик.
Карим ҳам хатни ёзди.
Бунда иккита «ҳам» бор,
Топинг, қандай фарқи бор?

7. Юкламалардир -у, -ю,
Кўп ҳунарлидир -у, -ю.
Боғловчи бўлар -у, -ю.
Боғловчию юклама
Қандай бўлади у, ю?

8. Юклама десам, юklar,
Сўзларни бўлиб олар.
Қай сўзга қўшилар -а?
Қайсига қўшилар -я?

9. «У, -ю, -да юкламалар
Гоҳ бўлар боғловчилар
Қачон боғловчи бўлар,
Қачон юклама бўлар?

10. Боғловчи -ла алмашар,
Зид боғловчидан олдин,
Доим олади ўрин.
Афтидир эгри таёқ,
Номи нима? Топ, ўртоқ.



Топишмоқларнинг жавоби

1. Сўроқ юкламалари.
2. Биринчи билан -кўмакчи, иккинчиси — боғловчи.
3. Шу билан, шунинг учун тарзида боғловчи бўлади.
4. Билан, учун сўзлари -ла, -чун тарзида.
5. Вергул.
6. Биринчи ҳам боғловчи, иккинчиси — юклама.
7. Икки от орасида келса — боғловчи, феъллар билан қўлланса — юклама.



364-машқ. «Матнни давом эттиринг» усули. Ўқитувчи доскага қуйида келтирилган мақолни ёзиб қўяди. Талабалар эса бирин-кетин чиқиб, биттадан гап ёзиб, матнни давом эттирадилар ҳамда талабаларнинг ёзган гаплари услубий, орфографик жиҳатдан қандай тўғри ёки нотўғри эканлиги ўзгалар томонидан изоҳланади.

Н а м у н а: Ё остидан ... (мақол)

Таянч тушунчалар:

юклама, сўроқ ва таажжуб юкламалари, кучайтирув ва таъкид юкламалари, айирув юкламалари, гумон юкламалари, инкор юкламалари, сўз юкламалар, аффикс юкламалар.

38-д а р с

УНДОВ ВА ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР, УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. МОДАЛ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЁТИ

38.1. УНДОВ ВА ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР, УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Ундов ва тақлид сўзлар юзасидан ўрта умумий таълимда олган билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Ундов ва тақлид сўзлардан нутқда ўринли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Р е ж а: * Ундов сўз ҳақида маълумот.

* Ундовларнинг маъно турлари.

* Ундовларнинг услубий хусусиятлари.

* Тақлид сўзлар ҳақида маълумот.

* Тақлид сўзларнинг маъно турлари.

* Тақлид сўзларнинг услубий хусусиятлари.

Нутқ жараёнида *оҳ, ҳой, эҳа, дод, вайдод, ништ* сингари сўзларни кўп эшитасиз.



Ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, ҳайдаш-чақириш маъноларини ифодалайдиган сўзларга ундов сўзлар дейилади.

Ундов сўзлар ҳам худди модал сўзлар каби қўшимчалар олиб ўзгармайди. Масалан, *ҳой* сўзи келишик, эгалик қўшимчалари олмайди. Унга ясовчи қўшимчалар қўшилиб янги сўз ясалмайди.

Айрим ундов сўзлар отлашганда, яъни от вазифасида қўлланганда, эгалик қўшимчасини олиши мумкин. Масалан, *Оҳи оламни тутди*. Бу ўринда *оҳи* нимаси сўроғига жавоб бўлиб, *оҳ дейишининг, нола қилишнинг* номини билдириб келяпти.

Ундовлар маъно жиҳатдан икки турли бўлади:

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари; 2. Буйруқ-хитоб ундовлари.

Ундовлар бошқа сўзлар билан грамматик алоқага киришмайди. Баъзан кишиларнинг ундов сўзлар орқали

ифодалаган ҳис-ҳаяжонини, буйруқ-хитобини тасвирлаш учун ундов сўзларга *демоқ, солмоқ, урмоқ, тортмоқ* сингари феъллар қўшилиб келади ва қўшма феъллар ҳосил бўлади: *вой демоқ, дод солмоқ, оҳ урмоқ, оҳ тортмоқ, ништ демоқ* каби.

Ундовлар ундов оҳанги билан ажралиб туради, лекин ундов оҳанги хилма-хилдир. Бир ундов сўз турли оҳанг билан талаффуз қилиниб, турли хил маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан, *Ҳай-ҳай, қандай мазали (Роҳатланиш, завқланиш); Ҳай-ҳай, тегма (буюриш); Ҳай-ҳай, йигитлар бу ёққа! (ундаш, таъкидлаш); Ҳай-ҳай, шаккоклик қилманг (фикрдан қайтариш)* ва бошқ.

Нутқ жараёнида сўзловчиларнинг ёши, амали нуқтаи назаридан ундовлардан фойдаланиш ҳам маълум даражада фарқ қилади. Хусусан, ўзидан катта ёшдагиларга мурожаат қилинганда ёки маълум лавозимни эгаллаган шахсларга унинг қўл остида ишлаётган шахслар ҳой деб мурожаат этмайди ёки балли ундови катталар томонидан кичикларнинг қилган ёки қилаётган ишларидан мамнунлигини ифодалаш, улар меҳнатини баҳолаш мақсадида ишлатилади, лекин кичиклар томонидан катталарнинг ишларига нисбатан бундай ундов орқали баҳо берилмайди.

Шунингдек, ундовлар оғзаки сўзлашув, бадий, қисман публицистик услубда кенг қўлланилиб, расмий ва илмий услубда қўлланилиш доираси чекланган. Баъзан хат жанрида, маълум воқеа-ҳодисалар баёни юзасидан ўзаро мактубларда ёки ишқий мактубларда, ундовлар қўлланилиши мумкин. Расмий доираларнинг хатларида ундовлар қўлланилмайди. Сабаби расмий доираларнинг хатлари ҳар қандай эҳтирослардан холи бўлади.



Табиатда инсондан ташқари жуда кўплаб тирик жонзотлар яшайди. Уларда ҳам ўзига хос нутқ аппарати мавжуд. Мана шу нутқ аппарати ёрдамида улар турли-туман овоз чиқарадилар. Итларнинг вовуллаши, мушукнинг миёвлаши, товуқнинг қоқоғлаши ҳеч биримизга ёт эмас. Бундан ташқари теварак-атрофимизда беадад воқеа ва ҳодисалар содир бўлиб туради: нарсалар бир-бирига тегеди, урилади. Натижада ҳар хил овозлар ҳосил бўлади. Инсон ўз фаолияти давомида мана шу овозларга тақлид қилишга уринади. Тилшуносликда бундай овозлар тақлид сўзлар атамаси билан юритилади.

Тақлид сўзлар иккига бўлинади.

а) товушга тақлид сўзлар: *тарақ, гумбур-гумбур, шов-шув, дув-дув, қарс-қарс, тап*, шарақ, шолоп, шитир-шитир ва ҳоказо...

б) образга ёки ҳолатга тақлид сўзлар: *лип-лип, жимир-жимир, ялт-юлт, лапанг-лапанг, дик-дик* каби

Тақлид сўзлар эгалик ва келишиқ кўшимчаларини олади, турланади, гапда от бажарган вазифаларда келади. Масалан, *Шамолда баргларнинг шитир-шитири эшитилади. Дарёнинг шов-шувидан қулоқларимиз битиб қолаёзди.*

Тақлид сўзларнинг барчасидан феъл ясалади: *шовилламоқ, гумбурламоқ, дупирламоқ, қарсилламоқ, ялтилламоқ* каби.



Савол ва топшириқлар

1. Ундов сўзлар деб нимага айтилади.
2. Ундовларнинг қандай маъно турлари бор?
3. Ҳой, балли, офарин сингари ундовлар кимлар томонидан кимларга нисбатан ишлатилади?
4. Тақлид сўзларга мисоллар келтиринг ва уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини тушунтириб беринг.
5. Товушга тақлид сўзларга мисоллар келтиринг, уларни гап ичида қўллаб кўринг.
6. Образга тақлид сўзларни ишлатиб гаплар тузинг, уларнинг қандай кўшимчаларни қабул қилаётганига диққат қилинг.



365-машқ. Диалогларни ўқинг. Ундов сўзларни топиб, уларнинг ишлатилиш ўринларига диққат қилинг.

Собир уни кўтариб отга миндиради.

— Чу!

— Мен ҳайдай? — сўрайди Зулфия

— Қўрқмайсанми? От ёмон, олиб қочиб кетади.

— Мени ушла сен.

Собир унинг елкасидан ушлаб олади.

— Кетдик. Вой, чопиб кетаяпти-ку!

— От бўлгандан кейин чопади-да. Қўрқма, тезроқ ҳайдайвер.

Зулфия ҳақиқий аравакашларга ўхшатиб:

— Но-о-о! Жонивор, но-о-о! — деди.

От қаттиқроқ чопа бошлайди.

— Қани, мен олай, — Собир чолнинг қўлидан челакни олди.

— Ўҳ-хў! Мунча муздек?

— Кудуқнинг суви-да. — деди Назир ота гурур билан. — Тагин мешда олиб келдим.

Кўп ичманг, ўғлим, томоқ оғриғи бўлиб қоласиз.

О, Тошкент, Самарқанд! — ҳавас билан деди Анна-Мария, — хорошо!

Унинг оппоқ тишлари марварид доналарига ўхшарди.

— У ерларда бўлганмисиз?

Анна-Мария йўқ, дея бошини қимирлатди.

Но оччен-н, оччен-н по-бивать...

(Ў. Умарбеков)

366-машқ. Куйидаги ундов сўзларни икки устунга бўлиб кўчиринг ва улар иштирокида оғзаки гаплар тузиб, ишлатилиш ўринларини изоҳланг.

Оҳ, кишт, эй, уҳ, маҳ-маҳ, чух, тр-р-р, уф, бай-бай, ўхў, эҳе, оҳхо, беҳ-беҳ, оббо, воей, пишт, қурей-қурей, ту-ту, баҳ-баҳ, ия, оҳо.



367-машқ. «Жимжитлик» романидан олинган парчаларни ўқинг. Ундов сўзларнинг ишлатилиш ўринларини тушунтириб беринг.

— Оббо Сен-ей, — деди меҳмон. — Зўр боласан-да.

— Шогирдингизман-да, Ҳожи ака, — Расулбек ялтоқланиб меҳмонларга йўл бошлади.

Ҳожи ака ҳар гал таомни оғзига солганда Расулбек шаънига ҳамду сано ўқирди. Пазандалигини астойдил мақтарди.

— Вей, бу ҳунарни қайдан ўргангансан, палакат? Жуда зўр экансан-ку.

Толибжон ундан, тўрвангда нима бор, деб сўраганда у, оҳактош билан томатдан бўшаган банка, кейин пича кир совун бор деб жавоб берди.

— Ия, буларни нима қиласан?

Бола жуда билафонлик билан зўр иш қилмоқчилигини билдирадиган ҳаракат қилди.

— Булоқ тепасидаги катта қоратошга отимизни нимада ёзамиз? Оҳакни банкага солиб, тепасига совун япроқлар соламиз, кейин сув қўйсақ вақирлаб қайнаб кетади. Қатиққа ўхшаб оппоқ атала бўлади, ўша билан тошга ҳаммамизнинг отимизни ёзаман.

(Саид Аҳмад)



368-машқ. Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидан олинган парчаларда ишлатилган ундов ва тақлид сўзларга диққат қилинг, уларнинг услубий хусусиятларини аниқланг.

Бобом қуруқ аравани тортишга ҳам мадори қолмаган эшагини «хих-хих»лаб йўлга тушди. Чиқиб кетаётганида чол-кампир пичир-пичир қилаётганини сездим. Бобомнинг «а?» дегани қулоғимга чалинди.

— Пиш-е! — оёғимга суйкалган мушукни бир тепган эдим, «биғ» этиб уч қадамча нарига бориб тушди.

Ойим дик этиб ўрнидан турди.

— Вой-вой-вой, содда муғамбирей! — икки қўллаб юзимдан ушлаб кўзларимга тикилди.

Чолимнинг айтишича табиб сигирини ҳам сизлаб гапираркан. «Чу» демай, «чуинг» деркан.

— Шошма, Қоракўз, шошма... Дрр! Хоп!

Ана бўлди. Кетдик.

— Чу, биродар.

369-машқ. Қуйидаги тақлидий сўзлар иштирокида гаплар тузинг, уларнинг ишлатилиш ўринларини изоҳланг.

Тақир-туқур, қарс-қурс, гуп, така-тум-так, ғир-ғир, миёв-миёв, лип-лип, ялт-юлт, лапанг-лапанг, гумбур, ғишт, шов-шув, дир-дир, дағ-дағ, пиш-пиш, тақ-туқ.

Таянч тушунчалар:

ундов сўзлар, ҳис-ҳаяжон ундовлари, буйруқ-хитоб ундовлари.

38.2. МОДАЛ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЁТИ

Д а р с м а қ с а д и: Модал сўзлардан талабалар нутқида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш

- Режа:**
- * Модал сўзлар ҳақида маълумот.
 - * Модал сўзлар таснифи.
 - * Модал сўзларнинг услубий хусусиятлари.



1-топшириқ: Қуйидаги берилган гаплар таркибидаги шубҳасиз сўзининг вазифасини аниқланг. *Шубҳасиз, янгиллик эскилик устидан тантана қилади. Сизнинг аъло ўқишингиз шубҳасиз.*

2-топшириқ: *Албатта* сўзи иштирокида гап тузинг. *Албатта* сўзининг гапдаги тартибини ўзгартиринг ва бу ўзгаришнинг гап мазмунига таъсир этиш этмаслигини аниқланг.

Сўзлашув жараёнида *албатта, шубҳасиз, эҳтимол* сингари сўзларни кўп эшитасиз, лекин бундай сўзлар борлиқдаги нарсалар, белги хусусиятларини номламайди. Шу билан биргаликда ёрдамчи сўзларга ўхшаб соф грамматик маъно ҳам ифодаламайди. Бундай сўзлар билдириладиган ахборотга сўзловчининг тасдиқ, ишонч, гумон каби муносабатларини билдиради.



Сўзловчининг муносабатини ифодалайдиган сўзларга модал сўзлар саналади. Масалан, *Мамлакатимиз, албатта, буюк, гуллаган юртга айланади.* Юқоридаги гапдан *албатта* сўзини тушириб қолдирсангиз ҳам гапнинг умумий мазмунига футур етмайди. Лекин, ишонч, тасдиқ, маъноси бўртиб турмайди. Гапга *албатта, шубҳасиз* сўзларининг қўшилиши билан эса сўзловчининг гап орқали ифодаланадиган ахборотга ишонч, тасдиқ муносабати алоҳида таъкидланган ҳолда баён қилинади.

Модал сўзларнинг маъно таснифини қуйидаги жадвалда ифодалаш мумкин:

Тасдиқни билдирувчи модал сўзлар	Тахмин ва гумонни билдирувчи модал сўзлар	Афсус ва ажабла- нишни билдирувчи модал сўзлар	Фикрнинг тартибини билдирувчи модал сўзлар	Умумлаш- тирувчи, яқунлашти- рувчи модал сўзлар
албатта, ҳақиқатан, дарҳақиқат, сўзсиз, шубҳасиз	эҳтимол, чамаси, афтидан, шекилли	аттанг, афсуски, ажабо	аввало, жумладан, масалан	хуллас, демак, умуман



370-машқ. Гапларни ўқинг. Модал сўзларни топиб, ҳар бир модал сўзнинг маъносини, гапда қандай вазифа бераётганини тушунтиринг.

1. Табиий, хиёнаткор султонларнинг қочиши Бойсунқур мирзо лашкарининг сонига унчалик таъсир қилмаган бўлса-да, руҳига жиддий зарар етказгани шакшубҳасиз эди.

2. Дарҳақиқат, агар воқеаларнинг кечишини диққат билан кузатсак, Абу Юсуф арғун билан Зухрабеги оғаниятидан хабардор бўлган.

3. Айтишларича, Шайбоний отаси Будоқ Султон билан онаси Кўзибегимдан ёшлигида етим қолиб, укаси билан бирга бобоси Абулхайрхон қўлида тарбия топган.



371-машқ. Берилган гапларни кўчиринг. Модал сўзларни топиб маъносини айтинг.

1. Эҳтимол, сизда ҳам шундай ҳоллар бўлгандир: тун ярмидан оққанда бирдан уйғониб кетасиз.

2. Йўқ, чамамда, оналарнинг биз тушунмайдиган, бизнинг ўлчовимизга сиғмайдиган ўз олами борга ўхшайди.

3. «Хайрият!» — ўқитувчи бош силкиди.

4. Начора, куни битган-да — деди дадам томоғини бўғган кўз ёшидан овози хириллаб.

5. Ниҳоят, Ана хола ўзи тутиб турган кўзгуни этагига артиб хуржунига тикди. (*Утқир Ҳошимов*)

6. Дарҳақиқат, халқ учун улуғ иш қилаяпсиз, ўғлим.

7. Хуллас, водийда ҳам, гуллар боғида ҳам аввалги ҳаётдан асар қолмаган эди (*Шароф Рашидов*).

8. Дарҳақиқат, ўшанда ҳам Беруний қилмаганини шоир Унсурий қилди.

9. Майли, ҳамма инъом, ҳамма бойликлар ўшал мадҳиябозларга буюрсин!

10. Хуллас калом, мана, яқин уч ойдирки, махфий элчи йўлда эмас, икки ўт орасида!

11. Дуруст, мана йигирма йилдирки, бу такаббур ҳаким бизга хизмат қилишдан бош тортди.

12. Бинобарин, бу нақл кўп пурҳикмат нақлдуру!..
(Одил Ёқубов)

13. Гарчи, тўсатдан димоғ-фироғ пайдо қилган «алломай замон»нинг бемаъни қилиқларини кечиришга мажбур бўлса ҳам, ичида ундан кулар, назарида, «шайх ур-раис» бир неча дақиқадан кейин ўзига келиб, мўминлашиб қоладигандек туюларди.
(Одил Ёқубов).



372-машқ. «Минг бир ҳадис» китобидан олинган ҳик-матларни ўқинг, улардан бир нечасини ёд олинг. Модал сўзларни топиб, маъносини айтинг.

Оллоҳга энг ёмон кўринадиган одам, аввало, гина ва адоватни узоқ сақловчи одамдир. Кимнингки ғазаби келса, сўзсиз, жим бўлсин. Биринчидан, олим (илм берувчи) бўл ёки илм ўрганувчи бўл ёки тингловчи бўл ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, афсуски, унда ҳалок бўласан.

Иккинчидан, агар яхшилигинг сени хурсанд қилиб, ёмонлигинг хафа қилса, демак, сен мўмин экансан.

Кимгаки (Оллоҳ томонидан) ақлу идрок берилса, бинобарин, у нажот топади.

Узр айтишга мажбур қилувчи ишларни шаксиз, камайтиринглар.

Умуман олганда, бахтли киши фитналардан йироқ бўлган ва мусибат етганда сабр қилган кишилардир.



Ўтилганлар юзасидан тест топшириқлари

1. Асл (соф) кўмакчилар берилган қаторни топинг.

- A. Билан, учун
- B. Ост, уст
- C. Қараб, кўра
- D. Ич, кейин
- E. Сари, қош

2. От кўмакчиларининг тулиқ қаторини белгиланг.

- A. *Ост, уст, ён*
- B. *Кўра, қараб, қараганда*
- C. *Олдин, кейин, сўнг*
- D. *А ва В жавоблар*
- E. *А, Б, С жавоблар*

3. Тенг боғловчилар қайси қаторда кўрсатилган

- A. *Ва, лекин, бироқ*
- B. *-ки, чунки, ҳамда*
- C. *Шу сабабли, деб, токи*
- D. *Аммо, -у, -ю*
- E. *Агар, башарти, мабодо*

4. Яхши билан юрдим етдим муродга, ёмон билан юрдим қолдим уятга. Ушбу гапдаги ёрдамчи сўзни аниқланг.

- A. *Бириктирув боғловчиси.*
- B. *Зидлов боғловчиси*
- C. *Шарт боғловчиси*
- D. *Мақсад боғловчиси*
- E. *Сабаб боғловчиси*

5. Ёрдамчи сўзларга хос бўлмаган хусусият қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. *Грамматик шаклга эга бўлади*
- B. *Грамматик маънога бўлади*
- C. *Лексик маъно ифодаламайди*
- D. *Синтактик вазифа бажаради*
- E. *Барча жавоблар тўғри*

6. Айирув-чегаралов юкламалари берилган қаторни топинг.

- A. *-ми, -чи,*
- B. *-а, -я,*
- C. *Фақат, -гина, -кина*
- D. *Ҳатто, наҳот, наҳотки,*
- E. *Ҳали, -оқ, -ёқ*

7. Она билан бола гул билан лола гапидаги ёрдамчи сўзни аниқланг.

- A. *Соф кўмакчи*
- B. *Тенг боғловчи*
- C. *Юклама*
- D. *Вазифадош кўмакчи*
- E. *Эргаштирувчи боғловчи*

8. Аниқлов боғловчиси ишлатилган гапни аниқланг.

- A. *Юрт обод, чунки мустақилмиз.*
- B. *Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда.*

- С. Мақсадимиз шуки, доимо тинчлик бўлсин.
- Д. Сиз ҳам биз билан борасизми?
- Е. Фақат Ватан равнақи учун курашайлик.

9. Биз-чи, биз нима қиламиз? Юкламанинг маъно турини аниқланг

- А. Таажжуб юкламаси
- В. Сўроқ юкламаси
- С. Айирув-чегаралов юкламаси
- Д. Таъкид юкламаси
- Е. Кучайтирув юкламаси

10. Фақат ўрнида келувчи сўзни топинг.

- В. Холос
- С. Шугина
- Д. Наҳотки
- Е. Ёлғиз

11. Товушга тақлид сўз қайси қаторда берилган?

- А. Ялт-юлт
- В. Лип-лип
- С. Қалтир-қултир
- Д. Дир-дир
- Е. Қарс-қурс

12. Ҳайдаш-чақириш ундовлари тўғри берилган қаторни топинг.

- А. Ҳой, эй, эҳ
- В. Шов-шув, гумбур-гумбур, тақ-туқ
- С. Кишт, беҳ-беҳ, қурей-қурей
- Д. Шарақ-шуруқ, тарс-турс, ғунғир-ғунғир
- Е. Бундай қатор берилмаган

13. Отлашган ундов сўз қайси гап таркибида берилган?

- А. Вой, Умидамисан?
- В. Эҳ, юртимиз қандай гузал!
- С. Узоқдан тракторнинг тирилагани эшитилди.
- Д. Баргларнинг шитир-шитири қулоққа ёқимли эшитиларди.
- Е. С ва Д жавобларда.

14. Гумон, ноаниқликни билдирувчи модал сўзлар берилган қаторни топинг.

- А. Албатта, шаксиз, шубҳасиз
- В. Демак, бинобарин, балки
- С. Чамаси, ортидан, эҳтимол
- Д. Масалан, ҳуллас, ҳақиқатан
- Е. Табиий, бинобарин, зарур

39-д а р с

СЎЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ. СОДДА ВА ҚЎШМА СЎЗЛАР, УЛАРНИНГ УСЛУБИЁТИ

Д а р с м а қ с а д и: Сўзларнинг тузилишига кўра турлари бўйича талабаларнинг ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш.

- Р е ж а:** * Сўзларнинг тузилишига кўра турлари.
* Қўшма сўзлар, уларнинг содда сўз ҳамда сўз бирикмасидан фарқи.
* Қўшма сўзлар билан содда сўзлар синонимияси.



Топириқ: «Имло луғати»дан қўшма сўзларга ўнта мисол келтиринг. Қўшма сўзларнинг содда сўзлардан фарқини айтинг

Сўзлар тузилишига кўра уч турга бўлинади: 1. Содда сўзлар; 2. Қўшма сўзлар; 3. Жуфт ва такрорий сўзлар.



Фақат бир ўзакдан ташкил топган сўзлар содда сўзлар ҳисобланади. Масалан, *келди, ёндиришди, йигитларга, ғаллачилик, лалмикор, еттинчи, ўрикзор* каби.



Икки ва ундан ортиқ ўзаклардан ташкил топган сўзлар қўшма сўзлар саналади. Масалан, *ширинзабон, музқаймоқ, ишлаб чиқариш, кунгабоқар* каби.

Қўшма сўзлар тилнинг тарихий тараққиёти давомида аслида икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ташкил топган, лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назардан бу бирикув ўз кучини йўқотиб бир сўзга айланиб қолган бўлади. Шунинг учун қўшма сўз таркибида алоҳида сўз бўлиб кўринган қисмлар (*кунга-боқар, бешик-терватар, номоз-шом-гул*) ҳозирги ўзбек тилида сўзлик хусусиятини йўқотган, бир сўз таркибидаги маъноли қисм (морфема)лар саналади.

Қўшма сўзлар битта сўз бўлганидан, уларнинг қисмлари орасига бошқа маъноли қисмни киритиб бўлмайди. Масалан, *кунгабоқар* сўзининг кунга қисмидаги *-га* ни бошқа келишиклар билан алмаштириб бўлмайди. Шунингдек бу қисм эгалик, кўплик шакллари ҳам олмайди. Ана шу хусусияти билан сўз бирикмасидан ва содда сўзнинг кўмакчи феълли шаклидан фарқ қилади. Солиштиринг: *ухлаб чиқди-ухламай чиқди; кунга қаради — кун қаради* (сўз бирикмаси). Қўшма сўзлар қисмлари бирикиб битта сўзнинг таркибига айлангани учун улар кўпинча содда сўзлар билан синонимик муносабатда бўлади. Масалан, *ўсал қилмоқ-уялтирмоқ, оқ қилмоқ-ҳайдамоқ, баён қилмоқ-сўзламоқ; камчиқим-пишиқ, шифобахш-дори, ҳамнафас-яқин* ва бошқалар.



Савол ва топшириқлар

1. Содда ва қўшма сўзларнинг ўзаро фарқини айтинг.
2. Қўшма сўзларнинг ўзига хос хусусиятини баён қилинг. Сўз бирикмасидан фарқини айтинг.



373-машқ. Ясама содда сўзларга, шунингдек, қўшма сўзларга мисоллар ёзинг.

374-машқ. Гапларни кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси усул билан ҳосил қилинганлигини аниқланг. Уни содда сўзлар билан алмаштириб кўринг.

...Хатлибегим қўлидаги тасбеҳини хонтахтага қўйиб, пиёладаги шарбатдан бир ҳўплади.

— Мавлоно! Мен шўрлик сизни йўқлаб келишдан муродим, хабарингиз бор, валинеъмат давлатпаноҳ, — илоё умри узоқ бўлғай! — оғир дардга чалинмиш. Сарой тўла аллома, мушкул калом, доврўғи жаҳон ҳақимлар, бироқ шўрлик оғам ўз ёғина ўзи қовурилиб ётмиш! Дардига даво, кўнглига ором бергувчи на бир ҳабиби бор, на бир табиби. — Хатлибегим ҳарир дуррасининг учини кўзига босиб, пиқ-пиқ йиглаб юборди. — Олампаноҳнинг дардига даво қидириш ўрнига саройда иғво, фисқ-фасод! Инонган тоғлари Али Ғариб билан Абул Ҳасанак бўлса мартаба талашишдан бошқани билмас. Давлатпаноҳ оламдан ўтса, илоё, бичган кафанлари ўзлариға буюрғай! — тахтга ким ўлтиради? Шундан бошқа ташвишлари йўқ

уларнинг! Тўнғиз ўғил амир Масъуд қолиб, кичик ўғил, ақли норасо Муҳаммадни тахтга кўтармоқ режасини тузадурлар!

(О. Ёқубов)



375-машқ. Ўқинг, ясама сўзларни топиб, уларнинг ўзаги ва қўшимчаларини аниқлаб ёзинг.

1. Тушлик ўтиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин касалхона гавжум бўлиб кетади. 2. Каравот симлари асабий ғижирлаб кетди. Шунда тўсатдан юраги тез-тез гурсиллаб ура бошлади. 3. Шундай қилдики, юпқа гардишли кўзойнаги силжиб кетди. 4. Машина қора оққушдек енгил сузиб борар, ён деразадан баҳор шабадаси шиддат билан ёпирилиб кирар. Сирожиддиннинг сийрак сочлари пешонасига тушиб, ора-чора кўз ўнгини тўсиб қўярди. 5. У зина олдида етганда қўнғироқ узоқ асабий жиринглади. 6. Ўрта Осиёда Жалолиддин Мангуберди мўғуллар лашкарига қирон келтирган. 7. Асфальт йўлканинг бир чеккасида пахталик чопон кийиб олган малласоч киши ўтирарди. 8. Дошқозонга олов ёқилган, кабобпаз сихларини кўрага терган, бояги қассоб бола аллақачон қўйни тинчитган эди. 9. Чапдаст бир йигит кўзлари юлдуздек чақнаб турган оппоқ отнинг жиловидан маҳкам тутиб, дарвозадан олиб кирди. (Ў. Ҳошимов)



376-машқ. «Имло луғати»дан фойдаланиб, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларга 20 та, қўшиб ёзиладиган қўшма сўзларга 20 та сўз ёзинг, уларни изоҳланг.



377-машқ. Уйга топшириқ. «Кунларнинг бирида» номли қисқа ҳикоя ёзинг, унда қўшма сўзлардан ҳам фойдаланинг.



378-машқ. Юсуф хос Хожиб ёзиб қолдирган қуйидаги байтни баҳс-мунозарага айлантиринг.

Тил арслон турур, кўр, эшикда ятур,
Ая, эвлуг, ариққ бошингни еюр.

М а з м у н и:

Тил ҳовли (қафас)да ётган арслон кабидир,
Эй, уй эгаси, қафасдаги маккор ваҳший бошингни ейди.



379-машқ. Синтактик усул билан ясалган сўзларни кўчиринг, ясалиши ва имлосини тушунтиринг.

Жигарпора, жиноятчилик, идрокли, ибодатхона, камолот, мажнунтол, мардикор, масхарабоз, ноаҳил, ошхамир, оқпадар, сассиқпопишак, оҳактош, хонавайрон, чилонжийда, Сирдарё, тошбақа, Қорақурт, Ойкўл, қолипли, Қувасой, серғайрат, темир йўл, ғўзапоя, қултум.

Таянч тушунчалар:

содда сўзлар, содда туб сўзлар, содда ясама сўзлар, қўшма сўзлар, жуфт сўзлар, такрорий сўзлар.

40-д а р с

ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ СЎЗЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ СИНОНИМИЯСИ. ҚИСКАРТМА СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

40.1. ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ СЎЗЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ СИНОНИМИЯСИ



Икки сўзни ёнма-ён қўшиш йўли билан ҳосил қилинган сўзлар жуфт сўзлар саналади. Масалан, *қишин-ёзин, эрта-кеч, бугун-эрта* ва бошқалар. Бундай сўзлар кўпинча янги маънога эга бўлади ва содда сўзлар билан синонимик муносабатда бўлади: *қишин-ёзин-доимо, эрта-кеч-ҳамиша, бугун-эрта-(яқинда)*. Ёки умумлаштириш маъносини ифодалайди: *идиш-товоқ (рўзғор буюмлари), қалам-дафтар (ўқув қуроли), кўйлак-лозим (сарупо) каби*

Жуфт сўзлар доимо икки қиемдан иборат бўлади. Бу қисмлар зид маъноли сўзлардан (масалан, *эрта-кеч, олдин-кетин, очин-тўқин, остин-устун каби*), ёки ўзаро яқин маъноли сўзлардан (*эр-хотин, идиш-товоқ, тахта-ўқлов, ошиқ-маъшуқ каби*) ташкил топади.

1. Содда сўзлар билан синоним бўлган жуфт сўзларда тасвирийлик, таъкид маъноси кучлироқ бўлади. Масалан, *қишин-ёзин тинмайди* жумласи *доимо тинмайди* жумласига нисбатан тасвирийлироқ, таъсирчанроқдир. *Нон-пон, чой-пой, катта-катта, тез-тез, совуқдан-совуқ, дам-бадам, сўзма-сўз, унча-мунча каби сўзлар такрор сўзлар саналади.*

Жуфт ва такрорий сўзлардан ўринли фойдаланиш нутқнинг ифодалилигини, таъсирчанлигини оширади.

Юқоридаги такрорланган ёки жуфтлашган сўзларда кўпинча янги маъно ҳосил бўлади: *нари-бери (тез), унча-мунча (сал, оз) каби*. Баъзилари эса сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш, умумлаштириш учун ишлатилади: *тез-тез* (тезликни кучайтириш),

сира-сира (маънони таъкидлаш), *тун-кун* (умумлаштириш) каби.

Сўз такрорида қисмлар турли шаклда бўлади, шунга кўра улар қуйидаги турга бўлинади:

1. Ҳар икки қисм бир хил шаклда: *тоғ-тоғ, тез-тез, кўп-кўп* каби.

2. Биринчи қисм чиқиш келишигида, иккинчи қисм бош ва жўналиш келишигида: *кўндан-кўп, наридан-бери йилдан-йил(га)* каби.

3. Биринчи қисм билан иккинчи қисм ўртасида *ба,-ма* қўшимчалари қўйилади: *юзма-юз, қадам-бақадам, дам-бадам, эшикма-эшик* каби.

4. Иккинчи қисмнинг биринчи товуши фонетик ўзгаришга учрайди: *ош-пош, ора-чора, одам-подам* каби.

Жуфт ва такрорий сўзлар қисмлари ўртасига ёзувда чизикча қўйилади.

Такрорий сўзлар қисмлари ўртасида *-ма, ба-* қўшимчалари қўйилганда *-ма* биринчи қисм охирига, *ба-* эса иккинчи қисм бошига қўшилади. Масалан, *орқама-кетин, дам-бадам, зўр-базўр, зинҳор-базинҳор* каби.

Сўзларни такрорлаш ва жуфтлаш йўли билан равиш ясалганда, улар қуйидаги сўз туркумларидан бўлади:

1. От-от (*қатор-қатор, тун-кун, йилдан-йилга*)
2. Сифат-сифат (*узундан-узун, очиқдан-очиқ*)
3. Феъл-феъл (*узил-кесил, туриб-туриб, қўша-қўша, қўярда-қўймай, билинар-билимас*)
4. Олмош-равиш (*олдинма-кейин, нари-бери*)
5. Олмош-олмош (*ўз-ўзидан, ўзи-ўзича, ўзидан-ўзи*)
6. Сон-сон (*бирма-бир*)
7. Тақлид сўз-тақлид сўз (*тақа-тақ, шарт-шурт*) ва бошқалар



Савол ва топшириқлар

1. Жуфт сўз деганда нимани тушунаси?
2. Такрорий сўз деганда-чи?
3. Жуфт ва такрорий сўзлар содда сўзлардан маъно жиҳатдан қандай фарқ қилади?
4. Жуфт ва такрорий сўзлар қандай ёзилади?



380-машқ. Қуйидаги содда сўзлардан жуфт сўзлар ҳосил қилиб ёзинг.

Эрта — ..., шак — ..., олиб — ..., ора — ..., апоқ — ..., азоб — ..., дўсту..., эл — ..., ақл — ..., охир — ...

ёш — ..., кир — ..., кайф — ..., ўғил — ..., ота — ...,
 уч — ..., куч — ..., катта — ..., бўм — ..., ранг — ...,
 паст — ..., боғ — ..., турли — ..., тоат — ..., қий — ...,
 қийин — ..., туй — ..., оёқ — ..., савол — ..., еру ...,
 ёт..., ор —



381-машқ. 2 гуруҳга бўлининг. I гуруҳ зид маъноли жуфт сўзларга, II гуруҳ эса ўзаро яқин маъноли жуфт сўзларга мисоллар ёзсин. Қайси гуруҳ белгиланган вақт ичида кўп ва тўғри сўз топа олса, ўша гуруҳ ғолиб деб топилади. (Мусобақани давом эттирмоқчи бўлсангиз жуфт сўзлар иштирок этган шеърий мисоллар ҳам ёзинг).

Н а м у н а:

I. Зид маъноли
 кеча-кундуз

II. Яқин маъноли
 ота-она



382-машқ. Бир нечта сўзлар ёзинг ҳамда уларнинг қайси содда сўз билан синоним бўлишини ҳам изоҳланг.

Н а м у н а: катта-кичик (ҳамма)



383-машқ. Куйидаги жадвални жуфт сўзлар билан тўлди-ринг.

Ҳар икки қисми ҳам бир хил	Иккинчи қисм биринчи қисм-нинг фонетик ўзгаришига учраган	Б и р и н ч и қисм чиқиш келишигида бўлган	Такрорла-нувчи қисм-лар ўртасида ба,-ма ишла-тиладиган

384-машқ. Маънони кучайтириш учун хизмат қилган жуфт сўзлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.



385-машқ. Газетадан олинган куйидаги гапларни кучиринг. Сўзларнинг жуфт ва такрорий шаклларини топинг, уларнинг тузилишини ва грамматик маъноларини аниқланг.

1. Йигитнинг укаси келиб, қўярда-қўймай ка-салхонага бориб келишимни илтимос қилди. 2. Азизлар! Бир куни келиб афсус-надоматнинг заҳарли шаробини

ичмаслик учун қўлнинг кири бўлган мол-мулкни одамдан, инсоний қадр-қийматдан юқори қўймайлик. 3. Якшанба куни бирин-кетин, ўғил-қиз, неvara-ке-линлар йиғила бошлашди. 4. Яқинда туманимизда 54 та болалар боғчаларида қўрик-танлов ўтказилди. 5. Йиғилишда ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътибори билан юртимизда танилган кексалар иштирок этдилар. 6. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов мажлисда сўзлаган нутқларида йигит-қизларнинг олдиға жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ақл-заковати, куч-қудратини тўла намоён этишдек масъулиятли вазифани қўйди. 7. Тўққиз йил олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар негадир тез-тез эсимға тушади. 8. Газетамизда «Ота-онамдан олган сабоқларим» деб номланган панд-насихат тарзидаги рухн очилса. (*«Оила ва жамият»дан*)



386-машқ. Қуйидаги берилган жуфт сўзлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Эл-юрт, чойнак-пиёла, тун-кун, опа-сингил, ўрин-жой, аста-секин, узоқ-яқин, таъсир-тусир, оёқ-қўл, завқ-шавқ, мева-чева, афсус-надомат, қовун-тарвуз, оғиз-бурун, тери-таносил, сарф-ҳаражат, тоғу тош, тўй-томоша, отаю она.



387-машқ. «Мен энди «17 даман» номли матн тузинг Уни баҳс-мунозараға айлантиринг.



388-машқ. Бир сўзни қайта қўллаш орқали ҳосил бўлган жуфт сўзларға мисоллар ёзинг, улар иштирокида гаплар тузинг.

Н а м у н а: Пайдар-пай, тоғма-тоғ... Маърузачиға пайдар-пай саволлар берила бошланди.



389-машқ. Берилган халқ ҳикматларини ўқинг. Ёш олим Нажмиддиннинг ҳар бир жавобларини изоҳлаб беринг.

ЁШ ДОНИШМАНД

Ўзға мамлакатлардаги не-не мадрасаларда таълим олиб, ватаниға қайтган Нажмиддин подшоҳ бошлиқ сарой аҳли мударрисликка тайинлашдан олдин синовдан ўтказишди:

— Айтинг-чи, эй ўқимишли зот, дунёда энг жасур инсон ким?

— Фарзанди ҳимоясига бел боғлаган аёл, — жавоб берди ёш олим.

— Дунёда энг серташвиш одам ким?

— Фарзанди келажаги учун куйиб-пишадиган она!

— Оламда энг гўзал мавжудотни айтиб бера оласизми?

— Боласини эркалатаётган аёлдан гўзалроқ мавжудот йўқ.

— Энг ҳаётбахш қудрат эгаси ким?

— Аввал Оллоҳ, сўнг аёл...

Шоҳ махсус фармон билан Нажмиддинни бош вазир этиб тайинлади.

40.2 ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д а р с м а қ с а д и: Талабаларнинг қисқартма сўзлар ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш.

Қисқартма сўзлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Р е ж а: * Қисқартма сўзлар ҳақида маълумот.

* Қисқартма сўзлар ва уларнинг тўлиқ варианты ўртасидаги муносабат.

* Қисқартма сўзларни ҳосил қилиш йўллари.



Инсон ўз фаолиятида доимо оз меҳнат сарфлаб, кўпроқ натижага эришишга уринади. Бундан нутқий фаолият натижасида бир қанча барқарор бирикмаларни қисқартириш йўли билан қисқартма сўзлар вужудга келади ва бу билан нутқий ихчамликка эришилади. Масалан, *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ, Ички ишлар бошқармаси — ИИБ каби.*

Қисқартма сўзларга **аббревиатура** ҳам дейилади.

Дарҳақиқат, *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* дейишдан кўра БМТ дейиш ихчамроқ.

Шуни таъкидлаш керакки қисқартириш янги сўз ясаш эмас, чунки қисқартириш фақат сўзнинг шаклига оид бўлиб, маънога таъсир этмайди. Шунинг учун қисқартма сўз барқарор сўз бирикмасининг, тўғрироғи, мураккаб номнинг қисқартирилган варианты (кўриниши)дир. Қисқартма сўзларни айтишимиз билан унинг тўлиқ, кенгайган кўриниши хотирамизга келади. Масалан,

ДАН — Давлат Автомобиль назорати, ДТМ — Давлат Тест маркази, ДТС — Давлат Таълим стандартлари.

Қисқартириш турли йўл билан амалга оширилади.

1. Барқарор сўз бирикмаси қисмларнинг биринчи товушлари (ёзувда ҳарфлари) асосида:

БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташиқоти),

ЁТРК (Ёшлар Телерадио компанияси) каби

2. Барқарор сўз бирикмаси биринчи қисмининг биринчи бўғини, қолган қисмларнинг биринчи товушлари (ҳарфлари) асосида: *ЎзРОАК (Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси) ЎЗАС (Ўзбекистон Адабиёти ва санъати);*

3. Барқарор сўз бирикмаси биринчи ва иккинчи қисмларининг биринчи бўғини, қолган қисмларнинг тўла кўриниши: *Ўзмашхолдинг.*

4. Биринчи қисмнинг биринчи бўғини, қолган қисмларнинг тўла кўриниши: *Ўзмевахолдинг, Ўздунробита* каби. Мустақиллик даврида Республикамизнинг бошқа давлатлар билан муносабатининг кенгайиши, янги қўшма корхоналарнинг кўпаяётганлиги тилимизни ҳам турли туман қисқартма сўзлар билан бойитмоқда. Масалан, *ЎзДЭУавто, Ўзмашхолдинг, Антекс,* кибо каби. Қисқартма сўзлар асосан, ёзма нутқ услубига хосдир. Бундай сўзлар дастлаб ёзма нутқ услубида вужудга келади ва нутқимизда фаоллашиб, ҳамма учун тушунарли бўлгандан сўнг кейинчалик оғзаки сўзлашув услубига ўтади.



Савол ва топшириқлар

1. Қисқартма сўзлар деганда нимани тушунаси?
2. Қисқартма сўзлар қандай усуллар билан ҳосил қилинади?
3. Мустақиллик даврида вужудга келган қисқартма сўзларга мисоллар келтиринг ва уларни кенгайтиринг.



390-машқ. Қуйидаги қисқартма сўзларни барқарор бирикмаларга айлантириб ёзинг.

АҚШ, ДТМ, Ўзавтотранс, Тошшаҳарлойиҳа, ХХР, ИИВ, ДАН, ЎЗА, ДЭУ, АЁҚШ, ТМУ, АндМИИ, ЕХХТ, МДХ, ЎЗМУ, СамДУ, ТДИУ.

391-машқ. Гапларни ўқиб, қисқартма отларни топинг. Сўнг уларни кенгайтириб дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Самарқандда, Туркиянинг «Коч Холдинг» концерни раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон автомобилсозлик кор-

хоналари ассоциацияси — Ўзавтосаноат», «СамКОЧ-авто» ўзбек-турк қўшма корхонасида «Отайўл» русумидаги ўртача автобуслар ва юк машиналарини ишлаб чиқарилмоқда. «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон Жанубий Корея қўшма корхонасида «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқарадиган янги линия ишга тушди. Ўзбекистон 1992 йилнинг 2 март куни жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот БМТга аъзо бўлди.

МТДП 1995 йилнинг 3 июнь куни таъсис этилган. Республикамиздаги ЎЗМУ, СамДУ, ТДПУ, ФарДУ, ТДТУ, ТДЮИ, АДУ, БухДУ, НамДУ, ТерДУ каби олий ўқув юртларида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш ишлари ДТМ томонидан йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.



392-машқ. Қисқартма отларни кенгайтиринг. Сўнгра дафтарингизга кўчириб олинг.

ЎЗМУ, МДХ, ЙПХ, МХҚ, МОҚ, ЁТРК, Тошқишмаш, телерадиокомпания, биофак, матфак.



393-машқ. Қуйидаги қисқартма отларни дафтарингизга кўчириб олинг ва уларни ёдла сақлаб қолишга ҳаракат қилинг.

ЮНЕСКО — БМТнинг маориф фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (инглизча сўзларнинг биринчи ҳарфлари олинган)

ЕХХТ — Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти.

ХТХ — Халқаро Гуманитар Ҳуқуқ.

ЖИМТ — Жаҳон Интеллектуал Мулк ташкилоти.

ИХТ — Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти.

«Ўздонмахсулот» — Ўзбекистон Республикаси Дон махсулотлари концерни

ЎзДЖТУ — Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети.

ТАИ — Тошкент Авиация институти.

ТАИЧБ — Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ИИБ — Ички ишлар бўлими

ХДП — Халқ демократик партияси

АЖ — акционерлик жамияти.

ҚҚ — қўшма корхона
ФТДҚ — Ўзбекистон Республикаси фан ва техника
давлат қўмитаси.

Таянч тушунчалар: барқарор сўз бирикмалари, қисқартма
сўзлар, аббревиатуралар



УТИЛГАНЛАР ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Сўзлар нутқда қандай ҳолда ишлатилади?

- A. Якка
- B. Жупт
- C. Такрор
- D. Қўшма
- E. Барча жавоблар тўғри

2. Қандай қўшма сўзлар доим ажратиб ёзилади?

- A. Қўшма отлар
- B. Қўшма сифатлар
- C. Қўшма равишлар
- D. Қўшма феъллар
- E. Қўшма олмоқлар

3. Қандай олмошлар жуфтлашиб кела олади?

- A. Кишилик олмошлари
- B. Кўрсатиш олмошлари
- C. Ўзлик олмоши
- D. Фақат кишилик ва кўрсатиш олмошлари
- E. Барча олмош турлари жуфт ишлатила олади

4. Сон ва отдан ясалган қўшма от қайси қаторда тўғри кўрсатилган

- A. Чорсу, бешотар, Учкана
- B. Қорақалпоқ, олақарға, Оқсув
- C. Бўрикалла, эскичопон, обинон
- D. Чумчуққўз, ғозпанжа, чилонжийда
- E. Уч-тўрт, беш-олти, ўттиз-қирқ

5. Содда сон берилган қаторни топинг

- A. Мен ўн тўққизинчи мактабда таҳсил оламан.
- B. Навоий ўзининг «Лисон-ут тайр» достонини 1499 йилда яратган.
- C. Қизимиз бешинчи синфга кўчди.
- D. Ўтган йили Тўрттолга пахта тергани бордик.
- E. Орадан беш-олти йил ўтгач тасодифан учрашиб қолдик.

6. Содда туб сўз берилган қаторни аниқланг.

- A. Яшамоқ
- B. Санамоқ
- C. Тароқ
- D. Янтоқ
- E. Барча қаторларда ясама сўз берилган

7. Жуфт отлар қандай сўзлардан тузилади

- A. Шаклдош сўзлардан
- B. Маънодош сўзлардан
- C. Зид маъноли сўзлардан
- D. Ясама сўзлардан
- E. Барча жавоблар тўғри

8. Қўшма сўз берилган қаторни топинг

- A. Бўйига боқма, ўйига боқ.
- B. Илм излаган бахт топади.
- C. Ёшлар! Ширинсўз ва ҳозиржавоб бўлинг.
- D. Яхши-ёмонни ажрата олиш ҳам санъат.
- E. Дўст бошга кулфат тушганда синалади.

9. Қайси сўз туркумига оид сўзлар қисқартирилиши мумкин?

- A. Сифат
- B. Сон
- C. Феъл
- D. От
- E. Барча сўзларни қисқартириш мумкин

10. Ҳар иккала қисми якка олинганда маъно билдирмайдиган жуфт сўзни белгиланг.

- A. Ғала-ғавур
- B. Ашқал-дашқал
- C. Икир-чикир
- D. Ғадир-будур
- E. Барча жавоблар тўғри

М У Н Д А Р И Ж А

1-д а р с. Ўтилганларни такрорлаш	5
2-д а р с. Адабий тил ҳақида маълумот. Адабий тил шакллари . . .	20
3-д а р с. Лексикология. Сўз ва лексема	31
4-д а р с. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар. Кўчма маънолар ва уларнинг турлари	40
5-д а р с. Метафора ва унинг услубийети. Метонимия ва унинг услубий хусусиятлари	46
6-д а р с. Синекдоха ва унинг услубий хусусиятлари. Вазифадошлик ва унинг услубийети	52
7-д а р с. Атама ва атамашунослик. Атамашунослик муаммолари	58
8-д а р с. Ўзбек тили лексикасининг ривожланиши. Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари	66
9-д а р с. Қўлланилиш доираси чегараланмаган ва чегараланган сўзлар. Номшунослик	77
10-д а р с. Омонимлар ва уларнинг нутқдаги аҳамияти. Синонимлар ва уларнинг услубий хоссалари	87
11-д а р с. Антонимлар ва уларнинг услубий хусусиятлари. Такрорлаш	97
12-д а р с. Барқарор бирикмалар. Барқарор бирикмаларнинг таснифи	102
13-д а р с. Мақоллар. Маталлар	109
14-д а р с. Ҳикматли сўзлар (афоризмлар). Такрорлаш	115
15-д а р с. Ўзбек лексикографияси (луғатшунослиги). Энциклопедик луғатлар ва улардан фойдаланиш	121
16-д а р с. Филологик луғатлар ва уларнинг типлари. Изоҳли луғат. Таржима луғат. Улардан фойдаланиш	126
17-д а р с. Имло луғати ва этимологик луғат ҳамда ундан фойдаланиш	131
18-д а р с. Услубият ва нутқ услублари таснифи. Сўзлашув услуби	137
19-д а р с. Публицистик услуб. Бадиий услуб	143
20-д а р с. Расмий услуб. Илмий услуб	152
21-д а р с. Морфология ва унинг ўрганиш объекти. Сўз туркумлари	160
22-д а р с. От ва унинг услубий хусусиятлари	169
23-д а р с. Сифат ва унинг услубийети	192
24-д а р с. Сифат даражаларининг услубий хусусиятлари. Сифат ясовчи қўшимчаларнинг услубий хоссалари	200
25-д а р с. Сон ва унинг услубий хусусиятлари	214
26-д а р с. Сон ва ўлчов сўзлар. Сонларнинг услубий хусусиятлари	220
27-д а р с. Олмошларнинг маъно хусусиятлари	229
28-д а р с. Келишиқ қўшимчалари ва уларнинг услубий хоссалари. Эғалиқ шакллариининг услубий хусусиятлари	237

29-д а р с. Феъл ва унинг услубий хусусиятлари	248
30-д а р с. Нисбат шакллари услубиёти. Майл қўшимчаларининг услубий хоссалари	254
31-д а р с. Шахс-сон қўшимчаларининг услубий хусусиятлари. Замон қўшимчаларининг услубий хусусиятлари	265
32-д а р с. Феълларнинг ясалиши. Қўшимчалар ёрдамида феъл ясаш. Сўз қўшиш билан феъл ясалиши ва унинг синонимияси	279
33-д а р с. Кўмакчи феъллар ва уларнинг вазифалари. Бўлишли ва бўлишсиз шаклларнинг услубий хусусиятлари	284
34-д а р с. Равишларнинг услубий хоссалари	294
35-д а р с. Ёрдамчи сўзлар. Кўмакчилар ва уларнинг услубий хусусиятлари	306
36-д а р с. Боғловчилар ва уларнинг услубий хусусиятлари	314
37-д а р с. Юкламалар ва уларнинг услубий хусусиятлари	321
38-д а р с. Ундов ва тақлид сўзлар, уларнинг услубий хусусиятлари. Модал сўзлар ва уларнинг услубиёти	327
39-д а р с. Сўзларнинг тузилишига кўра турлари. Содда ва қўшма сўзлар, уларнинг услубиёти	337
40-д а р с. Жуфт ва такрорий сўзлар ҳамда уларнинг синонимияси. Қисқартма сўзлар ва уларнинг услубий хусусиятлари	341

Абдуҳамид НУРМОҶОВ
Абдулҳай СОБИРОВ
Шоҳида ЮСУПОВА

ҲОЗИРҒИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002

Муҳаррир Ҳ. Султонова
Бадий муҳаррир А. Мусахўжаев
Техник муҳаррир Р. Бобохонова
Компьютерда саҳифаловчи Т. Огай
Мусахҳиҳ Н. Муҳамедиева

Теришга берилди 20.06.2002. Босишга рухсат этилди 23.08.2002.
Бичими 84x108^{1/16}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 19,32. Нашриёт-ҳисоб табоғи 17,7. Адади 10000 нусха. Буюртма
№ 3685. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41

